Истиқлол айёми муборак бўлсин!

2005 YIL 31 AVGUST, CHORSHANBA


Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Sotuvda erkin narxda

Ўзинг менинг улуғлардан улуғимсан, Ватаним!



Газетамизнинг ушбу рангли-безакли сони азиз муштарийларимизга байрам туҳфаси сифатида тақдим этилади. Унда мамлакатимиз аҳлининг истиқлол йилларидаги серқирра фаолияти ҳикоя қилинади.

Дил сўзлари



Мартия РАҲМАТОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони, "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти йигирув цехи ишчиси:

— Ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа 1999 йилда рўй берган. Ўша йили Президентимиз Фармонларига кўра "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Юртбошимиз қўлларидан ушбу мукофотни оларканман, "Бу ёруғ кунларни кўрмаган раҳматли отам бир деҳқон сифатида пахтани Ўзбекистонда қайта ишлашни, уни тугал маҳсулотга айлантиришни орзу қилгандилар. Ана шу орзуни рўёбга чиқарганингиз учун сизга минг таъзим", деганим ёдимда. Президентимиз ўшанда "Бу орзу нафақат дадангиз, бутун халқимиз армони эди. Энди шу орзуларнинг тўла рўёби учун фидокарона ишлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз" дегандилар.

Бекиёс бунёдкорлик ишларига йўл очган Мустақиллигимизни нон каби қадрлайлик, тинчлигимизни асрайлик.



Масами ВАКАЭ,
Сока Университети ректори, Токио шаҳри:

— Университетимиз олдида жаҳон тамаддуни ривожига катта ҳисса қўшган, асрлар давомида бутун дунё халқлари учун бирдек қадрли бўлиб келаётган жаҳоннинг ўн бир нафар улуғ сиймолари қаторида буюк шоир Алишер Навоийга ҳам ўртатилган ҳайкал биз учун ниҳоятда эъзозли. Истиқлолининг 14 йиллигини нишонлаётган ўзбек халқини бу айём билан чин дилдан муборакбод этаман. Япон ва ўзбек халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги боқий бўлсин.



Раъно ВАЛИЕВА,
Қизилтепа туманидаги "Валибобо" фермер хўжалиги раҳбари:

— Истиқлол имкониятидан фойдаланиб мулк эгаси бўлдим. Эллик гектар ерим бор. Олаётган даромадим йил сайин ошиб, рўзғоримиз бут, турмушимиз фаровон бўлаётир. Фарзандларим кўзида қувонч, хотиржамлик. Она учун энг олий бахт шу эмасми?

Осуда, файзли кунларимизга кўз тегмасин.



Имомали НАЗАРОВ,
Ўзбекистон туманидаги "Умид" фермер хўжалиги раҳбари:

— Мустақиллик туфайли деҳқоннинг косаси оқарди, бири икки бўлди. Қадр топди.

13 йил олдин фермер хўжалигини ташкил этдим. Ўтган йиллар давомида фермер хўжалигим ривожланиб йирик хўжаликка айланди.

Мен каби мулкдор бўлиб, эл фаровонлигига ҳисса қўшмоққа бел боғлаган юртдошларимиз сафи тобора кенгаймоқда.

Орзулар рўёби

Ўзбек халқининг асрий орзуси ушалиб, юртимиз мустақиллика эришганига ҳам 14 йил бўлди. Бугун Ватанимиз пойтахти Тошкентда, барча шаҳар ва қишлоқларимизда байрам шукуҳи. Юртдошларимиз қалбида қувонч, юзида табассум. Ахир бугун юртимизда энг улуғ ва энг азиз байрамимиз - Мустақиллик куни шодиёнаси.

Албатта, тўй-тантана, ўйин-кулгу тинч юртга ярашади. Шукрки, юртимизда осойишталик ҳукмрон, элимизнинг дастурхони тўкин, кўнгли хотиржам. Асли буюк саодат ана шунда эмасми? Кексаларимиз дуога қўл очганда бежиз Яратгандан юрт тинчлиги, кўнгил хотиржамлиги, элимизнинг омонлигини сўрашмайди.

Бугун Ўзбекистонни дунёда тинчлик ва осойишталик учун оёққа қалққан давлат сифатида тан олишмоқда. Буни юртимизга нисбатан қарагувчилар англаётган бўлса, бу ҳам ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.

Нигоҳ

Ўзбекистон жаҳон миқёсида Марказий Осиё ҳудудида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун мустаҳкам пойдевор ва кафолатларни ташкил қилиш тарафдори бўлиб турибди.

Одатда тарих солномасига янги зарварақ қўшилар экан, қилинган ишларни сарҳисоб этишга чоғланамиз. Ўтган кунларимиз фақатгина ютуқлару интилиш, изланиш эвазига муваффақиятлар инъом этмаганига, Ер юзида глобаллашув қулоч ёзаётган бир дамда инсоният учун хатарли, таҳликали, мураккаб синовлар ҳам юртимизни, юртдошларимизни четлаб ўтмаганлигига амин бўламиз.

(Давоми 2-бетда)

Орзулар рўёби

(Боши 1-бетда)

Айни чоғда терроризм аталмиш балойи азим инсоният боши узра ўзининг мудҳиш қўланкасини ташлаб турар экан, тўла-тўкис хотиржамликка берилиш учун асос йўқ. Чунки бу офат бизнинг бошимизга ҳам анчайин мусибат ёғдирди. Шу йилнинг 13 май куни Андижонда юз берган фожиаларнинг оғриғи босилганича йўқ.Бу нохуш ҳодисаларни кимлар, нима сабабдан ва нима мақсадда содир этганлигини яхши биламиз. Улар Ватан, Миллат, Истиқлол сингари улуғ тушунчалардан бехабар бир ҳовуч хоин бандаи гумроҳлар, холос. Зулм, ёвузлик, шафқатсизлик ҳамиша мағлубиятга учрайди. Тинчлигимизга раҳна солмоқчи бўлаётган хунрезлар ҳам ўз манфур истакларига эриша олмасликлари кундек равшан. Аммо Андижонда содир этилган террористик хуруж, бундан яраланган юрагимизга баъзи ғаламисларнинг туз сепишга уринишлари, аммо ўзбек халқининг мардоналигидан попуги пасайгач, Ўзбекистонни, ўзбекистонликларни жаҳонда обрўсизлантиришга ҳаракат қилганликларини унутганимизча йўқ. Шу йилнинг 19 август куни Олий Мажлис Сенати Кенгаши мажлисида ҳам Президентимиз ўз нутқида ана шу масалага эътибор қаратди.

Чиндан ҳам мазкур мажлисда таъкидланган каби бу фожиа ғанимларимизнинг тегирмонига сув қуйишга, уларнинг бизга қарши маломат тошларини ёғдирган информацион хуружларига сабаб бўлди. Ана шундай ғаразли кучларнинг уйдирмалари Ўзбекистонни бадном қилиш учун уринишларга, мамлакатимизга нисбатан мутлақо асоссиз айблар қўйилишига олиб келди. Буни барчамиз тушунишимиз керак.

Юртимизни обрўсизлантиришга уринганлар хомтама бўлмасинлар. Ҳақиқатни маҳв этиб бўлмайди. Халқимиз топиб айтган: ит ҳуради – карвон ўтади.

14 йил кўз очиб-юмгунчалик лаҳзага тенгдай кўринади. Демак, вақт югурюклиги рост экан-да. Ахир кечагина борлиққа ҳайрат нигоҳини қадаган гўдак бугун балоғат остонасини ҳатлаб турибди. Кўнглида эзгу орзулар, вужудида шиддат бор.

Худди шундай, бугун бундан 14 йил олин тилга олина бошланган “Истиқлол” сўзининг тафтини ҳис қилолмаганлар, ўз арабамизни ўзимиз тортиб кетишимизга истеҳзо, шубҳа билан қараганлар ўтган давр мобайнида ҳаётимизнинг барча жабҳасида кечган ва кечаётган шиддатнинг гувоҳи бўлаётирлар.

Дарҳақиқат, бизнинг порлоқ келажак сари йўл олган залворли Карвонимиз, оқил ва одил Сарбонимиз бор. Бу улуғ карвон ҳозирга қадар 14 довонни босиб ўтди. Бу йўлда турфа хил машаққатлар, ғов-тўсиқлар ҳам учради. Аммо биз уларни ўзимизнинг мустаҳкам иродамиз ва қатъийлигимиз билан енгиб ўтдик. Эришаётган ютуқларимизни ҳеч ким инкор этолмайди. Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, қишлоқ хўжалиги, саноат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, таълим, маданият, спорт каби соҳаларда узоқни кўзлаб олиб борилаётган залворли ислоҳотлар қисқа фурсатдаёқ ўз самарасини бермоқда. Ҳуқуқий-демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги собиткадамлиги, оқилона, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига эга бўлмоқда. Ҳа, бугун Ўзбекистоннинг дунё бўйлаб ўз овози, ўз ўрни бор. Буларнинг бари муаззам истиқлолимиз шарофати.

Эзгу мақсадлар, нурли манзилдар, фаровон келажак кутмоқда бизни. Бу йўлда сизу биз, барчамиз, бутун Ўзбекистон аҳли ҳамжиҳат, ҳамнафас, ҳамқадам бўлмоғимиз шарт.

Миллатнинг буюклиги унинг авлодларга қолдираётган мероси билан ўлчанади. Демак, озод ва обод юртни кафтимизда авайлаб, аждодларимизнинг маънавий меросини наинки асраб, балки уни янада бойитиб эртанги авлодга тақдим этиш муқаддас бурчимиздир. Зеро, эрк учун курашган, озодлик йўлида фидойиларча кўксини қалқон қилган ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Табиат мўъжизаларга тўла: четдан қараганда оддий япроқлар ернинг, қуёшнинг тафтини-меҳрини соғинаркан.

Инсон-чи? Уни киндик қони тўкилган тупроқдан, қадрдонлар муҳаббатидан, айниқса, жондан азиз Ватанидан айро тутиб бўлармикан? Асло!

Бугун, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида қутлуғ байрамимиз нафаси уфуриб турган, озод кўнгиллар шодликдан энтикаётган айни дамда мана шу ҳақиқат янада барала янграмоқда. Ахир биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз.

Энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муборак бўлсин, азизлар!



Хотира ёғдуси

Бугун ўзбек диёрида истиқомат қилаётган халқлар чор ва совет ҳокимияти йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларини ёд этиб, уларнинг ёрқин хотираси олдида таъзим бажо қиладилар. Улар қачон ва қаерда ҳалок бўлган бўлмасинлар, биз, пойтахтликлар, уларни “Шаҳидлар хотираси” зиёратгоҳига, бошқа шаҳарларда умргузаронлик қилаётган юртдошларимиз эса ўз масканларидаги Хотира майдонларига бориб, рамзий ёдгорлик қаршисида бош эгадилар.

Ана шу бир-икки дақиқалик таъзим вақтида биз ўзбек диёрининг мустақил ва тараққий этган мамлакат бўлишини орзу қилган, шу қутлуғ йўлда фаолият ва кураш олиб борган қатағон даври қурбонларини ҳурмат билан ёд этиб, “Ётган жойингиз момиқ, охиратингиз обод бўлсин, табаррук зотлар”, деймиз. Уларнинг тирик руҳлари олдида мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида меҳнат қилишга ваъда берамиз, уларнинг хоҳиш-иродасини ҳаракатга келтирган Ватанга бўлган, озодлик ва мустақилликка бўлган муҳаббат бизнинг, бугунги авлодларнинг юрагида жўшиб турганини билишларини истаймиз...

Ҳали самолётлар кашф этилмаган, темир йўл транспорти эса тармоқ ёзмаган даврларда ота-боболаримиз Гарбий Германия ва Францияга, Шарқдан Японияга бориб, шу мамлакатлардаги халқларнинг турмуш тарзи, маорифи ва маданияти билан танишганлар. Ўша пайтлардаёқ уларда ўзбек диёрини илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқиш ғояси туғилган. Афсуски, қарийб 130 йил давом этган мустамлакачилик йилларида уларнинг бу орзу-армонларини рўёбга чиқариш имкони бўлмади. Негаки, маориф ва маданияти равнақ топган халқнинг мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун ҳам мустамлакачилар янги очилган мактаблар эшигига қулф солишга, ҳуррият ғояларини тарғиб қилган газеталарни ёпишга, миллатни уйғонишга чақирган зиёлиларни йўқ қилишга уриндилар. Чор ҳокимияти бошлаб берган бу қувғин советлар даврида қирғинга айланди. Ўзбек халқининг ор-номуси ва маънавий раҳнамоси бўлган маърифат ва маданият намояндалари қатағон этилди.

Инсоният ўз тарихи давомида кўплаб даҳшатли воқеаларни бошидан кечирган. Қирғинлар, қамашлар, талашлар оз бўлмаган. Лекин қирғин қилинган халқ вакилларини фақат советларгина “босмачилар” деб атади. Ноҳақ қамоққа олинган ва отиб ташланган халқнинг асл фарзандлари манглайига фақат советларгина “халқ душманлари” деган тамғани босди. Фақат советларгина ўзи ўйлаб топган туҳмат асосида минглаб ватандошларимизни ҳибсга олиб, уларни ватанидан жудо этган ҳолда Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларидаги мудҳиш қамоқхоналарда қийнаб, сўнгра қизил хаританинг энг олис ва борса-келмас нуқталаридаги лагерларга юборди. Фақат советларгина бу ажал тегирмонларига “меҳнат-тузатув лагерлари” деб ном берди.

Иссиқ ўлкада яшаган киши учун энг катта азоб ёз деган нарсани билмаган совуқ ҳудудларда яшаш ва ишлашдир. Агар ўзбек халқининг Мунаввар қори Абдурашидхонов сингари фарзандлари Москвада отиб ташланган бўлсалар, Саидносир Миржалилов ва Боту сингари сиймоларимиз Соловец оролларига, Элбек сингари шоирлар эса абадий музликлар ўлкаси – Колимага жўнатилди. Юзлаб ватандошларимиз Москва – Волга канали қурилишларида ва бошқа жойларда совуқдан музлаб, ҳалок бўлиб кетдилар...

Инсоният тарихи ўз халқига, ўз фуқароларига нисбатан бундай шафқатсиз бўлган бошқа бир давлатни кўрган эмас.Республикамизнинг ўша пайтдаги раҳбарлари совет давлатининг қандай разил давлат эканини, бу давлатни идора қилаётган кишиларнинг қандай қабиҳ кишилар эканини яхши билишган. Шунинг учун ҳам Файзулла Хўжаев баъзи бир дўстона йиғилишларда халқ ҳофизи Қори Ёқубов ижросида Фитратнинг аламнок шеърларини эшитишни хуш кўрган. Тергов ҳужжатларида айтилишича, у шундай кечаларнинг бирида кўнгли тўлиб, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлабди. На дўстлари ширин сўз билан, на Қори Ёқубов шўх ашуласи билан овута олмабди. Шунда воқеадан хабар топган онаси фарзандининг қошига келиб, бошини силабди-да: “Ўғлим, нега йиғлаяпсан? Подшо ҳам йиғлайдими? Ахир сен каттагина бир юртнинг подшосисан!” деб юпатмоқчи бўлибди. Шунда Файзулла Хўжаев: “Она, сен подшони эмас, қулни туққан экансан! Қулни! Мен қулман!!! Биласанми, Маскавнинг айтганини қилмасам, нима бўлади? Мен, сен айтгандек, подшо бўлсам ҳам, Маскав калламни олади!” дея яна баттар ҳўнграб йиғлаган экан.

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим.
Ишимни ҳурмат қилур,
Гуллардан ҳайкал қурур,
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим!

Усмон НОСИР

Файзулла Хўжаев сингари республикамизнинг айрим раҳбарлари совет даврида қанчалик катта мавқега эга бўлган бўлсалар-да, ўзларининг “Қўғирчоқ раҳбар” эканликларини яхши билардилар. Шу сабабдан улар етмиш йил давомида республикамизда олиб борилган қирғин-қатағондан бирор кишини ҳам ҳимоя қилиб олиб қололмаганлар.

Бугун Ўзбекистоннинг жаҳондаги мустақил мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олганини ана шу факт кўзгуси оша кўрадиган бўлсак, ўзбек халқининг тақдирида, мамлакатимизда яшовчи барча халқларнинг тақдирида оламшумул ўзгаришлар рўй берганига амин бўламиз.

Мустамлакачилик йилларида қатағон этилган аждодларимиз ўзбек тупроғида ҳуррият гулларининг чаман бўлиб очилишини, ўзбек осмонида ҳуррият қушиқларининг янграшини, ватандошлари чеҳрасида эса бахт ва саодат жилваларини кўришни орзу қилган эдилар.

Бугунги кун – улар орзу-армонларининг ушалган кунидир. Бу – истиқлол шарофати, мустақиллик инъом этган бебаҳо неъматдир.

Наим КАРИМОВ,
“Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раиси.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Бошқаруви ва жамоаси, “Ким ошди савдолари” агентлиги жамоаси Сиз азизларни энг азиз ва табаррук байрамимиз она-Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги билан қизғин муборакбод этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Рахимов Тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, М.Ўразбоев кўчаси, 1 “а” уй. Телефонлар: 136-26-26, 136-15-28, 399-80-26. Факс: 136-06-17, www.rkmb.uz

Мустақиллик юртимизнинг ҳар бир фуқаросига насиб этган энг олий саодат. Чунки Истиқлол боис барчамизга мулкдордик, мулк эгаси бўлиш ҳуқуқи берилди. Бу имкониятдан унумли фойдаланган кам бўлмайли.

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус, Тошкент шаҳарлари ҳамда барча вилоятлардаги филиаллари, “Ким ошди савдолари” агентлиги бундан буён ҳам ҳукуматимиз томонидан изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий сектор улушини ошириш, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири хусусийлаштиришга ҳисса қўшиш, мулкдорлар сафини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш жараёнида юртдошларимиз, ишбилармон ва тадбиркорлар, хорижлик сармоядорларга ишончли ҳамда сифатли хизмат кўрсатишдан мамнун эканини билдиради! Мустақиллигимиз абадий бўлсин! Меҳнаткаш ва яратувчан халқимизнинг боши доимо омон бўлсин!

Сўлим ва обод гўша


Ҳа, Андижоннинг Хонобод шаҳрига умрида бир бор келган одам ҳам бу таърифга қўшилади. Қорли чўққилари осмонларга туташ Тян-Шан ва Помир – Олой тоғлари қадим Кампирровот дарасида туташиб кетган. Ҳудди шу жойда Қорадарё сувини водий далаларига тақсимлайдиган қадимий сув айригичлар бўлган. Бир томондан улкан тоғлар, иккинчи томондан водийнинг остонаси ҳисобланган шу жой табиати сўлим ва гўзаллиги боис хонларни ҳам ўзига чорлаган.

Қадимдан маълумки, хонлар ташриф буюрган масканлар азал-азалдан ободлашиб бораверган. Шу-шу Кампирровот дараси атрофидаги қишлоқ Хонобод номини олган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида айни Кампирровот дарасида, икки тоғ туташайтуташай деган жойда Андижон сув омбори қурилиши масаласи юзага келди. Узоқ муддат давомида лойиҳа қидирув ишлари олиб борилгач, сув омбори қурилиши бўйича ҳукумат қарори қабул қилинди. 1969 йили эса тўғонга дастлабки бетон қўйилди. Қурилиш авж олган сари қадимий Хонобод қишлоғи ҳам улкан бунёдкорлик марказига айлана борди. 1972 йил 3 май куни Хонобод қишлоғига шаҳар мақоми берилди, Солижон Меҳмонов биринчи раҳбар этиб сайланди.

Умрининг 20 йилини шаҳар ривожига бахшида этган бу инсон ҳақида ҳар бир хонободлик ҳамиша катта эҳтиром билан сўзлайди. Тоғлардан туташ адирлар бағридаги қишлоқни шаҳарга айлантириш йўлида тиним билмаган Солижон Меҳмонов бу ерда аввало табиий гўзалликлар яратишга интилди. Бу эзгу мақсадини ҳамюртлари қалбига ҳам сингдира олди. Кундан-кунга, йилдан-йилга шаҳар ҳар томонлама чирой очди. Улкан сув омбори билан бир вақтда қатор саноат корхоналари, турар-жой массивлари, ижтимоий инфратузилма тармоғи вужудга кела бошлади.

Хонободликлар меҳмонларга мезбонлик қилишаётган чоғларида албатта шаҳарнинг ҳар бир кўчаси, хиёбони, боғи ва эндигина бўй кўрсатаётган дов-дарахтгача таърифлашни ёқтиришади. Кўчадан кўчага, хиёбондан хиёбонга ўтаверасиз. Шаҳар марказидаги осма йўл ўриндиғига ўтириб, очиқ ҳавода бир километр йўл юрганингиздан сўнг Хонтоққа етасиз. Хонтоғ дегани Хонобод шаҳрининг адирлар бағридаги иккинчи маркази. Бу ердан кўринган шаҳар янада гўзал манзара кашф этади. Зеҳн



билан қарасангиз, шаҳар учпоғонадан иборат эканлиги шундоқ сезилади. Хонтоғдан эса қорли тоғлар бамисоли кафтингизда тургандек кўринади. Шу ерда ихчамгина гуллар водийси бор. Бу гуллар шу қадар ранг-барангки, кунининг ҳар қандай вақтида келсангиз, кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Бу гулларнинг турларини санамоққа чоғланасиз-у, асло бунинг уддасидан чиқолмайсиз. Чунки бу ерда дунёнинг турли жойларидан келтирилиб, иқлимга мослаштирилган 200 дан зиёд хилдаги гуллар бор-да!



Хонобод шаҳри наинки гулзорларга бой. Шаҳар ҳокимлиги ёнида икки туп лола дарахти ўсиб турибди. Сал нарироқда Япон олчаси, ҳовуз бўйида эса магнолия бор. Солижон ака Меҳмонов одамларга меҳрибон, табиатга меҳрибонлик қилмаганларга эса қаттиққўл эди. Ҳалигача шу одат одамлар кўнглида мустаҳкам ўрнашган. Шаҳарни яшилликка буркаган бир неча юз минглаб дарахтлар қачон ва кимлар томонидан экилганлиги тилдан тушмай авлоддан авлодга етказилади. Гўзалликка ана шундай ёндашув туфайли Хонобод шаҳрида 150 хилдан зиёд дарахт ва ўсимлик барқ уриб ривожланяпти. Айни вақтда уларни янада кўпайтириш ҳаракати бир зум ҳам тўхтаб қолганича йўқ. Қарийб юз киши меҳнат қиладиган ободонлаштириш бошқармаси ва унинг қарамоғидаги алоҳида кўчатчилик хўжалиги боғбону мутахассислари яшил хиёбонлар барпо этиш йўлида тинимсиз изланяптилар. Бу изланишларга 36 минг кишилик шаҳар аҳли елкадош.

Ҳа, хонободликлар ўз шаҳрини севишади, фахрланишади. Мўъжазгина шаҳарчада бир эмас, иккита маданият ва истироҳат боғининг бунёд этилганлиги, бу боғлар бағридаги улкан ҳовузлар, спорт майдонлари, бир пиёла чойи ҳар қандай чарчоқни ёзар чойхоналари, ранг-баранг яшиллик одамларни ҳамиша ўзига чорлаб туради. Иссиқ кунлар бошланиши билан шаҳарга дам олгани келувчилар шу қадар кўпаядики, мезбонларнинг қўли-қўлига тегмайди. "Паҳлавон" спорт мажмуида миллий кураш бўйича водий полвонларининг чиқишлари давом этаверади. Ҳар йили шаҳар ташкил этилган 3 май куни да алоҳида байрам ўтказилади. "Шаҳар куни" деб номланган бу байрам бамисоли кўрик-танловни эслатади. Бундан меҳмонлар ҳам албатта бир олам қувонч олади. Орадан икки кун ўтгач, Ўзбекистон халқ артисти, кулги дарғаси Сойиб Хўжаев хотираси учун хонободликлар юртдошларига ўз ҳурматини бажо келтирадилар. Ҳар йили 5 май куни ўтказиладиган бу анъанавий кечада республикамизнинг энг машҳур қизиқчиларидан тортиб, ёш бошловчиларга қадар бир саҳнада йиғилганларни хурсанд этадилар.

Андижон сув омборини хонободликлар "кумуш коса"га қиёслашади. Бу таъриф ҳақиқат. "Кумуш коса"дан тошиб чиқаётган зилол сув шаҳар бўйлаб водий томон ўнлаб сой, канал ва ариқларга бўлинади. Шунинг ўзи шаҳар ҳавосининг мўътадиллигини таъминлайди. Хуллас, Хонобод шаҳри ўзининг кўриниши, кўркамлиги ва обҳавоси билан Швейцариянинг Ўзбекистондаги кўринишини намоён етгандай, дейсиз.

Ҳар бир гўшанинг тарихини ўрганишга бел боғлаган одамлари бўлади. Ҳусанбой Назиров Хонободнинг тарихнависларидан бири. Қарийб 30 йилдан буён маънавият ва маърифат ишларида фаоллик кўрсатаётган бу инсон билан Хонобод ўтмишига, бугуни ва эртасига бемалол сайр қилаверасиз. У ўз шаҳри ҳақида гапирганда унинг фидоийлиги, юртсеварлигини ҳис қиласиз. Ҳусанбой Назиров билан мулоқотимизда шаҳарнинг иқтисодий ривожланиши ҳақида сўз очдик. Ана шунда шаҳар ҳокимининг ўринбосари Расулжон Рустамов билан ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги ишлар хусусида суҳбатлашдик. Р.Рустамов шаҳарда 12 та маҳалла фуқаролари йиғини борлигидан тортиб, боғчаларда тарбияланаётган фарзандларимиз сонигача, бир йилда қанча бола биринчи синфга бордию, қанчаси мактабни тамомлашигача, сўнгги йилларда барпо этилган мавжуд 4 та коллежнинг талабалари ишга бораётган корхоналаргача сўзлаб берди. Ҳозир шаҳарда 5 та саноат корхонаси, 4 та қурилиш ташкилоти, 2 та транспорт идораси бор. Кичик ва ўрта бизнес ривожланиб боряпти. Шаҳарда илк бор ташкил этилган "Тарандубител" ҳиссадорлик жамияти давлат дастури асосида қўллаб-қувватланяпти. Ҳадемай, бу ерда ўнлаб турдаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бунинг учун эса корхонада етарли ишчи кучи ва имконият бор. Сенатор Ёркинбой Одилов раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон – Россия "Андижонкабел" қўшма корхонаси шаҳарнинг фахри. Мазкур корхона йилдан-йилга олдинга қадам ташламоқда. Шу йилнинг 6 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 миллиард 431 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати 143 фоизни ташкил этди. Энг муҳими, корхонада ишлаб чиқарилган 10 миллиард 241 миллион сўмлик маҳсулотнинг қарийб 80 фоизи хорижга экспорт қилинди. Замонавий технологияга асосланган ушбу корхона компьютер технологияси колледжи билан яқин ҳамкорликда бўлиб, бу ерда таълим олаётган талабаларга ғамхўрлик кўрсатмоқда.



Асакадаги "ЎзДЭУавто" корхона учун электр жиҳозлари тайёрлашга ихтисослашган "ЎзКоджи" Ўзбекистон – Корея қўшма корхонаси ҳам кундан-кунга ривожланмоқда. Шу йилнинг 6 ойида 6 миллиард 617 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 78 фоизга кўпайди. Аниқроқ қилиб айтсак, "ЎзДЭУавто" машиналари учун 50982 та бутловчи қисм етказиб берилди. Корхонада салкам 400 киши меҳнат қилади. Уларнинг ўртача иш ҳақи 100 минг сўмга тўғри келяпти.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги "Андижон ГЭС" корхонаси шаҳардаги экологик жиҳатдан ноёб корхона ҳисобланади. Мазкур корхона 1983 йилдан буён соатига 140 минг килоВатт энергия ишлаб чиқармоқда. "Андижон ГЭС" раҳбари Турсунбой Мирзарахимовнинг айтишича, бу ерда 108 нафар киши меҳнат қилади. 6 ой мобайнида 289,2 миллион килоВатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Даромад ҳам шунга яраша.

Айни кунларда шаҳардаги "Хонбуғда" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида давлат дастури асосида маиший буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу иш ниҳоясига етгач, корхонада ихчам рангли ва оқ-кора русумдаги телевизорлар тайёрлана бошланади. Ноёб корхоналар сирасига кирувчи "Электроникс" ҳиссадорлик жамияти ҳам хорижлик инвесторларга тақдим этишга тайёрланмоқда. Шунингдек, кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш ва бу орқали янги ишчи ўринларини яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Шаҳар ҳокими Абдуғофур Абдурахимовнинг таъкидлашича, шаҳарнинг истиқболи порлоқ. Ҳозирда ишлаб турган корхоналарнинг қувватларини янада ошириш, тўхтаб қолганларини ҳаракатга келтириш билан кўп муаммолар ўз ечимини топади. Энг муҳими, шаҳар иқтисодиёти ўз юкини ўзи кўтармоқда. Мақсадимиз ривожланиш йўлини изчил давом эттиришдир. Негаки, ёш авлод ўсмоқда, уларга муносиб ҳаёт яратиш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тузилмаси барқарор ривожланиши муҳимдир.

Республикамиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Хонобод шаҳрида бўлган чоғимизда шуни англадикки, одамлар янгича қараш ва фикрга эга бўлиб боришяпти. Бугуннинг ютуқларидан эртанги келажакни яратишга интилишлари баланд. Биз жуда кўплаб хонободликлар билан суҳбатлашганимизда ана шу жиҳатларни илғаб олдик.

Сўзимизнинг бошида Хонобод шаҳрини Ўзбекистоннинг Швейцариясига қиёслаган эдик. Бу қиёс мустақиллик йиллари давомида ўзгача кўринишда намоён бўлаётир. Шаҳарнинг энг юқори қисмида барпо этилаётган "Хонобод санаторийси" ва 100 гектарлик ёнғоқзор боғ ҳадемай мамлакатимиз аҳлини ўзига чорлайди. Ишончимиз комилки, ўшанда бу ерга келганлар хонободликларнинг ўз шаҳарларидан фахрланишга қанчалар ҳақли эканликларига яна бир бор гувоҳ бўладилар.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири. Х.АРАББОЕВ олган суратлар.







Ўзбекнинг ризқи

Дон - азалдан бани башарнинг ризқ-рўзи, насибаси саналиб келган. Мамлакатимиз тарихидан ҳикоя қилувчи манбаларнинг гувоҳлик беришича, бундан бир неча минг йиллар илгари она заминимизда ғаллачилик тараққий эта бошлаган.

Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнг ҳамма соҳаларда бўлгани каби ғаллачиликда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Юртимиз том маънода ғалла мустақиллигига эришди. Бу йил ҳам ўзбек деҳқонлари серҳосил далаларимиздан беш миллион тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб, бу борадаги давлат мажбуриятини ортиғи билан адо этишди. Деҳқоннинг уйи буғдойга тўлди.

Жорий йилда компания томонидан мамлакатимизнинг фермер ва ширкат хўжаликларидан 2 миллион 642 минг тоннадан ортиқ сифатли дон қабул қилиб олинди. Мамлакатимиз Президентининг шу йил 16 майдаги ПҚ-76-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан ғалла ўрим-йиғими мавсумида хўжаликлар йиғиштирилган ҳосилни 192 қабул масканига етказиб беришди. Уларнинг 111 тасини дон қабул қилиш шохобчалари ташкил этади. Шунингдек, ғаллакорларга 2005 йил ҳосилини қабул қилиб олиш учун тизим корхоналарида 1849,2 минг тонналик элеваторлар, 1069,8 минг тонналик сиғимга эга омборлар, 360,4 минг тонна ҳажмдаги айвонлар ва бошқа шарт-шароитлар ҳозирланди.

Ғалла топширувчи хўжаликларни дон қабул қилиш масканларига бириктириш дислокациялари ва жадваллари ишлаб чиқилди. Дон тайёрлаш бўйича барча зарурий ҳужжатлар тўплами китобча шаклида хўжалик ва тегишли идораларга тарқатилди. Ана шундай пухта тайёргарлик амалда ўзининг ижобий натижасини бераётир.

- Компаниямиз учун масъулиятли давр бошланди, - дейди "Ўздонмаҳсулот" АК бошқаруви раиси Эркин Қудратов. - Чунки миришкорларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган ғаллани




синг 2005 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида белгиланган вазифаларга асосан жорий йил ҳосилидан давлат заҳирисига жамғариладиган уруғлик дон партияларини ўз вақтида сифатли экишга тайёрлаб, ғаллакорларимизга етказиб беришни таъминлаш мақсадида уруғлик тозалаш цехларини мавсум давомида унумли ишлатиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Айни пайтда уруғлик ғалланинг асосий қисми тайёрлаб қўйилган. Келгуси йилги ҳосили ишончли асраш ва ундан сифатли ун, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб, халқимизга етказиб бериш биздан катта масъулият ва жавобгарликни талаб этади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир корхона бўйича донни ёпиқ сиғимларга киритиш ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш бўйича тегишли жадваллар ишлаб чиқилган. Ушбу жадвалларга асосан 2 млн. 300 минг тоннага яқин буғдойнинг салмоқли қисми махсус жойларга жойлаштирилди.

Дон маҳсулотлари тегирмончилик, ун-ёрма саноатида 50 та тегирмон, 15 та ёрма цехи фаолият кўрсатади. Уларда 6 хилдаги ун, шунингдек, буғдой, арпа гуруҳдан 10 хилга яқин ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Ҳомашё ресурсларидан тежамли фойдаланиш, ун-ёрма саноатини ривожлантиришда мавжуд цехларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, илғор ва замонавий технологияларни жорий этиш алоҳида ўрин тутади. Бу борада тармоқда 2010 йилгача мўлжалланган ривожланиш дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур дастур доирасида 2004 йилда "Андижон донмаҳсулот" акциядорлик жамиятига қарашли бир кеча-кундузда 300 тонна донни қайта ишлайдиган тегирмон янги замонавий дастгоҳлар билан қайта жиҳозланди. "Асакадонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятининг суткасига 600 тонна донни қайта ишлайдиган тегирмон ҳам қайта жиҳозланмоқда.



Ният

"Фарғонадонмаҳсулот" тегирмони ҳам янгидан жиҳозланди. Аҳолининг юқори навли унга талабини қондириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш учун тегирмонлардаги чиқим меъёрини пасайтириш чоралари ҳам кўрилаётир. Жорий йил бошидан ун сифати бўйича кучайтирилган янги Республика стандарти кучга киритилди. Натижада, юқори навли унниг салмоғи умумий массага нисбатан 18 фоизни ташкил этди.

Маълумки, темир моддаси оналар ва болалар саломатлигини сақлашда катта ўрин тутади. Улар ўртасидаги камқонликнинг олдини олиш мақсадида темир моддаси билан бойитилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тандир тўлиб ёпилди нон

Халқимиз "Ҳаракатда – баракат" дейди ва ҳар бир ишга асосли равишда "етти ўлчаб" киришишни анъанага айлантирган. Шу боис ҳар қандай мураккаб муаммоларга ҳам оқилона ечим топиб, ўз мақсадига эришади.



Ғалла мустақиллиги учун кураш ҳам шу тамойилдан холи бўлмади. Мустақилликка эришилгач, мамлакат раҳбарияти ғалла мустақиллигига эришиш дастурини ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга дадил киришди. Қисқа муддатда йил сайин мамлакат эҳтиёжига етарли, сифатли дон етиштирилиб, айрим "башоратчилар"нинг Ўзбекистонда дон етишмовчилиги бошланиши мумкинлиги хусусидаги карамотлари чиппакка чиқарилди. Бу умумхалқ кураши жараёнига "Самарқанддон" акциядорлик жамияти меҳнат жамоалари ҳам муносиб ҳисса қўшишди.

***

Ҳукуматимизнинг ғалла етиштириш ва давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилиш тўғрисидаги қарорларини бажара бориб, 2005 йил ҳосили юзасидан 1961 та хўжалик билан шартномалар тузган эдик, - дейди "Самарқанддон" акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Нарзулло Ҳазратов. Улар юзасидан ўз зиммамизга олган мажбуриятларимизни муддатма-муддат бажариб келдик. Чунончи, хўжаликларни сифатли ва сара уруғ билан етарли таъминладик. Дала ишлари вақтида экинлар агротехника қоидалари асосида парвариш қилиниши учун транш маблағларини вақтида етказиб бердик. Натижада вилоят ғалланинг мўл ҳосил етиштиришди. Уни бир маромда қабул қилиб олишга олдиндан пухта тайёрландик.

Дарҳақиқат, ғалла қабул қилишни уюшқоқлик билан бошлашга муносиб тайёргарлик кўрилди. Ҳосилни қабул қилувчи корхона ва манзилгоҳлар жамики асбоб-ускуналар вақтида созлаб қўйилди. Дон сифатини тез ва тўғри аниқлаб дон топширувчи хўжаликлар ҳисоб-китоб қилиб борилди. Дон сақлаш майдонлари, лаборатория, ортиш-тушириш машиналари барвақт ва сифатли тайёрлаб қўйилгани, ходимлар малакасини ошириш чора-тадбирлари кўрилгани ўз самарасини кўрсатди.

Фаровонлик

Қисқа муддатда 77,3 минг тонна дон қабул қилиб олиниб, режа 102,1 фоиз бажарилди. Унинг 10 минг тоннадан кўпроғини уруғлик дон ташкил этди. Қабул қилинган ғалланинг 72,2 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсатгич 2003 йили 33, 2004 йили 49 фоизни ташкил этганлиги ҳисобга олинса, вилоятда фермер хўжаликлари қанчалик жадал ривожланаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Жамият давлат эҳтиёжлари учун бу мавсумда жами қиймати 4 миллиард 900 миллион сўмлик ғалла қабул қилиб олинди. Ҳар тонна буғдой учун 82 минг сўмдан, келишилган нархларда эса – 98,4 минг сўмдан пул тўлаб борилди. Уруғчилик хўжаликларидан харид қилинган элита уруғларига 180,4 минг сўмдан, биринчи авлодли уруғлик буғдойга 147,6 минг сўмдан хақ тўланди.

Вилоятнинг ғаллачиликдаги бу йилги муваффақиятига "Самарқанддон" акциядорлик жамияти жамоалари дарҳақиқат салмоқли ҳисса қўшишди.

Шу кунларда жамият корхоналарида 2006 йил ҳосили учун уруғлик тайёрлашга киришилмоқда. Бу ишни икки сменада ташкил этиш чоралари кўрилди. Уруғлик тарқатувчи шохобчалар ўтган йилги олти ўринга бу куз 26 тага етказилади. Чунончи, айтайлик, ёлғиз Пайариқ тумани хўжаликлари ғалла уруғини Пайариқ ва Челакдон қабул қилиш манзилгоҳларидан ташқари яна иккита шохобчадан олишади. Бундай қулай шароит ғалла етиштирувчи ширкат ва фермер хўжаликлари уруғлик билан ўз вақтида таъминланиши учун имкон яратади.

***

Бундан беш-олти йил илгари ҳам дон етиштириш ҳақида гап очилса, Пайариқ ғаллакорлари ноқулай аҳволда қолишарди. Гап шундаки ширкат хўжаликларига путурдан кетган, керакли техника ва асбоб-ускуна етишмасди. Қолаверса, ернинг эгаси йўқ, дала ишлари ўлда-жўлда қолиб кетар, натижада ҳосилда барака бўлмай, ғалла топшириш режалари ғоят қийинчилик билан бажариларди. Тўғриси, натижа сарфланган меҳнатни қопламасди.

–Эндиликда аҳвол тамоман ўзгарди, - дея ҳикоя қилади "Осиё – Афросиёб" очиқ акциядорлик жамияти раиси Ражаббой Ашуров. - Мана тўрт йилдирки, тумандаги барча ширкатлар тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилди. Ерлар ўзининг ҳақиқий эгалари қўлига ўтгач, аҳвол кескин ўзгариб борди. Фермерларда ерларни экишга сифатли тайёрлаш, юқори ҳосилли навлар уруғини билиб-билиб танлаш, парваришни оби-тобида ўтказишдан манфаатдорлик ниҳоятда кучли.

Фермер ҳосил тақдири учун оиласи билан баҳамжиҳат ёпишади, вақтида озиқлантиради, вақтида сувини беради. Зараркунандаларга қарши вақтида ишлов беради.

Дарҳақиқат, Пайариқ ғаллачилигидаги бугунги манзара тамомила ўзгача. Аввало, ҳосил мўл бўлаяпти. Қолаверса, етиштирилган донни ўриб-янчиб давлатга топшириш туман бўйича 15-18 кундан ортиқ давом этмаётир.

бутун

Бу борада компания тизимидаги 14 та ун заводида Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда махсус лойиҳа амалга оширилмоқда. Ўтган йили темир моддалари билан бойитилган 335 минг тоннадан зиёдроқ ун ишлаб чиқарилган эди. Бу эса истеъмолга чиқарилган жами ун миқдорининг 22 фоизини ташкил этади.





Шу билан бир қаторда йод ҳам инсоннинг саломатлиги учун муҳим модда ҳисобланади. Шу боис компания томонидан йод билан бойитилган нон ва нон маҳсулотларига ҳам талаб юқори. Тизимдаги барча новвойхоналарда йодланган туздан фойдаланилади. Бу эса, бутун дунёда муаммога айланиб бораётган бўқоқ касаллигининг олдини олишда ўз самарасини беради. Умуман олганда компания тизимидаги кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида витаминли-минералли қўшимчалар билан бойитилган нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Яна рақамларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 882 тонна нон, 26 тонна қандолатчилик, 713 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ушбу маҳсулотларнинг умумий қиймати 272,4 миллион сўмни ташкил этаётир. Компания тизимида бунёдкорлик ишларига ҳам эътибор катта. Жумладан, Қашқадарё вилояти "Дунё - М" АКга қарашли Шаҳрисабз филиалида 450 миллион сўмлик тегирмон жиҳозлари ўрнатилди.

Жорий йилда Самарқанд вилоятидаги "Жума элеватори" акционерлик жамиятида бир кеча-кундузда 50 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги тегирмонни ишга тушириш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда компаниянинг режалари бисёр, ниятлари улуғ. Бу эзгу режа ва мақсадлар фақат юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

Бунда дон қабул қилиш манзилгоҳларини, ускуналарни олдиндан сифатли таъмирлашнинг аҳамияти катта бўлаётир. Чунончи, бу йил Пайариқ дон қабул қилиш манзилгоҳи кенгайтирилди, таҳлилхона ускуналари ва тарозилар қайта кўрикдан ўтказиб қўйилди.

–Бу йил бизнинг корхонамиз тумандаги 1092 та фермер хўжалиги билан давлат эҳтиёжи учун 31731 тонна ғалла етиштириш-қабул қилиб олиш юзасидан контрактация шартномаси тузган эди, - ҳикоясига якун ясади Ражаббой Ашуров. –Бу режа анча ошириб бажарилди, Пайариқ ғаллакорлари 32703 тонна сара дон топширишди. Шартнома режаси 103,6 фоиз бажарилди. Ғалла сифатли бўлгани учун ғаллакорлар ҳар тоннасига 90,2 минг сўмдан пул олишди.

Уруғлик дон етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Челак ва Пайариқ дон қабул қилиш манзилгоҳида 3140 ўрнига 3412 тонна уруғлик ғалла қабул қилиб олди. Ҳозирда улар тозаланиб, дориланаётир.

Айни пайтда ғаллани очиқ майдончалардан тозалаш, муқим омборларга ташиб олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ҳозиргача қабул қилиб олинган ғалланинг 43,9 фоизи ёпиқ омборларга ташиб олинди. Бу иш тиғиз график асосида бажарилаётир.

"Самарқанддон", унинг филиали "Осиё - Афрасиёбдон" очиқ акциядорлик жамиятлари йилни муваффақиятли якунлаб, шу кунларда келгуси йил мўл ғалла ҳосили ташвиши билан яшамоқда. Уруғлик тозаланиб, сараланиб, фермерларга тарқатишга тахт қилиб қўйилаяпти.

Ҳ.ШАМШИЕВА



Хизмат сафари юзасидан Фарғона вилоятига кетаётганимизни билган уч-тўртта ҳамкасб дўстларимиз қайтишимизда албатта Қўқон патирларидан олиб келишимизни илтимос қилишди.

Чунки мазаси, шакли жиҳатидан одатдаги нонлардан анча фарқ қиладиган Қўқон патирларининг таърифи кўп жойларга кетган-да. Ҳамкасбларга ваъда бериб, водий томонларга йўлга тушдик.

Қамчиқ довонидан ўтиб, Фарғона вилоятига кираверишингизда шундоққина катта йўл ёқасида патир нон сотаётган кишиларга кўзингиз тушади. Агар аввалроқ бу ерлардан нон харид қилиб кўрган бўлсангиз таърифимизга ҳожат йўқ. Аммо илк бор қадам ранжида қилаётган бўлсангиз, ана шу патир нонлардан бир татиб кўринг, мазаси нақ оғзингизда қолади. Кўпни кўрган, тажрибали новвойлар билан суҳбатлашсангиз, ноннинг кўнгилдагидек пишиши энг аввало унинг унига, кейин эса новвойнинг маҳоратига боғлиқ эканлигини айтишади. Ҳозирда тандирларимиз тўлиб ёпилаётган нонлар айнан юртимиз ғаллакорлари томонидан етиштирилаётган буғдой унидан эканлиги эса шу жиҳатдан ҳам ҳаммамизни қувонтиради, албатта. Масалан, биз сўз юритаётган қўқонлик новвойлардан фойдаланаётган унлари қаерники эканлигини сўрасангиз, "Ўзимизнинг Қўқон-1 уни" деган жавобни оласиз. Уларнинг тилида иборага айланиб улгурган ўша "Қўқон-1 уни" айнан "Қўқондонмаҳсулот" акциядорлик жамияти маҳсулотидир. Бундай ном билан юритилишига ҳам аслида сабаб шу. Халқнинг эътирофи ҳар қандай мукофотдан ҳам кўра қадрлироқ, дея ҳисоблашади корхона жамоасидагилар. Сифат жиҳатдан хориж никидан асло қолишмайдиган жамият маҳсулотлари хом ашёси хориждан эмас, аксинча, ўз юртимиз далаларида етиштирилган буғдойдан олинади. Ғаллакорларимиз меҳнати эвазига яратилган донни талаб даражасида қайта ишлаб, аҳоли эҳтиёжи учун сифатли ун ва ун маҳсулотлари тайёрлаш ҳам анчайин масъулиятли иш ҳисобланади. Айни пайтда корхонада бу йилги ғалла-ўрим йиғим мавсумида қабул қилиб олинган донни қайта ишлаш жараёни кетмоқда.

– Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар қайси бир соҳада бўлмасин ўз самарасини бермоқда. Масалан, ғаллачиликни олайлик. Бу йил далаларимиздан ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Одамларимизнинг омбори донга тўлди. Бу эса тўкин-сочинлик дегани, - дейди "Қўқондонмаҳсулот" акциядорлик жамияти раиси Қодирхон Сотволдиев. – Бизни қувонтирадиган жиҳати шундаки, ғаллакорларимиз томонидан етиштирилаётган доннинг сифати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан корхонамиз маҳсулотлари сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

2005 йилги ғалла ҳосилидан давлат эҳтиёжларига дон қабул қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 22 сентябрдаги 440-сонли қарорига асосан жамиятимиз олтита – Данғара, Бешариқ, Ўзбекистон, Фурқат, Учкўприк ва Бувайда туманлари қишлоқ хўжалик корхоналари билан жами 2755 та контрактация шартномаларини имзолаганди. Шартномага кўра корхонамиз 97355 тонна товар дон ва 6800 тонна уруғлик дон қабул қилиб олди. Ана шу контрактация шартномаларининг 32 таси ширкат хўжаликлари билан 35932 тоннага, 2623 таси фермер хўжаликлари билан 67873,5 тоннага ва 17 таси бошқа турдаги хўжаликлар билан тузилган.

– Шартнома шартларининг ўз муддатида бажарилишига нималар асос бўлди? - сўраймиз.

– Бунинг бир неча асослари бор, - дейди жамият раисининг ўринбосари Алижон Усмонов. – Энг аввало, шуни айтиш керакки, одамларимизда ерга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариб бораётгани, эгалик ҳиссининг ортаётгани ва асосийси, манфаатдорликнинг юқорилиги бугун шундай ютуқларни қўлга киритилишига замин яратмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу йил "деҳқоннинг омади келди". Ишни тўғри ташкил этишда кўриладиган чора-тадбирлар учун ҳукуматимиз томонидан пухта ишлаб чиқилаётган режалар ҳаммага дастурилмал бўлмоқда. Жорий йилги ғалла ўрим-йиғим мавсумининг ўз муддатида ва сифатли якунланган ҳам мана шундай омилларга боғлиқ бўлди.

Мақсад

Президентимизнинг шу йил 16 майдаги 76-сонли қарорига асосан корхонамиз моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, дон қабул қилиш учун пухта тайёргарлик кўрилди. Мавжуд бешта лаборатория назоратдан ўтказилди, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Чунки омборларимизга қабул қилиб олинадиган хом ашёнинг сифат кўрсаткичи, намлик миқдори ва умуман қилиш шоҳобчаси, Навбаҳор дон қабул қилиш шоҳобчаси ва Қўқон филиалларига жойлаштирилади. Олинган маълумотларга қараганда, бу йил контрактация шартномаларига асосан давлат эҳтиёжларига топширилади-ган ғалла учун ширкат хўжаликларига 13 боскичда 70 фоизгача 1 миллиард 694 миллион 861 минг сўм транш маблағлари аванс тариқасида ажратилди. Бундан ташқари, 10490 тонна уруғлик буғдой ҳам ширкат ва фермер хўжаликларига аванс сифатида берилган. Буни пулга чақадиган бўлсак, 2 миллиард 244 миллион 937 минг сўм эканлигини кўришимиз мумкин. Қолаверса, тижорат банклари ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарини имтиёзли кредит асосида маблағ билан таъминлади.

– Корхонамизнинг Рапқон уруғлик цехида 6442 тонна уруғлик буғдой тайёрланади, - дейди акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси Шарифжон Шокиров. – Келгуси йил ҳосили учун зарур бўлган уруғликни тайёрлаш ишлари август ойи-



Тошларин тавоф қил, тупроғини ўп,
Юзга муҳрин суртиб, туғросини ўп.
Ҳар саҳар юкиниб байроғини ўп,
Ватан саждагоҳдир, Ватан саждагоҳ.

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Энг муҳими – сифат



да жиҳозланган. Келгусида мавжуд тегирмонларимизга ҳам замонавий асбоб-ускуналар ўрнатишни режалаштирганмиз.

– Бугун ҳар биримиз учун қувончли, ҳаяжонли, энг улуғ ва энг азиз кун, - дейди Алижон Усмонов биз билан қилган суҳбатининг якунида. – Чунки юртимиз мустақилликка эришганининг 14 йиллигини байрам сифатида кенг нишонлаяпмиз. Республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби меҳмондўст, санъатни, аскияни хуш кўрувчи Қўқон шаҳрида ҳам ана шу муққаддас байрам халқ сайли сифатида байрам қилинмоқда. Бизнинг корхонамиз жамоаси ҳам бу қутлуғ кунни кўтаринкилик билан қутиб олмоқда. Одамларимизнинг юзларида хурсандчилик, байрамона кайфиятни кўриш мумкин. Мана шу фурсатдан фойдаланиб, "Қўқондонмаҳсулот" акциядорлик жамиятининг раҳбарияти, аҳил жамоаси юртдошларимизни Истиқлолнинг 14 йиллиги билан чин қалбдан табриклайди. Илоҳим юртимиз тинч, дастурхонларимиз доимо тўкин бўлсин, одамларимизни ҳеч қачон хурсандчилик тарк этмасин. Байрам ҳаммангизга муборак бўлсин, деймиз.

Ш.ОРТИҚОВ



Сенга ҳавасим келади, болам!

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ёшларни ҳар томонлама билимли, баркамол авлод бўлиб етишишлари учун улкан имкониятлар эшиги очилди. Республикамизнинг вилоят ва туманларида олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар бунёд этилиб, ёш авлоднинг чуқур билимли, тажрибали кадрлар бўлиб етишишлари учун пухта замин яратилмоқда.

Янги ҳаётга қадам

СамДУ қошидаги 2-сон компьютер технологиялари академик лицейида ошириладиган ишларда ҳам ана шу катта ғамхўрлик ифодаси акс этиб турибди. Академик лицей 2004 йилнинг сентябрида ўз фаолиятини бошлади ва 4 та йўналиш бўйича 355 ўқувчи қабул қилинди.



Айни пайтда лицейда 3 та кафедра – аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар ва хорижий тиллар кафедралари фаолият кўрсатмоқда. 47 нафар етук малакали ўқитувчилар ўқувчиларга бугунги замон талаблари даражасида сабоқ беришаяпти.

Лицейда янги педагогик технологияларни жорий қилиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил қилинган. Бугунги кунда бу ерда 41 номдаги электрон дарсликлар, 16 номдаги проекцион материаллар ва кўргазмали плакатлар тўпламлари мавжуд. Бундан ташқари, 4 та компьютер синфи, химия, биология, физика лабораториялари, 13 дона кадоскоп, барча умумтаълим фанлари бўйича 2 нусхадан проекцион материаллар ва кўргазмали плакатлар ўқувчилар билимини оширишда қўл келмоқда.

Лицейда 100 ўринли ётоқхона, 160 ўринли ошхона, спорт заллари, очиқ сузиш ҳавзаси, стадион ишлаб турибди.

– Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, мустақилликка эришгач, Ўзбекистонимизда тараққиётга кенг йўл очилди, ҳар бир соҳада жадаллик билан олдинга кетаяпмиз. Юртбошимизнинг "Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайди" мавзусидаги маърузаси биз учун дастуруламал бўлди, – дейди ушбу академик лицей директори Азамат ака Умаров.

– Ўқув даргоҳимизда вилоятдаги етук олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари, маҳаллаларнинг фаоллари лицей ўқувчи ёшлари билан тез-тез давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган.

Ўқувчилар ўртасида диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиш оқибати, гиёҳвандликка ружу қўйиш ва бошқа турдаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича "Бепарволик – бедаволик" бадиий фильми намойиш этилди. "Ўзбекистон – умумий уйимиз" мавзусида конференция, "Терроризм – тараққиёт душмани", "Гиёҳвандлик – энг ёмон иллат", "ОИТС – даҳшатли вабо" мавзуларида тадбирлар ўтказилиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатларимиз бежиз кетмаяпти. Ўқув йили якуни бўйича 89 нафар ўқувчи "аъло" рейтинг кўрсаткичига, 114 нафар ўқувчи "яхши" рейтинг кўрсаткичига эга бўлишди.

Ҳунарли киши хор бўлмас

– Мустақил Ўзбекистонимиз аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқларда истиқомат қилади. Лекин айтиш мумкинки, бугунги қишлоқларимиз яшаш шарт-шароити, обод ва фаровонлиги билан шаҳарлардан борган сари фарқ қилмай қолаяпти, – дейди Пайшанба маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори Камолиддин Низомов. – Халқимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида янгидан-янги бинолар, ўқув масканлари, спорт ва соғломлаштириш иншоотлари қурилаётганлиги фикримизга яққол далил бўла олади. Бизнинг маиший хизмат касб-ҳунар коллежимиз ҳам ана шундай гўзал масканлардан бири Пайшанба шаҳарчасида жойлашган.

Касб-ҳунар коллежида 2004-2005 ўқув йилида 651 нафар ўқувчи-талаба ҳам ўқиб, ҳам касб-ҳунар сирларини ўрганишяпти. Уларга коллежда Х.Шакарова, С.Ҳамдамова, К.Ҳамдамова, В.Насруллаева, Л.Убайдуллаев, Г.Ҳайруллаева, Х.Мустафоев, Х.Файзиев, У.Баҳоров каби кўплаб тажрибали муҳандис-ўқитувчилар сабоқ беришяпти.



Коллежда таълим-тарбия ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида "Ёш автомобилчи", "Компьютер саводхонлиги", "Ёш тикувчи", "Миллий кураш", "Волейбол", "Стол тенниси", "Каратэ" тўгараклари ҳамда фанлар бўйича ўнга яқин тўгараклар мунтазам иш олиб бормоқда. Бу эса талабаларни янада касбга қизиқишини шакллантирмоқда. Тўгаракларда юқори малакали мутаббийлардан Х.Худойбердиев, С.Одилов, Б.Бозоров, Л.Розикова каби фан ўқитувчилари ва муҳандис-педагоглар машғулотлар олиб бормоқда.

Коллежимиз фахри ҳисобланган ўқувчи-талабалардан Собир Элмуродов, Албина Гатаулина, Мадина Гатаулина, Лобар Бозорова, Шуҳрат Аҳмедов, Барно Исматова, Сарвар Худойбердиев, Феруза Турдиева, Гулбаҳор Аҳмедова. Шаҳноза Зайниддинованинг аъло ўқиши ва жамоат ишларида фаоллиги билан алоҳида ажралиб турадилар.

Талабаларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, талабалик бурчлари, ҳуқуқларини англаш, ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолмаслигини олдини олиш мақсадида коллеж талабалари ва Ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорлигида "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?", "Ҳалқи зебо фарзанд – Ватан кўрки", "Ўзбекистон Республикасининг қонунни муҳофаза қилиш муассасаларининг ташкилий тизими", "Ҳушёрлик – давр талаби", "Вояга етмаганлар орасида содир этилаётган жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибати" каби мавзуларда мунтазам равишда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, 2005 йил "Сиҳат-саломатлик йили" муносабати билан соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этилмоқда. Жумладан, "Гиёҳвандлик нима?" мавзусида баҳс-мунозара, "Гиёҳвандлик – аср вабоси" мавзусида давра суҳбати ўтказилиб, суҳбатда вилоят суяк-сил касалликлар шифохонаси бош ҳакими ва Самарқанд Тиббиёт олийгоҳининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Коллежда дарс ва амалиётлар махсус жиҳозланган лаборатория ва ўқув устахоналарида ўтказилади. Жумладан, тикувчилик устахонасида ўқув ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун 24 дона "Viking", "Brotner" русумли замонавий тикув машиналари ўрнатилган. Шунингдек, тикувчилик устахонасида амалиёт жараёнида талабалар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ташкилотларга шартнома асосида ва бозорда сотилишидан бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топилмоқда. Натижада кейинги 3 ойнинг ўзида 2 миллион сўмлик иш бажарилиб, коллеж ҳисобига 250000 соф даромад қилинди.

Таълим

Зиё маскани

– Самарқанд педагогика коллежи 1961 йилдан буён Абу Райҳон Беруний номли педагогика билим юрти деб юритилган бўлса, 2003 йил 30 сентябрда унга Самарқанд педагогика коллежи мақоми берилди, – деди ушбу даргоҳ директори Саидаҳмад ака Усмонов.

Ҳозирги кунда коллежда мингдан зиёд ўқувчи олти мутахассислик бўйича таълим олмоқда. Айни пайтда коллежда 87 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатаяпти. Улар орасида фан номзоди, юқори малакали кадрлар борлиги ўқитиш сифатига ижобий таъсир қилади, албатта.

Коллежнинг ер майдони 5,5 гектарга тенг бўлиб, 2 та ўқув корпуси, ДТС талабларига жавоб берадиган замонавий асбоблар билан таъминланган физика, химия, биология лабораториялари, 26 дона "Pentium IV" компьютерларидан иборат 2 та компьютер синфи, 3 та лингафон хонаси, 39 та ўқув хонаси талаб даражасида жиҳозланган.

Коллеж тарихини мужассамлаштирувчи музей, ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида маънавият ва маърифат маскани фаолият кўрсатмоқда. Коллежда 17 та фан тўгараклари учун 517 та ўқувчи жалб қилинган. Коллежда ўқувчилар ўртасида спорт ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш мақсадида спорт зали, кураш, стол тенниси заллари ҳамда коллеж ҳовлисида мини-футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари мавжуд.

Коллеж кутубхонаси фонди 34557 тани ташкил қилади. Бундан ташқари, Интернет билан алоқа ўрнатиш учун барча жиҳозлар билан таъминланган хона мавжуд бўлиб, унда 1 компьютер жамласи, видеокамера, видеомагнитофон, диапроектор экрани билан, телевизор ва бошқа ускуналардан ўқувчилар фойдаланмоқда.

Ўқув масканида ободонлаштириш ишларига ҳам катта эътибор берилган. Атроф-муҳит экологиясини тоза сақлаш мақсадида ер майдонларига сосна (қайин) ва арча дарахтлари экилган.

Коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирокида "Гулдаста" ансамблининг ташкил қилиниши ўқув юрти ишчи-ходимлари ҳамда ўқувчиларини маданий ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилмоқда.

Коллеж жамоаси 2004-2005 ўқув йилида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларидан келиб чиқиб, ўз олдига қуйидаги муаммоларни қўйди: "Ўқитиш сифатини ошириш ва малакали мутахассислар тайёрлашга эришиш мақсадида касбга йўналтиришни кучайтириш билан бирга назарий ва амалий ўқув жараёнлари ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш".

Коллежда ўқитувчиларнинг услубий фаолияти, услубий тавсиялар ишлаб чиқиши, дарсларга кириб таҳлил қилиши, очиқ дарслар ўтказиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, маъруза матнлари ёзишни кафедралар орқали ўқув бўлими бошқаради.

Келажакка назар

Педагогика йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган Окдарё педагогика коллежида бўлганимизда, бугунги ёшлар – келажакка ишонч билан дадил қадам ташлаяпти, деган ўй-фикр хаёлимиздан кечди. Негаки, собиқ иттифоқ даврида олийгоҳларда, катта шаҳарлардаги энг замонавий идораларда бўлмаган шарт-шароит, айни пайтда чекка қишлоқларда мавжуд. Кўркам ва муҳташам бинолар, кенг ёруғ, энг сўнгги русумдаги жиҳозлар, техникаларга эга коллежларни кўриб кўзингиз қувнайди.

Ҳа, Окдарё педагогика коллежида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. 807 нафар талабага 73 нафар малакали, ўз ишининг усталари бўлган ўқитувчилар дарс беришмоқда. Бу даргоҳда мактабгача таълим-тарбиячиси, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, жисмоний тарбия ўқитувчиси, компьютер ва ахборот технологияси саводхонлиги видеопроекторлар ва бошқа жиҳозлар билан бойитилган ҳолда ўтилмоқда. Лингафон хоналар 4 та бўлиб, бу хоналарда хорижий тиллар грухларга бўлинган ҳолда ўргатилади. Рус тили хонаси лингафон ва компьютерлар билан жиҳозланган.

Талабаларга касб йўналишларини ўргатувчи ўқитувчи ва тўгарак раҳбари, архив иши, иш юритувчи ва ҳуқуқшунос йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

– Талабаларимизнинг билим ўзлаштиришида ҳам қувончли натижалар қўлга киритилди, – дейди ушбу коллеж директори Сафохон ака Саъдуллаев. – Ўқув йилини 98,4 фоиз ўзлаштириш билан якунладик. Коллежимизда 30 дан зиёд фан тўгараклари ва спорт секциялари ишлаб турибди. Уларда 600 нафарга яқин талаба фаол иштирок этмоқда. Таниқли ёзувчи, шоир, санъаткорлар билан тез-тез учрашувлар ўтказилаяпти.



Қайга борсам, бошда дўппим,
Шуҳратим, қадрим буюк,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Билим бойитади...

Челак транспорт касб-ҳунар коллежи кадрларни юқори сифатли тайёрлаш учун турли йўналишлар бўйича иш олиб бормоқда. Бу ҳақда ушбу коллеж директори Бахтиёр Умаров қуйидагиларни гапириб берди:

– Коллежимиз 1998 йили авваллари билим юрти негизида реконструкция қилиниб, ташкил этилди. 600 ўринга эга даргохимизда 3 та ўқув биноси мавжуд. 4 та спорт майдончаси, 175 та ўринга мўлжалланган ошхона, 26 ўқув хоналари, 9 та лаборатория, 175 ўринли мажлислар зали, автодром, гараж талабалар ихтиёрида. Коллежимиз умумий ер майдони 8 гектарни ташкил этади. Билим даргоҳида талабалар 6 хил йўналиш бўйича таҳсил оладилар.

Ўқув дастурларига мўлжалланган замонавий компьютерлар дарсларни мазмунли, қизиқарли ўтишини таъминлаб бермоқда. Информатика, математика, физика ва бошқа фанлар дарслари компьютер фани хоналарида олиб борилади. Ўқув жараёни видеопроекторлар ва бошқа жиҳозлар билан бойитилган ҳолда ўтилмоқда. Лингафон хоналар 4 та бўлиб, бу хоналарда хорижий тиллар грухларга бўлинган ҳолда ўргатилади. Рус тили хонаси лингафон ва компьютерлар билан жиҳозланган.

Талабаларга касб йўналишлари бўйича таълим олишларида замонавий русумдаги "КамАЗ", "УзОтайўл" ва "Тико" автомобилларини бошқаришга ўргатиш учун автодром ташкил этилган ва мунтазам равишда ўқувчилар касб кўникмаларини эгаллашлари учун малакали усталар ёрдам беришади, устозлик қилади.



Ҳаёт гули

Самарқанд қишлоқ хўжалик коллежи бой тарихга эга. Бу даргоҳда 78 йил давомида кўплаб ўрта махсус маълумотли мутахассислар етишиб чиққан. У 1927 йил Навоий вилоятининг кўрғонида жойлашган қорамолчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги негизида ташкил топиб, 1934 йилда Самарқанд шаҳрига кўчирилган ва Ф.Хўжаев номли сутчилик йўналишидаги чорвачилик техникуми билан бирлаштирилган ушбу даргоҳ 1996 йилда Самарқанд агробизнес коллежига айлантирилган.

1992-2000 ўқув йилида коллеж қайта таъмирланди. Айни пайтда барча қулайликларга эга бўлган 1250 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли талабалар ётоқхонаси ва 240 ўринли ошхона ўқувчилар хизматида.

Ҳозирги кунда коллежда 12 та йўналиш бўйича жами 1307 нафар талаба кундузги ва сиртқи бўлимларда таҳсил олмоқда. Қишлоқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг билим даражасини янада ошириш, ўз устида мустақил ишлаши учун 29 мингдан зиёдроқ дарсликлар, илмий-услубий қўлланмалар мавжуд.

–Коллежимизда 18 та техника мавжуд бўлиб, шундан 11 таси турли русумли тракторлар, 2 таси юк машинаси, 4 таси енгил автомобиль, 1 та "Отайўл" автосидир. Бундан ташқари турли экиш ва ишлов бериш техникаларидан амалиётда самарали фойдаланилмоқда, - дейди ушбу коллеж директори Соли Бозоров. – Жамоамиз аҳли келажагимиз пойдевори бўлган ҳозирги ёшларга таълим-тарбия бериш ва касб сирларини ўргатиш, рақобатбардош ва вужудга келган муаммоларни ўз вақтида тадбиркорлик билан ҳал қила оладиган етук, малакали мутахассислар тайёрлашдек шарафли ва масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажаришга интилмоқда.

М.ЗИЁДИНОВ

Ўзбекистаги - жаҳон бозорида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 30 апрелда бўлиб ўтган мажлисида мамлакатимиз ипакчилик тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги ва уни янада барқарор ривожлантиришни таъминлашга доир масалалар муҳокама қилиниб, унда эришилган ютуқлар билан биргаликда тармоқда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги қаттиқ танқид остига олинган эди.





Ўтган давр ичида тармоқда қандай ўзгаришлар рўй берди ва келажакдаги режалар қандай?

Аввало, тармоқни ривожлантиришга мутасадди идоралар ва ташкилотларга чукур билим, юқори малака ва тажрибага эга бўлган ҳамда бошқарувнинг бозор муносабатларини яхши тушунадиган мутахассислар жалб қилинди.

Соҳа корхоналарида тайёрланган хомашёларни республикадан ташқарига сотиш кескин қисқартирилди ва улар асосан қайта ишлаш учун саноат корхоналарига йўналтирилди.

Хомашёсиз тўхтаб қолган саноат корхоналари фаолияти қайта тикланди. 7 мингдан ортиқ ишчи-хизматчилар ўз иш ўринларига қайтдилар.

— Республикамиз Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2005 йил 11 апрелдаги Фармонига мувофиқ тармоқда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни фойдаланишга топшириш ишлари жадаллаштирилди, - дейди "Ўзбек ипаги" уюшмаси раҳбари Р.Рўзиқулов. — Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами арафасида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари иштирокидаги 3 та корхона фойдаланишга топширилди.



Жумладан, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ташкил қилинган "Силвер Силк" қўшма корхонаси, Сирғали туманида "ХУА ЛУ" (Хитой) хорижий корхонаси ва Навоий вилоятида ташкил қилинган "Навоий Силк" қўшма корхонасидир.


Булар замонавий технологик дастгоҳлар билан жиҳозланган, ихчам ва иқтисодиётнинг бозор муносабатларига мос келадиган, ишчи-хизматчилар учун меҳнат ва маиший шароити қулай корхоналардир.

"Силвер Силк" қўшма корхонасининг биринчи босқичида 600,0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб, 350 тонна ипак чиқиндиларини қайта ишлаш ҳисобига 100 тонна ипак лента ишлаб чиқарадиган технологик дастгоҳлар фойдаланишга топширилди ва 100 дан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди ва бу корхонада 1,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги маҳсулот экспорт қилинади.

"ХУА ЛУ" Хитой хорижий корхонасининг биринчи босқичида 1,0 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб, 400 тонна қуруқ пиллаларни қайта ишлаш ҳисобига 120 тонна табиий ипак ишлаб чиқарадиган технологик датсгоҳлар фойдаланишга топширилди ва 300 дан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди. Корхона 1,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги маҳсулотни экспорт қилади.


Энг аҳамиятлиси шуки, бу корхоналар Тошкент шаҳрининг аҳолиси зич жойлашган маҳаллаларида жойлашган.

Шунингдек, Навоий вилоятида ҳам 1,0 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси киритилиб, пиллани қайта ишловчи "Навоий Силк" қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди ва 330 та янги ишчи ўринлари яратилди. Энди Навоий вилоятида етиштириладиган пилла хомашёси вилоятнинг ўзида қайта ишланадиган бўлди. "Навоий Силк" қўшма корхонаси 400 тоннадан ортиқ қуруқ пиллани қайта ишлаб 120 тонна табиий ипак ишлаб чиқариш қувватига эга.



Бу корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичидир. Келажакда эса бу корхоналарда табиий ипак ва ипакли ленталар қайта ишланиб, улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

"Ўзбек ипаги" уюшмаси бўйича 2006 йилда чет эл инвестицияси иштирокидаги 4 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.




Жумладан, 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида Бухоро вилоятида йилига 130 тонна табиий ипак ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги "РОМСТАР" қўшма корхонаси ҳамда Самарқанддаги "Ҳужум" акциядорлик жамияти негизида 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция иштирокида йилига 120 тонна табиий ипак ишлаб чиқарадиган "Мароканд Силк" ўзбек-араб қўшма корхонаси ташкил қилинади.

Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси томонидан ажратилган грантнинг 4,0 миллион АҚШ долларини жалб этиб Андижон вилоятидаги "Булоқбоши ипаги" акциядорлик жамияти ва 2,0 миллион АҚШ доллари ҳисобига Фарғона вилоятидаги Қўқон шойи тўқиш фабрикаси тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги қувватлар ишга туширилади.

2006 йилда тармоқни ривожлантириш учун жами 7 миллион 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестициялари жалб қилинади.

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрамини мамлакатимиздаги барча кишилар қатори ипакчилар ҳам зўр қувонч билан кутиб олмоқдалар. Истиқлол шарофати туфайли ўзбек ипаги ҳам жаҳонда ўз ўрни, ўз салоҳиятига эга. Соҳа тараққиётига билими, тажрибаси, қобилияти ва фидойилиги билан ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга маҳкам бел боғлаган ипакчиларнинг эзгу ниятлари амалга ошишида омадлар тилаймиз.

Б.ҚОДИРОВ



Элликқалъадан бошланур

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилиши натижасида халқ хўжалигининг барча соҳалари юксалди. Элликқалъа нафақат Қорақалпоғистон, балки Ўзбекистондаги йирик, ўз нуфузига эга туманлардан бирига айланди.

Чет эл инвестицияси киритилиб, "Элтекс" ва унинг базасида "Юнивер" қўшма корхонаси иш бошлади. "Медикал коттон интернейшнл" Ўзбекистон – Лихтенштейн корхонаси маҳсулотларига талабгорлар кўпайди. Бу ва бошқа қўшма корхоналар тўла қувват билан ишлай бошлагач, янгидан 3 минг иш ўринлари барпо этилади. Шунингдек, "Элликқалъа олтин толаси", "Эл-Нур" корхоналари ҳам бир маромда ишламоқда. Туман иқтисодиётини юксалтиришда асосий омил кичик ва ўрта бизнес бўлмоқда. Бугунги кунда мазкур субъектлар сони ярим мингдан ошди.

Элликқалъаликлар мамлакат мустақиллигининг 14 йиллигини ҳам муносиб меҳнат ютуқлари билан қарши олмоқда. Бу ҳақда туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Баҳодир Машарипов шундай дейди:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 июлдаги



"2005 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича изчил юмушлар олиб борилди. Натижада амалдаги йилнинг ўтган даврида саноатда, 175, қишлоқ хўжалигида салкам 120, чакана савдо айланмасида 130, пуллик хизматкўрсатишда 114 фоиз ўсишга эришилди. Корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарзлари 27,5 миллион сўмга камайди. Молиявий соҳадаги биринчи даражали туманлардан пенсия, ижтимоий нафақалар ва иш ҳақлари ўз вақтида берилишида чакана савдо, пуллик хизмат билан шуғулланиб келаётган субъектлар муҳим ўрин тутди.

Аҳолини иш билан таъминлашда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш борасида белгиланган "Бандлик" дастурига мувофиқ 1550 га яқин иш ўринлари ташкил этилди.

Туманда қишлоқ хўжалиги юксалмоқда. Бу шартномавий режаларнинг анча ортиғи билан ўринланишида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, жами 2200 гектарга экилган кузги буғдойдан 3080 тонна давлат эҳтиёжи учун топшириқ ортиғи билан уддаланди. 4 минг тоннадан кўпроқ буғдой ғаллакорларнинг эҳтиёжи учун омборларига тўкилди. Қабул шохобчаларига пилла топшириш режаси ҳам 110 фоизга бажарилди.

Бу йил пахтакорларимиз катта мақсадларни кўзлаб астойдил меҳнат қилишди, далаларда мўл ҳосил етиштиришга эришди. Айни пайтда жами 13666 гектарга экилган пахта тўлиқ пишиб етилди. Хўжаликлар теримни саралаб бошлаб юбордилар. Давлат режаси бўйича 27300 тонна ҳосил етиштиришимиз керак. Аниқ ҳисобларга кўра, ялпи пахта ҳосилдорлиги режадагидан бир ярим-икки минг тонна кўп бўлиши кутилмоқда. Шунча ҳосилни қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга моҳир такшилотчи Баҳтиёр Абдуллаев раҳбарлик қилган "Элликқалъа олтин толаси" корхонаси ва унинг

Шижоат



ятдир. Жамиятни ёш, ташаббускор ва тадбиркор йигит Ўктам Нуриев бошқармоқда.

– Жамиятимизда 44 нафар киши меҳнат қилади, – дейди Ўктам Нуриев. – Иқтисодий бақувватлигимиз сабабли Хитой халқ республикасидан 120 минг АҚШ доллар миқдорида 10 дастгоҳдан иборат линия келтириб ўрнатдик.

Шу йил Наврўз байрами арафасида соатига 50 килограмм пахтани титиш қувватига эга янги технология қорақалпоқ, туркман тилларида ўқув-тарбия ишларини олиб борадиган 8 та мактабларга ширкат хўжалиги томонидан изчил равишда моддий ва маънавий кўмаклар бериб борилаяпти. 6-мактабни таъмирлаш учун 51 миллион сўм ажратилди. Яқинда марказдаги гузарда Велбекова Гулнора устозлик қилган гилам тўқиш цехи ишга туширилиб, 8 нафар қизлар иш билан таъминланди.

Келажагимиз эгалари

Маълумки, Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари билан умумтаълим мактабларини, ўрта махсус ўқув юртларини ривожлантиришга, умуман ёшлар тарбиясига ғоят катта аҳамият берилмоқда.

Бу ишлар учун давлат томонидан маблағ ажратиш,



янги ўқув масканларини қуриш, энг замонавий электрон асбоблари билан жиҳозлашга мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган ишлар адо этилди. Шу жумладан, Элликқалъада ҳам. Бу ҳақда шундай ҳикоя қилади.

– Туман халқ таълими бўлимига қарашли 66 та умумтаълим мактаблари, 13 та боғча-мактаб, 7 та истеъдод мактаби, 4 та мактабдан ташқари, 15 та мактабгача таълим муассасаларида 30 мингдан ортиқ ўғил-қизлар эртага янги ўқув йилини кенг ва ёруғ синф хоналарида бошлашади, -дейди туман халқ таълими бўлими мудири Фарҳод Ибодуллаев. - Уларга 2655 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар билим сирларини ўргатишади. Бу кенг кўламли, жуда катта кучни талаб қиладиган, ўқувчиларга қалб кўри билан дарс беришни тақозо қиладиган мураккаб ишдир. Умумтаълим мактабларининг 17 тасида компьютер синфлари, 27 тасида лингафон кабинетлари мавжуд бўлиб, улар малакали педагог кадрлар билан таъминланган.

Кейинги йилларда истеъдодли ва иқтидорли ўқувчилар танлаб олиниб, уларга чуқурлаштирилган ўқув дастури асосида билим берилаяпти. Бундай мактаблардан ҳозирча 7 таси фаолият кўрсатиб, уларда 125 нафар педагоглар 1475 нафар ўқувчиларга таълим-тарбия бераяпти. Мехрибон Қўнғирбоева, Қувондиқ Йўлдошев, Отахон Ражабов, Отахон Бобоев, Аширбек Саидахмедовлар ўз фанларини чуқур ўзлаштирган ҳолда бошқа ўқитувчиларга намуна бўлмоқда. Уларнинг тажрибаларини оммалаштиришга ҳам аҳамият қаратаяпмиз.

Туманда яхши ва савобли иш мунтазам давом этиб келаяпти: бу – ҳокимлик ташаббуси билан ҳар йили 16 июлнинг "Мактаблар куни" қилиб белгиланишидир. Фақат амалдаги йил 16 июлда бу тадбирда ҳомийлар ташриф буюриб, 16 миллион сўмлик миқдорида моддий ёрдам кўрсатдилар. Шунингдек, ал-Хоразмий номли хўжаликдаги 42 ва 43-мактабларнинг 120 миллион сўм сарфланиб, 12 синф хоналари, "Сарибий" хўжалигида 60 миллион сўм ажратилиб, 9 синф хоналари, "Боғёп" хўжалигидаги 57-сон мактабнинг 10 та синф хоналари 75 миллион сўм сарфланиб таъмирланди. Эртага "Сарибий" хўжалигидаги 418 ўринли 8-сонли, "Тоза Амиробод" ширкат хўжалигида 400 ўринга мўлжалланган 6, "Боғёп" фермер хўжалигидаги 180 ўринли 57, "Қирққизобод" фермер хўжалигидаги 130 ўринли, "Қирққиз" фермер хўжалигидаги 624 ўринли мактаблар таъмирланган ҳолда ўқувчиларни қарши олади. Демак, халқ таълимини юксалтириш – муқаддас иш эканлигини кўплаб ҳомийлар яхши тушуниб, ана шунга амал қилаётирлар. Уларга халқ таълими бўлими ходимлари номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Тараққиёт гарови

– Айни пайтда туманда 10 та фермер хўжаликлар уюшмаси, 3 та ширкат хўжаликлари мавжуд.

Маблағи бор фермер хоҳлаган таъминотчи билан шартнома тузиши мумкинда. Буни яхши тушунган жамоамиз аъзолари буюртмачилар билан янгича ишлашга, яъни ҳар бир бажарилган тадбирнинг ғоят сифатли бўлишини таъминлашни асосий мақсад қилиб қўйганлар, – дейди Элликқалъа МТП давлат акциядорлик жамияти раҳбари Фахриддин Алламберганов. – Натижада қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликларига механизация хизматлари, техникаларни таъмирлаш ва бутловчи эҳтиёт қисмлар етказиб беришни талаб даражасига кўтардилар.

Жумладан, 6726 гектар ер шудгорланиб, 2350 гектар чизелланди. 80 миллион сўмдан кўп механизация хизматлари кўрсатдик. Режадаги 25 ўринга 26 та трактор-лар, 5 ўринга 6 та тиркама, 21 та омочлар, 11 та сеялкалар ва бошқа механизмлар таъмирланиб, режа ортиғи билан бажарилди. Умуман, 3 та ширкат ва 325 та фермер хўжаликлари билан ҳар хил хизмат кўрсатишга шартнома тузгандик. Шукр, ҳозирча бирорта ҳам эътироз бўлмади. Натижада жамиятда меҳнат қилаётган 145 нафар ишчи ва хизмачиларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб, ойлик маоши ўртача 32380 сўмга тенг бўлди.

Истеъдодлар эъзозда

Элликқалъада мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган тадбирлар кўп.

Шулардан бири Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган ёш қўшиқчиларнинг республика кўрик-танловидир. Бу йилги кўрик-танлов "Устоз ва шогирд" мақомида, яъни бир иштирокчига ўз устозининг берган таълими даражаси белгиланди. Тадбир дастурига кўра, устозларнинг шогирдларга қўшиқчилик санъати сирларини ўрганиш ҳамда шеърият сир-синоати бўйича мулоқот ўтказиш ҳам киритилди. Мулоқотда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов раҳбарлигида мамлакатимизнинг машҳур адиблари қатнашди. Тадбирлар санъат саройи амфитеатрида, акаде-



"Қирққиз" маликаси

Элликқалъаликларнинг фахри бўлиб қолган тиниб-тинчимас қизларидан бири Олия Ражабовадир.

"Қуш уясида кўрганини қилади" деганлари рост экан. Олияхон туғилиб ўсган оилада ҳалол меҳнат, ростгўйлик, одамларга яхшилик қилишга интилиш одат тусига кирган эди. Дадаси раҳматлик Умрбек оға кўп йиллар қишлоқ хўжалигида раҳбарлик ишларда ҳалол меҳнат қилди. Онаси Сония опа эса мактабларда кўп йиллар математика фанидан дарс берди. Қаҳрамонимиз Тошкент аграр университетини муваффақиятли битказгач, "Қирққиз" давлат хўжалигида бош ҳисобчи ўринбосари, 1980 йилдан директор ўринбосари сифатида самарали фаолият кўрсатди. 1996-2002 йилларда Гулистон овул фуқаролар йиғини раисаси бўлиб ишлади.

3 йилдирки, "Қирққиз"-масъулияти чекланган машина-трактор паркига етакчилик қилаяпти.

"Қирққиз" фермерлари-



нинг маликаси" номини олиш билан бирга овулдаги фаол хотин-қизлар билан ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, ҳал қилишга одатланишди. Кўз тегмасин, Олиянинг саъй-ҳаракатлари билан "Қирққиз"даги фермерлар Холжон ва Тожигул, мактаб директорлари Саодат Ҳакимова, Шарифа Матёкубова, Тожигул Тўхсабинова, қишлоқ врачлик пункти бош врачи Муҳаббат Юсуповалар бир-бирларини бир қарашданоқ тушунишади.

"Тоза Амиробод" қувончи

"Тоза Амиробод" ширкат хўжалиги тумандаги йирик, юксак рентабелли ва кўп миллатли хўжаликдир.

Унга кўп йиллардан буён Тожигул Аширова бошчилик қилиб келмоқда. Хўжаликдаги барча экиши ерлари 960 пудратчига биркитиб берилган. Уларнинг кучи билан мавжуд 222 гектарга экилган буғдойдан мўл ҳосил етиштирилиб, йиллик шартномавий режа ортиғи билан 525 тонна қилиб бажарилди. Қабул пунктларига 16,2 тонна пилла топширилиб, пилла-корлар шуҳрати янада ошди. 54 гектардаги боғ-роғлар кўрган кўзни қувонтиради.

Хўжаликнинг бели бақувват бўлиши овулларни обод қилиш имконини бераяпти. Жами 10329 аҳоли истиқомат қиладиган 8 та қишлоқлар ўз гузарига эга. Ўзбек, ўрнатилиши сабабли пахтани тозалаш яхшиланди. Чиқинди кам, жамиятимизда ишлаётган ҳар бир аъзо мустаҳкам тарзда ижтимоий ҳимояланган. Ҳар сменада иссиқ овқат берилади. Махсус кийим-бошлар билан таъминланган. Бепул, албатта. Шунинг учун ҳам ҳар бир иш ўрнидаги ходим масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда, виждонан меҳнат қилиб, ютуқларимизни кўпайтиради. Айниқса, Гулчеҳра Еримбетова, Дарига Будикова, Багдагул Сейдалиева, Шокир Сапаров, Давлат Беласконов, Қурбонбек Туржоновлар корхонамиз фахри ҳисобланади. Уларнинг бошқаларга намуна бўлиши туфайли мамлакат мустақиллигининг 14 йиллигини муносиб кутиб олдик.

"Эл-Нур" юксалмоқда

Элликқалъада ишлаб чиқариши юксалаётган, хориж технологияларини ўрнатиб, сифатли маҳсулот тайёрлаётган саноат корхоналари анчагина.

Улардан бири – "Эл-Нур" масъулияти чекланган жами-

7 та қабул қилиш шохобчалари барвақт тахт қилинди. Таъмирлаш кўнгилдагидек ўтказилди.

Яна бир гап. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил ноябр ойидаги 383-сонли қарорига биноан давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш тартибига босқичма-босқич ўтиш жорий этилганлиги муносабати билан хўжаликларга 2040,0 миллион сўмлик кредитлар берилганлиги ҳам ўз самарасини кўрсатди.

Ишлаб чиқариш, саноат, савдо, қурилиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий секторнинг улушлари тобора ортиб бормоқда. Уларда ишлаётганлар сони иқтисодиётда банд бўлганларнинг 32,2 фоизини ташкил қилади. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1039 та янги иш ўринлари барпо этилди.

Транспорт, қурилиш, соҳалари ҳамда аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлашда ҳам сезиларли силжишлар бўлди. Яъни умумий аҳоли сони 121 минг бўлса, хонадонларнинг 95 фоизи газлаштирилди, газ ўлчагичлар ўрнатиш юмушлари тугалланиш арафасида.

Бўстон

мик лицей ва коллежларда ўтказилиб, санъат ва шеърият ихлосмандларига оламолам завқ-шавқ бағишлади.

Жамғарма булардан ташқари олий ўқув юртлари, коллежларда таҳсил олаётган 20 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқув шартнома тўловларида амалий кўмак берди. Туманимиздан икки нафар талабанинг Ҳиндистон университетлари магистратурасида таҳсил олишлари учун моддий жиҳатдан кўмак кўрсатди.

Бўлажак саломатлик посбонлари

Эллиққалъада 4 коллеж, битта академик лицей, Бизнес-мактаб бир неча минглаб ўғилқизларга касб ва билим сирларини ўргатмоқда.

Шулардан бири тиббиёт коллежидир.

– Билим масканимизга бундан уч йил олдин тиббиёт билим юрти мақоми берилган эди, – дея ҳикоя қилади коллеж директори Одилбек Юлдошев. – Ундан олдин Тўрткўл тиббиёт билим юртининг бўлими сифатида 10 йил мобайнида соғлиқни сақлаш тизимига 1000 дан ортиқ ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари тайёрлаб берди. Коллеж мақоми олингач, ўтган йили март ойида ўқув биносини таъмирлашнинг биринчи навбати тугалланган эди. Бунинг учун 560 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ўқув лаборатория биноси учун эса 1 миллиард 258 миллион сўм сарфланди.

2005-2006 ўқув йилига талабалар қабул қилиш жуда юқори савияда ўтди. Насиб қилса, эртага ҳамширалик иши бўйича 330, даволаш иши бўйича 90, лаборатория диагностикаси бўйича 30 талаба ўқув машғулотларини бошлаб юборади. Уларнинг "Сиҳат-саломатлик йили"да пухта амалий ва назарий билим сирларини эгаллашлари учун яхши шароитлар бор. 2 та компьютер синфлари, 4 та замонавий лингофонлар билан таъминланган махсус хоналар ишга тушди. Масофавий ўқитиш ва "Интернет" тизими ўрнатилган. 7,5 минг адабиёт фондига эга кутубхонамиз талабалар хизматида.

"Орол болалари" отахони

"Султонбобо – Гулдурсин" асфальт йўлининг 25-километрида мовий сувли Аққакўл соҳилида боғ-роғларга бурканган бир неча икки қаватли биноларга кўзингиз тушади.

Бу сўлим масканда Қорақалпоғистон болаларининг энг севимли орогоҳи – "Орол болалари" жойлашган. Унга ўн биринчи мавсумдирки, ўз ишининг фидойиси Қурбонназар Бойназаров раҳбарлик қилади. Уни Оролбўйидаги ўн минглаб болалар "Ўзимизнинг отахон" (қорақалпоқча – ота-бобо дегани) дейишади ғурур билан.

Бу ерда болалар учун деярлик барча нарса муҳайё: спорт майдончаси-ю клуб, кутубхоналар, чўмилиш ҳавзаси, Аққакўлда сайр қилиш учун махсус кема ҳам бор. Шу боис бу йил Қорақалпоғистондаги 20 оромгоҳлардаги дам олган болаларнинг учдан бир қисми "Орол болалари"га тўғри келади.

– Бу йил салкам 3 минг болаларни қабул қилдик, – дейди Қурбонназар, – яқинда уларни тантанали кузатиб қўйдик.

Пиру-бадавлатлар

Яқинда қадрдон отахонимиз – Отажон бобо Каримовнинг хонадонига йўлимиз тушди.

Набираларидан суриштирсам: "Бобом эвараларининг билимини синовдан ўтказаяпти. Боғда. Юринг", дея таклиф қилдилар. "Тавба, – дейман ўзимча, – яқинда 104 ёшни қаршилаган бу инсон бунча куч-қудратни қаердан олар-кан-а?!" Ҳақиқатан ҳам, Отажон бобо тўрт эварасининг қўлига китоб тутқазиб, улардан нималарнидир сўраб-суриштираётган эканлар.





...Юз билан юзлашган, ҳатто уч асрнинг гувоҳи бўлган бундай пири-бадавлат қариялар Элликқалъада 28 нафарни ташкил қилади. (Худо умрларини тағин зиёда қилсин!) "Саримбий" овулида 1883 йили туғилган Амина буви Сапарова, Навоий овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Суна момо Норбоева, 1894 йилда туғилган "Дўстлик" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Холжон момо Обиджоновалар ҳали тетик.

– Бундай табаррук қарияларимизга пенсия пулларини элтиб берган ходимларимиз ўзларида йўқ шод-хуррам бўладилар, – дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Қорақалпоғистон филиали Элликқалъа тумани почта алоқа тармоғи бошлиғи Қамаридин Мамбетов. – Чунки бундай инсонларнинг дуосини олган асло кам бўлмайди.

А.ИСКАНДАРОВ

Берунийлик бунёдкорлар

Шоббоз боғбонлари

Шоббозликларнинг номи азал-азалдан сархил қовунлари билан танилган. Боғбонлари ҳам бутун Хоразм воҳасида довруқли бўлишган.

Не ажабки, шу довруқли боғбонларнинг "Нукус-Тўрткўл" магистрал йўли бўйидаги хонлар ҳам ҳавас қиладиган боғлари кейинги пайтларда қурий бошлаганди. Яхшиямки, фермерлик ҳаракати бошланиб, мавжуд 47 гектар боғ ва 6 гектардаги токзорлар 41 фермерларга тақсимлаб берилди.

–Боғ ва токзорлар энди ўз эгаларини топди, - дейди мамнуният билан Шоббоз овул фуқаролар йиғини раиси Шавкат Сабуров. – Боғбон-фермерлардан бири Ибодулла ака Янгибоев салкам 35 йил бригадага саркорлик қилган. Ҳозир 67 ёшда. Унга 3 ўғил, 3 келини кўмаклашади. Боғдаги кўчатлар 1974 йили ўтказилгани учун ҳосилдан қолган. Шунинг учун хато жойларига илк баҳорда ўзлари пайванд қилишиб серҳосил кўчатлардан ўтказишди.

Овул фуқаролар йиғини раиси тағин бир фермер-боғбон Нуруммат Абдуллаев ҳақида тўлқинланиб гапира кетди: –"Барака топсин, Нуруммат ҳам Ибодулла акадек деҳқончиликнинг ҳадисини олган. Боғининг умумий майдони 6 гектар. Ҳар гектар у 30 фоиздан олдиндан нақд пул ўтказди. Ачинарлиси, унинг фермер хўжалигидаги кўп дарахтлар ҳам ҳосил бермасди. Шунинг учун фермер Нуруммат бир гектарга 1300 туп ток, бир гектарга 206 туп эртаги серҳосил ўрик, 100 туп нок, шунча пайванд қилинган беҳи, 2 гектарга олма кўчатлари ўтказди.

...Ҳамсуҳбатимизнинг айтганича бор. Шоббоз овулининг боғбонлари ишлари билан танишганимизда биз шунга амин бўлдик. Кўз тегмасин, янги ўтказилган кўчатлар гуркираб ривожланмоқда. Демак, шоббозликлар яқин 2-3 йилда боғ ва токзорларни бутунлай қайта тиклаб эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қиладилар. Ўзлари ҳам фойда остида қолади. Бунга асло шубҳа йўқ!

Бурчимизни бажараяпмиз

Яқин ўн йилдирки, берунийлик шифокорлар номи кўп жойларда мамнуният билан тилга олинишини дил-дилдан ҳис қиламиз.

Бу фақат салкам 151 минг аҳолига эга бўлган туман аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш хусусидаги фикр эмас, балки Беруний марказий шифохонасига қўшни туману вилоятлардан, ҳатто ҳамдўстлик давлатларидан ҳам шифо ва нажот истаб келишади. Бунинг сабабларини қисқача шарҳлаб беришни туман марказий шифохонаси бош врачи Ҳожибой Нуруллаевдан илтимос қилганимизда унинг жавоби қисқа бўлди: "Вазифамизни бажараяпмиз. Аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиз.

Интилиш

У раҳбарлик қилаётган соҳанинг 314 нафар врачлари, 1537 нафар ўрта тиббий ходимлари фикри ҳам деярли бир хил: "Ҳар бир инсонга иложи борича шифо бериш бизнинг оддий касбий вазифамиз!" 645 ўринли шифохоналарда даволанаётган беморлар ҳар бир шифокорга умид кўзи билан қарайди. Айниқса, битта участка касалхонаси, 4 та врачлик амбулаторияси, 10 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 15 та фельдшер-акушерлик пунктларидаги ишларнинг бориши доимо назоратда бўлади. Шунинг учун ҳам туман бўйича олти ойда даволанган 11557 беморнинг аксарияти қишлоқ аҳолисидир.



Бундан ташқари, "Сиҳат-саломатлик" дастури бўйича ҳам анчагина амалий ишлар адо этилди. Жумладан, қишлоқ ихтисослашган болалар санатарияси, касалхона таъмирланди. Энди навбат тиббий тез ёрдам станцияси ва 1-поликлиникага.

Хуллас, туманимизнинг саломатлик соқчилари ўз касбий вазифаларига содиқ қолиб, ҳамиша аҳоли саломатлигини сақлашда хизматларини аямайди.

Тўкинлик маскани

Бозор ободлиги, тўкин-сочинлиги шу ҳудуд аҳолиси яшаш тарзидан дарак беради.

Шоббоз деҳқон бозорига кириб боришингиз билан тўкин-сочин расталарни кўриб бахри-дилингиз очилади. Салкам 151 минг аҳолига хизмат қиладиган бозор майдони 9,5 гектарни ташкил қилиб, 380 савдо ўрнига эга.

Мазкур бозорда амалдаги йилнинг ўтган даврида 200 тоннадан кўп гўшт, 500 тоннадан ортиқ дон маҳсулотлари, 405 тонна картошка, 1,5 минг тонна мева ва полиз маҳсулотлари сотилганлиги аҳолининг фаровон турмуш кечираётганлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам бозор жамоаси фақат 6 ойда 14391,2 минг сўм даромад олгани, соф фойда 1552,9 минг сўмни ташкил қилгани анча ибратлидир. Бозорда ободонлаштириш, тозаликка қатъий риоя қилиш, янги расталар барпо этишга катта аҳамият берилади.

А. ИСКАНДАРОВ

ЧИМБОЙ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

барчани Мустақиллигимиз байрами билан муборакбод этади!

Ёшларни камол топтиришга ҳисса қўшаётган мураббийларга сиҳат-саломатлик, бахт-иқбол тилайди!

Пахтаарна

Найман ирригация тизими бошқармаси жамоаси



Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан республикамиз меҳнаткашларини қизғин ва самимий муборакбод этади!

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларига тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, соғлиқ-омонлик тилайди.

Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлаверсин!

Ният

Дастур асосида

Орол денгизининг ҳавзаси кичрайиб, сувсиз қолган жойларда тузли чанг-тўзонлар кўтарилаётганлиги ва бошқа экологик муаммолар минтақамизда ўсимлик дунёсини кўпайтиришни, ўрмонзорлар, иҳотазорлар вужудга келтиришни тақозо этаяпти.



Бунинг учун 16 гектардан зиёд майдонда кўчатхона – питомниклар ташкил этилиб, саксовул, черкез, қора ёғоч, оқтерак, жийда, қандим каби дарахтларнинг ниҳоллари етиштирилаяпти. Минтақамиз табиий-иқлим шароити учун ғоят мос бўлган саксовул кўчатлари етиштиришга эътибор кучайтирилмоқда. Бунинг учун 17 тоннадан зиёд саксовул уруғи тайёрлаб қўйилганлиги туфайли қисқа вақтнинг ўзида 4 минг гектардан зиёд саксовулзорлар вужудга келтирилди.

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия қўмитасининг Нукус филиали томонидан амалга оширилаётган дастурига кўра 2004-2008 йилларда 10 минг гектардан зиёд ўрмонзорлар ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун ўрмон хўжалигимизнинг 80 дан зиёд ишчи-хизматчилари жалб этилган.

Ҳозирги пайтда ўрмон хўжалигимиз тасарруфида 58111 гектар ер бўлиб, унинг 41675 гектардан зиёди дов-дарахтлар билан қопланган. Келгусида Оролбўйидаги экологик вазиятни имкон қадар яхшилаш учун яшиллик билан қопланган ўрмонзорларни кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

М.ГУЛИМБЕТОВ,
Қораўзак ўрмон хўжалиги етакчиси.

Қумлар

Биз тушган улов Қизилқумнинг шимол томонидаги шивоқ, каррак, янтоқ каби ўт-ўланлар босган сўқмоқ йўлдан аста-секин олдинга одимлайди. Йўлнинг икки чети кета-кетгунича ўрмонни эслатувчи қалин саксовулзорлар ҳамда адрасдай товланиб ётган уюм-уюм қум барханлари билан қопланган. Мана шу учи-қири кўринмайдиган даштларда чўпон-чўлиқлар умргузаронлик қилишади.

Яйловда сочилган ризқ

Чор-атрофда бирор бир жонзот кўринмайди. Йироқларда, кўкимтир туман чўлғаган чўл тўрида ялтираб турган Айдаркўл кўзга ташланади. Бир-биридан узоқ-узоқ масофаларда ёйилиб юрган қўй, туя, от подалари ва қора, оқ ўтовлар кўзга ташланади. Ҳар ўн-ўн беш қадамда қуриб-қовжираган саксовулзорлар орасида сўқитўрғай, бузғалдоқ, вулдуруқлар пирпираб, чулдираб осмонга кўтарилади. Иккита бўз бола арғумоққа қамчи уриб қаёққадир шошмоқда.

Бир болакай эса туяда юз қадамча масофада дам бориб, дам келяпти, қудуқдан мешда сув тортиб олмоқда, овул атрофида қўзилар, туялар, биялар ўтлаб юришибди. Баҳайбат қулоқлари, думлари қирқилган бўрибосар итлар беозор йўловчилар ўтаётганини сезиб номигагина ириллаб қўйишади. Ҳар уй, ҳар ўтов олдида янги-янги манзаралар намоён бўлади.

Дам ўтмай саҳро ўтлари, мол, тезак, жун, тери, саксовул, сузма, қимиз, қумрон, шибот ислари анқиган мўъжаз қўрғонга етиб бордик. Қора ўтов, ёнидаги кигиз устига солинган кўрпача устида суҳбатлашиб, дўмбира чалиб, ўлан айтиб ўтирган ола қалпоқли кишилар кўринди.

Қизилқум наслчилик хўжалиги унча катта эмас. Лекин ҳудуди ўзига нисбатан ҳийла кенгроқ – 230 минг гектардан ошиқ яйловни қамраган. Навоий шаҳри эса чамаси 300 чақиримлар нарида жойлашган. Бу ерларда одамлар бир қўрғонда (овулда) яшаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. 64-йилларда совхоз сифатида ташкил этилган. Кейинчалик марказ бўлгани учун чўлдаги овуллардан, кўчманчи чорвадорлар келиб шу ерни макон тутишган. Хўжаликнинг Қизилқум деб номланишининг ҳам тарихи бор. Негаки.ю бу ном ширкатга чўл номига ҳурмат юзасидан берилган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, Қизилқумда қайси уруғни олманг, деярли барчасида чўпонлик қони бор. Гоҳида бийдай бу саҳрода чорвадорликдан бошқа яна нимаям қилиш мумкин деб, ўйлаб қоласан, киши.

–Чинакам чўпонлар азалдан ажиб фазилатли кишилардир, - дея гурунг беради Конимех туманидаги "Қизилқум" наслчилик хўжалиги раҳбари Миқтибой Утемуродов. – Улар ўз сурувидаги қўйнинг барини танийди, чармини чармгардан топади. Ўн минг қўй орасидан ўзининг қўйини бир қарашда топиб олади. Билмадим, уларга Оллоҳ қандай хотираю идрок берган экан.

Бизлар гоҳида бир кўрган одамимизни учратсак, танимаймизу, улар шўрвасига қараб қайси яйловда боқилган қўйнинг гўштидан эканлигини айтиб беришади. Қонида чўпонлик бўлган одамларни овулда боғлаб ҳам сақлолмаймиз.

–Уйланиб боғланиб қолдим-ку, чимилдиқда ўтган уч кунда сочим оқарди, - деганмиш чимилдиқдаги келинни қолдириб, қочиб кетган бир куёв. Чўлнинг оҳанграбоси



бор, деган гапга ишонмоқ лозим, шекилли. Қадимда қайноқ Қизилқумда нечта



бахши ўтган бўлса, уларнинг қарийб барчаси адоқсиз чўлларда туя миниб, дутор чалиб кўй боқишган. Бизда бундай чўпонлар кўпчиликни ташкил қилади. Ширкатнинг саксон бир минг бош қўйқўзиси, икки юз бир бош туяси, уч юз бош йилқиси ҳам сурув-сурув бўлиб бир юз ўнта отарда эрта тонгдан то кеч туннинг алламаҳалигача Қизилқумдан ўз ризқини теради. Улар энг тажрибали чўпонларга топширилганлиги сабабли ҳам бу йил қўлга киритилган ютуқлар чакки бўлмади. Ҳар юз она қўйдан 115 бошдан ошириб қўзи олинди. Ўттиз олти минг икки юз бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Ўн бир минг олти юз эллик уч дона қорақўл тери ишлаб чиқарилди. Ҳозиргача олтмиш етти тонна жун ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич йил охирига бориб бир юз ўн уч тоннани ташкил қилади.

– Қадим-қадимдан Қизилқум халқининг ризқи асосан, яйловдан келган десам, асло янглишмаган бўламан, - дея сўзида давом этди раис Миқтибой оға. – Ҳар овулнинг чорвадор бойида эллик-олтмиш минггача қўй-эчки бўлган. Бойларнинг серўт манзил изловчи, чўпон-чўлиқларга нон ташувчи махсус хизматкорлари бўлган. Чўпонларга хизмат ҳақи учун ҳар ойда биттадан қўй берилган. Бойлар сурувнинг саноғини билмаган, қўйларнинг қулоғига рақамли ҳалқа урган эмас. Лекин унинг битта қўйига ҳеч ким хиёнат қилмаган. Чўпон-чўлиқлар худодан қўрққанлар, қолаверса, инсоф-диёнат йўл бермаган. Дарвоқе, чўпон пирининг руҳларини безовта қилган чўпон чўпонми?

"Диёнатни унутманг, бадавлат бўласиз. Яйловни топтаманг, Аллоҳдан раҳмат ёғилур", демишлар ул зот. Ҳозир ҳам сурув ортидан юрган чўпон-чўлиқларнинг иши юришмаса, чўпон пиридан мадад сўрайди.

Яйлов соҳиблари саҳрони энг гўзал маъво деб билишади. Қалин, ўрмонни эслатувчи саксовулзорларни баланд ўркач-ўркач барханлар билан тиллашадилар, диллашадилар, сирлашадилар, инжиқликларини кўтарадилар. Ҳар яйловга, ҳар манзилга ном қўйишган. Яйлов жойларининг қайси қай нуқтадаю, неча чақирим ва унда кимнинг қўйлари боқилаётганлигини бехато айтиб беради. Кўзланган манзилни тўппа-тўғри топиб беради. Йўлга чиқсанг, чўпондан ёвуқ тут, деб шунинг учун айтишган-да.

Учтепа Қизилқум бағридаги кун сайин обод, кўркам кўрғонлардан бирига айланиб бормоқда. Бу ерда кўчалар асфальтланган, тураржой, маиший хизмат, мактаб, болалар боғчаси, клуб, замонавий услубдаги савдо шохобчалари ва маъмурий бинолар қад кўтарган. Кўрғоннинг кўриниши, меъморий ечимига ҳавас қилса арзийди. Хўжаликдаги "Учтепа" ҳамда "Қизилқум сури" деб номланган иккита кичик корхонада ўттиздан ошиқ қишлоқ ёшлари ишламоқда.

Корхоналарда тайёрланаётган мато, поли шуба, тунлар хорижникидан асло қолишмайди.

Ўтов... Қизилқумдаги қозоқ ўтови. Бу кўп ҳолларда "қора уй", баъзан "юрт", гоҳида "Ватан" деб ҳам аталади. Қозоқлар қадим-қадимдан чорвачилик билан машғул бўлиб келишганлиги, ҳали у яйловда, ҳали бу яйловда макон қуриб яшаганликлари учун ҳам кўчманчи чорвадорларга кўчма уй – ўтов ўта қўл келган.

Орадан қанчадан-қанча замонлар ўтиб, бугунги кунга келиб ростакамига ўтроқлашиб кетишган бўлсаларда, ҳозир ҳам қизилқумлик қозоқ ва қорақалпоқлар замонавий, ҳашаматли уйларининг қатида қадимий усулда, ўзига хос тарзда безатилган битта ўтов қуриб қўйишади.

Ўта ораста ва миллий нақшлар туширилган кийизлару "ғажари" жулхурслар, геометрик қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳолда нафис ишлов берилиб "қора тол" шохларидан ясалган ўтов "қобирғаси", қамишдан санъат асари даражасида тўқилган "чий"лар, дарпардалару ўтов ҳавосини алмаштириб турувчи куббали туйнуклар, қозоқ чечаларнинг такрорланмас ноёб санъати билан бунёд этилган турли-туман нафис тақинчоқлару зеб-зийнат буюмлари, ҳар қандай аҳнабийни бир кўришдаёқ ўзига ром қиладиган уй-рўзғор халтачалари, жамалагу пўпаклар, "кўз-кўз" учун намойиш этилган қозоқ келинчагининг беқиёс гўзал сепи... нимасини айтасиз, назаримда, бу қора уйда, ўтовда гўзал бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

Ҳа, қозоқлар бекорга ўтовни она-Ватан деб аташмас экан. Худди шундай. Ватан – муқаддас. Ўзбекистон бу юртда мана шу ўтовлардан бошланади.

Шаҳардан келган меҳмонга қозоқ кавми ўтови сирли туюлганини сезган ҳамроҳларимдан бири мени "қора уй" ичкарисига бошлади. Тез орада кунгира шаклли, тўрига оқ, қора, сариқ кўк пўстаклар, гул-гул гиламлар, кигизлар йиғилган айланасига ипак кўрпачалар тўшалган ўтов кишиларга тўлди. Қариялар дастурхон бошида танти ва тўпори қозоқнинг урф-одатлари, яйлов кишиларининг нозик тафаомиллари ҳамда бошқа мавзуларда тўлқинланиб сўзлар эди. Давра анча жонланди.

– Меҳмонжон-ов, мен қўлимга дўмбирамни ушлайин, сизга атаб битта терма бошлайин, - дея қуйироқда ўтирган, юз-кўзи ёқимли кулиб турган, қўнғир соқол, бақувват чол қўлига отамерос муқаддас созини олди.

Бир зумда атрофни бахшининг қўнғироқдек, беқиёс хониши тутиб кетди. Дўмбиранинг дилбар, сеҳрли садисидан маст бўлган даврадаги кексаю ёш оҳиста-оҳиста тебраниб қўяр эди. Бахши ҳар бир қўшиқни дилдан ёниб айтди. Менинг кўз ўнгимда кенг далалар, гўзал кенгликлар жонланди.

Чўпоннинг жонига тўзим берсин. Қаҳратоннинг қиличдек кескир аёзидаям, эрта кўкламнинг шовуллама ёмғири-ю, саратоннинг ер кўкни тандирдек қизитган чилласида ҳам сурув ортидан юради. Соялашга бийдай чўлу биёбонда жой қаерда? Чўл арчаси деб номланган саксовул соясига бирдам чўккаласа, гармселда нафаси қайтади. Шундай кезларда биз юқорида таърифини келтирган қора уйнинг фойдаси жудаям катта бўлади. Ўтовнинг қулайлиги, афзаллиги ҳақида жудаям кўп гапсўзлар бўлди ўша куни. "Яйловларинг ўтга тўлсин ўтовли элим, инсонларинг бахтли бўлсин, бахшили элим", дея Қизилқумдан ортга қайтдим. Мана орадан шунча кун ўтган бўлишига қарамасдан, қулоқларим остидан ўтовдан таралган наволар кетгани йўқ. Менимча, бу дилбар наволар мени яна овулга чорлайверади.

Олисдан "тиқ-тиқ-тиқ" деган овоз келади. "Қўй урлади" дейди бош чўпон Қўндибой Султонов. – Бу "тиқ-тиқ-тиқ" овози серкага осилган қўнғироқдан келган бўлади. Серка ёвшанни узиб-узиб ейди. Шунда қўнғироқ силкиниб "тиқ-тиқ-тиқ" овоз беради. Чўпонлар атайлаб қўнғироқни беш-олти яшар серкага ёки этлироқ қўчқорга осади. Йўқса, мундайроқлари ҳолдан тойиб, чарчаб қолиши мумкин-да. Шу серканинг жонига тўзим берсин-э, эрта-ю кеч "тиқ-тиқ".



Қўндибой чўпон Қизилқум саҳросида сурув ортидан юрган чўпонлардан биттаси. Бағри кенг, ориятли одам. Майда-чуйдаларга ўралашавермайди. Чорвадан, саҳродаги ўсимликлар хусусида гап очилса, гап дафтарини дастурхон қилади. Қўндибой оға билан гурунгимиз Қизилқум кенгликларида кечди.

Молга берсанг соз емиш – боқар сени ёзу қиш. Молинг зотли бўлса, емишинг тотли бўлади, дегувчийди умри қўй кетидан ўтган овулдаги кекса оқсоқол. Бугун эса мен ўғил-қизларимга "Қўйи кўпнинг иши кўп", деб қўяман гоҳида.

Қўндибой чўпон ерга пўстинини ташлади-да, оҳиста оға ёнбошлайди. "Чахай, ча" деб қўяди сурувга қараб. Орага бир муддат сукунат чўкади. Нигоҳини олис-олисларга қадайди. Мен эса чўпонни саволга тутаман.

"Кечасиям сурув ортидан юриб, нима азоб, ўзиям бамайлихотир юравермайдими? Биров ўғирлаб кетмас". "Қўйни кўпам жотқизмаш керак, – маъқуллади оға. – Қочмай қолади. Бир мавсум шундай бўлди. Тобим бўлмай, сурув орқасидан юролмадим. Натижада қаровсиз жонивор гўр бўлама? Баримнг эти суягига жопишиб қолғон. Устига-уст қўчқорга ҳайдайман. Барибир бўлмади. Қўй қочмай қолди, ёмон изза бўлдим, ер ёрилмади ер остига кириб кетсам. Шундан бери бу ҳолат содир бўлмаслиги учун тиришиб-тирмашаман".

–Шахсий қўй-қўзингиз ҳам кўпдир?

–Албатта-да. Қўрада кўрсам – қорним тўқ. Тириқчилигимиз, ризқимиз шундан бўлса. Келин тўйи, қиз узатиш дегандек орзу-ҳавас бор.

Саксовул ўтинида қайнатилган чойдан масза қилиб ичиб, яна турли мавзуларда алламаҳалгача гурунглашдик. Менга маъқул бўлгани Қўндибой оға айримларга ўхшаб ҳаётдан, кўрган-кечирган турмушидан асло зорланмади. Аксинча, эртанги кунда жудаям кўплаб орзулари борлигини таъкидлади.

Чўпон билан хайр-хўшлашиб ортга қайтаётганимизда хўжалик молия-ҳисоб маркази бошлиғи Испан оға Аҳметов келиб қолди.


Испан оға, ширкат аҳлини кўндан бери ўйлантириб келаётган бир муаммо ҳақида қуйиниб сўзлади:

- Электр токидаги узилишлар тинка мадоримизни қуритди. Натижада ток бўлмагач аҳоли артезиан қудуғидан сув олишда жудаям қийналмоқда. Хўжалик электр ҳақидан қарздор бўлмаса. Нега бундай ҳол юз беради? Аҳоли эса бу муаммонинг илдизига етиб бора олмаяпти. Қолаверса, Навоий электр тармоқлари корхонаси аҳолининг ҳақли эътирозини инобатга олишса, яхши бўларди.

Конимехдаги "Қизилқум" наслчилик хўжалиги жамоаси, айниқса, тармоқни ривожлантириш, самарадорлигини ошириш унчалик ҳам мушкул эмаслигини амалда тўла-тўкис исботлади. Ушбу хўжаликда юз мингнинг нари-берисида қўй-қўзи боқилмоқда. Уларнинг камалакдек товланувчи, қоронғуда ўзидан нур таратувчи сур, антика терилари нуфузли кўргазмаларда жаҳоннинг энг олий мукофотларига лойиқ деб топилган.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қоракўлчилик



САЛТАНАТИДА

Водийларни яёв кезганда

Чўлдаги ислоҳотлар

Юлдузлар жимирлайди. Ой тиккага кўтарилган. Майин шамол бўталарни аста сийпалайди. Чўпон сурувнинг бошини қайтарди-ю, баланд барханлардан бирига яқинлашди. У эшак устидаги хуржундан чойгумни олиб атрофига жузган шохларидан қалайди. Чўл қўйнида гулхан ёнди.

Олов тун қаърини тилкалагандек бўлади. У гоҳ кўтарилиб, гоҳида пасаяди. Қулоққа сурув кўнғироғи эшитилади. Бу овоз чўпон қалбини шоширгандек бўлади. Унда озод меҳнат саси, юртдаги эврилишлар, чўл қўйнидаги мукаррамлик ва тиниқлик, чорва ишқи хавозаларининг баландлиги намоён бўлгандек эди.

–Бир гапни айтсам, айбга қўймайсиз, - деди Конимехлик ёш чўпон Довурхон Дуйсенов, - ҳамма дорамадларимни қўйга айлантириб боқиб юрсам ҳам, қизиғи қолмас экан. Оилам билан меҳнатнинг роҳатини кўраяпман. Яқинда янги "УАЗ" машинаси олдим. Уни ҳайдаб барханларда юраман, оқ рангли "Нексиям" ҳам бор. Мактабга яқин жойда уй қурдим. Болаларим у ерда билим олишади. Катта ўғлим Навоий шаҳридаги коллежда ўқийди.

Довурхон мустақиллик даврининг чўпони. Бундайлар юзлаб, минглабдир. Бугунги чўпон худди Довурхондек ҳалол меҳнатнинг наъшу навосини кўриб замоннинг олд кишиларига айланмоқда.

... Тўладан келган, секин сўзловчи Танриберган Абдураҳмонов билан узоқ сўзлашдик. У Ромитан туманининг "Қизил Работ" хўжалигида туғилган. Узоқ Шарқнинг Амур вилоятидаги Блоговешенск шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтининг иқтисодиёт факультетини тугатган.

Шундан сўнг у Бухорога келиб қоракўлчилик трестида молия ва иқтисод бўлимларига етакчилик қилган. 1982 йилда Навоий вилояти қоракўл трестига бош ҳисобчи этиб тайинланади. Бу орада у яна Бухоро қоракўл трести бош ҳисобчиси бўлади. Навоий вилояти қайта тикланган, "Навоийқоракўл" бирлашмаси бош ҳисобчиси бўлиб иш бошлади. Ўз ишининг устаси, 32 йилдирки, бир тизимда узлуксиз ишлаб келмоқда. Ҳалол меҳнатлари унга обрў олиб келди. У "Шавкатли меҳнати учун" медали ва Мустақиллиқнинг ўн йиллиги нишони билан тақдирланган.

Маълумки, қоракўлчиликнинг ривожи ҳисоб-китоб ишларининг тўғри йўлга қўйилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

–Бунга оилавий пудратга ўтганлигимиз бош омил бўлди, - дейди Абдураҳмонов. –Бу ҳукуматнинг тўғри сиёсати эди. Аввало, чўпонларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Бу эса уларнинг масъулиятини кучайтирди.

Қоракўлчиликдаги ислоҳот чўпонни билимдон этди. У фойда билан зарарни ажратадиган, иқтисодчи билан баҳслашадиган ва меҳнат ҳақини ажрата ола билади.

Мамлакатда ислоҳотлар чуқурлашиб борди. Натижада чўпонга кенг имкониятлар яратилди.



–Яйлов дарғаси, - дейди бош ҳисобчи, - икки томонлама, яъни ўзи ва ширкат ўртасида шартнома шартларига имзо қўяди. Чўпоннинг қанча қўзи олиши, ўстиришга қолдириши, бозорбоп қоракўл тери тайёрлаши, мол чиқимига йўл қўймаслик ва ҳоказо ишлар бўйича ширкат унинг олдига йиллик режа қўяди. Шартнома шартларини бажарган қўйчивон оладиган даромад ҳам аниқ-тиниқ ёзилади.

Бундан ташқари йилнинг бошида чек дафтарчаси очилиб, унга ҳисоб-китоб юритилади.

Бирлашма бош ҳисобчиси сўзларининг исботи учун мисолларга мурожаат этди.

–Масалан, - дея сўз бошлади у, - "Сарибел" ширкат хўжалигида пудратчи Жалғасбой Тойирбековни олиб кўрайлик. Унинг отарида уч киши ишлайди. Боқимида 605 бош қўй бор.

Пудратчи мавжуд молдан қанча ҳосил олиши керак? Бош ҳисобчи калкуляторни



Бош иқтисодчи шкафларда териб қўйилган ҳисобот тахламларидан бир нечтасини олиб, варақлай бошлади.

-Ўтган йили бирлашмага қарашли хўжаликларда ўн миллиард сўмдан зиёд даромад олинган. Харажат эса олти миллиарддан ошиқ бўлиб, соф фойда уч миллиард 440 миллион 660 минг сўмга боради. Биргина Абай номли наслчилик хўжалигида самарадорлик 132 фоизни ташкил этган. Олинган даромад 870 миллион сўм атрофида бўлган. Соф фойда эса 420 миллион сўмга етган.

"Оёққудуқ" ширкатида эса жами даромад 633 миллион сўмга борган, соф фойда 305 миллион сўмдир. Рентабеллик даражаси 95 фоиздан иборат.

Яна бир хўжалик - "Нурота"да аҳвол қандай кечган? Даромад 738 миллион сўмдан ошгани ҳолда соф фойда эса 260 миллион сўм бўлган. Самарадорлик 56 фоизни ташкил этган.

Асилғанидан бирлашмага қарашли 35 хўжаликнинг ҳар бири ҳақида тўла маълумот олиш қийин эмас.

Ширкат хўжаликлари ўтган вақтда устав жамғармаси ва пай улушдан ташкил топди. Бу нима берди? Жамоа хўжаликларини ширкатга айлантириш вақтида бўлинмас жамғармадан пай жамғарма ташкил топди.

Пай жамғарма пай улуши ширкат аъзоларига бўлиб берилади. Шундан кейин ҳар йили хўжаликнинг олинган соф фойдаси умумий йиғилишда кўрилиб, 30 фоизга дивидент ажратилади. Аввалари бу ҳолат йўқ эди.

–2001 йилдан бошлаб, - дейди бош ҳисобчи, - дивидент тўлана борди. Агар ўша йили берилган дивидент 243 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу миқдор 619 миллион сўмга етди.

Қоракўлчиликда иқтисодий ислоҳотлар тўла самарасини кўрсатаяпти. Бу ютуқларни янада кўпайтириш бирлашма тизимидаги ҳар бир кишидан чуқур масъулият билан иш юритишни тақозо этади.

... Бу ютуқларга қоракўлчилар қандай қилиб эришмоқдалар?

Ҳаёт тилсимлар уммонидир. Улар инсонга ўзини бирваракайга кўрсатмайди. Буни англамоқ учун тажриба, билим, фан ютуқлари зарур. Уларсиз мақсадга эришиб бўлмайди.

–Чўпон қўйи билан гаплаша билсагина, унинг омади кулади, - дейди Ҳазрат Қурбонов, - бунинг учун йилнинг ҳар тўрт фаслида қуй сехрини англаб, у билан сўзлашишни билмоқ лозим.

"Навоийқоракўл" бирлашмаси раисининг ушбу сўзларида катта маъно бор ва у фикрини тўлдириш учун яна қуйидагиларга эътибор қаратди.

–Гарм-чарм сўзининг маъноси нимада? – деди у. - Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, гарм иссиқ-чарм-қўй ичида чарви ёғи тўпланади, деганидир. Шунинг учун ҳам қўйларни ёз чилласида ётқизмасдан доимо яйловда боқмоқ лозим. Чунки, иссиқда ётган қўйни офтоб уради. Жуни куяди, мол ориқланади. Бу келгусида мўл маҳсулот олишга тўсиқ бўлади. Қўй яйловда қанча яйратиб боқилса, шунча этига эт қўшилади, жунининг майинлиги, маҳсулдорлиги ошади.

Қизилқум барханларида бу ақидаларга муттасил амал қилиниб келинаяпти. Оқибатда самарали натижаларга эришиляпти. Эндиликда, Томди, Конимех, Нурота, Учқудуқ туманларидаги кенгликларда 6983 бош от, 4657 бош туя, 865 бош қорамол парвариш этилаяпти. Қўй-қўзилар туёқ сони эса бир миллион бошдан зиёддир.

Қўзи қолдирилди. 121,9 минг дона сифатли қоракўл тери тайёрланди.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида тажрибали чорвадорлар баракали ишладилар. Конимех туманининг мард қоракўлчилари ҳар юз бош совликдан 113 тадан қўзи олиб, шундан 148850 бошини ўстиришга қолдиришди.

Томдининг уддабурон чорвадорлари эришган муваффақият ҳам қувончлидир. Улар қўзилаган совлиқларнинг ҳар юз бошидан 110 тадан қўзи олиб, унинг 141,5 минг боши насл учун ажратилди.

Мураккаб қиш шароитида сўзи билан иши бир чорвадорнинг қўли баланд келди. Томди туманидаги "Керегатов" ширкат хўжалиги ҳар юз совликдан 120 тадан қўзи олинган ҳолда "Оёққудуқ" ширкатида бу миқдор 115 тани, Конимех туманидаги "Қизилқум", "Конимех", "Сарибел" ширкат хўжаликларида 115-114 тага етди.

Навоий йирик чорвадор воҳадир. Унинг кўз илғамас кенгликларида мамлакатдаги жами қоракўл қўйларнинг қарийб 45 фоизи боқилмоқда. Бу салоҳият эса соҳани фан ютуқларига асосланган ҳолда ривожлантиришни тақозо этади.

Шу боис қўйларнинг маҳсулдорлигини ошириш, туёқ сонини кўпайтириш, экспортбоп қоракўл терилар салмоғини ошириш ва янги завод типлари ҳамда линияларини яратиш мақсадида Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

–Кейинги беш йилда - дейди институт директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Суръатбек Юсупов, - олимларимиз бешта завод типини яратдилар. Қорақалпоғистон Республикасининг "Қизилқум" наслчилик хўжалигида Тўрткўл завод типидаги Қорақалпоғистон сур қўйларининг ўрик гул, пўлати сур, шамчироқ гул каби ранг-баранглы тери берадиган, Навоий вилоятидаги "Нурота", Абай номли, "Қизилқум" наслчилик хўжаликларида "Зармалла", Ўзбекистон кумуш сури завод типлари, "Сарибел" наслчилик ширкатида ҳозирги замон талабига мувофиқ ясси сур тери берадиган Сарибел завод типи, Қашқадарё вилоятидаги F.Fулом номли наслчилик заводида юпқа, калта жун, гуллари бақувват бўлган қовурғасимон навли тери берадиган қора рангли қўйларнинг Авазчўл завод типи яратилди.

Бундан ташқари "Томди" наслчилик ширкат хўжалигида ҳаворанг қоракўл қўйларнинг завод типи яратилди. Булардан ташқари вилоятда "Конимех", "Ғозғон", Файзулла Хўжаев, "Сарибел", "Нурота", "Томди", Абай номли, "Қизилқум" наслчилик хўжаликларида бугунги кун талабларига жавоб берадиган "Қимматли ранг-баранг ва гул типли экспортбоп қоракўл етиштиришни таъминловчи қоракўл қўйлар селекциясининг самарали усулларини ишлаб чиқиш" бўйича илмий ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида экспортбоп қоракўл терилар салмоғини 35-40 фоизга, самарадорлигини эса 20-25 фоизга ошириш кутилмоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.





Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим хоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти
Сулаймоним,
Ёлғизим,
Ягонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан Ватаним...

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

Меҳнатинг мадҳ этиб,

Истиқлолнинг 14 йиллигини хоразмликлар ҳам зўр шодиёна, кўтаринки кайфият билан қарши олмоқдалар. Ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ўзгаришлар улар қалбига ўзгача сурур бахш этмоқда.

Қўш саҳифаларимизда азал-азалдан илм-маърифат, санъат диёри, лабзи ҳалол, бир сўзлик деҳқонлар юрти бўлган воҳа аҳлининг бугунги ишлари, эртанги кун ҳақидаги орзу умидлари билан танишасиз.

Маҳсулот - хорижга

Шу йилнинг бошида иш бошланган "Боғот – Текстил" ЛТД Ўзбек-Турк қўшма корхонамиз ҳам Истиқлолимиз меваси.

Маълумки, йиллар давомида пахта етиштириб, уни хом ашё сифатида бошқаларга сотдик. Фойданинг катта қисмини қайта ишловчилар кўрди. Эндиликда етиш-



рилган пахтамизнинг бир қисми қўшма корхонамизда тайёр маҳсулотга айлантирилади. Фабриканинг йиллик лойиҳа қуввати 4350 тонна пахта ип калавасини тайёрлаш бўлиб, шундан 1440 тонна трикотаж полотно ишлаб чиқарилади. Корхонамизга 2003 йилнинг август ойида асос солинганди. У Туркиянинг "Сонмез Метал Эндустри ва Тижарет А.Ш" фирмаси билан ҳамкорликда ишга туширилди. 6450000 евролик Низом жамғармасининг 60 фоизи хорижлик ҳамкорлар ҳиссасига тўғри келади. Корхонамизга асосан Германия, Чехия, Хитой ва Туркия мамлакатларининг ишлаб чиқариш машиналари ҳамда замонавий компьютерлаштирилган ускуналари ўрнатилган. Булар Республика "Асака" банк томонидан шартнома асосида ажратилган кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинди.

Қўшма корхонамизда шу йилнинг март ойидан бошлаб ип-калава ишлаб чиқарилмоқда. Бу билан 200 нафар боғотлик ёшлар замонавий ускуналарда маҳсулот ишлаб чиқариш бахтига мушарраф бўлдилар. Бундан ташқари ана шу иплардан трикотаж полотно ишлаб чиқарадиган тўрт дона машина ўрнатдик.

Маҳсулот сотиб, ҳеч кимнинг бойимаганлиги азалдан маълум. Шунинг учун ўзимизда тайёрланган полотнолардан тайёр кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Шу мақсадда 50 та тикув машиналари сотиб олиниб ўрнатилди. Улар байрам арафасида илк маҳсулотларини чиқара бошлайдилар. Маҳсулотларимизни четга экспорт қилишни режалаштириб, ишларни шу асосида олиб бормоқдамиз. 2005 йилнинг август ойига қадар ўтган вақт мобайнида ишлаб чиқарилган 540 тонна ип калаванинг 430 тоннаси валютага сотилди. Экспортлар асосан Туркияга жўнатилмоқда.

Алишер СОБИРОВ,
"Боғот-Текстил"
ЛТД Ўзбек –Турк қўшма
корхонаси бош директори

От ўрнини той босар

Унинг одати шундай. Тонг саҳар уйғониб, юз-қўлини ювади-да, 105 баҳорни қаршиласа-да ҳамон тетик, кексаларга хос ҳикматлар кони бўлган Гулжон момосидан фотиҳа олиб ишга отланади. Ахир масъулият ҳам катта-да. Довруғдор, вилоятнинг энг катта хўжаликларидан бири, салкам 2000 гектар экин майдонига эга жамоага бош бўлишнинг ўзи бўладими?!

6000 нафардан зиёд аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши деҳқончиликка боғлиқ бўлса.

Ширкат идораси томон борар экан, муовин Ёқуббой Рўзметовга дуч келади. Унинг қиёфасидан ҳорғинлиги сезилиб турса-да, бироз хурсанд эди.



–Раис бува, ҳаммаси жойида, - деди у салом-аликдан сўнг. Бекдурди вазиятни тушунди. Дарё бўйидаги 500 гектарга яқин экин майдони сув остида қолиш хавфи пайдо бўлганди. Бундай пайтда раҳбарларда кечаси уйқу, кундузи ором бўлармиди!

Тушга яқин туман марказига келган раис шарбат заводида айланди. 2001 йилда Исроил технологияси асосида қурилган завод олма, нок, сабзидан табиий шарбат ишлаб чиқаради. Йилига 50-70 тонналаб шарбат Тошкент шаҳри ва вилоятлар маркази дўконларида сотилмоқда. Бир қисми Россияга жўнатилиб, эвазига трактор эҳтиёт қисмлари харид қилинади.

Намозгар пайти дала шийпонида чой ичаётган раис бу йилги ишлар самарасини хаёлидан ўтказди. 400 гектар майдондаги буғдойдан 1680 тонна дон етиштирилиб, шунинг 857 тоннаси давлатга сотилди. Даромад 97 миллион сўм , ҳосилдорлик 42 центнердан ошиб кетди. Демак, хонадонлар омбори ҳам буғдойга тўла. 1370 гектар пахта майдонидаги ғўзалардан 3674 тонналик режанинг ошиғи билан уддаланиши турган гап. Ҳозирда ҳар бир ғўзадаги 3-4 тадан очилган ва 9-10 тадан бўлиқ кўсаклар борлиги шундан далолат бермоқда. Ўндан ортиқ кичик корхонанинг барчаси узлуксиз фаолият кўрсатиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Аҳоли тоза ичимлик суви, табиий газ билан тўла таъминланган.



Ҳосил ҳимоячилари

Бу йил боғотликлар хирмони ҳар қачонгидан ҳам сарбаланд бўлиши аниқ. Буғдойдан ҳар йилгидан юқори ҳосил олишга эришган туман меҳнаткашлари пахтачиликда ҳам илғорликни қўлдан бермаслик ҳаракатида. Айни кунларда пахтазор оралаган киши уларнинг йил бўйи қилган меҳнатларию омилкорлигининг бекор кетмаганига ишонч ҳосил қилади. Лўппи-лўппи бўлиб очилаётган чаноқлару бўлиқ кўсакларга айланиб улгирган шоналар боғотликларнинг улуғвор



ниятларининг рўёбга чиқишидан дарак бермоқда.

Хирмонларнинг сарбаланд бўлишида туман ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази жамоасининг ҳам хизматлари катта бўлмоқда. Туман бўйича ғўза, буғдой ва барча ўсимликларни, уларда учрайдиган касалликлар, шунингдек зараркунанда ҳашоратлардан ҳимоя қилиш мақсадида 9 хўжаликда биолаборатория ва биттасида биофабрика ташкил қилинган.

–Маълумки, ғўза ва бошқа ўсимликлар зараркунандаларга қарши самарали курашиш улардан сифатли ва мўл ҳосил олишда катта аҳамиятга эга, - дейди биз билан суҳбатда жамоа раҳбари Ўктамбой Эрназаров. –Оддийгина мисол. Агар ғўзалар кўсак қурти ёки ширадан ҳимоя қилинмаса, деҳқоннинг йил бўйи қилган меҳнати йўққа чиқиши ҳеч гапмас.

Ҳақиқатан ҳам, 9000 гектар пахта, 3123 гектар буғдой, 70 гектар боғ, 300 гектарлик сабзавот ва полиз майдонлари биологик усулда бир неча бор ишланди. Бунинг учун малакали мутахассислар бошчилигида 115 килограмм трихограмма, 35 миллион донадан олтинкўз ва габроронконлар тайёрланиб, улардан унимли фойдаланилди. Туманда 508 та фермер хўжалик пахтачилик, ғаллачиликка, 296 таси боғдорчилик, 16 таси сабзавотчиликка ихтисослашган.

Соғлиқ – бойлик

Бу сўз боғотлик шифокорларнинг юракларидан жой олган, десак муболаға бўлмайди. Улар ҳамиша эл соғлиги йўлида жон куйдириб келаётган тиббиёт ходимлари сирасига киради. Юсуфбой Хўжаниёзов, Машариф Қурбондурдиев, Раъно Юсуповалардаги фидойилик шогирдларига ўтган. Озод Абдуллаев, Рустамбой Қурбонов, Латифжон Бобожоновлар бошлаб берган ташкилотчилик, оқилона раҳбарлик Мустақилликдан сўнг ўзлигимизни англаш, қадрлаш, меҳрибонлик ва ҳомийлик кўрса-



тиш анъаналари билан янада мукаммаллашди.

Туман шифокорларининг аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари ҳақида Марказий шифохона бош шифокори Ражжаббой Олимов қуйидагиларни гапириб берди.

–Барча соҳада бўлгани каби, Истиқлолга эришганимиздан сўнг тиббиётда ҳам ишга муносабат ўзгарди. Бу, аввало, юртбошимизнинг кишилар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги ғамхўрликларида, ходимларимизнинг ўз вазифалари ва бурчларига бўлган муносабатида, ҳомий ташкилотларнинг беғараз ёрдамида ўз аксини топмоқда. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимимизда 282 нафар олий 1458 нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда.

Узоқ йиллардан буён жарроҳлик бўлимига раҳбарлик қилиб келаётган фидойи инсон –Нурулла ака Бекжоновнинг "Сағлом авлод" ордени билан тақдирланганлиги ҳам биз –тиббиёт ходимларига кўрсатилган ғамхўрлик намунасидир. Тизимда учта стационар, марказий шифохона, туғруқхона, болалар шифохонаси, учта поликлиника, 15 та қишлоқ врачлик пункти, битта қишлоқ врачлик амбулаторияси фаолият кўрсатмоқда.

Қадимиятнинг бедор нигоҳи

Хоразм азал-азалдан илм-фан, маданият ўчоғи, санъаткорлар эли дея таъриф қилинади. Бу воҳада мақомларнинг катта билимдонлари бўлган Ниёзжонхўжа, Маҳдумжон қози, уста Муҳаммаджон сандиқчи, Паҳлавон Ниёз мирзабоши сингари созандалар етишиб чиққанлиги ҳақида тарих битиклари сўзлайди.



Қуржи ота, Полли дузчи, Ҳожихон Болтаев - булар сувора усталари бу ўзига хос санъатни Ўрта Осиёга машҳур қилган бўлса, бетакрор хонанда, буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзов ва унинг шогирдлари Султонпошша Раҳимова, Отажон Худойшукуров, Олмахон Ҳайитова, Гавҳар Матёқубовалар бу довруғни кўпгина хориж мамлакатларига олиб чиқдилар.

Истиқлол байрами арафасида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Султонбой Бобожонов билан бўлган мулоқотимиз Хоразм санъатининг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида бўлди.

Хоразмда мусиқа санъати ривожланишининг иккинчи босқичи Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825) ҳукмронлиги даврида бошланди, дейиш мумкин. Унинг ўғиллари Оллоқулихон (1825-1843) ва Саййид Муҳаммадхонлар (1855-1864) мусиқага алоқадор кишилар бўлиб, унинг ривожига катта ҳисса қўшганлар. Шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон Соний - Феруз замонида (1864-1910) санъат янада юқори поғонага кўтарилганки, унинг таъсири Европага тарқалган. Бу вақтда Муҳаммад Ёқуб позачи, Бобо буломон, Машариф Қамбар, Қаландар дўнмас каби созандалар, мақомларнинг зукко билимдонлари Комил Хоразмий, Муҳаммад Юсуф Баёний Расул Мирзодек шоирлар яшаб ижод қилганлар.

Хоразм мусиқа санъатининг шундан кейинги ривожи Муҳаммад Юсуф Девон - Чакар, Матпано Худойберганов, Матюсуф Харратов, Бола бахши, Мадраҳим Ёқубов (Шерозий), Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов, Султонпошша Раҳимова, Розия Муротова, Саодат Давлатова, Ровияжон Отажоновалар фаолияти билан боғлиқ.


Истиқлолдан сўнг миллий санъатимиз ҳам қайта тикланди. Халқ ўйинлари, лапарлар, достонлар ижросига катта аҳамият қаратилди.

Абдулла Қурбонназаров, Қаландар бахши Норматов, Фарҳод Давлатов, Гавҳар Матёқубова каби устозлар Оғабек Собиров, Равшан Матёқубов ва бошқа истеъдодли санъаткорлар Япония, Америка, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби мамлакатларда ўз санъатларини намойиш қилиб, мухлислар эътиборини қозондилар.



Байраминг муборак,

чарчамас дилим,



Республикамизда ва Хоразмда бўлаётган кўрик-танловларда санъаткорларимиз, айниқса, ёш иқтидорларнинг совринли ўринларни қўлга киритаётгани санъат соҳасида муносиб ўринбосарлар етишиб чиқаётганидан дарак беради. Шу йилнинг 17-18 май кунлари Термиз шаҳрида ўтказилган "Бахши шоирлар ва оқинлар"нинг ағанавий республика кўрик фестивали ва 19-20 май кунлари "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивалида қатнашган санъаткорларимиз I-III ўринларни эгалладилар. Шунингдек, вилоятимизда спорт ишларига ҳам етарли аҳамият қаратилмоқда. 15 та марказий ўйингоҳ, 453 спорт зали, 5 та бассейн, 2483 та спорт майдони аҳолига хизмат қилаётир. 20 нафардан зиёд спортчимиз Ўзбекистон терма жамоалари сафида Индонезия, Туркия, Россия, Болгария, Хитой, Қирғизистон, Туркманистон каби мамлакатларда ўтказилган нуфузли мусобақаларда иштирок қилиб, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Боболар ёққан машъал

Бу йил ўз даврининг йирик фан масканларидан бўлган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланади. Академиянинг ташкил қилиниши ва ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида унинг раиси профессор Каримжон Сафаров қуйидагиларни гапириб берди:

- Бу илм даргоҳида замонасининг йирик олимлари бўлган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абул Хайр Ҳаммор ва бошқалар ижод қилганлар. Улар математика, астрономия, кимё, тиббиёт, фалсафа, тарих, руҳият, мантиқ, тилшунослик, таълим-тарбия, адабиёт, мусиқа, география, геодезия, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланганлар.

Хоразм Маъмун академиясининг тарихий аҳамияти шундаки, дунёвий илмлар, хусусан математика, кимё, геодезия, минерология, тиббиёт, доришунослик, тарих, сиёсат, тил ва адабиёт, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ каби фанлар юксак босқичларга кўтарилди. У минтақада фанни ривожлантиришга қолмай, балки турли давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ҳам мустаҳкамлади. Бу илмий жамоада олға сурилган ғоялар илм-фаннинг кейинги 500 йили ривожи учун омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 11 ноябрида П-1880 сонли Фармонига асосан Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академияси қайтадан ташкил этилди.

Академиянинг таркибида "Археология, тарих ва фалсафа", "Тил ва адабиёт", "Биология муаммолари" бўлимлари ташкил қилиниб, 9 илмий мавзу бўйича 26 илмий ходим, шу жумладан, 5 фан доктори ва 9 фан номзодлари илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.



"Ғаллабанк" – ғайратлилар банки

Республика акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"нинг Хоразм вилоят минтақавий филиали жамоаси ишларни замон талаблари даражасига кўтариш учун эътиборни нималарга қаратмоқдалар? Банк раҳбари Баҳодир Ибодуллаев билан мулоқотимиз шу ҳақда бўлди:

- Мустақиллик яратган имкониятлар боис фермерлару тадбиркорларга эрк берилди. Улар ўз ҳисоб рақамларини хоҳлаган банкларда очиши мумкин. Бунда муассасанинг узоқ-яқинлигининг аҳамияти йўқ. Мижоз истаган пайтида ўз маблағидан фойдалана олиши, банк кўмагидан бахраманд бўлиши керак.

Филиалимиз амалдаги йилнинг 1 июл ҳолатига 1101 та хўжалик юритувчи субъектларга банк хизмати кўрсатади. Шулардан 676 таси фермер хўжаликлари,



130 таси хусусий фирма ва корхоналар, 236 таси хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари 15 таси бюджет ташкилотлари 12 таси акциядорлик жамиятларидир. Булардан ташқари давлат ташкилотлари, масъулияти чекланган жамиятлар, касаба уюшмалари каби мижозларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг вилоятимизнинг турли туманларидан эканлиги хизматимизнинг элга манзур бўлаётганидан дарак беради.

2005 йилнинг ўтган ойларида амалдаги йил ғалла ҳосили учун молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан 24109,2 минг сўм қисқа муддатли кредит маблағлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилди..

Ҳиммат

Хива тумани нафақат обидалари, балки миришкор деҳқонлари билан ҳам воҳада машҳур. Бугунги кунда бу ерда юзлаб ер эгалари – фермерлар фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик уларга кенг имкониятлар яратиб берди. Хива заминдорларининг мустақиллигимизнинг ўтган



14 йили давомида ер-мулкка, меҳнатга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Улар ердан мумкин қадар мўл ва сифатли ҳосил олиш, тупроқни тўйинтириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида изландилар. Натижада муваффақиятлар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Амалдаги йилда улар 5600 тоннадан зиёд буғдой хирмони уйиб, давлатга дон сотиш шартномавий режаларини ошиғи билан бажаришга эришдилар. Истиқлол байрами арафасида хиваликлар пахтадан мўл ҳосил олиш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Чўлда яралган "Бўстон"

2004 йил барча воҳаликлар сингари Шовот туманидаги "Бўстон" жамоаси учун ҳам омадли келди. Аслида жамоа ерлари



балитенти 29 балл қилиб белгиланган. Бундай ерлардан 15 центнердан пахта, 21 центнердан буғдой олиш мумкин. Омилкорлик билан қилинган меҳнат натижасида 400 гектар пахта майдони ҳисобидан 1200 тонна юқори навли "оқ олтин" етиштирилиб, режа 135 фоизга етказилди. Деҳқончиликнинг барча туридан кўзланганидан ҳам зиёд ҳосил олган аъзоларнинг даромадлари шунга яраша бўлди. Жамоа фойда ҳисобига 2 та "Алтай", 2 та "МТЗ – 80" тракторлари сотиб олди.

–Бу йил ширкатимиз фермерлар бирлашмасига айлантирилгач, кишиларимизнинг меҳнатга муносабатлари янада яхши томонга ўзгарди, -дейди "Бўстон" МТП раиси Юсуфбой ака. –1100 гектар экин майдони имкониятига қараб 52 фермерга бўлиб берилди. Натижада илк ҳосил – буғдой йиғиб олинганидаёқ кўринди. 255 тонналик буғдой сотиш режаси ошиғи билан бажарилди.

"Одил Жайхун" – ишда олдин

"Одил Жайхун" фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Жонибеков ҳам юзлаб тадбиркорлардан бири.



–Ота-боболаримиз ҳам тадбиркор бўлишган экан, -дейди у суҳбатни бошларкан. Ўзим ҳам бақоллик қилганман. 1988 йилда жамоа хўжалиги билан гўшт етиштириш бўйича ижара шартномаси тузиб, 10 гектар майдон ажратиб олдимда, бўрдоқичилик билан шуғуллана бошладим. Эгалик мулкнинг афзаллиги илк йилдаёқ билинди. Катта фойда кўрдик. Бу кимларгадир ёқмади, шекилли. Экин майдонларимни қўлимдан зўрлик билан тортиб олдилар-да, бир метрча келадиган маккажўхориларимнинг устидан трактор ҳайдашди. Яратган эгамга беҳисоб шукроналар бўлсинким, биз кутган даврлар келди.

Халқимизда оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичар, деган нақл бор. Бу гал у шошилмади. Фермер хўжалиги ва уни юритиш тўғрисидаги Қонунларни ўрганди. Мулкдор дўстлари ишлари билан маслаҳатлашди. Хуллас, етти ўлчаб бир кесди. 1999 йил бошида бўрдоқичиликка йўналтирилган "Одил Жайхун" фермер хўжалигини ташкил қилди.

Ҳукуматимиз томонидан мулкдорлар манфаатларининг ҳимояланаётганлиги ишларнинг олға силжишида катта аҳамият касб этди. Бугун Жонибековлар шахсий фермасида 60 бош қорамол, 4 бош кўчқор, битта от асралмоқда. Ихтиёридаги 24,4 гектар майдоннинг 10 гектарига ғўза экилган. 4,3 гектар майдонига экилган кузги буғдой ҳисобидан шартномадаги ҳосилни топшириб, 11 тонна донни омборга киритган фермернинг кайфияти чоғ. Ҳар бир гектар пахта майдони ҳисобидан 35 центнердан ҳосил олишга ишончи комил.

"Уста Матсафо" ибрати

"Уста Матсафо" фермер хўжалиги дастлаб 1990 йилда ташкил қилинганди. Ўшанда "Соҳибқирон" хўжалигида узоқ йиллардан буён биригадир бўлиб ишлаб келаётган тажрибали деҳқон Матсафо ота Ўдабоев хўжалик директцияси билан 1990-95 йилларда қорамол гўшти етиштириш бўйича ижара шартномаси тузади ва 2,2 гектар ерни ўз ҳисобига олади. Ўшанда 22



тонна гўшт етиштириб, 1760 сўм ижара ҳақи тўлайди. Илк муваффақиятлар Ўдабоевлар номини элга танитди. Обрўсини оширди. Ота бошлаган ишни ўғли Шуҳрат давом эттирди. 1995 йилнинг кузида "Уста Матсафо" фермер хўжалиги ташкил қилинади ва унга 4 гектар ер ажратиб берилади.

1996 йилда яна 6 гектар экин майдони қўшиб олган мазкур фермер хўжалиги бошлиғи Шуҳрат Ўдабоев ташаббускор ва интилувчандир. Жамоа "Ташаббус-2001" танловининг туман босқичида биринчи, вилоят босқичида эса 4-ўринни олиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шуҳрат Ўдабоевнинг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирланиши эса улар ғайратини янада оширди. Ўз фаолиятларини кенгайтиришни мақсад қилган жамоа шу йили "Соҳибқирон" ширкат хўжалигининг фойдаланилмай турган биносини ўз тасарруфига ўтказдилар. У қайта таъмирланиб, гузар ташкил қилинди. Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик цех, аҳолига хизмат кўрсатиш шаҳобчаси бунёд этилди ва янгидан 5 ишчи ўрни яратилди. Ушбу гузар бугунги кунда қишлоқ аҳлининг эҳтиёжларига хизмат этиб, оғирини енгил қилмоқда. Юқоридаги муваффақиятлар интилувчан йигитни қаноатлантирмаслиги табиий ҳол эди. У ўз жамоасини вилоят ва республикада олдинги фермер хўжаликлари қаторига қўшишга ҳаракат қилди. 2004 йилда "Уста Матсафо" фермер хўжалигига яна қўшимча 22 гектар майдон ажратиб берилди ва жами ер майдони 33,4 гектарига етди. Шундан экин майдонининг 29 гектарини боғлар, тутзорлар ташкил қилади. "Уста Матсафо" фермер хўжалиги "Ташаббус – 2004" кўрик танловида қатнашиб, лауреатлик дипломи ва қимматбаҳо совринлар билан тақдирланди.

Фермер хўжалиги ўтган йили 9 гектар ерга пахта экиб, ҳосилнинг барчасини "Кейс" русумли пахта териш машинасида йиғиштириб олди. Режа туманда биринчилардан бўлиб, икки иш кунида ошиғи билан бажарилди. Ҳосилдорлик 43 центнердан ошди. Бу рентабелликнинг юқори бўлишига замин яратди. "Уста Матсафо" фермер хўжалигида 20 нафар фермер хўжалиги аъзолари фаолият кўрсатмоқда.

Ва ниҳоят "Уста Матсафо" фермер хўжалиги Республика Президентининг совғини учун ўтказилган "Ташаббус – 2005" кўрик танловининг республика босқичида совринли ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Саҳифа материалларини Холмурод ҚУРБОНОВ тайёрлади.

жонажон элим!

Интилганга толе ёр

Ҳар бир мамлакат ривожланишида унинг ҳудудида мавжуд бўлган ер ости бойликлари муҳим ўрин тутади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Она диёримиз бағрида табиий бойликлар кўплиги боис уни жаннатга қиёслашади. Истиқлолга эришганимиздан сўнг одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида ноёб моддий бойликларни топиш ва ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилди.

Замин тилсимини очаётганлар

Бу юмушлар ижросини таъминлаш борасида "Шарқий Ўзбекистон" давлат геологик корхонаси жамоаси доимо изланишда. Улар сўнгги йилларда геология-қидирув ишлари кўламини ошириб, янгидан-янги ер ости конларини тадқиқ қилишга эришмоқдалар.

- Ер ости конларини топиш, уларни ишга туширишдек муҳим юмушлар ижросини таъминлашни геологлар, кон қидирувчиларсиз тасаввур этиб бўлмайди, - дейди "Шарқий Ўзбекистон" давлат геологик корхонасининг бош директори Рустам Қосимов. - Жамоамиз аъзолари мамлакатимизнинг шарқий ҳудудларида геология-қидирув ишларини олиб боради. Ҳудудимиз табиий бойликларга бой бўлса-да, қидирув ишлари осон кечаётгани йўқ. Ҳар бир топилган кон жамоамизнинг бир неча йиллик заҳматлари мевасидир.

Дарҳақиқат, ер ости конларини топиш, тадқиқ этиш, ишга тушириш игна билан қудуқ қазигандек мушкул. Шунга қарамай "Шарқий Ўзбекистон"нинг геология корхонаси аъзолари ишни кенг кўламда ташкил қилишга бор куч ва имкониятларини сафарбар этишмоқда. Биргина ўтган йилда жамоа томонидан 58 та қидирув ишларига қўл урилганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Корхона аъзоларининг олтин конларининг янги захираларини очиш ва ўрганиш бўйича олиб бораётган ишлари ҳам мақтовга лойиқдир. Шунингдек, геологларнинг темир конлари захираларини ўрганиш соҳасидаги фаолияти ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Суренотанинг ғарбий ёнбошидаги темир конлари атрофида, хусусан, шимолий участкада темирга бой рудаларнинг қатламлари топилиши жамоанинг катта ютуғи бўлди.

Кеча-кундуз олиб борган тадқиқотлари ўлароқ, Қизилқум марказидаги Олтинтоғда ферузага бой майдоннинг очилишини таъминлади. Шунингдек, Тарағай минтақасида тантал ва ниобийга бой бир қатор истиқболли кон участкалари топилди. Чунончи, Манғит, Минжир, 2-Баёнқора участкаларида бундай ноёб минерал ресурслари ўнлаб тоннани ташкил этади. Ҳозирда "Самарқандгеология" корхонаси мутахассислари уни баҳолаш юзасидан қидирув-аниқлов ишларини давом эттиришаяпти.

Шимолий-шарқий минтақа норуда фойдали қазилмаларга, айниқса, баритга бойлиги билан ажралиб туради. Айрим жойларда соф барит тоғ жинсларининг 80 фоизини ташкил этади. Бу ноёб минерал хомашёнинг ҳозирча аниқланган заҳираси 40 минг тоннани ташкил этмоқда.

Кумушкон атрофида чорқирра мармарга бой янги конлар очилиши устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Унинг ўзлаштирилиши республика металлургия саноати ва бошқа айрим тармоқларда кенг ишлатиладиган ўтга ниҳоятда чидамли материаллар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш имкониятини яратади. Бу эса металлургия саноатининг янада ривожланишига замин яратади.

- Геология-қидирув ишлар самараси аэрокосмик кузатишлар ва тадқиқотларга боғлиқ, - дейди Р.Қосимов. - Шунинг учун ҳам минтақани космофотогеологик хариталаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ана шу усул орқали жанубий Оролбўйи ва Султонувайс тоғи атрофларидаги майдонлар табиий бойликларга бойлиги аниқланди. Минтақада фойдали қазилмаларнинг бир неча турлари, шу жумладан, углеводородли хомашё конларини ўрганишни давом эттириш мўлжалланмоқда.

Жамоа томонидан ўтган йили 5 миллиард 138 миллион сўмликдан кўпроқ ҳажмдаги ишлар бажарилди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига 3 миллион 200 минг сўмлик иш бажарилиб, меҳнат унумдорлиги бир йилда 23 фоизга, меҳнат ҳақи жамғармаси 24,5 фоиз ўсди. Бир йилда ойлик иш ҳақи 24 фоиз кўтарилиб, ўртача 98,4 минг сўмга етди.

- Корхонамиз жамоаси ўтган 5 миллиард 278 миллион 869 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот сотди, - дейди Рустам Маннопович. - Йиллик соф фойдамиз 125 миллион сўмдан ошди. Ялпи даромад бўйича ҳисоблаганда, корхонамизнинг рентабеллик даражаси 6,7 фоизни ташкил қилди.

Заҳматли меҳнатлари эвазига иқтисодини яхшилаб олган "Шарқий Ўзбекистон" корхонаси жамоасига эски ускуналар ва геология-қидирув воситаларини замонавийлари билан алмаштиришга, технологик жараёнларни янгилашга муваффақ бўлди. Хусусан, марказий лаборатория ташкил қилиниб, замонавий ускуна ва асбоблар билан жиҳозланди. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган 142 техника-муҳандислик тадбири амалга оширилиб, бу ишларга 56,8 миллион сўм маблағ сарфланди.


Айни пайтда мамлакат иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган "Шарқий Ўзбекистон" корхонаси жамоаси олтин ва темир рудалари захираларини излаб топиш қимматбаҳо металлар қазиб олиш, Тошкент, Жиззах, Навоий ва бошқа вилоятларда норуда материаллар бўйича белгиланган режаларни амалга ошириш борасида геология-қидирув ишларини олиб бормоқда.

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?









Олимлар изланишда

Инсон организмида йод моддасининг етишмаслиги турли хил касалликларни келтириб чиқараётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу муаммо "Ўзбекгидрогеология" давлат гидрогеология корхонаси қошида ташкил этилган Гидрогеология ва муҳандислик геология институти ходимларига кўлдан буён тинчлик бермай келаётганди.

Шу боисдан ҳам институт олим ва тадқиқотчилари ер ости сувларидаги йод миқдорини аниқлашга киришди. Изланишлар ўз самарасини бермай қолмади. Бурғулаш ишлари натижасига кўра, Фарғона водийси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ер ости сувларида саноатбоп йод миқдори кўплиги аниқланди.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, республикамизнинг йодга бўлган эҳтиёжи йилига 20-25 тоннани ташкил этади. Афсуски, ана шу эҳтиёжни тўлиқ қондириш, ҳатто йод экспорти имконияти бўлган мамлакатимиз ҳанузгача бу моддани хориждан, чет эл валютаси эвазига харид қилади. Бунинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак? Айнан ана шу саволга жавоб топишга ҳаракат қилаётган институт ходимлари ўзимизда сувдан йод олувчи қурилмани ишлаб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишди. Улар "Гидротехника" масъулияти чекланган жамият таркибидаги ихтисослаштирилган конструкторлик бюроси жамоаси билан ҳамкорликда ана шундай ускунани яратишга киришишди. 2004 йилнинг охирларида қурилма лойиҳаси ишлаб чиқилиб, корхона синов майдонига ўрнатилди. Сувдан йод олувчи ускунанинг яратилишида институт фахри, сувдан йод олиш бўйича мутахассис С.Бакировнинг кўп йиллик изланишлари ўз самарасини берди.

- Сувдан нафақат йод олиш мумкин, - дейди С.Бакиров. - Балки бром, скондий, олтин, стронций, галлий, таллий каби нодир элементларни ҳам ажратиб олса бўлади. Бу вазифани ўташда биз яратган қурилма ишимизнинг дебочасидир.

Қурилма ўлчами 15 м` 15 м` 9` т бўлиб, унинг оғирлиги йод ажратиб олувчи сув манбаси билан биргаликда 11,5 тоннадан иборат. Ускунани 9 киши бемалол бошқаради. Энг муҳими ушбу қурилмани, бошқачароқ айтганда сувдан йод олувчи мини завод ва унинг технологиясини тайёрлаш учун барча зарурий материал ва хом ашёлар ўзимизда керагича топилади. Завод ишга тушса йилига 2 тонна йод ажратиб олиш қувватига эга бўлади. Бу эса ана шундай 10-12 та қурилманинг ишга тушиши республикамизнинг йодга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиради, деганидир.

Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти мутахассислари ташаббуси ва изланиши билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Улар томонидан пахта майдонларини ер ости сувларидан ва шўрланишдан асраб турувчи экологик қатлам яратиш ғояси илгари сурилди. Олимларнинг таъкидлашича, бундай қатлам асосан шу чоққача ерни ифлослантирувчи кўмир чиқиндисидан ташкил этилади. Ҳозирда ана шундай қатлам яратилиб, "Супергумус-1" деб аталмоқда. Шунингдек, институт олимлари микроорганизмдан ташкил топган "Супергумус-2" препарати ҳам яратишди.

Тадқиқот олиб борилган ернинг ҳар гектарига "Супергумус-1" ва "Супергумус-2" 3 тонна аралашмаси ташланди. Натижа эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Ҳосилдорлик 11 фоизга ўсди. Келажакда ҳосил берувчи ер қатламлари ана шундай аралашма билан бойитилади ва юқори ҳосил олинади.

Хуллас, институт олимлари мустақил юрт ва миллат равнақи йўлида тинимсиз изланишлар ва тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Мақсад - экологик тозалик

Гео-экологик изланишларнинг мақсади - геологик муҳитдаги юз берадиган жараёнларнинг геоэкологик ҳолатини, хусусан, ер ости гидросферасини геодинамик ва техноген факторлар таъсири оқибатида юз берадиган ўзгаришларни ўрганишдир.

"Қизилтепа" гео-экспедицияси тупроқ, ер ости ва ер усти сувлари ҳамда уларнинг газли таркиби, ўсимликлардаги токсик элементлар ва кимёвий моддаларни аниқлаш билан бирга ялпи геоэкологик изланишларни ҳам олиб боради. Жамоанинг асосий вазифаларидан яна бири – катта қурилишларни бошлашдан олдин майдоннинг геоэкологик ҳолатини тўлиқ ўрганиб, қурувчиларга тавсиялар беришдан иборат. Бу каби юмушларни бажариш ўта муҳим иш бўлиб, катта куч ва ақл-заковатни талаб этади. Шунинг учун ҳам 1991 йилда Давлат геология қўмитаси тасарруфида гео-экология экспедицияси ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда "Қизилқумтепа" гео-экология экспедицияси аъзолари ҳайвонларнинг физиологик ва инсоннинг, айниқса, экологик ҳолат кескин ёмонлашган ҳудудлардаги ёш болаларнинг субстратлари устида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бундай ҳудудларга Орол денгизи атрофида жойлашган ҳудудлар киради. Бу ерларда олиб бориладиган изланишлар ер тупроғидан бошлаб, сув-ўсимликлар-ҳайвонот-инсонгача ўрганилади.


Экспедиция аъзолари геоэкологик изланишларни олиб бориш учун махсус сертификатларга эга бўлиб, экология соҳасидаги ихтиролари учун бир неча патентларни қўлга киритди.

Гэо-экологик экспедиция аъзолари республикамиз экологик ҳаётида мавжуд бўлган бир қатор номутаносибликларнинг олдини олишда кўпгина ишларни амалга оширди. Масалан, метронинг "Ўзбекистон" йўналиши қурилиши экологик авария туфайли тўхтаб қолади. Бу ерда қидирув ва тозалаш ишларини олиб борган жамоанинг илмий изланишлари метронинг навбатдаги йўналишининг ишга тушишиша олиб келди. Ёки Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани ер ости сув манбаларининг нефт маҳсулотлари билан ифлосланишининг олдини олишда экспедиция аъзоларининг хизмати каттадир.

Маълумки, Наманган вилояти Мингбулоқ нефт кони дастлаб юқори босимда нефт маҳсулоти ажратиб берар эди. Бу ҳолат экин майдонларининг захарланишига сабаб бўларди. Бу муаммо ҳам гео-экспедиция аъзоларининг ҳаракатлари боис бартараф этилди. Республикамизнинг саноат зоналари радиоактив ҳолатини баҳолаш ҳамда қишлоқ хўжалиги саноатида кимёвий моддаларни қўллашда атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий этиши оқибатлари олдини олишда ҳам экспедиция ходимлари камарбасталик кўрсатишмоқда. Айни дамда Орол денгизида вужудга келган экологик ўзгариш жараёнларида ҳудуд аҳолиси саломатлигига зиён етказувчи омилларни бартараф этиш ва денгиз ҳолатини тиклаш борасида иш олиб бораётган гео-экспедиция аъзолари мустақиллигимизнинг 14 йиллигини ўзларининг муносиб меҳнат зафарлари билан қаршиламоқда, десак хато бўлмайди.

Хуллас, "Қизилтепагеология" гео-экология жамоаси тоза экологик муҳит яратиш, экологик ҳолат ёмон ҳудудлардаги салбий ҳолатларни бартараф этиш борасида доимо изланишда ва бу изланишлар ўз самарасини бермоқда.

Фахриддин КАЛОНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.









Нурота жавоҳири

Нурота - тарихий гўша.
Нурота - қоракўли, камалакранг мармари, жимжимадор кашталари, тилими асал янглиғ қовунлари билан дунёга донги кетган. Нуротада қалби пок, нияти улуғ, сўзи собит одамлар умргузаронлик қилади.

Қоракўл жилоси

- Бу йил қарамоғимдаги 627 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 115 тадан қўзи олдим. Ҳар бир қўй ҳисобига бир кўзини ўстиришга қолдирдим.

Давлатга 94 та сифатли қоракўл тери топширдим, - дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор, "Фозғон" ширкат хўжалигининг бош чўпони Ғаффор Обидов.


Ҳудуддаги қўйчивонлар ўртасида юқори натижага эришган машҳур чорвадор видео иккилик билан тақдирланди.

Чорвадор муваффақиятининг омилларидан бири озуқа базаси, албатта. Бу жиҳатдан нуроталиклардан ибрат олса арзийди.

Ғаффор ака Обидов билан анча гурунглашдик. Чўпоннинг бугунги даромади ҳақида гапирганда унинг юзида табассум ўйнади.

- Ҳуррият чорвадорга бахт эшигини очиб берди, - дейди у, - собиқ тузум даврида ўзимиз учун ўн беш қўзи ҳам ўстиришга қолдиролмас эдик. Мол тез-тез санокдан ўтказилиб, давлат ихтиёрига ўтказиларди.

- Энди-чи?



Чўпон ҳаяжонини босолмади, дилидагини қувона-қувона айтди:

- Биласизми, истиқлол берган оилавий пудрат чўпон толеини қулдирди. Биргина 2003 йилда кўп маҳсулот олганлигим учун 281 бош, ўтган йили 140 бош, бу йил 150 бош қўзи мукофотга олдим.

Бундай чўпонлар ширкатда бир-иккигина эмас, Шомурод Бомуллаев, Ҳамид Шеров, Абди Шеров, Ориф Раҳимов, Абдуҳошим Бомуллаев, Шермат Сафаровлар ана шундай илғорлар жумласидандир.

Нуроталик қўйчилар ислоҳотлар самарасини ўз ҳаёти мисолида кўрмоқдалар. Озод механизм, наслчилик ишларига эътибор, тажрибага таяниш, эркинлик муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Фикримизнинг исботи сифатида бир воқеага эътиборингизни қаратсак. Қадимий юрт чўпонлари ҳаёти билан танишиш мақсадида келган мўғулистонлик журналист Пэренлей муваффақиятларни ўз кўзи билан кўриб:

- Қойил, қойил! – деди кафтини кафтига ишқалаб.

Меҳмон чўпон билан аллақандай ҳалқалгача суҳбатлашгач яна шодланган ҳолда:

- Сизнинг чўпонингиз давлат кишиси. У давлат раҳбарларидай фикр юритади. Бу ҳақда мўғул чорвадорларига сўзлаб бераман, - деганди.

Туман қоракўлчилари бу йил 95 минг бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 104,9 тадан қўзи олишди. Бу ютуқда "Нурота", "Қизилча", Ф.Хўжаев номли, "Фозғон", Ш.Рашидов, Навоий номли, "Ўзбекистон" ширкат хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар 83181 бош қўзини ўстиришга қолдирдилар. Бунда "Нурота", Ф.Хўжаев номли ширкатлари ҳар юз совлиқдан 93-92 тадан наслга қўзи қолдириб, мамлакат қоракўлчиларига намуна бўлишди.

Мармар камалаклар

- Инсон ҳаётида қадим-қадимдан турли қимматбаҳо тошлар ҳамроҳ бўлиб келган.

Улардан халқа, узуқ ясаб одамлар зеб-зийнат сифатида фойдаланган. Масалан, феруза табиий тош, аёл нома ёки "Санги моҳ" ("Лунний камен"), лаъл тошлар "Лаъли нисо" деб юритилган. (Ҳатто толеномада 12 ойга 12 тош номи қўйилган. Толенома (гороскоп) бўйича ҳар кимнинг ўз тоши бор), - дейди "Нуротамармар" корхонасининг раҳбари Шодибой Фозилов.

Кишилик жамияти ҳаётида табиий тошлар ишлатилиб келинган. Искандар Зулқарнайн даврида қурилган қалъаларда мармар, гранит тошлардан фойдаланилган. Темурийлар даврида ҳам Самарқанд, Ҳиндистондаги ноёб архитектура қурилишларида бу тошлар қўлланилган.

Ўтган асрда Фозғон, Нурота, Омонқўтон, Султон Увайс тоғларидан қазиб олинган мармар тошлардан халқ амалий санъатида ишлатилган. Масалан, мармар лаганлар, уй-рўзғор буюмлари, мойжувоз сингари зарур ашёлар ясалган. Фозғон карьери 1931 йилда инженер В. Афанасьев ташаббуси билан кашф этилган ва ундан саноат асосида мармар қазиб олишга киришилган.

Фозғон ва Нурота конларида қўнғир, оқ, пушти, сарғиш, кул ранг, қизғиш, тўқ кул ранг мармар тошлар қазиб олинаяпти ва уларга талаб катта.

Шу мақсадда Италиядан келтирилган Педрини ускуналари ўрнатилиб, унинг ёрдамида йилига 50 минг метр квадрат сифатли, ялтироқ мармар тахтачалари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳудди шунингдек, Фозғонда ҳам Италия ускуналари асосида мармар тошлар кесиб тайёрланмоқда.

Мустақиллик йилларида ҳавозаси баланд бинолларда кенг миқёсда мармар ишлатишга киришилди. 2000 йилда 848 минг квадрат метр, 2002 йилда бир миллион метр квадрат табиий тошлар ишлаб чиқарилди. Шундан 850 минг квадрат метр маҳсулот мармар плиталаридир.

Мустақиллик эркин ижодий меҳнатга йўл очди. Ўнлаб халқ амалий санъати кичик корхоналари, ўрта ва кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Муҳими, маҳсулотлар сифати дунё андозалари даражасига чиқди. Шу боисдан бўлса керак Ўзбекистон мармарига Россия, Украина, Қозоғистон, Туркманистон, Афғонистонда талаб катта бўляпти.

Собиқ тузум даврида мармарларимиз харсанг тош тарзида буюртмачига жўнатилар эди. Мустақиллик замонида тайёр маҳсулот сифатида етказиб берилаётгани эндиликда нақд фойда келтирмоқда.

Эркинлик йилларида мармар қазиб чиқариш кескин кўпайди. Бугунги кунда Нуротада 20 дан зиёд хусусий карьерлар очилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида кичик корхоналар 21 тани ташкил этган бўлса, кейинги беш йилда улар сони 300 тага етди. Эндиликда мармар ишлаб чиқаришда беш мингдан зиёд киши қатнашмоқда.

Тоштарош усталар пой устун, лаган, турли кўринишдаги совғабоп буюмлар ва бошқа шу каби маҳсулотлар тайёрлаш билан қўли қўлига тегмай ишлаётганидан мамнун.

Донишмандлардан бири: "Нурота халқини унинг тоғлари боқади", деб бежиз айтмаган экан. Бугунги кунда бу кўҳна юртда эл фарзандлари янгиянги конлар очиб, мармар тахтачалари ишлаб чиқариб, мамлакатимизни обод кўриш ниятида иштиёқ билан меҳнат қилаётгани қувончлидир.

Республика халқ амалий каштачилик санъатида Нурота ўзига хос нуфузли ўринни эгаллайди.

Сурур

Истиқлол йилларида бу санъатга эътибор янада кучайди. Тан олиб айтиш жоизки, Нурота каштачилик мактаби ҳам илмий, ҳам ишлаб чиқариш ҳолатида ривожланаяпти.

- Яқинда Тошкент бадиий академиясида аньанавий каштачилик мактабининг кўргазмаси ташкил этилди. - дейди Навоий тасвирий, амалий санъат лицейи интернати директори, санъатшунос Амин Қодиров, - унда қирқдан зиёд иш нусхалари қўйилди.

Нурота каштачилик мактабидан намуналарни Япония, Ҳиндистон мамлакатларида ҳамда Тошкент, Навоий шаҳарларидаги кўргазмаларини ўтказиш устида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари Франция, Япония, Корея давлатларида янги кўриклар намойиш этиш ҳам назарда тутилган.

- Ҳозирги кунда, - дейди Амин Қодиров, - беш юздан зиёд қадимий кашталарни асраб-авайлаб келмоқдамиз. Уларни хорижга олиб чиқилиб кетилишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун музейларимиз бу нодир топилмаларга ўзларида жой ажратишлари лозимдир.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтишни жоиз деб биламиз. Эндиликда Нурота каштаталарига дунё микёсида талаб катта. Шундай экан, мутасадди ташкилотлар хайрихоҳлигида марказлаштирилган ва муқим ишлайдиган корхона очиш вақти келмадимикан?!



**Бир сўз бор – юксак туғ – ифтихоримда,
Тиригимда – номус, ўлганимда – шаън.
Бир сўз бор – жон унинг ихтиёрида,
Худодай улуғ бир сўз бордир – ВАТАН!**

**Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири**

Омон бўлинг

Мустақиллик яратган имкониятлар беҳисоб. Улардан бири тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастуридир.

Дастурни бажариш давомида кўп хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Бугунги кунда нуроталикларга марказий, болалар юқумли касалликлари ва 4 та қишлоқ участка шифохоналари, сил касалликлари диспансери, 2 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 13 та қишлоқ врачлик пункти ва бошқа тиббиёт масканлари хизматдадир.

"Тез ёрдам" бўлимига 7 та УАЗ ва "Дамас" русумли санитария транспорти берилди. "Саломатлик" лойиҳаси асосида Қирҳовут, Оқтепа, Сойкечар ҚВПлари УАЗ русумли транспорт билан таъминланди.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш замон талаблари даражасида ташкил этилган. Нурота шаҳрида маҳалла врачлик пунктини ташкил этишга киришилди.

Марказий шифохона ва ҚВП, ФАПларнинг моддий-техника базаси бирмунча яхшиланди. 2001 йилда туман марказий шифохонаси, туғруқ комплекси тўлиқ таъмирланиб, Финландия Республикасидан бир миллион 200 минг АҚШ долларилик тиббий жиҳозлар келтириб ўрнатилди.

11 та ҚВП, 9 та ФАП, туман марказий шифохонасидаги лаборатория, ЭКГ, УЗИ, стерилизация хоналарига жаҳон Тараққиёти банки томонидан турли хил хориж жиҳозлари келтирилган.

...Тоғли эл, боғли эл Нуротада 2004-2009 йиллар мобайнида иккита янги мактаб биноси қурилиши, 13 та умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, 18 та мактабни капитал таъмирлаш, 14 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, шу асосда қизғин иш олиб борилаяпти.

18-мактаб базасида "Олимпиада заҳира мактаби" ташкил этилди. 16 фан бўйича 30 та гуруҳ очилиб, 170 ўқувчи жалб этилди. 1, 34, 43-мактабларида заҳира мактабларнинг бўлимлари ишга тушди.

Мустақиллик Нурота ва нуроталиклар қалбини қувончу фахрга тўлдирди. Уларнинг ҳар бир соҳадаги яратувчилик ишларига туман ҳокимлиги сардорлик қилмоқда.

Ҳ. ЭШОНОВ

Фермер — мулкдор дегани

Чимбой туманидаги "Сари олтин" фермер хўжалиги соҳиби Пердебой Наўризбоев 1999 йили фермер хўжалиги ташкил этган бўлса, ўз кўрсаткичларини тобора яхшилаб бормоқда. Пахта, буғдой, шоли ва чорва озуқаси экинларини етиштириш билан шуғулланаётган бу жамоа 2005 йилда салмоқли натижаларга эришмоқда. Чунончи, 112 тонна ўрнига 170 тонна буғдой топширишга муваффақ бўлинди.



– Галлачиликнинг ўзидан бу йил 11 миллион сўм фойда кўрдик, – дейди фермер. – Барча ишларни адо этишда учта "Алтай", битта "Т-28", битта "МТЗ" русумли техника воситаларидан унумли фойдаланяпмиз.

Чимбойлик бу замин соҳибининг орзулари катта. У келгусида ерларини янада кенгайтириш, замонавий техника воситалари сотиб олишни кўнглига тугиб қўйган. "Орзуларингиз йўлдошингиз бўлсин, Пердебой оға!" дегимиз келади.

* * *

Жумабой ака Даўкеевнинг фермер хўжалиги кўп тармоқли эканлиги билан ажралиб туради. 23,5 гектар ерда деҳқончилик қилаётган бу жамоа ғалла, шоли, кунгабоқар, чорва озуқаси етиштириши билан бирга буғдой, шоли тегирмонлари ва 32-болалар боғчасига етказиб бераяпмиз.



Кўриниб турибдики, рўзғор учун зарур маҳсулотларнинг кўпчилиги фермер хўжалигининг ўзидан чиқади. Зотан, ҳар бир оила рўзғори ана шундай тўкин бўлишига нима етсин!

* * *

Қўнғиротлик фермер Қуватбой Ўтеков дастлаб 12 гектар ер билан иш бошлаганди. Ҳозирги кунда экин майдонлари 75 гектарга етди. 2000 йили фермер хўжалигининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш мақсадида банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, 2 та "МТЗ-80", 1 та "ТТЗ-60" русумли тракторларни харид қилди.

– 2004 йили режадаги 47 тонна ўрнига 70 тонна пахта сотдик, – дейди Қуватбой Ўтеков. –Бу йил ҳам ҳосилдорликни янада оширишга аҳд этганмиз. 2005 йили 14 гектар ерда буғдой етиштириб, шартномани ошириб адо этдик, қолган ғаллани ишловчиларимизга бўлиб бердик.

Тоққа чиққан чўққини кўзлар, деб бежиз айтишмаган. Тадбиркор деҳқончилик билан бир қаторда чорвачиликни ҳам йўлга қўйган. Ҳозирги пайтда 31 бош қорамол, шу жумладан 12 бош соғин сигир боқилмоқда. Қуватбой ака билан беш фарзанд-ни тарбиялаб, воя-га етказаётган умр йўлдоши Бахт Ешанова чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, сут миқдорини кўпайтиришни ўз зиммасига олган. Бу омил кўп жиҳатдан чорва озуқаси мўл бўлишига боғлиқ. Шуни ҳисобга олган фермер хўжалиги соҳиби бир неча йиллардан бери экин экилмай келинаётган шўр босган 50 гектар ерни ўзлаштириб, чорва озуқаси етиштиришни йўлга қўйиш чораларини кўрмоқда. Эзгу ният ижобат бўлишига тилакдошмиз.

Дамехон МЕДЕТОВА

Истиқлол берган иқбол



Балиқчида бўлсангиз агар...

Андижонга борган бўлсангиз, албатта, Балиқчи туманидан ўтгансиз. Қорадарё кўпригидан ўтишингиз биланоқ сизни гўзал бир манзара қарши олади. Йўл кенг ва равон атрофидаги ям-яшил дарахтлар, ранг-баранг гулзорлар сизни, албатта, ўзига қарата олади. Ҳа, балиқчиликлар Буюк ипак йўлининг тумандан ўтган қисмини шу қадар ободонлаштиришганки, юрган сарингиз ҳайратингиз ошаверади. Салкам 30 километрлик масофада кўрганларингизни, албатта, ҳавас билан бошқаларга сўзлаб ҳам берасиз.

Балиқчиликлар азал-азалдан меҳнатга ўчлиги, яратувчанликка интилиши билан ажралиб туришади. Орасталик борасида эса ҳамиша олдинда бўлиб келишади. Сара деҳқони кўпчилиги борасида ҳам балиқчиликлар қаторнинг олдида. Ҳар йили ўн минг гектардан зиёд майдонга чигит экишади. Режадаги кўрсаткичга нисбатан кўпроқ пахта тайёрланади. Лўнда қилиб айтсак, балиқчиликларнинг пахта хирмони салмоғи жиҳатдан вилоятда биринчи ўринда туради. Бир неча ўн йиллар давомида пахта етиштириб уни қандай қайта ишланишини билмаган балиқчиликлар бугун бу борада ҳам олдинга интилишяпти.



Мустақиллик берган буюк неъмат бўлмиш эркинлик туфайли номига қурилган, тайёрлаган маҳсулотининг харидори бўлмаган тўқимачилик корхоналари эндиликда тамомила янгиланди. Ана шундай корхоналардан бири "Алишер Навоий интернейшнл" Ўзбекистон–Америка ҳиссадорлик жамиятидир. 1997 йилда ташкил этилган ушбу қўшма корхона "Марказий Осиёда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш" Америка фонди билан ҳамкорликда ўзининг 5 миллион АҚШ доллари миқдорида биринчи инвестиция лойиҳасини амалга оширди. Бу лойиҳа амалга оширилгунга қадар корхонада 1 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, инвестиция жалб қилингандан сўнг бу кўрсаткич 8 миллиард 100 миллион сўмга етди. Энг муҳими, ишлаб чиқарилаётган калава ип жаҳон бозорига чиқарилди. Бу маҳсулотни жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатлари тўқимачилик корхоналари бажонидил сотиб олмоқдалар. Маҳсулот рекламасини амалга ошириш ва бозор маркетингини ўрганиш мақсадида корхона Жанубий Корея ва Туркияда ўзининг савдо уйларини ташкил этди. Ҳозирда экспортга чиқарилаётган маҳсулотнинг 60 фоизи ушбу савдо уйлари орқали харидорини топмоқда.

Корхона бош директори Ҳайитбой Абдулҳакимов билан суҳбатга киришсангиз у сизни дунё тўқимачилик саноати бўйлаб хаёлан саёҳатга чорлайди. Бозор муносабатлари, унда иштирок этиш тамойиллари ва замонавий технологиялар ривожи бирбирига боғлиқ ҳолда кўриладиган. Ана шунда сиз беихтиёр Юртбошимизнинг гапларини ёдингизга оласиз.

–Ёдингиздами, - дейди Ҳайитбой Абдулҳакимов суҳбатни давом эттириб. – Президентимиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ "Хорижликлар билан ҳамкорлик қилинглар, бусиз ҳар қандай корхонанинг келажаги йўқ", деган эдилар. Бу исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат эканлигини корхонани амалга ошириш ишларига тайёргарлик қизғин бормоқда. Ислом тараққиёт банкидан олинаётган 7,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига Германияда ишлаб чиқарилаётган энг сўнгги русумдаги технологик ускуналар харид қилинмоқда. "Трбштчлер" фирмасининг тўқимачилик дастгоҳлари ҳозирда дунёда биринчи рақам билан таърифланади. Демак, яқин 2-3 ой мобайнида фойдаланишга топшириладиган янги технология 350 ишчи ўрнини яратади. Энг муҳими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми 8 миллиард сўмдан 16 миллиард сўмга етади. Жумладан, экспорт миқдори 3 миллион 200 минг АҚШ долларидан 10 миллион 600 минг долларга ортади.

Ҳайитбой Абдулҳакимов айни вақтда Андижон вилояти енгил саноат корхоналари директорлар кенгашининг раиси сифатида ҳам соҳада юз бераётган ўзгаришларни теранроқ илғаб олишга ҳаракат қилгани- қилган. У турдош корхоналарнинг раҳбарлари ва мутахассислари билан тез-тез мулоқотда бўлиб туради. Хорижий ҳамкорлар билан ишлаш тажрибаларини баҳам кўради. Бугунги кунда Балиқчи туманида "Балиқчитекс" Ўзбекистон-Германия-Швейцария қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Республикамиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган мазкур корхонада ҳам асосан калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Қўшма корхона маҳсулотлари хорижга юборилмоқда. 500 киши меҳнат қилаётган корхона истиқболи порлоқ. Бу ерда ҳам корхонани ривожлантиришнинг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Ушбу корхонанинг асосий таъсисчиларидан бири "Балиқчитекстил" ҳиссадорлик жамияти бўлиб, унинг улуши 42,6 фоиздир. Айни вақтда ушбу ҳиссадорлик жамиятида 1152 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз ишларини шу қадар ҳурмат этишадики, бу билан меҳнат унумдорлиги ортаверади. Уларнинг ишлашлари учун яратиб берилган шароит ҳам ибратга муносиб. Ўртача иш ҳақи 50 минг сўм бўлиб, ишга олиб келиш ва элтиб қўйиш, тушлик овқат, медицина хизмати, болалар оромгоҳи, сиҳатгоҳ, қўйингки, барча-барчаси ижтимоий муҳофаза талабларига жавоб беради.

Ҳозирда қўшма корхонада иккинчи инвестиция дастурини амалга ошириш ишларига тайёргарлик қизғин бормоқда. Ислом тараққиёт банкидан олинаётган 7,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига Германияда ишлаб чиқарилаётган энг сўнгги русумдаги технологик ускуналар харид қилинмоқда. "Трбштчлер" фирмасининг тўқимачилик дастгоҳлари ҳозирда дунёда биринчи рақам билан таърифланади. Демак, яқин 2-3 ой мобайнида фойдаланишга топшириладиган янги технология 350 ишчи ўрнини яратади. Энг муҳими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми 8 миллиард сўмдан 16 миллиард сўмга етади. Жумладан, экспорт миқдори 3 миллион 200 минг АҚШ долларидан 10 миллион 600 минг долларга ортади.

Ҳайитбой Абдулҳакимов айни вақтда Андижон вилояти енгил саноат корхоналари директорлар кенгашининг раиси сифатида ҳам соҳада юз бераётган ўзгаришларни теранроқ илғаб олишга ҳаракат қилгани- қилган. У турдош корхоналарнинг раҳбарлари ва мутахассислари билан тез-тез мулоқотда бўлиб туради. Хорижий ҳамкорлар билан ишлаш тажрибаларини баҳам кўради. Бугунги кунда Балиқчи туманида "Балиқчитекс" Ўзбекистон-Германия-Швейцария қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Республикамиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган мазкур корхонада ҳам асосан калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Қўшма корхона маҳсулотлари хорижга юборилмоқда. 500 киши меҳнат қилаётган корхона истиқболи порлоқ. Бу ерда ҳам корхонани ривожлантиришнинг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда.


Ушбу корхонанинг асосий таъсисчиларидан бири "Балиқчитекстил" ҳиссадорлик жамияти бўлиб, унинг улуши 42,6 фоиздир. Айни вақтда ушбу ҳиссадорлик жамиятида нотўқима материаллар ишлаб чиқарилмоқда ва "Ўзпахтасаноат" уюшмаси буюртмасига мувофиқ харидорларга берилмоқда. 265 киши меҳнат қилаётган бу корхонага Ҳайитбой Абдулҳакимовнинг шогирди Юсуфжон Умаров раҳбарлик қилади. Собиқ тузум даврида барпо этилган мазкур корхона жиҳозлари изланишлар ва интилишлар сабаб қайтадан жиҳозланди. Германияда тайёрланган бу жиҳозлар ёрдамида малакали ишчи ва усталарнинг маҳоратлари билан сифатли маҳсулотлар тайёрланяпти. Юсуфжон Шокиров, Гулчеҳрахон Юнусова, Олтиной Холмирзаева каби фидойилар меҳнати ҳам ҳамиша ардоқда. Устозлик даражасига етган бу инсонлар кўплаб ёшларга касб маҳоратларини ўргатяптилар. Энг муҳими, корхонада ишлаш истагини билдираётганлар жуда кўп. Доимий ғамхўрлик ва иш ҳақининг барқарорлиги бунга сабаб. 2004 йилнинг олти ойида мазкур ҳиссадорлик жамиятида 795 минг погонометр материал тўқилган бўлса, ушбу йилда бу кўрсаткич 1206 минг погонометрга етди. Соф фойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб олти баробарга кўпайди. Ёки 13 миллион 764 минг сўмни ташкил этмоқда.

–Маълум муддатда корхонамизда таъмирлаш ишларини бажаряпмиз, - дейди корхона бош директори Юсуфжон Умаров. – Бу ишларни албатта, имконини топади. Биз билан мулоқот қилаётган чоғида Юсуфжон Умаровни Эски Ҳаққулобод қишлоғига таклиф қилишди. Бу ердаги партия фаоллари ва тадбиркорлар болалар ўртасида футбол бўйича қишлоқ биринчилигини ўтказишмоқчи экан.



Жараён






–Албатта, бораман, - деди Юсуфжон Умаров кўтаринки руҳ билан, - қишлоқ болаларини спортга қанчалик кўп жалб этилса, у миллатимизнинг ютуғи. Юртбошимизнинг орзуси амалга ошган бўлади. Биз фарзандларимизга қанчалар ғамхўрлик қилсак, албатта, эрта-индин ўз мевасини беради. Бу ишда партиямиз фаолиятини ошириш эса янада муҳим. Негаки, ишбилармонлик ва тадбиркорлик орқали мамлакатимиз равнақ топади.

Балиқчи туманида бундай фидойи инсонлар жуда кўп. Ана шундай инсонлар кўплиги боис бир вақтлар фақат хомашё етиштиришга ўрганган деҳқонларнинг фарзандлари кенг жаҳонга нигоҳини ташлашяпти. Қишлоқ болалари бугун коллежларда таълим олишиб, энг замонавий технологияларни моҳирлик билан бошқаришяпти. 8 йилдан буён республикамиз енгил саноат корхоналарида хорижий технологияларни ўзлаштиришга амалий ёрдам бераётган Жанубий Кореянинг "ДЭУ Текстайл к компани" менежери Ки Хонг Пак "Алишер Навоий Интернейшнл" қўшма корхонасида бўлган чоғимизда биз билан соф ўзбек тилида гаплаша туриб шундай деди:

–Мен узоқ йиллардан буён Ўзбекистондаман. Бу ернинг халқи шу қадар меҳнаткаш, айни вақтда кўнгли тоза, дастурхони эса барчага бирдек очиқ. Айниқса, ёшлари шу қадар қизиқувчанки, бир кўрган ишни эртасига ўзи бемалол эплаб кета олади. Бир вақтлар биз Кореядан кўпчилик келиб ишлардик. Энди бунга ҳожат қолмади. Негаки, бу ернинг йигитлари бугун дунёда биринчи деб ҳисобланаётган технологик жиҳозларни ҳам моҳирона созлашиб, ишга туширмоқдалар. Президентингиз айтмоқчи, халқингизнинг салоҳияти беқиёс катта.




Қобилжон АСҚАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири. Х.АРАББОЕВ олган суратлар.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Сиҳат - саломатлик йили - деб, эълон қилинган жорий йилда жойларда кўпгина ишлар қилинда. Жумладан Нишон туманида ҳам аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Марказий касалхона, 12 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та қишлоқ амбулаторияси, 3 та поликлиника мавжуд бўлиб, уларда 165 нафар врач, 700 га яқин ўрта тиббиёт ходими, умуман, 1500 нафарга яқин тиббиёт ходимлари аҳолига хизмат кўрсатмоқдалар.

Қишлоқларда қаровсиз, ночор ҳолатга келиб қолган амбулаториялар ўрнига замон талабларига жавоб бера-

"Мен сиздан шифо топдим"



диган 12 та қишлоқ врачлик пунктлари қуриб ишга туширилди ва улар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Жумладан, бу шифо масканлари кардиограмма, бир неча турдаги физиотерапия аппаратлари, автоклап ва замонавий лабораторияларга эгадир.

Бугунги кунда туман марказий касалхонаси 16 та бўлимдан иборат. Бундан ташқари, ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган шошилинч тиббий бўлимнинг ишга тушиши айни муддао бўлди. Марказий касалхона қошида диагностика маркази ташкил қилинди. У ерда 2 та ультратовуш, 12 та эндоскоп, электрокардиограмма ва бошқа зарур тиббий ускуналар бор. Бу хусусан, беморларни вилоят маркази ёки пойтахтимизга бориб юрмасдан, шу ернинг ўзида касалликларини аниқлашда ёрдам бермоқда.

Туман соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, қишлоқ врачлик пунктларида ишловчи ходимларнинг барчаси умумамалиёт бўйича Самарқанд ва пойтахтимиздаги махсус ўқув даргоҳларида билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб келишди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг охиригача яна 4 та қишлоқ врачлик пункти қуриб, ишга туширилади. "Ибн Сино", "Навбаҳор" врачлик пунктларида бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етяпти.

Ўтган йили марказий касалхонада 108 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Бу йил шу кунга қадар 38 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Мазкур касалхона ва қишлоқ врачлик пунктларини қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар билан жиҳозлаш мақсадида фермер ва тадбиркорлар томонидан 12 миллион сўмлик мурувват ёрдами ҳам кўрсатилди.

Умуман олганда, туман марказий касалхонасида жарроҳлик, акушерлик, ички касалликлар, болалар касалликларини даволаш бўйича барча шарт-шароитлар етарли. Тажрибали тиббиёт мутахассислари бу масканда фидойилик кўрсатиб, одамлар дардига дармон бўлмоқдалар.

"2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилиниши тиббиёт ходимлари масъулиятини янада оширди. Тиббий муассасаларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун яна қўшимча ультратовуш аппарати, эндоскоп, жарроҳлик жамланмаси олинди. "Нишон" қоракўлчилик жамоаси "Дамас" русумли автоуловни тиббий ёрдам учун ҳадя қилган бўлса, туман пахта тозалаш заводи болалар бўлимини таъмирлашда ҳомийлик қилди.

Буларнинг ҳаммаси меҳр-мурувватли инсонларимиз, "Сиҳат-саломатлик йили"нинг мазмун-моҳиятини хайрли ишларида акс эттираётган тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатларидандир.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА

Қадим Турон савдо йўллари билан маълум ва машҳур бўлган. Унинг тинч-ҳаловатли равон йўллари, каттакатта карвонларни бағрига олиб, савдо-тижорат, сайру саёҳат аҳлларига ором берувчи карвонсаройлари ҳали-ҳануз сақланиб қолган. Бу йўллардан қимматбаҳо юклар мағрибдан машриққа ва аксинча бехавотир ташилган. Маҳаллий ҳокимлар йўлларнинг равонлиги ва тинчлиги учун ҳамиша масъул бўлганлар.

Мустақиллик ана шу қадриятни, шу қадим анъанани яна қайта тиклаш имконини берди. Эндиликда Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубий йўллари озод ва мустақил Ўзбекистон водийю воҳаларини кесиб ўтган замонавий магистралларда туташди. Агар Тошкент - Термиз, Нукус - Самарқанд ва ёхуд Андижон – Тошкент йўллари бўйида бир фурсат турсангиз, дунёнинг кўпчилик мамлакатларидан кўзлаган манзиллари сари сафарга чиққан оғир юкли автомашиналар карвонини кўрасиз. Ўзбекистон миллий мустақиллигини тиклаши шарофати билан яна жонланиб, халқаро савдо-тижорат жараёнлари жўшқинлашиб бормоқда, транзит транспорт воситалари ҳаракати тезлашяпти.



Табиики, бу йўлларнинг холатига, жаҳон андозалари даражасидаги талабларни кескин ошираётир. Магистрал йўллар бўйлаб ёқилғи қуйиш станциялари, меҳмонхоналар, қахвахона ва ресторанлар барпо этиляпти, автоуловларни созлаш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш корхоналари қурилляпти. Бошқача қилиб айтганда, Буюк Ипак йўли бўйлаб энг замонавий сервис-маиший хизмат тизимлари барпо этилмоқда.

Одамларимизда йўлсозлар меҳнатига талаблар, унинг натижалари учун масъуллият кескин кучайди. Буни халқаро мақомдаги Олмаота-Бишкек-Тошкент-Термиз йўлининг 100 километрлик узунликдаги Жиззах бўлими бўйлаб ўтганимизда чуқур ҳис қилдик.

- Шу йўлнинг 50-километрида таъмирлаш ишларини мустақиллик байрамигача бажариш ҳаракатидамиз, - дейди 156-йўл бўлими бошлиғи З.Якубов. - Буюк Ипак йўлини кенгайтириб мукаммал таъмирдан чиқараяпмиз. Вилоятимиз ҳудудидан ўтувчи халқаро йўл жаҳон андозалари даражасида текис ва равон бўлиши учун ҳамма ишлар лойиҳа талабалари асосида ғоят сифатли бажарилишига интилмоқдамиз.

Йўлсозлик соҳасида катта тажрибага эга бўлган Ҳасан Умаров 1982 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилмоқда. Жиззах – Учтепа участкасида созлаш ишларини бажариш унинг етакчилигидаги йўлсозлар жамоасига юклатилган. Иш жараёнида улар замонавий технологиялардан фойдаланаётир.

Йўлсозлик соҳасида вилоятда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаяпти. Чунончи, шу йилнинг саккиз ойи мобайнида 3 миллиард 159 миллион сўмлик йўл қурилиши, созлаш-таъмирлаш ишлари режалаштирилган эди. Давлат аҳамиятига эга 22 километр узунликдаги Жиззах – Учтепа автомобил йўлининг 10 километри ҳозиргача

Мустақиллик иншоотлари

иншоот пишиқ-пухта, чидамли бўлишига ҳаракат қиляпти.

- Оғир юк машиналари ўтадиган бу кўприк кўп йиллар транспорт воситаларининг хавф-хатарсиз, бетўхтов ҳаракатини таъминлайдиган бўлишига алоҳида эътибор қаратяпмиз, - дейди "Жиззахавтойўл" йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилотининг раҳбари Муродхон Хожихонов. - Уни кенг, қулай, пишиқ қилиб қураяпмиз. Ишларнинг асосий ҳажми шу ойларда бажарилиши керак. Техника ва кучларни иш участкалари бўйлаб тўғри жойлаштирганимиз яхши натижа бераяпти.

Дарҳақиқат, кейинги ойларда иш суръат муттасил ортиб боряпти. Бунда раҳбарнинг янгиланиши алоҳида аҳамият касб этди. Дунёқараши кенг, фикр-мулоҳазали зарур тажриба, билимга эга бўлган бу мутахассисда ташкилотчилик маҳоратининг янги қирраларини кўриш мумкин. У барча ишларни тадбиркорлик билан йўлга қўйиб, ходимларнинг бошини қовуштириб, жиддий вазифалар жадал ва юқори савияда бажарилишига эришаяпти.

Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йили арафасида Жиззах йўлсозлари томонидан жами 220 километр узунликдаги йўлни таъмирлаш назарда тутилган. Бу мақсадлар учун ҳаммаси бўлиб, жорий йил давомида жорий йил давомида 6 миллиард 354 миллион сўм сарфланиши мўлжалланмоқда. Вилоят йўлчилари мана шу улкан ишларни тез, юқори сифатли бажариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.



- Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари мустаҳкамланиб боряпти. Биз жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган энг янги йўлсозлик-қурилиш техникаларидан етарли даражада олаяпмиз, – дейди йўл устаси Гайрат Эргашев. – Германия компанияси ишлаб чиқарган унумли техникаларни ўзбек йигитлари муваффақият билан ишлатишяпти.

Асфальт қатламини кесувчи машина оператори Ф.Сафарбоев эни 16 метрли бир километр асфальт қатламини бир кунда кесиб олаётганини алоҳида қониқиш билан таъкидлади. Бу жараён йўллар текис ва равон таъмирланишида алоҳида аҳамиятга эга, - дейди у.

Олмаота – Тошкент – Термиз йўлининг 1001 километрида таъмирлаш ишларини олиб бораётган йўлсоз Ўрол Холжигитов билан қизғин суҳбатлашдик.

– Илгарилари маошимиз 50 минг сўмга ҳам етмасди, – деди суҳбатдошим. – Бугун икки баробар кўп ҳақни ўз вақтида олаяпман. Ишчиларга эрталабки чой, туш ва кечликда иссиқ овқат бериляпти. Участкаларда бошқа хайрли ишлар ҳам амалга оширияпти.

Илғор автогрейдерчи Мусурмон Мирзаев эришаётган натижалар ҳам бундан-да катта.

– Ишим ўзимга жуда ёқади, – дейди тажрибали йўлсоз. – Биласизми, унча-мунча одам бизнинг касбга бўйин қўя олмайди. Биз айни ёз чилласи бозиллатиб турган қуёш остида ҳам ишлаймиз, қишнинг аёзли кезлари ҳам меҳнатимиздан тўхтамаймиз. Ўғлим Маъруфжон ҳам йўл қурилишида меҳнат қиляпти. Демак, жамоамизда йўлсозларнинг янги сулоласи шакллана бошлади.

Доврукли автогрейдерчининг меҳнати ҳамиша сифатли, унумли. Унинг самарали меҳнати Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Ҳа, жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида "Жиззахавтойўл" ҳудудий қурилиш шўъба ташкилоти бунёдкорлари алоҳида ғайрат билан меҳнат қилишаяпти. Муҳим халқаро автомагистрални таъмирлаш ва созлаш улар қалбини ғурурга, ифтихорга тўлдирмоқда.

Х.ШАМШИЕВА

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Юртимизнинг лафзи ҳалол ғаллакорлари!

Сизнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли бу йил хирмонлар сарбаланд, халқимизнинг дастурхони тўкин-сочин бўлди.

Сиз яратган юксак ғалла хирмонларидан бизнинг соҳа ишчи-ходимлари ризқу-рўзимиз бўлган ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариб, хайрли ишга ҳисса қўшаётганидан мамнун.

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришилганлиги Истиқлол ютуқларини мустаҳкамлашга замин бўлди.

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги билан Сизни, халқимизни самимий қутлаймиз. Осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлаверсин.



"Қорақалпоқ дон маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти



Қутловимиз Сизга, азизлар!

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг Қорақалпоғистон бошқармаси барча жамоалари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан мамлакатимиз меҳнаткашларини самимий муборакбод этади. Ҳар бир ўзбекистонликка бахт-иқбол, метиндек мустаҳкам соғлик, тинчлик-тотувлик, мамлакатимиз гуллаб-яшнаши йўлида меҳнат муваффақиятлари тилайди.

Нурга тўлган хонадон

Қумқўрғонда "Бобоқул бобо" фермер хўжалиги бор. Раҳбари Эргаш Бобоқулов. Ўрта бўйли, тўладан келган, қарашлари синчков, сўзлари салмоқли. Ҳозир нақд 50 ёшда. Мустақиллигимиз 14 ёшга тўлган шодумон кунларда юбилейини ўтказаётир. Ҳамиша улуғликка, яхшилик пайваста.

- Умр бир уй... - гап ташлади фермер. Ҳайрон қарадим. Фермер тавакал гапирди-ёв, дедим ичимда. Асло. Эшитиб турсам, ўйловли гап айтаяпти. Фикрлари теран.

- Бир хил уй бор, ичи нурга тўла. Бир хил уй бор, ичи зимистон. Ичи тўла чаёну ўргимчак.

Суҳбатимиз қутилмаганда бошланди. Ва бирдан ҳайратим ошди. Эргаш акага жим тикилдим. Ҳар битта сўзда кенг маъно...



- Инсон... шу уйни... умр деган уйни ёруғ, пок қилиб қўйиши керак. Бу уйда оилангиз, болаларингиз, дўстларингиз... яна эл бор бу уйда!..

Эргаш ака дала четидаги деҳқонча "шийпонга" бошлади. Ҳаммаси оддий. Ариқ ёқасида райҳон. Нарироқда қора уй, қора ўтов... Керагалари кўзга иссиқ кўринади. Ўқловлари одам қобиргаларидай.

- Бу киши Бозор Бобоқулов... акам бўлади. 4-5 та молимизга қарайди. Байрамларда ишчиларга бозордан гўшт сотиб олсак, чиройли бўлмайди-да... Бир ёғи ўзи "синоптик". 40 йилдан бери кундалик тутади. Эринмай ёзиб боради. Ўтган йилимикан... "Эргаш, шу санада кўп йиллар ёмғир ёққан. Теримни тезлат", деди. Ишонасизми, айтган санасидан бир кун ўтмай ёмғир ёғди...

Суҳбатга Бозор ака қўшилди.

-Биров-ярим мени молбоқар, дейди. Лекин кўнглим нозик. Нимага деганда, "Нексия"да юриб, битта газета ўқимайдиган одамдан мол боқиб юриб бўлсаям, китоб ўқиб юрган киши афзал. Кундалик ёзаман. Бир кун варақладим. Шу... 12 йил олдин магазинга бориб, навбатда туриб, бир килою неча грамм ун олган эканмиз. Ҳозир-чи? Омборхонани очинг, бугдой шифтга тегадиган бўп турибди. Кундалик ёзсангиз, қаердан келаётганингизни, қаёққа бораётганингизни билиб, кўриб турасиз.

- Акам тўғри айтаяптилар, - деди фермер Бозор аканинг гапини маъқуллаб. - Бу йил 10 гектарга ғалла экқандик. 60 центнерга етди ҳосилдорлигимиз. 60 тонна буғдой олдик. 27 тоннасини давлатга сотдик. Ўзимизга 33 тоннаси қолди. Худога шукр, ишимиз яхши. Қийналаяпмиз, захмат чекаяпмиз, барака топаяпмиз. Ҳеч қаерда осон нон йўқ. Ғалладан 2 млн. 500 минг сўм даромад қилдик. Бу йил ўтган йилдагидан 8 тонна кўп буғдой омборимизда қолди.

Ёнимизга бўйчан, ғайрати тошиб турган йигит келди. Саломлашдик...

- Ўғлим Илҳомжон Бобоқулов... Ҳамма ишни Илҳомжон бажаради. Иш боши-да, - таништирган бўлди Эргаш ака. - Раҳбарлигу, таъминоту банку МТП-ю йиғилишлар... менинг зиммамда... Далада бош-қош - бу!

- Бу йил пахта қандай, Илҳомжон? – дейман бир туп ғўзани сал эгиб.

- Усти-бошим шира, чанг бўлади, демасангиз, ғўзаларни оралаймиз, ҳайданг, - деди Илҳомжон. Данғаллигига ҳавасим келди. Пахтазор оралаб бораяпмиз. Очилган чаноқлар... оёқларга ўрилаётган бўлиқ кўсаклар...

- Танангизга тошдай бўб ўриляппа? Пахтанинг зўр бўғани шу-да... Усмон ака, Жўра ака деган сувчиларимиз бор. Шу кишиларнинг айтишича, яқин йилларда ҳосил бу йилгидай кўп бўлмаганакан. Санасангиз, ҳар тубдан 40-50, ҳатто 60 тадан кўсак чиқади...

Тракторчи Холбой Нормуродов гапга қўшилди:

- Бу йил 50 центнердан қанча ошса ошади...

Орага жимлик чўкди. Эргаш ака бир туп ғўзадаги кўсакларни санарди... Ва чеҳраси очилиб, қаддини кўтарди:

- 72 та кўсаги бор экан...

- Бизнинг қизлардан ҳам сўз очсангиз... Ҳамма ишди шулар қилади ўзи, - деди Илҳомжон тортиниб...

Қизлар, одатда, гапга чечан, шўх, шаддод келади. Лекин Эргаш аканинг фермер хўжалигидаги қизлар анча босиқ, ўйчан, иболи экан...

- Бу киши... Шарофат Содиқова. Ишни еб қўяди. Пахтани ҳам зўр терадди. Бу Санобар, фамилияси

Фермер

Бобоёрова... Нариги Наргиза... Кам гапиради. Лекин сўзни товиб гапиради, - Илҳомжон барча қизларни бир-бир таништирди.

- Қани қизлар... иш зерикарли эмасми? - қизларга юзландим.

- Жўқ... Ишимиз бир кўп... бир кўп... Некин осон эмас. Сурхондайронинг иссиғи жомон. Бугун ҳам 50 градуслар бўлди... - деди Наргиза тортиниб.

Шарофат суҳбатга қўшилди:

- Фермеримиз яхши одам. 2 кун олдин товга, Сангардакка... фермеримизда ишлайдиган ҳаммани опорди. Бепул автобус ташкил қиб... Мен сизга тўғрисини айтсам, қишлоғимизданам кўп кишилар Сангардаккада бориб кўргани жўқ. Трактурчилар, сувчилар, қизлар... ҳаммамиз бориб, Сангардакни кўриб, дам олиб келдик.

Санобар оғиз жуфтлаб турган экан, гап ташлади:

- Ҳиндча киноларда бор-ку... чиройли жойлар... Сангардакка бориб кўрдик-да... Ҳиндистон ҳам орқада қоп кетади. Суви тип-тиниқ... қўлингиз муэлайди... Бетингизни жувсангиз, қушдай жингил бўласиз...

Шарофат кулди:

- Ҳозир ёз-ўй... Товда баландга чиқиб, қор обкелдик. Бир хил жигитлар чарчаб, жўлда қолди. Биз қизлар чўққига чиғиб бориб, қўшиғичимизни (ҳовучимизни) тўлдириб оппоқ қордан обтушдик...

Кўнглимдан суюндим. Фермер Эргаш Бобоқулов ишчиларини эъзозлаётир. Уларнинг қадрига етаётир. Фермерликнинг моҳияти ҳам шунда-да...

Суҳбатимиз ўз-ўзидан фермерлик ва эл ободлигига... саховат мавзусига бурилди: бу борада ишлар қандай?

Эргаш ака ҳам вазмин қадам ташлайди. Сўзлари маъноли:

- 1998 йили фермер хўжалиги ташкил этдик. Пахтаю ғаллани доим бажариб келаяпмиз. Даромад шундан. Отам айтарди. "Дунёда энг ёмони ҳам, ҳамма ёмон кўрадиган одам ҳам - хасис бой". Фермер ҳам хасис бўлса, худо урди деяверинг. Хасис, зиқна одамнинг ўзи ҳам, атрофидагилар ҳам барака топмайди. Ўтган йили 12,5 миллион сўм даромад қилдик. 9 май куни... бу йил, 100 кишига, айниқса, нуронийларга ош бердим. Дуосини олдим.

Маҳалламизнинг номи "Навбаҳор". Аҳолига ичимлик сув чиқарадиган насос бузилган экан. 600 минг сўм пул билан таъмирладик. Қумқўрғон шаҳрида "Дўстлик" маҳалласи бор. У ерда ҳам қийналганларга ёрдам бераяпман. 3-мактаб ўқувчиларини газеталарга обуна қилдим. Раҳмат айтаяпти болалар. Фермер бўлганимдан бери ёрдам сўраб келган бирон кишини қуруқ қайтарган эмасман. Худо менга шунча барака берибдими... баҳоли қудрат элдан аямайман.

Ҳали ниятларим кўп. Келажакда болалар спорт мажмуаси қурмоқчиман. 8-10 та оиланинг тўйини қўшиб, бир жойда чиройли қилиб ўтказишни ҳам ўйлаб юрибман...

Эргаш ака хайрлашаётиб, таъкидладилар:

-Бу йил пахтадан ҳосилдорликни 50 центнердан оширмоқчимиз. Режа бажарилганда келасиз. Қолаверса, йил охирида, худо насиб этса, тендерга қатнашиб, ер майдонимизни кўпайтирмоқчимиз...

Мустақилликнинг шарофати шу эмасми? Ер асл деҳқон қўлида. Фермерда! Деҳқоннинг эса фикри, зикри, хаёли – юрт ободлигида, эл фаровонлигида.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



“Қизилқумцемент”: Бозор талаби — бош мезон

Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз номи билан аталадиган ёш ва навқирон Навоий шаҳрининг қиёфаси кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳайратланарли меъморий ечимга эга хиёбонлар, гулу гулзорлар, спорт иншоотлари вилоятнинг қиёфасини буткул ўзгартириб юборди. Марварид шаҳардан чиқиб, бир озгина юрилса, “Қизилқумцемент” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига етиб келасиз.

“Қизилқумцемент” очиқ акциядорлик жамияти раисининг умумий масалалар бўйича ўринбосари Абубакр Қўлдошевни корхонага кираверишда учратдик. Уни кўпчилик тиниб-тинчимас, ташаббускор, янгиликка ўч инсон сифатида яхши билади ва қадрлайди.


Оллоҳ назари тушган юртимиз бор, - дейди Абубакр Қўлдошев ажиб фахр ва ғурурга тўлиб. – Ер ости, ер усти бойликларимизнинг адоғига етолмайсиз. Биргина оёғимиз остидаги қум ва шағални олиб кўринг. Очиқ ҳавзалардан қазиб олинаётган ана шу бойликлар ҳозирданоқ хорижликлар эътиборини тортиб улгурди.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда бешта цемент ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсатиб турибди. Айниқса, мазкур жамоалар орасида “Қизилқуцемент” очиқ акциядорлик жамиятининг алоҳида ўрни бор. Бу ерда асосан қуруқ усулда маҳсулот тайёрланади. Тайёрланаётган цементга эса харидор жудаям кўп.

–Етмишинчи йилларнинг бошида корхона қурилишига киришилган бўлса-да, лойиҳа қуввати бир кеча-кундузда уч минг тонна клинкер ишлаб чиқаришга эга бўлган. Биринчи навбатга 1977 йилга келибгина фойдаланишга топширилганди, - дея сўзида давом этади Абубакр ака. – Маҳсулот сифатли, қурилишбоп ҳамда арзон бўлганлиги учун ҳам унинг бозори чаққон бўлиб кетди. Юртимизда-ги кўплаб йирик ва қудратли иншоотларни тиклашда бизнинг цементимиздан фойдаланилмоқда. Ҳаттоки, маҳсулотларимизни хорижликлар ҳам сотиб олмоқда. Шу йилнинг ўзида чет эллик-лар билан жудаям кўплаб шартномалар имзоланди.

* * *

Бегубор ва қувноқ болалигим кечган қишлоқда Тоғай бобо деган деҳқон одам умргузаронлик қиларди. Тоғай бобо деганимиз полвонкелбатли, қувноқ сўз, ҳазилкаш одам эди. Бутун умри деҳқончилик билан ўтди у кишининг. Ҳаммага бирдай ширин сўз эди раҳматли. Аниқ биламан, ёз кунларининг бирида бобо ўғлига иморат солиш ташвишига тушиб қолди. Фундамент кўтариш учун энг аввало цемент керак бўлади. Ана шу цемент деган матоҳни топиш жудаям қийин кечди. Бобо Навоийга бўзчининг мокисидек қатнади. Аммо ҳадеганда у излаган матоҳини топа олмади. Ўзиям роса хуноб бўлди. Ўша кезларда хуморидан чиққунча аллакимларни боплаб сўкарди. Охири кузнинг охирларига бориб аллақайси бир таниши мўмай пул эвазига машинада бобога цемент келтириб берди. Барибир иморатнинг фундаменти кўтарилмасдан келгуси йилга қолиб кетди. Маълумки, бундан ўн беш-йигирма йиллар олдин цементни



назсулга юз тутганди. Бунга эса маҳсулот ишлаб чиқаришда жудаям асқотадиган компонентлар, Словения, Чехия ҳамда бошқа хорижий давлатлардан бутловчи қисмларнинг ўз вақтида келтирилмаслиги ҳам сабаб бўлганди. Хайрият бундай ҳолатга кескин барҳам берилди. Кўпгина эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзида тайёрлана бошланди. Қолаверса, юртимиздаги хом ашёдан самарали ва жойида фойдаланилмоқда.

Қувончли жиҳати шундаки, ҳар йили ушбу мақсадлар учун сарфланадиган 600 миллион сўм маблағ тежаб қолинаётир. Сир эмас, бугун ҳаётимизга шитоб билан янги технологиялар кириб келди. Жумладан, бу янгиликдан корхона ҳам мустасно эмас. Барча цехлар ва бўлимлар компьютерлаштирилди, ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилди. Иқтисод қилинаётган бир неча юз минг АҚШ доллари эса жамоани ободонлаштириш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимояси ҳамда бошқа мақсадлар учун ишлатилмоқда.

Корхона кўзгуси

–Янгиликка интилиш, ишлаб чиқариш тизимида жорий этилган мониторинг, таннархни пасайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар фойда билан ишлаш имкониятини бераяпти, - дейди акциядорлик жамияти бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ражабали Жуманиёзов. – Буни корхонамизнинг кўрсаткичлари ҳам исботлаб турибди.

Келинг яхшиси, натижаларга разм солиб кўрайлик. Шунда ҳаммаси ойдинлашади. Ўтган мавсумнинг ўзида республикамизда ишлаб чиқарилган цементнинг салкам эллик фоизи корхона ҳиссасига тўғри келди. Шундай ли печнинг ўрнатилганлиги ҳам қўл келмоқда.

Айни чоғда бу ерда маҳаллий ва иккиламчи хомашёдан ғишт ишлаб чиқариш, бетон қоришмалари тайёрлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги ҳам зўр иш бўлди. Биринчидан, энг аввало ички ва ташқи бозорга маҳсулот жўнатишни кўпайтириш учун цементни корхонанинг ўзида чиройли ва бежирим қадоқлаш муаммоси ўз-ўзидан барҳам топди. Иккинчидан, биргина ўтган йилнинг ўзида 6 миллиард 203 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришилди. Учинчидан, кўпчилик ёшлар янги иш ўринлари билан таъминланди.

Чиндан ҳам “Қизилқумцемент” корхонасининг минтақада обрўси катта. Чунки, бу ерда минглаб ёшлар меҳнат қилади. Илгари совет замонида корхона фақат ички бозор учун ишларди, эндиликда мутахассислар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини жаҳон андозаларига мос ва хос қилиш устида жиддий бош қотиришмоқда. Дастлабки натижалар яққол кўзга ташланиб қолди. Масалан, 2004 йилда тайёрланган цементнинг 34 фоизи, яъни 22 миллион 750 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга сотилади.

Бу кўрсаткич аввалги йилгидан анча салмоқлидир. Жамиятнинг экспорт режаси ҳам ортиғи билан ўринлатилмоқда. Бу маҳсулот Ўзбекистон тамғаси қўйилиб, хорижга экспорт қилинса, олинган даромад ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ҳам, ишчилар манфаатдорлигини икки уч карра оширишга ҳам етади. Шу боис бугун мутахассисларнинг фикри-хаёли шу иш билан банд.

Испанлар лол қолишди

Ишлаб чиқарган маҳсулотинг кўпчиликка маъқул келса, қандай яхши. Бу сўзни хориж-ликлар тилидан эшитиш яна ҳам қувончли.

Бугунги кунга келиб корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, мустаҳкамлиги билан нафақат республикамизда, қолаверса, хорижда ҳам тилга тушиб улгурди. Буни Европадаги Халқаро саралаш қўмитасининг XVII Халқаро конвенцияси жаҳондаги обрўли компания ва экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликдаги қарорига кўра “Қизилқумцемент” жамияти маҳсулотлари Мадриддаги “WOK” совринига тавсия этилганидан ҳам билиб олса бўлади. Корхонада ишлаб чиқарилган турли хил цемент маҳсулотларига хорижликлар томонидан талабнинг ошиб бориши натижасида шундай совринлар Лондон ҳамда Пекин шаҳарларида ҳам насиб қилди.

Биз корхонада бўлган кунимиз ҳам бир гуруҳ хорижликларни ҳовлида учратдик. Меҳмонлар билан сўрашдик. Нигоҳларида, юзларида меҳр, самимийлик балқиб турибди. Маълум бўлишича, улар маҳсулот харид қилиш учун келган экан.

Замонавий техникалар қудрати

Мавжуд саккизта тегирмондаги ускуналар замонавий – компьютердек аниқ ва бехато ишлайди. Айниқса, корхона тамғаси билан чиройли ва бежирим қилиб қопларга жойлаштирилган цемент кишининг диққатини тортади. Анча вақт ишчилар меҳнатини кузатиб турдик.

Жудаям қизиқарли ҳолат. Корьерларни айланиб юриб, кўзимиз қудратли, замонавий техника воситаларига тушди. Россиядан келтирилган 45 тонна юк ташишга мўлжалланган 15 та машина, бульдозер, автогрейдер ҳамда 50 тонналик автокранлар унум билан ишлаяпти. Бу қудратли автоларни ўзбек йигитлари моҳирлик билан бошқараётир.

Машиналарга қараб туриб ўйланиб қолганимни синчковлик билан кузатиб турган корхонанинг ишлаб чиқариш (техника) бўлими бошлиғи Турсунмурод Суюнов гап бошлади.

– Рақобат муҳитида тер тўкиш доимо бизни изланишга, янгилик, яратишга ундаяпти. Ҳар бир ишчи, ҳар бир мутахассис маҳсулот сифатини яхшилашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Қолаверса, Россиядаги заводларнинг ўзида тўғридан-тўғри келтирилган қудратли техникалар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашаётир.

Турсунмурод Суюновнинг алоҳида эътироф этишича, ҳукуматимизнинг “Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабини бажариш мақсадида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, экспорт салоҳиятини оширганлигини ҳамда харидорлар талаби даражасида маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги учун жамиятда Исо 9001-2000 халқаро сифат менежменти тизими жорий этилиб, сертификат берилди. Мазкур ҳужжат Германиядаги “TUVCERT” халқаро сертификатловчи компания томонидан корхона раҳбарига топширилганлиги эътиборга моликдир. Жаҳондаги ривожланган 250 та корхоналар орасидан “Қизилқумцемент” корхонасининг шундай ютуқни қўлга киритишининг ўзиёқ киши қалбини ғурурга тўлдиради.

Ўз навбатида, бу сертификат жамият раҳбаридан тортиб, то оддий ишчи зиммасига масъулият юклайди.

Мижозлар кўнглига йўл топиб...

Корхонада анчагина маблағ байрамларда ишлатилади, ижтимоий ёрдамга, уй-жой қурилишига, тиббий масканларга даволанишга сарфланади.

Катта шаҳарларга вақтивақти билан саёҳатлар уюштириб турилади. Уй-жой муаммолари ҳал этиб борилмоқда.

Жамоа ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам жиддий эътибор бериб келмоқда. Навоийда қисқа вақт ичида ҳар бир цехнинг майдонига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиб борилмоқда. Корхона ҳовлисидаги боғларни айланиб юриб, гўё ўзимизни Боғи Эрамга кириб қолгандек ҳис этдик. Бундан ташқари, келажакда электр моторлар, уларнинг



роторлари ҳамда йирик ҳажмдаги тутун сўриб олувчи вентиляторларни таъмирлаш бўйича кўрсатилаётган хизмат турларининг янада ошириш, сифатини яхшилаш учун ҳам ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Корхонага ишчилар танлов асосида қабул қилинади. Шу сабабдан ҳам бу ерда тер тўкишни истаган ёшлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Мижозлар билан гурунглашганимизда улар бир нарсани бот-бот такрорлашди. Корхона томонидан тайёрланаётган цемент маҳсулотларини сифатига, кўринишига гап бўлиши мумкин эмас. Бундай сўзларни яна

Ибрат

кўплаб истеъмолчилардан эшитиш мумкин. Бунга мавжуд имкониятлардан бекаму кўст фойдаланилаётганлиги сабабли эришилмоқда.

* * *

Асрий Қизилқум бағрида жойлашган қудратли корхонада кўплаб ёшлар тер тўкишади. Улар мамалакатимиз қудратини юксалтириш, иқтисодимизни мустаҳкамлаш йўлида тинмай фидойилик кўрсатишмоқда.

Корхонадан қайтаётганимизда икки нафар истеъмолчининг сўзлари қулоққа чилинди.

– Эҳ, биродар, бу “Қизилқумцемент”нинг маҳсулотларига гап йўқ-да. Ҳовлида қурилиш қилаётган эдим. Шунинг учун бу ерга келдим. Эҳтиёжимга яраша маҳсулотни пулини тўлаб, олиб кетаяпман.

– Яшанг, биродар, – дея ҳамроҳининг сўзини илиб кетди хоразмлик харидор. – Ўтган мавсумда қишлоғимизда мактаб қурилиши чала қолган эди. оқсоқоллар тўпланиб, менинг қурилиш фирмамга уни битказиш вазифасини юклади. Тезда ишга киришиб кетдим. Маълумки, қурилишда цементнинг баҳоси катта. Шунинг учун бу ерга келдим. 150 тонна цементни чоп-чопсиз, пулини тўлаб, машиналарга юклатдим. Бу мавсумда зиё масканини битказиб, болаларга топшираман. Ниятим юртимизда “Қизилқумцемент”дек корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўпайсин.

...Чўл бағрини тун пардаси ўз оғушига олиб улгурган алламаҳалда ортга қайтдик. Олис-олислардан осмонга бўйлашган миноралар ва унинг ёнидаги симёғочларнинг чироқлари ярқираб кўринди. Қурилишбоп цемент маҳсулотларини истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб беришга бел боғлаган корхонада эса ҳаёт ўз маромида давом этарди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.





Аграр соҳанинг "Пахта банк" 10 ёшда!

"Табиийки, иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг аҳамияти жуда катта. Банкларсиз — саноат бўлмаслигини, банкларсиз — экспорт бўлмаслигини, банкларсиз — сармоялар бўлмаслигини биз жуда яхши биламиз. Банк соҳалари ва уларнинг тараққиёти Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида турибди..."

Ислом КАРИМОВ



Ривожланиш йўллари

Ҳаммамизга маълумки, Акциядорлик-Тижорат «Пахта Банк» мамлакатимиз аграр соҳасининг



вишда маркетинг ҳамда услубий тадқиқ этиш ва ушбу тадқиқотлар асосида банк хизматлари бозоридаги самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида стратегик аҳамиятга молик муҳим тадбирлар тизими мунтазам равишда амалга ошириб борилмоқда.

Банк бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, банкда ягона ахборотлар базасини шакллантириш, тўловларнинг ўтишини тезлаштириш орқали мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида амалдаги мавжуд электрон тўлов тизими такомиллаштирилди. Жумладан, 2004 йили банкда ягона вакиллик ҳисоб варағи орқали тўловлар тизимини ташкил этиш банк актив ва пассивларини самарали бошқариш, ликвид активлар миқдорини оптимал даражада сақлаган ҳолда даромадлиликни ошириш имконини берди.

Республикада фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари жамғармалар ва жаҳон молия муассасалари билан яқиндан алоқалар ўрнатилиб, уларнинг маблағларини банкка жалб қилган ҳолда, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини молиялаштириш кенгайтирилди.

"Пахта Банк" активлари 1995 йил 1 январь ҳолатига 24,5 миллиард сўмни ташкил қилгани бўлса, 2005 йил 1 январь ҳолатига 238,9 миллиард сўмни ташкил қилди. Жумладан, даромад келтирувчи активлардаги салмоғи 69,5 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, банкнинг жамланма сармояси 1995 йил 1 январь ҳолатига 2,4 миллиард сўмни, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига эса 51,3 миллиард сўмни ташкил қилди.

Жумладан, сармоянинг етарлилик коэффициенти бўйича энг кам меъёр 10 фоиз даражада ўрнатилгани ҳолда, 2004 йил якунида ушбу кўрсаткич 25,7 фоизни ташкил этди. "Пахта Банк" тизимида аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида 35 турдаги жамғарма ва муддатли омонатлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда амалда бўлган омонатларнинг 18 та турига аҳолининг бўш пул маблағлари қабул қилинмоқда.

Аҳоли маблағларини жамғарма ва муддатли омонатларга жалб қилишда банк ва мижоз манфаатларига мос равишда фоизлар белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Ўтган давр давомида банк томонидан 25-50 фоизгача миқдорда йиллик фоизлар белгиланиб, омонатлар муомалага киритилди. таянч омилларидан биридир. Ўтган 10 йиллик фаолияти давомида унинг томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ва мол етказиб берувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Ишларнинг самараси ўлароқ банк тизимида қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи мижозлар сони 2000 йилдаги 6094 тадан 2004 йилнинг 1 январига келиб 47985 тага ошди.

1999-2005 йилларда Республика ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорларга асосан зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли, истиқболсиз жами 1 минг 107 та ширкат (жамоа) хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизида 59 минг 441 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Қайта ташкил этиш комиссияларининг қарорларига асосан банк филиаллари томонидан тугатилиши белгиланган хўжаликларнинг ҳар бирига махсус тугатиш ҳисоб рақамлари очилиб, улардаги мавжуд дебитор-кредитор қарзларнинг сўндирилиши устидан мониторинг юритилди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармон ва қарорлари асосида зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилиб уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил қилиш давом эттирилмоқда. Уларга қулайликлар яратиш мақсадида жойларда инфратузилма объектлари – минибанклар ташкил этилиб, фермерларга малакали банк хизматлари кўрсатилмоқда. Мазкур минибанклар фалиятини тартибга солиш, улар доимий ишлашини таъминлаш мақсадида банк бошқарувининг 2005 йил 4 майдаги 24/2-рақамли қарорига асосан банк фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси тугатилаётган ширкат хўжаликлари ҳудудида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларига банк хизматларини таклиф этиш, минибанкларни тўлиқ ишга туширишни таъминлаш, улар фаолиятини янада яхшилаш ҳамда уларнинг даромадлилик даражасини оширишдан иборат.

Минибанклар асосан 1997 йилдан бошлаб шакллантирила бошлаган бўлиб, ўша йили 2 та минибанк ташкил этилган. Уларнинг сони кейинчалик, яъни 1998 йилда 4 тани, 1999 йилда 9 тани, 2000 йилда 37 тани, 2001 йилда 49 тани, 2002 йилда 98 тани, 2003 йилда 162 тани, 2004 йилда 229 тани ва 2005 йил 1 январь ҳолатига 312 тани ташкил этди. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига бундай банкларнинг умумий сони 466 тага етказилди. Бу кўрсатгич 2005 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 149,4 фоизга ўсган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги 516-сонли қарори асосида 40 та, 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарори асосида 44 та, 2003 йил 22 январдаги 38-6-сонли қарори асосида 73 та, 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори асосида 96 та ва 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли қарори асосида 137 та ва қолган 76 та минибанк банкнинг ўз ташаббуси билан ташкил этилди.

Бугунги кунга келиб, минибанклар жами 26964 мижозга хизмат кўрсатмоқда. Бу муассасаларда 1367 ходим ишлаб турибди. Минибанклар томонидан берилган жами кредитлар миқдори 48866 миллион сўмни ташкил этиб, йил бошидан буён жами 1011 миллион сўм фойда олинди...

"Пахта Банк" ташкил этилганидан буён қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 52.7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига 1995 йилда жами 888.8 миллион сўм кредит ажратилган бўлса,



2004 йилда бу кўрсаткич 13.4 миллиард сўмга етди ёки 15 баровар ўсди. Шу жумладан, фермер хўжаликларига 2000 йилда 1.9 миллиард сўм кредит ажратилган бўлса, 2004 йилга келиб бундай кредит маблағлари 9 миллиард сўмга етди, бошқача қилиб айтганда, бу кўрсаткич 4.7 марта ошди.

Бундан ташқари, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган **"Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш"** лойиҳаси орқали қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2003 йилда 600 минг, 2004 йилда эса 650 минг АҚШ долларига узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштиришга сарфланаётган харажатларини узлуксиз молиялаштириш, якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш ўз вақтида таъминланиб, ушбу механизмни такомиллаштириш мақсадида ҳукумат ҳамда бошқа манфаатдор идораларга таклифлар киритиб борилди. Ўз навбатида ҳукуматимизнинг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарорига асосан Бухоро, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари қишлоқ хўжалигида давлат эҳтиёжларига пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари орқали кредитлаш механизми жорий этилиб, бу механизм кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори ҳамда Адлия вазирлигида 2004 йил 6 январда 1295-сон, 2005 йил 2 февралда 1448-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомларга асосан янада такомиллаштирилди ва Республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этилди.

Бугунги кунда Банк томонидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи "Ўзагромашсервис", "Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги" уюшмалари ҳамда "Қишлоқхўжаликкимё" тизимидаги жами 612 та корхонага кредит маблағлари ажратиш ҳамда уларнинг дебитор ва кредиторлик қарзлари ҳолати юзасидан белгиланган вазифалар амлага оширилиб келинмоқда.

Шу билан бирга ўтган йиллар давомида пахта ҳамда ғалла ҳосили учун Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғарма томонидан йўналтирилган бўнак маблағлари белгиланган меъёрга риоя қилган ҳолда мақсадли ишлатилиши, уларнинг етиштирилган ғалла ва пахта ҳосили ҳисобидан қопланиши назоратга олинди.

"Пахта Банк" ва унинг филиаллари томонидан жойларда "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг"га қарашли техник марказларига 103,5 миллион сўм кредитлар берилди. Жумладан, техник марказларига Бухоро вилоятида 67,5 миллион сўм, Навоий вилоятида – 27,5 миллион сўм, Сирдарё вилоятида – 8,5 миллион сўм ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 ноябрдаги № 437-сонли **"Қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш тўғрисидаги ХХР Ҳукуматининг имтиёзли кредитини самарали ишлатилиши тўғрисида"**ги қарорининг бажарилиш юзасидан, "Пахта Банк" билан ХХР Эксимбанки ўртасида кредит битими тузилган ва "ТТЗ" ДҲЖнинг I босқич бўйича 3,25 миллион АҚШ долларида кредит маблағларининг қайта молиялаштирилиши таъминланган.

2005 йил 1 июль ҳолатига "ТТЗ" ДҲЖнинг маълумотларига асосан 650 та 4712,1 миллион сўмлик минитракторлар ишлаб чиқарилган.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаб

—Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралда **"Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 55-сонли ва 1998 йил 27 майда **"Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"**ги 232-сонли қарорларини бажара бориб, Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" тизимида янги бўғин-кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш бўйича аввал – 1998 йили Қисқа муддатли кредитлаш бошқармасида қўшма корхоналар, тадбиркорлар, савдо ва жисмоний шахсларни кредитлаш бўлими, 1999 йил февралида Пул муомаласи бошқармасида Савдо ташкилотлари, қўшма корхоналар ва тадбиркорларни кредитлаш бўлими, 1999 йил май ойида ссуда операциялари марказида Тадбиркорларни, кичик хўжалик субъектларини кредитлаш бўлими юзага келди.

1999 йил октябрь ойида хусусий тадбиркорликни, кичик бизнес субъектларини кредитлаш, уларга молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда истиқболдаги ривожланиш йўналишларини таҳлил этиш мақсадида 5 кишидан иборат бўлган, Тадбиркорларни, кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси ташкил этилди.

Республика Ҳукуматининг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш борасида, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун халқаро молиявий муассасалар ва ташкилотларнинг кредит ресурсларини кенг жалб қилиш, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 367-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2002 йилнинг апрель ойидан Бошқармада ҳамда "Пахта Банк"нинг бешта филиалида (Чилонзор, Қўқон, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоят

Молиявий таянчи

бошқармаларида) кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Япония-Ўзбекистон дастури асосида Микрокредитлаш бўлими ташкил этилди.

Тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида хорижий кредит линиялари, жумладан, Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки кредит линияси орқали кредитлар ажратиб келинмоқда. Жумладан, Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"** 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **"Банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли, **"Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорларига мувофиқ, банк фойдасидан 25 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказиш ҳисобига **"Ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини, юқори технологик ва иновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси"** ташкил этилди.



"Пахта Банк" томонидан Вазирлар Маҳкамасининг **"Фермерларни, хусусий тадбиркорликни ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 2000 йил 4 мартдаги 75-сонли қарорини бажариш мақсадида тадбиркорларга микрокредитлар ажратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу қарорга асосан тажриба тариқасида 2000 йилнинг иккинчи чораги давомида Тошкент вилоятида фаолият кўрсатувчи 102 та тадбиркорга "Пахта Банк" томонидан имтиёзли шартларда жами 174 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди ва ижобий натижаларга эришилди. Кейинчалик шундай микрокредитлаш жараёнлари банкнинг бошқа филиалларида ҳам жорий этилди.

Шунингдек, "Пахта Банк"нинг барча вилоят бошқармалари ва туман бўлимларида тадбиркорлар бурчаги ташкил қилиниб, "ишонч телефонлари" ўрнатилди. Тадбиркорлар бурчагига Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш бўйича барча меъёрий ҳужжатлар қўйилиб, тадбиркорлар учун етарлича шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, унинг устувор соҳаларини ривожлантириш, унда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жараёнлари бўлимни бошқарма сифатида фаолият кўрсата бошлашига туртки бўлди. Унинг асосий мақсади кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали лойиҳаларини танлаб олиш, уларни хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан молиялаштириш орқали республика иқтисодини кўтаришдан иборат.

"Пахта Банк" томонидан ўтган йиллар давомида Республикамиз иқтисодиётининг ривожлантириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадларида қуйидаги хорижий молиявий муассасаларнинг кредит линиялари жалб этилди ва уларни ўзлаштириш юзасидан иш олиб борилди. Масалан:

— Германиянинг КфВ банкининг 4,2 миллион Еврога тенг бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган кредит йўналиши;

— Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТТБ) 15 миллион АҚШ долларига тенг бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган кредит йўналиши;

— Осиё Тараққиёт Банкининг (ОТБ) 15 миллион АҚШ долларига тенг бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган кредит йўналиши;

— Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг 12,8 миллион АҚШ долларига тенг Муқобил машина-трактор парклари ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган кредит йўналиши;

— Хитой Эксимбанкининг Тошкент Трактор заводининг мини тракторлар ишлаб чиқариш лойиҳасини молиялаштиришга йўналтирилган кредит йўналиши шулар жумласидандир. Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган Германиянинг КфВ банки, ЕТТБ ва ОТБ кредит йўналишлар маблағлари 4,1 миллион Евро ва 25,2 миллион АҚШ доллари миқдорида ўзлаштирилиб, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 38 та лойиҳаси молиялаштирилди.

Бундан ташқари, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки кредит йўналиши ҳисобидан қишлоқ хўжалиги соҳасига хусусан, Муқобил машина-трактор парклари ташкил этишга 1,3 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Республикамизда қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи энг катта "Тошкент Трактор заводи" давлат акциядорлик жамиятининг богдорчиликда фойдаланишга мўлжалланган мини тракторлар ишлаб чиқариш лойиҳасини молиялаштиришга Хитой Эксимбанки кредит йўналиши ҳисобидан 3,54 миллион АҚШ доллари миқдорида ажратилган кредит натижасида 650 дона мини тракторлар ишлаб чиқарилди.

Импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга, турли хил хизматлар кўрсатишга йўналтирилган лойиҳалар негизида жами 1439 та, жумладан, Андижон вилоятида 93 та, Бухоро вилоятида 45 та, Қашқадарё вилоятида 8 та, Наманган вилоятида 88 та, Самарқанд вилоятида 55 та, Сурхондарё вилоятида 26 та, Тошкент вилоятида 155 та, Фарғона вилоятида 297 та, Хоразм вилоятида 92 та ва Тошкент шаҳрида 580 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Инвестиция лойиҳаси ва лизинг

"Пахта Банк" томонидан ўтган ўн йил давомида йирик инвестиция лойиҳаларига марказлашган ресурслар ҳисобидан 10 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилди. Қолаверса, лизинг хизмати бўйича ҳам банк тизимида — хусусан вилоят бошқармаларида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

— 2000-2003 йилларда йирик инвестиция лойиҳаларига марказлашган ресурслар ҳисобидан "Пахта Банк" томонидан 10 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилди. Жумладан, Ҳазорасп шакар заводи ижтимоий инфратузилма иншоотлари қурилиш-монтаж ишлари, маъмурий бинолар, транспорт коммуникациялари ва омборлар қурилишига — 5683 миллион сўм, Кварц АЖга 10 миллион квадрат метр 2мм қувват билан меъморий-қурилиш ойнаси ишлаб чиқарадиган цех қурилиши учун ва мавжуд цехни автомобиль ойнаси ишлаб чиқариш цехига айлантириб, қайта таъмирлашга — 2633 миллион сўм, Жиззах пластмасса заводига йилига 15 тонна бўлган полиэтилен пленка ишлаб чиқариш цехини қайта таъмирлаш учун — 1138 миллион сўм ва ҳакоза... ажратилди.

Бундан ташқари банк ўз маблағлари ҳисобига йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 8,73 миллиард сўм узоқ муддатли кредитлар ажратди. Масалан, Андижон вилояти Ойим қишлоғида 1 йилда 4365 тонна калава ип ва 4200 тонна трикотаж газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ип-йигирув фабрикаси – "Бунёд-М" АЖга — 2699,1 миллион сўм, Фарғона вилояти Қува шаҳрида смета қиймати 1991 йил нархларида 17,4 миллион сўм ва бир йилда 2,2 минг тонна ип, 6 миллион погон-метр газлама, 12 миллион дона (?) маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳа қувватига эга бўлган тўқимачилик мажмуасининг қурилишига жами 542,1 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, Хоразм вилоятида 1991 йил нархларида смета қиймати 17,1 миллион сўм, 1 йилда 2,7 минг тонна калава ип, 8 миллион дона эркак ва аёллар трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Гурлан" АЖи тўқимачилик комплекси қурилишига 259,3 миллион сўм. Қарши шаҳрида смета қиймати 1991 йил нархларида 27,1 миллион сўмдан иборат (28 миллион АҚШ доллари миқдоридаги импорт технологик ускуналарнинг қийматидан ташқари) лойиҳа қуввати бўйича 7,5 миллион дона эркаклар кўйлаги ва аёллар блузкаси ишлаб чиқарадиган "Қаштекс" АЖи тўқимачилик комплекси қурилишига 170,5 миллион сўм кредит берилди.

"Ўзпахтасаноатсотиш" корхоналарини қайта қуриш ишларини амалга ошириш учун 4,64 миллиард сўм кредит ажратилди, шу жумладан Андижон вилоятига — 500 миллион сўм, Жиззах вилоятига — 137 миллион сўм, Навоий вилояти — 870 миллион сўм, Наманган вилояти — 200 миллион сўм, Қашқадарё вилояти — 210 миллион сўм, Сурхондарё вилояти — 544 миллион сўм, Сирдарё вилояти — 840 миллион сўм, Фарғона вилоятига — 1342,3 миллион сўм кредит ажратилган.

1999 йилнинг 14 апрелида **"Лизинг тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши "Пахта Банк" филиаллари томонидан лизинг хизматлари кўрсатиш суръатининг янада сезиларли даражада ортишига туртки бўлди. 1998 йили 14 миллион сўмга тенг бўлган лизинг хизматлари кўрсатилган бўлса, 1999 йили 71,7, 2000 йили 66,5, 2001 йили 536, 2002 йили 199,7, 2003 йили 879,2 ва 2004 йилда эса 545,1 миллион сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилган. Жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 162 та лизинг объектлари бўйича амалга оширилган хизматлар ҳажми 1489 миллион сўмни ташкил қилди.

2005 йил 1 июль ҳолатига 430 та лизинг объекти бўйича 230 та лизинг олувчига кўрсатилган лизинг хизматлари ҳажми 3890 миллион сўмни ташкил қилди. Лизинг олувчилар таркиби 54 та ширкат хўжаликлари, 51 та фермер хўжаликлари, 47 та хусусий фирмалар ва 78 та бошқа ташкилотлардан иборат. Лизинг объектлари эса, "Доминатор", "ДОН-1500Б" русумли дон ўриш комбайнлари, "Марал" русумли ем-хашак уруvчи комбайни, ОВХ-600 русумли пуркагичлар, ВТ-150Д, ДТ-75, Т.28, МХ, "Алтай", ТТЗ-80, ТТЗ-100 русумли тракторлар ва бошқалардан иборат.

Ўтган 10 йил мобайнида Самарқанд, Фарғона, Урганч, Жиззах, Гулистон, Навоий, Нукус, Қарши, Термиз шаҳарларида "Пахта Банк" вилоят бошқармаларининг янги бинолари ишга туширилди. Андижон, Бухоро, Наманган ва Тошкентдаги тизимнинг маъмурий биноларида қайта қуриш ва кенгайтириш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, "Пахта Банк" бўлимларининг янги бинолари қуриб битказилди. Шу жумладан, Самарқанд вилоятида — 8 та, Қашқадарё вилоятида — 2 та, Қорақалпоғистонда — 1 та, Сурхондарё вилоятида — 4 та Андижон вилоятида — 1 та, Фарғона вилоятида — 4 та шундай бинолар фойдаланишга топширилди.



Энг мақбул ҳамкор

"Пахта Банк" 2000 йилда пластик карт хизмат турини ташкил қилиш борасида амалий ишларни бошлади. Бунинг учун пластик карт билан ишлайдиган юксак даражадаги телекоммуникацияни талаб қилмайдиган "DUET" дастурий таъминоти танланди.

Дастур таъминоти бош офисда ўрнатилиб, пластик карт хизмат тури 2001 йилдан бошлаб мижозларга таклиф қилина бошланди. "Пахта Банк" тизимида пластик карт хизмат турини амалиётга киритиш босқичма-босқич ташкил қилинди. Биринчи босқичда пластик картлар билан операцияларни амалга ошириш йўриқномаси ишлаб чиқилди, меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Иккинчи босқичда "2001-2005 йилларда "Пахта Банк"да пластик карт-лар асосида тўлов тизимини ривожлантириш махсус дастури" ишлаб чиқилиб, тизим шу дастур асосида ривожлантирилди. Дастлаб, дастурга асосан банкоматлар ва терминаллар сони 58 тага етказилиб, мижозларга пластик карт орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли қарори талаблари асосида "Пахта Банк" 2002 йили Тошкент шаҳрида банк филиалларда пластик карт хизмат турини ташкил қилди. Жумладан банк томонидан Тошкент шаҳрида йирик ташкилотлар иш ҳақини пластик картлар орқали беришни йўлга қўйди. Дастлаб "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, Тошкент Аграр Университети, Тошкент Агрегат заводи каби ташкилотларда банкнинг банкоматлари ўрнатилиб, ташкилот ходимларига иш ҳақлари пластик картлар орқали бериш йўлга қўйилди Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу ташкилот ва корхоналарда ташкилотлар атрофида жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига терминаллар ўрнатилди. 2003 йили мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик картлар 10000 тага етказилди. Тошкент шаҳрида амалга оширилган тажриба асосида банкнинг Қашқадарё, Самарқанд, Наманган вилоятларида ҳам пластик карт хизмат тури жорий этилди.

2004 йил "Пахта Банк"да пластик карт хизмат турини ривожлантириш йили бўлди десак адашмаймиз. Шу йили банк рахбарияти ташаббуси билан барча вилоят бошқармаларида ҳамда 50 га яқин филиалда пластик карт хизмат тури ташкил қилинди. Ўрнатилган банкоматлар 20 тага етказилди. Савдо ва хизмат пунктларига эса 278 дона терминал ўрнатилди. 10 миллиард сўмга яқин маблағ пластик карт ҳисоб рақамларига жалб қилинди. 2005-2006 йиллар мобайнида "Пахта Банк" халқаро тоифадаги пластик картларни муомалага чиқаришни режалаштирмоқда. 2005 йил мобайнида "Пахта Банк"нинг 183та ҳудудий филиалида пластик картлар орқали мижозларга хизмат кўрсатиш ташкил этилган бўлиб, республиканинг барча ҳудудларида юридик ва жисмоний шахслар қулай, ишончли, хавфсиз бўлган бу хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

"Пахта Банк"нинг муомаладаги пластик карточкалари сони бугунги кунда 260 мингдан ошиб, улар воситасида ойлик иш ҳақини олаётган корхоналар сони қарийб уч мингга етди. Банк мутахассислари томонидан ўрнатилган 1300 савдо терминали ва 20 банкомат мижозлар хизматида. Ҳозир аҳолининг банк пластик карточкаларидаги маблағлари салкам уч миллиард сўмга етган. 2005 йил бошидан буён бундай карточкалар орқали салкам тўрт миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди. Мижозларнинг пластик карточка ҳисоб-рақамига ҳозирги кунда юқори фоизда даромад тўланмоқда.

Акциядорлик-Тижорат "Пахта Банк"нинг юртимизда пластик карточкалар тизимини ривожлантириш борасида олиб бораётган кенг кўламли ишлари хорижда ҳам ўз эътирофини топди. Шу соҳадаги ишлар учун мамлакатимизнинг ушбу нуфузли банки Австриядаги **"BGC Smartcard systems" компаниясининг "Энг илғор ҳамкор"** сертификатига сазовор бўлди.

С.ЖЎРАЕВ

Нурчилар нияти

Қарийб 35 йилдан буён энергетика соҳасида ишлаётган Баҳодир Маҳмудович Мирзажонов оддий электромонтёрликдан вилоят энергетикларининг раҳбари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Унинг ҳалол меҳнати жуда кўп мукофотларга сазовор бўлди, Президентимиз Фармонига биноан Б.Мирзажонов "Дўстлик" ордени билан тақдирланган. У 1997-2004 йилларда "Наманган электр тармоқлари"га етакчилик қилди, айни пайтда "Андижон электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятининг директори вазифасида ишламоқда.

Электр энергияси бугунги даврда ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Етмиш-саксон йил муқаддам кичик қувватли дизел ва гидравлик электр станцияларидангина иборат бўлган вилоят тармоғи ҳозирга келиб республика энерготизимининг йирик ҳалқаларидан бирига



айланди. Вилоятда 399 мингга яқин истеъмолчи бўлиб, шунинг 379,7 мингдан ортиғи аҳоли хонадонларидир. Уларга 120 дан зиёд юқори кучланишли нимстанциялар, 14 минг километр узатиш тармоғи ва беш мингга яқин трансформатор пунктлари орқали хизмат кўрсатилмоқда. Етказиб берилаётган электр қувватининг йиллик миқдори 2,4 миллиард килоВатт соат бўлиб, у пулга чақилганда 52 миллиард сўмни ташкил этади. Шунинг 16,2 миллиард сўмликдан ортиғи аҳоли томонидан фойдаланилмоқда.

Хизмат сифатини янада яхшилаш учун кейинги бир йилда Избоскан, Жалақудуқ, Асака, Марҳамат, Шаҳрихон туманларида жойлашган "Тўрткўл", "Лўғумбек", "Ёрқишлоқ", "Ниёзботир", "Марҳамат" ва "Холдовонбек" нимстанцияларидаги трансформаторлар катта қувватли трансформаторларга алмаштирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 511- ва 512-қарорлари ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилади. Чунончи, Андижон шаҳридаги истеъмолчиларни АСКУЭ системаси орқали бошқариладиган замонавий электрон ҳисоблагичлар билан таъминлаш учун "Энергосақлаш" ва "Henan Jinque Electric Co.LTD" қўшма корхоналари билан ҳамкорлик бошланди.

Жорий йилнинг ўзида 57 та янги трансформатор пункти қурилиб, ишга солинди. Автопаркимизга 14 та "Дамас", 2 та "Матиз" автомашиналари олинди, гаражда туриб қолган 30 фоиздан ортиқ носоз транспорт воситалари тўлиқ таъмирланди.

Албатта, бундай ютуқлар ҳамжиҳатлик ва пешқадамлар ибрати билан қўлга киритилади. Гап шу ҳақда кетар экан, Андижон ва Хонобод шаҳар, Избоскан туман электр тармоқлари хизмати, ускуналарни синаш ва таъмирлаш бўлимлари фаолиятини алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир. Айни ҳолда Собиржон Рустамов, Мақсудали Каримов, Содиқжон Собиров, Жўрахўжа Аҳмедов, Дониёр Мўминов, Виктор Гафуров, Ўлмас Битбеков, Нурулло Аҳмедов сингари ўнлаб фидойи нурчилар номини ҳурмат билан тилга олмоқ жоиз.

Ёзги мавсумда ана шундай байроқдорларнинг дам олишлари, сиҳатларини мустаҳкамлашлари учун ҳамма имкониятлар яратилди. Нурчиларимизнинг мингга яқин фарзандлари "Энергетик" болалар оромгоҳида бўлишди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида истеъмолчиларга 1 миллиард 79,8 миллион килоВатт соат электр энергияси етказиб берилди, қарздорлик 80,2 миллион сўмга камайди, қарийб 7 минг истеъмолчи замонавий электрон ҳисоблагич билан таъминланди...

Хўш, бундан кейин қандай ишлашимиз керак? Бу борадаги аниқ дастур Президентимизнинг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2005-2006 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2005 йил 27 май) қарорида ўзининг ифодасини топган. Ҳозирда ана шу асосда иш олиб бормоқдамиз. Қолаверса, ўтган мавсумдаги хатоларни ҳам тузатиш лозим. Чунончи, аҳоли ўта зич бўлган Андижон шаҳри ва Асака туманида катта зўриқиш билан ишлайдиган 110/35 кв.ли нимстанцияларда тўртта трансформаторни таъмирлаш режалаштирилганди. Ҳозиргача шундан учтаси тўла таъмирланиб, қишки мавсумга шайлаб қўйилди. Шунингдек, энерготизимда зўриқиш кучли бўлган участкалардан 32 тасига янги трансформатор пунктлари қурилиб, 20 та мавжуд трансформаторларнинг эса қуввати оширилади. Қишки мавсумга ҳозирлик доирасида 350 та тармоқ трансформаторларини тўла таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Электр ҳаво тармоқларини таъмирлаш, дарахт шохларидан холи қилиш бўйича ҳам катта амалий ҳаракатлар бор.

Бир сўз билан айтганда, айни кунлардаги фаолиятимизнинг асосий йўналиши энерготизимни кузги-қишки мавсумга созлашга қаратилган. Шубҳа йўққи, энергетикларимиз бу масъулиятли вазифани уддалаш учун барча имкониятларни сафарбар этадилар.

Баҳодир МИРЗАЖОНОВ,
"Андижон электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти директори.

Муштарий илҳоми

Касбим — саодатим

Халққа нур улашмоқ савобдир, савоб,
Кимга насиб этса, ажри беҳисоб.
Юртга зиё бермоқ – марднинг ҳиммати,
Раҳматга муносиб унинг хизмати.
Лек унда иш кўпроқ, камдир ҳаловат,
Сендан талаб қилар чидам, матонат.
Нурчилар саодатин касбидан топар,
Меҳнат билан зулмат йўлини ёпар.

Ҳотамжон Саримсоқов,
"Андижонэлектртармоқлари" ОАЖ бўлим бошлиғи.





От йиғлаган кун

Бу гапни дастлаб эшитганимда ишонмагандим, бироқ тасодифан Мирзаабдулла ака билан учрашгач бунга амин бўлдим.

- Ҳа, отнинг йиғлагани рост, - деди у. – Дадамга ўн бир йил ҳамроҳ бўлган ўша жонивор зулукдай қоп-қора эди. Далада ҳам тизгинини бўйнига ташлаб қўярдилар, бир қадам нари кетмай ёнларида юрар, тўхтасалар у ҳам қотиб кўзларига термулиб тураверарди... Ўша куни бомдодга яқин отам узилдилар-у, от безовталана бошлади, зорли кишнашларига тинимсиз дупир-дупирига тоқат қилиб бўлмасди. Муродилла аканинг гаплари билан чилвирдан бўшатиб, дарвозахонага олиб чиқдим, аммо боғлагим келмади. Жонивор мен тўхтатган ерда ярим кун бошини кўтармай турди, ҳеч нарса емадиям. Жаноза ўқилиб, тобут кўтарилганда олд оёқлари билан чўккалаб олди. Бадани титраб, иккала кўзидан сел бўлиб ёш қуйиларди. Тоғам, акамлар ҳаммамиз "дод" деб юбордик. Кишилар елкасидаги тобутни беихтиёр отнинг олдига қўйишди...

Овози титрай бошлаган Мирзаабдулла ака бир ютиниб олиб давом этди:

- Ҳозир сизга айтиб беришга сўз тополмайман, ука. От жонивор кишнамасди, худди инсондай ўкраб-ўкраб йиғларди. Қабристонга ҳам тобутнинг ёнгинасида одамлардай одим ташлаб борди, туёқларидан "тиқ" этган товуш чиқаргани йўқ. Тупроқ тортилиб, дуо-тақбир тугади ҳамки, чўккалаб олган от бошини кўтармай тураверди. Менга чопон тополмай отам бир-икки кийган яп-янги тўнни беришганди. Ҳўнграганча отнинг бўйнидан қучоқладим. У таниш ҳидни олиб ўрнидан турди. Жонивор инсондай силкиниб-силкиниб йиғлар, бир-бир инграгандай овоз чиқариб қўярди...

Мотамсаро отнинг ўша кунги ҳолини ўнгимда кўрганимга баъзан ўзим ҳам ишонмай қўяман. Лекин бу воқеага бутун Ойқирон аҳли, таъзияга келганларнинг бари гувоҳ бўлган.

"Шунақага ўхшайди"

– Бугунгидай кечалари шу ердан ўтар бўлсанг, калимангни келтириб, тезликни пасайтириб олгин, – уқтирди Ҳожи ака орқа ўриндиқдаги ўғлига.

– Нега, дада? – қизиқсинди йигит.

– Ҳув анави тўп саданинг тагида эски қабр бор, улуғ бир одам дафн қилинган.

– Қайси сада?

– Ана, чироқ ёниб турибди-ку, – чап қўлида папирос тутган ота не хаёл биландир ўнг қўлини рулдан узиб ишора қилди. – Пастга қарагин, ана-ана, хо-ой, и-и...

Орқадаги ўғил учиб, пешонага урилишига сал қолди, отанинг кўкси рулга қапишди. Шатир-шутур, шовқин бўлди-да, ҳаммаёқни зулмат босди. Тизгинсиз "Тико" тумшуғи билан йўл четидаги буғдой ғарамига санчилганини англашгунча не вақт йўқ бўлиб кетдилар. Ота-ўғил тошдай бўлиб сассиз-садосиз қанча ўтирдилар – худо билади...

– Худо бир асради, – деди энди орқага ўтиб олган Хожи ака рулдаги ўғлига.

Не бахтки, ҳаммаси жойида экан, астагина йўлга тушдилар. Ҳали ҳам титроғи босилмаган йигит оҳиста сўзланди:

– Бу ерда гаплашиб ҳам, папирос чекиб ҳам бўлмайди шекилли-а?

– Шунақага ўхшайди, – маъқуллади ота...

Рустамжон УММАТОВ

Бозорчининг ҳазили

– Абсамат бувани танийсиз. Қишлоғимизнинг энг содда одами, – дея илжайганча гурунг бошлади Маматрайим амаки. – Бува лотереяга мошин ютганини ҳам эшитган чиқарсиз?

Маматрайим амаки қувлик билан кўз қисдилар.

– Бунинг кейинги тақдири унданам қизиқ-да...

– Хўш, хўш...

– Сизга яхшиси бошидан гапириб бера қолай... Абсамат бува лотерея деса, ўзини томдан ташлайдиганлардан. Охирги пулига нос олмаса олмайдики, лотерея олади. Икки ой бурун, шулардан биттасини опти. Аммо, ўйинни кўролмаптилар. Эртаси куни натижани билгани Ачавотнинг бозорига йўл олганлар. Ё қудратингдан, мошин чиқиб турибди-ю... Ундан кейин десангиз, ютуқни олиш учун "Қаттасан Тошкани азим?" деб невараларини ҳамроҳ қилиб йўлга чиқибди. Кета-кетгунча бошқа шериклигайам зиёфат бериб, ҳали ўзи бир мартаям кўрмаган ютуқни "ювиб" кетишибди. Бува ҳар икки гапнинг бирида "Ман тўрт йилдан бери ўйнайман-да... Мана, омадим кулиб, "зип" этиб мошинли бойваччага айландим. Берди-да, худо берди...", дермиш. Тошкентгаям етиб келишибди.

Бува роса-а ўз қадрига етадиганлардан-да, энг қиммат меҳмонхонадан жой олибди. Ҳа, энди, мошин ютган одам ундаймундай жойда турса, уят-да... У ердаям кичкина тўйча қилиб берган бувининг ҳимматига ҳамма қойил қолибди. Бир-иккита одам "Мошин ютган отахон билан расмга тушайлик", дейишиб, бувани кўярда-қўймай ўзлари билан суратга тушишга кўндиришибди.

Эртаси куни Абсамат бува ютуқни тарқатадиган манзил яқин бўлса ҳам такси ёллабди. "Қанча бўлади, болам?" десалар, шўпирам сал қитмирроқ экан.

– Икки минг сўм бўлади, бобой, – дебди.

Бува "шаҳарликлар мардлигимни кўриб қўйсин", деб унинг қўлига тўрт мингни тутқазворганлар. Хуллас, шу ерга етиб келгунларигача уч юз мингнинг "баҳридан ўтишган".

Ичкарига киришибди. Лотереяга мошин чиққанини айтиб, ғурур билан уларга тутқазибди. Текшир-текшир бўлиб, қарашсаки... уч юз сўм "мана-ман" деб турганмиш. Қайта-қайта кўришмасин, натижа ўша...

Кейин маълум бўлишича, Ачавот бозоридаги лўли йигит бувани соддалигини билиб, унга ҳазил қилган экан.

Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ

Олмалиқ: Улкан салоҳият намойиши

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларданоқ иқтисодиётни мустаҳкамлаш йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Айни пайтда уларда минглаб юртдошларимиз фидокорона меҳнат қилиб юртимизнинг иқтисодий равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Тошкент вилоятидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳам республикадаги энг йирик корхоналардан бири саналади. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида мазкур комбинатда бўлиб, ОТМК раҳбари Ўзбекистон Олий Мажлис сенатори Қ.Санақулов билан бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ўзгаришлар хусусида суҳбатлашиб қайтдик.



- Қувондиқ Санақулович, аввало Сиз раҳбарлик қилаётган корхонанинг Олмалиқ шаҳри, умуман юртимиз ривожидаги ўрни, аҳамияти хусусида сўзлаб берсангиз.

- Маълумки, Олмалиқ ташкил этилган пайтдан бошлаб саноат шаҳри ҳисобланиб келган. Шу йил



шаҳарнинг тарихи, бугуни, унинг келгусидаги истиқболи, бир сўз билан айтганда, тақдири бевосита бизнинг комбинатимиз фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, олмалиқликларнинг ҳаёти, орзу-умидлари ҳам комбинатимиз билан уйғунлашиб кетган. Шаҳар аҳолисининг тўртдан бир қисми ОТМКда ишлайди. Бошқача айтганда, шаҳарликлар оиласидан ўртача бир-икки киши бизнинг ходимларимиздан ҳисобланади.

- ОТМК томонидан сўнгги йиллар қўлга киритилган ютуқлар ҳақида нима дея оласиз?

- 2001-2005 йиллар корхонамиз учун том маънода юксалиш даври бўлди, десам адашмаган бўламан. Чунки ана шу йиллар мобайнида бу ерда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу биринчи навбатда ҳукуматимиз, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат, хусусан соҳамиз ривожига қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий натижасидир.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини янада жонлантириш юзасидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширила бошланди. Биз юқорида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ янгича яшаш ва ишлашга ўрганаяпмиз. Ўтган йиллар мобайнида ана шу йўналишда бажарилаётган ишлар кутилган самарасини бераётир.

Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида ҳам биринчи навбатда мавжуд техника ва технологияларни замонавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йилнинг жорий даври мобайнида реконструкциялаш, комбинатнинг техник жиҳатдан қайта таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш

Тараққиёт



мақсадида катта миқдордаги маблағ йўналтирилган. Айниқса бу борада олтин қазиб олиш ва мис-руда конларида, МОФ асосий корпусининг 6-9 секцияларида, шунингдек бошқа бир қатор цех ва заводларимизда катта ҳажмдаги реконструкциялаш ишлари бажарилди.

Албатта, комбинатимиз иқтисодий салоҳиятининг ортиши ишчи-хизматчиларимиз яшаш тарзи, турмуш шароитини яхшилашда ўзига хос аҳамиятга эга. Уларнинг ойлик маошини кечиктирмасдан ўз вақтида бериб боришга ҳаракат қиляпмиз. Статистик ҳисоб-китобларга кўра, 2001 йилдан 2005 йилнинг биринчи ярмига қадар комбинатимизда ўртача иш ҳақи миқдори уч баравардан кўпроқ ошган. 2004 йилнинг апрел ойидан бошлаб ишчи-

- Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?

- Шу йилнинг май ойидан бошлаб комбинатимиз ходимлари учун бепул тушлик ташкил этилди. Биз ходимларимизни ҳар томонлама рағбатлантиришга жиддий аҳамият беряпмиз. Ҳозир меҳнаткашларимизнинг фарзандлари учун қарамоғимиздаги 15 та болалар боғчасида барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Улар энг малакали тарбиячилар қўл остида ўсиб-улғаймоқда.

Ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш масаласи ҳам эътибор-



дан четда қолаётгани йўқ. Комбинат ишчиларининг фарзандлари ҳар йили имтиёзли нархларда "Тонг" болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олдирилади. Бу ерда кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул ҳордиқ чиқаради.

Ҳар бир ишчимиз ОТМК санаторий-профилакторийси ҳисобидан шарт-шароитлар мавжуд. Комбинат томонидан "Металлург" спорт клуби фаолиятини яхшилашга ҳам катта миқдорда маблағ ажратиб келади. Бу йил мазкур спорт мажмуасига қарашли стадион қайта таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда у спортсевар олмалиқликларнинг севимли масканига айланиб қолган.

Маданият саройимиз ҳам жамоамизнинг мазмунли дам олишида катта ўрин тутади.

- Бундай шарт-шароитларда кимнинг ишлагиси келмайди. Ҳар қалай комбинатга ишга жойлашиш унча осон бўлмаса керак?

- Дарҳақиқат, комбинатимизда ишлаш истагини билдирувчилар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Албатта янги ишчи ходимлар белгиланган тартибда, махсус штат жадвали асосида ишга қабул қилинади. Бу биринчи навбатда ўз шаҳримизда ишсизлик даражасини камайтириш учун ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг натижаси ўлароқ жамоамиз сафи йилдан-йилга кенгайиб боряпти. 2001-2005 йилларда олтин конларининг бизга қўшилиши билан жами 2880 та янги ишчи ўрни яратилди. 2001 йилга қараганда ишчиларимиз сони 7000 кишига ортди. Ўтган йиллар мобайнида "Лепесток" типидаги респераторлар ишлаб чиқариш, маъданли сув қадоқлаш, офис -мебеллари, мармар блок ишлаб чиқариш цехлари барпо этилди. Шу тариқа яна минглаб юртдошларимиз доимий иш билан таъминланди.



«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига кўра корхонамиз ҳисобида ҳудди ана шу мақсадларда уч юз миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Нафақага чиқиб кетган ходимларимиз ҳаётига ҳам бефарқ қаралаётгани йўқ. "Нуроний" пенсионерлар уйи томонидан ҳар ойда саксон нафар киши қабул қилинади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан ҳам тез-тез хабар олиб турилади. Жорий йилда комбинатда ишлаб, нафақага чиққан собиқ ишчиларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида бир йилда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамоамиз аъзоларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам

- Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Ханифа ШАМШИЕВА суҳбатлашди.



Даштдаги боғ

Қўшработда асосий ерлар даштлик. Шу боис, нўхот, қовун-тарвуз, ғалла, кунжут, махсар каби экинларнинг лалми уруғи экилади. Кўкламда ёмғир меъёрида ёғса, деҳқоннинг иши юришади.

Мабодо ёмғир кам ёғса, деҳқон экиш учун кетган уруғ ва бошқа сарф-харажатга куяди. Шу боис лалми ерда етилган қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотлар қанчалик ширин бўлмасин, бундай жойда деҳончилик қилишга ҳамманинг ҳам юраги бетлайвермайди.

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик билан иш юритиб, даштерларда ҳам боғ-роғ яратиб, эл оғзига тушаётган миришкорлар кўпаймоқда. Шулардан бири Зиёдулло бобо Сиддиқ ўғлидир.



Узоқ йиллар ўқитувчилик қилиб, пенсияга чиқиш арафасида лалми ерга артезиан қудуқдан сув чиқариб, олма, беҳи, анор, нок, ўрик каби меваларнинг турли хилларидан 14 гектар ерга экиб, боғ-роғ яратди. Богдан келган даромад ҳисобига бундан уч-тўрт йил бурун ҳаж сафарига бориб келди.

Айни пайтда 13 фарзандни тарбиялаб вояга етказган Зиёдулло ҳожи бобо ва унинг турмуш ўртоғи Давлатой момолар нафақага чиқиб, невара-чевараларга даврасида бахтиёр яшашмоқда. Боғ-роғлар парваришини фарзандлари эплашаётган бўлса-да, уларни бошқариш ҳожи бобонинг зиммасида. Уни ундай, буни бундай қил, деб йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бериб туради. Тумандаги касалхона, боғчаларга кам даромадли оилаларга ҳожи бобо ўз боғидаги мевалардан савоб учун улашади.


М.ЗИЁДИНОВ


“Тошкент электр тармоқлари”

очиқ ҳисса-дорлик жамияти жамоаси

Барча юртдошларимизни Мустақилликнинг шонли 14 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этади. Истиқболи порлоқ Ўзбекистонимизнинг буюк келажак сари дадил қадам ташлашига қўшаётган ҳиссангиз бундан-да зиёда бўлсин деймиз. Мустақиллигимиз қуёши олтин заминимиз узра абадий нур сочаверсин!









“Тошкент электр тармоқлари”
Тошкент вилояти ҳудудида электр энергиясини таъминловчи ва сотувчи корхона бўлиб, маъмурий-ҳудудий бўлиниш тамойилига кўра шаклланган 19 та бўлинма-туман электр тармоқлари орқали вилоятдаги истеъмолчиларга хизмат кўрсатади.
Электр энергиясини тақсимлаш жамият балансида бўлган 0,4 кВ, 6 кВ, 10 кВ кучланишли электр тармоқлари бўйлаб амалга оширилади.
Электр энергиясини сотиш ҳажми йилига тахминан 5500-6000 млн кВт соатни ташкил этади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан аграр соҳани ривожлантириш қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Сув хўжалиги деҳқончиликда катта ўрин тутади. Соҳанинг равнақ топиши эса бевосита замонавий техника ва технологияларга боғлиқ.

Пойтахтимиздаги “Suvmash” очиқ акциядорлик жамиятининг айнан ушбу тармоқни ривожлантиришдаги ҳиссаси беқиёс. Мазкур корхона сув насослари ишлаб чи?ариш бўйича нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

“Suvmash” ОАЖнинг тамал тоши бундан қарийб 35 йил илгари қўйилган. Ўша пайтларда пахта етиштириш ҳажмини янада ошириш мақсадида суғориладиган ерларнинг юқори суръатда ўзлаштирилиши ушбу корхонанинг майдонга келишига сабаб бўлганди. Пахтачилик бугунги кунда ҳам мустақил мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб келмоқда.



Ўтган йиллар мобайнида корхонада ўша муҳим сув иншоотлари қурилиши учун буюртмалар бажарилди. Хусусан, Туямўйин гидроузели, Аму – Бухоро канали, Тўпаланг сув омбори қурилишида ишлатилган мустаҳкам қурилмалар айнан шу ерда ишлаб чиқарилган.

Айни пайтда корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти тобора кенгайиб бораётир. Бу ерда импорт ўрнини боса оладиган ЭЦВ, К, Д, АСОГО, АЧОГЦ русумли 30 турдан ортиқ насослар ишлаб чи?арилади. Ҳолбуки, бундай маҳсулотлар илгари ўта қиммат нархларда хориждан олиб келинарди.

Жорий йилда ҳам корхона жамоаси салмоқли натижаларни қўлга киритди. Йилнинг биринчи ярмида амалдаги нархларда 1410 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу борадаги белгиланган прогноз кўрсаткичи 120,8 фоизни ташкил этди. Фойда 87,7 миллион сўмга тенг бўлди.

Таъкидлаш жоизки, “Suvmash” сув хўжалиги учун қудратли насос ва қурилмалар ишлаб чиқариш баробарида уларни қайта таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан ҳам шуғулланади. Шу йилнинг ўтган даврида қувватли насос қурилмаларини капитал таъмирлаш бўйича 274 миллион сўм даромад қилинди. Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарига 13 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

“Suvmash” ОАЖда ишлаб чиқарилаётган қувватли насос қурилмалари асосан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда, ер ости ва қудуқ сувларини тортиб чиқаришда, оқава сувлар миқдорини камайтиришда, шаҳар ва қишлоқлардаги сув таъминотида, коммунал хўжалиги ва бошқа тармоқларда катта аҳамиятга эга.

Корхона ишчи-ходимларининг моддий манфаатдорлигини оширишга ҳам раҳбарият томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда.



Ҳозирга қадар уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 93 минг сўмни ташкил этаяпти. Ишчи-ходимларнинг ишдан бўш пайтларини мазмунли ўтказиш, яхши дам олишлари ва саломатликларини тиклашлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилмоқда. “Suvmash” ОАЖ жамоаси “Сиҳат-саломатлик йили” муносабати билан бир қатор хайрли ишларга бош-қош бўлди. Корхона жойлашган Бектемир туманидаги кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратиляпти. “Маҳалла” хайрия жамғармаси ва “Қизил ярим ой” жамиятининг туман бўлимларига 500 минг сўмликдан зиёд маблағ ўтказиб берилди.

Бу каби хайрли ишлар корхонанинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Хатирчини шукуҳли гўша деб аташади. Чунки, унинг сўлим боғлари, бири биридан обод қўрғонлари, ҳосилдор ерлари кишиларни мафтун этган. Айниқса, танти, мард, юртсевар, меҳнатсевар одамларининг матонати, шижоати, ғайрату ҳимматига қойил қолмай илож йўқ. Бугунги ҳикоямиз ҳам айнан қадри, қадди баланд хатирчиликлар ҳақидадир.

Қабриддиннинг нияти

Ислоҳотлар муваффақияти раҳбар масъулиятига боғлиқ. Бу осон кечадиган жараён эмас.



– Энг аввало, одамларга яқин бўлиш керак. Уларнинг орзу ҳавасини, ниятини, дардини тинглай билиш лозим, - дейди суҳбатдошим. – Меҳнат қадрини топган жойда эса юксак ютуқларни қўлга киритиш мумкин.

Суҳбатдошимиз Қабриддин Абдуазизов раҳбарлик қилаётган “Абдуҳолиқ Халимов” номли ширкат хўжалигида бу йил 115 гектар ғаллазорда мўл ҳосил етиштирилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 63 центнерни ташкил этди.

Хўжаликда деҳқончилик маданияти юксак. Масалан, ғаллачиликда илғор технологиялардан фойдаланилаётган бўлса, пахтачиликда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин.

– 260 гектар пахта майдонимиз бор, - дейди хўжалик раҳбари суҳбатимиз давомида, - уни озиқлантириш, ишлов бериш ишлари кундан-кун қизитиляпти. Бу борада маҳаллий ўғитга эътибор кучайтирилган.

Пудратчиларимиз ўз тажрибасига таянади, керак бўлганда бир-бирининг ишини ўрганади. Маслаҳат билан бажарилган юмуш ҳосилдорликнинг кўпайишига замин яратади. Мақсад эса ҳар гектар пахта майдонидан 40-50 центнердан ҳосил олишдир.

Бу йил салқин келди. Дастлаб ғўза ривожи паст бўлди. Зарарли ҳашаротларни йўқотиш учун биоусулдан фойдаланилди. Айни дамда ҳар бир картада назоратчи бор ва улар кунлик ахборотлардан хабардор қилиб келмоқдалар. Ҳосилдорликни кўпайтириш учун гектар бошига 20-25 тоннадан маҳаллий ўғит солинди.

Шу ўтган 14 йил ичида одамларимиз эркинлик нима эканлигини дилдан ҳис қилишди. Бугун ишлайман деган киши борки, ҳамма имкониятлар яратилган. Ёнилғи-мойлаш, минерал ўғит, сувдан фойдаланишда муаммо йўқ.

Деҳқончиликнинг ҳадисини олган хўжалик раҳбари Қабриддин Абдуазизов тажрибасига суянган ҳолда хўжалик иқтисодиётини ошириш учун бор имкониятини ишга солмоқда. Ширкат бу йил шартномавий режани 115 фоизга бажарди ёки давлатга 351 тонна дон сотди. Омборга тўкилган ғалла эса 377 тоннани ташкил этади.

Хўжалик аъзолари бу йил мавжуд пахта майдонларидан 858 тонна “оқ олтин” олиш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Аслида мақсад ялпи ҳосилни минг тоннага етказишдир.

Хўжалик меҳнат аҳли боғдорчилик, ҳунармандчилик соҳасида ҳам яхшигина ном қозонган. Уларнинг ҳар бир саъй-ҳаракатида дастурхонларнинг тўкин бўлиши, Ватаннинг бойиши, қисқаси, юрт ободлиги ётади, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Бу кунларга етганлар бор...


Истиқлол йилларида Хатирчи бутунлай ўзгача қиёфага кирди. Аввало, қурилишни ислоҳ қилиш учун зарур меъёрий асослар яратилди.

Туманда қурилиш коммуникацияларини ривожлантириш борасида кейинги икки йилда ижобий ишлар амалга оширилди. Келинг, икки оғиз шулар ҳақида.

Ҳарбий мудофаа бўлими идораси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури”га асосан хайрли ишларга қўл урилди. Бу борада учта мактабда реконструкция, учта таълим даргоҳида таъмирлаш, 7 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Кўксарой фермерлар уюшмасида 21-сонли билим масканини янгитдан қуриш ишлари амалга оширилди.

Фахр

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан Охунбобоев номли фермерлар уюшмасида 300 ўринли янги мактаб ҳашар йўли билан қад ростлади. Таъминланди. Шундан сўнг ўқув-лаборатория хорижлик мутахассислар томонидан синовдан ўтказилди. “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги Юзовул маҳалласига янги насос линияси қурилиб, ерларни ўзлаштириш ва фермер хўжаликлари экин майдонларини сув билан таъминлаш имконини яратди.



биркор Қудрат Сафаров ўзининг “Бўғирдоқ атлас” фирмаси ҳисобидан 210 ўринли замонавий мактаб биносини қуриб ўқувчилар ихтиёрига топширди.

Вилоятдаги ЮПМ корхонаси Боғчакалон қишлоғидаги 2-мактабни тўлиқ газлаштирди. “Навоийгаз” ташкилоти ҳам 6-мактаб учун ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Дастур бўйича 2005 йил якунигача туманда иккита янги мактаб қурилади. 18 таси реконструкция ҳисобидан қайта қад ростлайди. 30 тасида капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Бу ишлар амалга оширилса, 86 та мактаб мутлақо бугунги замон талаблари даражасида бўлади.

Хатирчида болалар спортига тааллуқли кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Масалан, А.Икромов номли ширкат хўжалигининг Тасмачи қишлоғида бунёд этилган 2000 томошабинга мўлжалланган уста ёпиқ комплекс, туман марказидаги “Ёшлик” стадиони, ҳокимликнинг эски мажлислар зали таъмирланиб, гимнастика саройига айлантирилганлиги айни муддао бўлди.

М.Улуғбек номли фермерлар уюшмаси марказида ўтган йили 431 миллион сўмлик “Лочин” болалар спорт мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Кейинги бир йилда бу маскан спортчилари юксак натижаларни қўлга киритдилар.

Бу йил туманда 16 километрлик сув ва 41 километрлик газ қувурларини қуриб, фойдаланишга топшириш учун самарали иш қилинмоқда. Шу йилнинг иккинчи ярмида А.Темур номли ширкат хўжалиги Дамхўжа суви олиб келинади. Ана шунда 5 та қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлади. Олтинободдан Мардон қишлоғига юқори босимли 6,3 километрлик газ қувури тортилиб, Навандак кўрғонини оқим газ билан таъминлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

2006 йилда Осиё тараққиёт банки ажратган кредит ҳисобидан Швейцариянинг “Коленко” ЛТД компанияси орқали туманнинг қатор қишлоқларига тоза ичимлик сувини етказиб бериш ишлари бошланади.

Шу мақсад учун ҳам айни дамларда смета-лойиҳа ишлари бажарилмоқда.

А.Ёрлақабов номли ширкат хўжалигида Япония ва Италия грантлари асосида янги ўқув лабораторияси биноси қурилиб, жаҳон андозаларига мос жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шундан сўнг ўқув-лаборатория хорижлик мутахассислар томонидан синовдан ўтказилди. “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги Юзовул маҳалласига янги насос линияси қурилиб, ерларни ўзлаштириш ва фермер хўжаликлари экин майдонларини сув билан таъминлаш имконини яратди.

Мулкдорлар

Хатирчиликда пахта, ғалла, боғдорчиликда нафақат вилоятда, балки мамлакатда ҳам нуфузли ўринга эгадирлар.

Бугунги кунда тумандаги мевали боғлар 976 гектар бўлиб, бу майдонлар фермерларга бўлиб берилган. Бундан ташқари, 130 га яқин хусусий боғлар ҳам мавжуд.

–Ўтган йили соҳибкорларимиз мевали боғлардан 4150 тонна, узумзорлардан 15498 тонна узум олишди, - дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Абдуҳамид Иноятов, – Шу жумладан, етиштирилган майиз 2800 тоннани ташкил этди. Ҳозир ҳудудда 785 гектар майиз-боп узум-зорлар мавжуд.

– Бугун 1503 та фермер хўжаликлари самарали меҳнат қилмоқдалар, - дейди туман фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Муҳиддин Саҳаддинов. – Масалан, ғаллачиликни олайлик. Бу йил ҳосил мўл бўлди.

Жорий йил ғалла ишлаб чиқаришда фермерлар улуши туманда 82 фоизни ташкил этди. Улар томонидан 46180 тонна дон тайёрланди. Ҳосилдорлик гектар бошига 52 центнерни ташкил этди. Давлатга 18 минг тонна буғдой сотилди.

“Қудрат Шамс” фермер хўжалигига етакчилик қилаётган Шамси Раҳмонов ғаллачиликда юқори натижани қўлга киритди. У 15 гектар ғалласорнинг ҳар гектаридан 78 центнердан уруғлик дон олди. Шунинг 77 тоннасини давлатга топшириб, режани 128 фоизга бажарган бўлса, 40 тонна буғдойни ишчиларига бўлиб берди.

Фермер хўжалиги деҳқонлари 37 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш ниятидалар.

Ўрта бўйли, қатъиятли деҳқон Тоҳир Тўхтаевнинг ишбилармонлиги кўпларга ибрат. “Эл-2000” фермер хўжалиги ғаллакорлари давлат омборига 71,3 тонна дон етказиб бериб, шартнома режасини 111 фоизга уддаладилар. Фермер хўжалигининг ўзида 93 тонна дон қолди. Ҳосилдорлик гектар бошига 55 центнердан тўғри келди.

Фермер хўжалиги аъзолари 40 гектар пахта майдонидан ҳам юқори ҳосил олиш ниятдалар. Ҳосилдорликни 30 центнер ўрнига 45 центнерга етказиш кўзда тутилган.

–Яхши уруғ, юксак агротехника ҳар қандай экиндан ҳам юқори ҳосил олишни таъминлайди, – дейди фермер Тоҳир Тўхтаев. – Биз ғалла майдонларига элита, пахта майдонларига эса “Оқдарё-6” навларидан экдик. Экин ривожи ёмон эмас.

Бу фермер хўжалиги шу йилнинг ўзида жойларга уч миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди. 5 та замонавий техникага эга. Мавжуд 385 бош қорамолни меҳр билан парваришлаб, сут ва гўшт ишлаб чиқариб сотмоқда.

Хатирчида сўзи билан иши бир бундай фермерлар кўплаб топилади. “Файбулла Тўраев”, “Улуғбек ШАОУ”, “Намоз бобо-2000”, “Жаҳон-97”, “Боғинур-умид” шулар жумласидандир. Туман фермерлари бу йил эл хирмонига 27532 тонна ёки туман ялпи пахта ҳосилининг 80 фоизини топшириш мақсадида ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Хатирчининг шижоатли, лафзи ҳалол халқи барча соҳаларда аҳил, иноқ бўлиб, кўзланган мақсад сари олға бормоқдалар. Бу йўлда уларга доимо омад кулиб боқишини тилаб қоламиз. Ишингиз доим бароридан келсин, азиз хатирчиликлар!

Ҳ.ЭШОНҚУЛОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.
Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ олган суратлар.

Кулоқ солсам шивирлагай
Ҳатто тошларинг.
Ою куёш, камалаклар
Кўзу қошларинг.
Бешигимни тебратгандир
Қалдирғочларинг,
Ою куёш кўрпа солган
Айвоним, Ватан.

Сирожиддин САЙИИД

ХАТИРЧИЛИКЛАР

Ифтихор

Ёруғ кунлар шукронаси

...Кўнғироқ ҳар жиринглаганда қишлоқ муаллими Мизроб Амоновнинг юраги бир орзиқиб тушади: “Ҳойнаҳой, қизим Франциядан кўнғироқ қилаётган бўлса керак” деган фикр кўнглидан кечиб, соғинч тўла юрагида фахр-ифтихор ҳиссини туяди. Қизи Нозима Гренобиль шаҳрида жойлашган Стендаль номидаги университет магистратурасида таҳсил олишяпти.

– Қизингизни соғингандирсиз? – атайин сўраймиз Бухоронинг Гаждумак қишлоғида яшовчи Мизроб акадан.

– Ҳеч сўраманг, – дейди суҳбатдошимиз. – Унинг Францияда ўқиш бахтига муяссар бўлганидан хурсандман. Бу – мустақиллигимиз шарофати. Истиқлолга кўз тегмасин, илоҳим...

Қоракўл туманида 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат бор. Унга Тўхтамурод Жумаев директорлик қилади. Тўхтамурод аканинг уч нафар шогирди – Зафар Жумаев, Собит Собиров, Жалол Қурбоновлар математика фани бўйича шу йил Грециянинг Афина шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада учта бронза медалини қўлга киритишди. Заҳматкаш муаллимнинг шогирдлари ҳозир Мексика давлатида ўтадиган халқаро олимпиадага тайёргарлик кўришаяпти. Физика фани бўйича Венгрия пойтахти Будапештда ўтиши кутилаётган халқаро олимпиадада ҳам шу мактаб-интернатнинг уч вакили иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган.

– Аввалари фарзандларимизнинг бундай нуфузли беллашувларга қатнашишига йўл бўлсин эди, – дейди Т.Жумаев. – Муваффақиятларимиз – истиқлол шарофатидан. Шогирдларим камолини кўриб, уларнинг билим, ақлзаковат бобида дунёнинг мана-ман деган давлатлари вакилларидан қолишмаслигини ҳис этиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Ўзбекистон деган жаннатмакон юртимиз борлигидан бошим кўкка етади.

Тўхтамурод аканинг сўзлари бир қишлоқдошимизнинг айтганларини ёдга туширди. Совуқ ўлкаларга ишлагани кетиб, тўққиз ойдан сўнг Ғиждувонга қайтган йигит “Билсангиз, юртимизнинг одамларини, боғ-роғларини, қуёшини соғиниб кетдим. Суҳбатлашгани бир дилкаш дўст тополмай, ўзбекча бир сўз эшитмай яшаш оғир экан”, деб қолди.

Ҳа, шоир айтганича бор: Ватандин яхши ёр бўлмас. Ватан, она-юрт, ҳурлик қадри бебаҳо неъматлардир. Бу тушунчалар қаторига “Тинчлик” сўзини ҳам қўшган маъқул. Зеро, тинчлик қарор топган жойда ҳаёт бор, инсонийлик бор.

Бугун Францияда ўқиб, яшаб ўй-хаёли Ўзбекистонда бўлган Нозимангинг ҳам, халқаро фан олимпиадаларига отланаётган қоракўллик ўқувчиларнинг ҳам, ўзга юртда ишлаб, Ватан қадрини ҳис этган қишлоқдошимнинг ҳам нияти битта: Истиқлолни кўз қорачиғидек асраш. Шу эзгу ният ёруғ мақсадларга етказаверса, не ажаб.

Истам ИБРОҲИМОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Воҳа заминдорлари

“Омад”га омад ёр бўлсин

Наримон ака Бекжонов Истиқлол туфайли фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йиллардаёқ мулкдор бўлишга қатъий қарор қилди.

45 гектар майдонда деҳқончилик қилган Наримон Бекжонов бошлиқ заминдорлар илк йилдаёқ кўзланганидан зиёд ҳосил олишди. Меҳнат одамни саралайди,



деб бежиз айтишмаган кексаларимиз. Меҳнати унга обрў келтирди. 2003 йилда “Шуҳрат” нишони билан тақдирланди.

- Етиштирилган пахта ва буғдой ҳосилимизни уруғлик учун қабул қилишади. Бу эса даромаднинг кўп бўлиши омилларидан бири. Ўтган 2004 йилда чигит экилган 61 гектар ғўза майдони ҳисобидан 197 тонна юқори навли пахта сотдик. Даромад фақат пахтачиликдан 57 миллион сўмни ташкил қилди. Шунинг 22 миллиони соф фойдадир. Худди шунингдек, биз воҳамизда эндиликда оммалашаётган буғдойнинг “Бўзқалъа” навини экиб, асосан уруғлик учун топширамиз. 2005 йил ҳосилидан 120 тонна “қирмизи дон” хирмони уюлди. Шунинг 70 тоннасини давлатга сотиб, 50 тоннасини эҳтиёжларимиз учун ўзимизда қолдирдик. Буғдойнинг мазкур нави бизнинг шароитимизда бемалол 60 центнердан ошириб ҳосил беради. Бунинг учун фақат агротехника қоидалари асосида парваришлаш керак. Наримон ака бошлиқ фермерлар даласида бўлган киши унинг ҳақиқий деҳқонлигига тан бермай иложи йўқ. Пахтанинг “Хоразм 127” нави бу йил шундай ҳосил қилганки, лўппи-лўппи очилган чаноқлар ҳавасингизни келтиради. Бу ҳосилнинг ҳам унинг орқасидан келадиган даромаднинг ҳам мўл бўлишидан далолат.

Элга қайишган одамлар

“Довуд” фермер хўжалиги далалари “Барака”чиларга ёндош, раҳбарлари эса бир-бирларига елкадош сирдош. Илғорлик, ташаббускорлик, интилувчанликда бир-биридан қолишмайди. Ҳар иккиси ҳам 1995 йилда ташкил қилинган. “Довуд”нинг бошлиғи Хударган ака қалби пок, ҳалол одам.



- “Довуд” фермер хўжалиги раҳбари Хударган ака Бобожонов энг фаол, олийҳиммат мижозларимиздан, - дейди АТИБ “Ипотека-банк” Тинчлик филиали бошлиғи Обиджон Зарипов. - Ҳисоботларни ўз вақтида топширади, олган қарзларини муддатида тўлаб боришга одатланган. Пулларни аниқ мақсадларда ишлатади. У икки йил муддатга ун хорози сотиб олиш учун 18 фоизлик кредитдан 1500000 сўм қарз олган эди. Бугунги кунда тегирмон элдошларига хизмат қилиб, ўзига эса даромад келтирмоқда.

Биз тадбиркор инсон, тажрибали деҳқон Хударган акага бириктирилган далаларни айланиб, унинг боғрикенглигига, омилкорлигига тасанно айтдик. Ўзига қарашли 21,5 гектар майдон четлари, ариқ бўйларига 7,5 минг гектар терак, 4 минг тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтказиб парвариш қилган. Унинг мевасидан фермер хўжалиги аъзоларидан тортиб, ўтган-кетгангача бахраманд бўлмоқда.

Улар далаларни экишга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғиб олишгача бировнинг техникасига кўз тутмайди. Шахсий “Алтай”, “Т-28” трактори битта автомашина, битта “Нексия” доимо хизматга шай. Ўзларининг маблағларига қурилган дала шийонида ишчилар овқатланади, ҳордиқ чиқаришади. Хударган ака ишланувчан инсон. У пиллани қайта ишлаш цехи қурган, дўкон, чойхона, маиший хизмат шохобчалари қуриш ниятида Шоли оқлаш тегирмони ишлаб турибди. Асралаётган 300 дан ортиқ товуқ, ғоз, ўрдаклардан келаётган даромад хўжалик фойдасини оширмоқда.

Ўтган йил 14,5 гектар майдонни ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил топширган, 7 гектар буғдой майдонидан 43 центнердан дон олган заминдорларнинг ниятлари янада улкан.

Қатрада қуёш акси

Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган “Барака” фермер хўжалиги далаларида бўлган киши “қаловини топиб, қорни ёндираётган” кишилар ҳимматию



журъатидан ҳайратга тушади. Фермер хўжалиги далалари чеккасидан ўтган “Газовот” каналининг юз метрча келадиган бўйи улар томонидан кишиларнинг ҳордиқ чиқарадиган, овқатланадиган жойига айлантирилган.

- Одам ҳалол меҳнат қилса, сифатли маҳсулот етиштирса, харидор ҳам, даромад ҳам ўз оёғи билан келаверяркан, - дейди Саъдулла ака. - Ўтган йилнинг шу пайтлари эди. Далада юрсам 5-6 нафар киши машиналардан туша солиб, ғўзаларни оралай кетли. Сўнгра мен билан қисқача суҳбатлашдиларда жўнаб кетишди. Тўғриси, уларнинг кимлигини ҳам сўрамабман. Орадан икки кун ўтгач, туман қишлоқ хўжалиги бошқармасига чақириб пахтамизни уруғлик учун қабул қилажаклигини айтишди. Бунга эришиш учун танишбилишчилик қилаётган фермерлар ҳам йўқ эмас.

Улар 2004 йилда 30 гектар пахта майдонидан режадаги 90 тонна ўрнига 123 тонна пахта топширдилар. Шунинг деярли 100 тоннага яқини биринчи навга қабул қилинди. Кўрилган 15 миллион сўм фойдадан “Нексия” минишди.

- Чойхона фақат фойда кўриш учун эмас, - дейди Саъдулла ака камтарлик билан. - 30 нафар кишининг 12 нафари шу ерда иш билан таъминлаганман. Ойига 30-35 минг сўмдан даромад олишади.

“Барака”нинг 500 минг сўм пулни болалар спортини ривожлантириш фондига ўтказгани, сотиб олган эски болалар оромгоҳи ўрнида бепул болалар боғчаси ёки болалар спорт комплкси қуриш режаси борлигини туман раҳбарларидан эшитдик.

Қатрада қуёш акс этганидек, “Барака”чилар олиб бораётган ишлар кўзланаётган мақсадларида Истиқлол сабаб миллий қадриятларимиз тикланаётганлиги, меҳр-муҳаббат қайтаётганлигидан қувондик.

К.ХОЛДОРОВ

Сифат ва самара омили

Воҳа пахтакорларининг йил бўйи қилган меҳнатлари самараси етиштирган ҳосилини ўз вақтида қабул қилиш, қайта ишлаш ва сотишда “Хоразмпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва унга қарашли пахта тозалаш корхоналарининг улуши катта. Улар деҳқонларимизни сифатли ва кафолатли уруғлик чигит билан таъминлаш, уни дала бошигача элтиб бериш, ғўза парвариши, пахтани сифатли қилиб тайёрлаш, парвариш даврида агротехника қоидаларига амал қилиш каби дала ишлари тадбирларини амалга оширишда ҳам камарбаста бўлаяптилар.



Олинадиган ҳосил баракаси, аввало, уруғга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз, деҳқончиликнинг қайси бир соҳаси бўлмасин, аввало бўлиқ ва сифатли уруғ тайёрлашга эътибор қаратганлар. Ўтган йил вилоят пахтакорлари тарихида энг муваффақиятли йил бўлди, десак янглишмаймиз. Ватан хазинасига 287 минг тоннадан зиёд “оқ олтин” топширилди. Бу шартномавий режада кўзланганидан анча зиёддир. Барча туманлар воҳа хирмонига муносиб улуш қўшдилар. Гектар бошига 30 центнердан ошириб ҳосил топширган ширкатлар, ҳосилдорликни 45-50 центнерга етказган фермер хўжаликлари кўп бўлди. Бундай қувончли якунларнинг бир томони об-ҳавога, омилкорлик билан қилинган меҳнатга, яхши парваришу берилган минерал ўғитларга боғлиқ бўлса, иккинчи томони, юқорида таъкидланганидек, уруғлик чигит сифатига бориб тақалади. Шунинг учун бирлашма раҳбарияти ва ходимлари ишга ўта масъулият билан ёндошмоқдалар.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабридаги 604-сонли, 2005 йил 5 январдаги 4-сонли қарорлари ҳамда вилоят ҳокимининг мазкур қарорлар асосида чиқарган 2005 йилнинг январидаги 3-сонли қарори асосида амалдаги йил пахта ҳосили учун 9000 тоннадан сара уруғлик чигит дориланиб, тайёрлаб қўйилган эди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида кўрсатиб



ўтилган қарорларда ҳар бир соҳа раҳбарию, мутахассисларига белгиланган топшириқларни ўз муддатида ва мукаммал бажариш талаби қўйилган. Шунинг учун ҳам тизимга қарашли 10 та пахта тозалаш корхонаси тасарруфида бўлган 131 та уруғлик чигитни экишга тайёрлаш шохобчасига талаблар даражасида фаолият кўрсатиш таъминланди. Чигитни экишга тайёрлаш шохобчаларида мавсум давомида уруғни ҳозирлаб бериш учун тажрибали мутахассислардан иборат 862 нафар ходим вақтинчалик ишга қабул қилинди. Воҳада асосан кўп йиллик тажрибалардан ўтган “Хоразм-127”, “Бухоро-6”, “С 6524”, “Хоразм-150”, “Меҳнат” навларидан уруғлик тайёрланади. Амалдаги йил ҳосилидан ҳам яна шароитимизга мос, серҳосил, синалган пахта навларидан уруғлик тайёрлаш кўзда тутилган.

– Уруғлик йигитнинг унувчанлигини ошириш ва уларни саралашни йўлга қўйиш мақсадида корхонамизга янги цех ўрнатдик, – дейди биз билан суҳбатда Қўшкўпир пахта тозалаш корхонаси директори Ражаббой ака Мадаминов. – Янги қурилган замонавий усулда уруғлик тайёрлаш цехининг аҳамияти шундаки, шу ердан чиққан уруғликнинг 97-98 фоизининг униб чиқишига кафолат бериш мумкин. Иккинчидан, бунда навларнинг тозалиги сақланади, ғўзанинг касалликка чалиниши олди олинади. Атроф-муҳитнинг ифлосланишига барҳам берилади. Пахта саноат илмий-текшириш институти олимлари томонидан яратилган механизмлар, чигитни бир текисда юборадиган “Бдос” русумли машина, шунингдек, чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган тукли чигитни элайдиган элеваторлар, уруғлик чигитни дорилайдиган мосламалар ўрнатилиб, тайёр ҳолга келтирилмоқда. Ўрнатилган ускуналарда уруғнинг



оғирлиги ошади, унувчанлиги 2-3 фоизга кўпаяди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораторияда, аввало, чигитнинг сифати текширилади. Вилоятимизда биринчи бор ишга туширилаётган бу цехдан чиққан уруғлик чигитлар ўзимиздан ташқари Хива, Гурлан, Шовот туманлари пахтакорларига ҳам етказиб берилади. Янги машиналарни ўрнатиш ва ишга туширишда завод бош муҳандиси Рўзибой Ойибовнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ҳамиша янгиликка интилувчан қўшкўпирлик пахта саноати ходимлари муваффақиятларни йил сайин мустаҳкамлашга эришмоқдалар. Улар ўтган йилда 33410



тонна хом ашё қабул қилиб, ундан 10709 тонна сифатли тола ишлаб чиқардилар. Тола чиқими салкам 33 фоизни ташкил қилган. Амалдаги йилда маҳсулот қабул қилиш бўйича 1196 та фермер хўжаликлари билан шартнома имзолаган. Айни кунларда пахта қабул қилишга қарата бажариладиган ишлар якунланиш арафасида.

– Бу йил корхонамиз 31,6 минг тонна пахта хом ашёси қабул қилишни режалаштириб, 958 фермер хўжалиги, 10 та ташкилот ва 4 та ширкат хўжалиги билан шартнома имзолаганмиз, – дейди завод бош муҳандиси Шокир Раҳимов. – Айни кунларда корхонамизнинг барча аҳли Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами тантаналари руҳи билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

* * *

Янгибозор – воҳада биринчи бўлиб ёппасига фермер хўжалигига айлантирилган туман. Ер ҳақиқий эгаларига топширилди. Бу эса дастлабки йиллардаёқ ўз натижасини кўрсатди. Шу боис янгибозорликлар барча соҳаларда карвонбошилик қилмоқдалар.

Ўтган йили туман мулкдорлари давлатга режадаги 26,6 минг ўрнига 29,1 минг тонна сифатли хомашё сотишди. Бу борада пахта тозалаш заводи жамоасининг ҳам ҳиссаси катта. Тайёрланган пахтани ўз муддатида қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаб харидорларга етказиб бериш борасида янгича иш услуби ва ташкил этишгина уюшқоқлик ва аҳиллик самара бермоқда.

Булар ҳақида завод директори Шерали Жумамуротов қуйидагиларни гапириб берди.

– Жаҳон бозорида тола сифатига катта эътибор қаратилаётган экан, бу биз қайта ишловчилардан замонавий техника воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Тола сифатли бўлмаса, унинг касодга учраши ёки сув текин баҳоланиши ҳам турган гап. Шунинг учун корхонамизни замон талаблари асосида жиҳозлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Биргина мисол. Ўтган йил қуритиш ва тозалаш цехлари янгидан қурилди. Бу билан электр энергияси, ишчи кучидан анча тежамкорликка эришилди. Аввалларн 15 ишчи бажарадиган ишни эндиликда 8 нафар киши бемалол уддалай олади. Ўтган вақт давомида шартнома тузган фермер хўжаликлари билан якиндан алоқада бўлганимиз ҳам ўз натижасини кўрсатди. Режадагидан 2,5 минг тоннадан зиёд хом ашё қабул қилиб олгандик.

Очиғини айтиш керак, илгарилари ишчиларимиз тўрт ойгина иш билан таъминланган бўлса, бу йил маҳсулот қайта ишлаш жараёни 11 ойга чўзилди. Демак, салкам 400 нафарга яқин киши йил давомида иш билан банд бўлди. Қувончли томони пахтанинг 85 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Бу толанинг кўп чиқиши ва сифатли бўлишида катта рол ўйнайди. Шу боис ҳам тола чиқиши 33,1 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган 9546 тонна толанинг кўп қисми асосан Европа мамлакатларига сотилди.

Холмурод ҚУРБОНОВ



Замондош билан юзма-юз

Яратиш завқи

Оққўрғон туманидаги “Акмал” хусусий фирмаси раҳбари Раҳимжон Умировнинг ҳаётий фалсафаси оддий ва ибратли.

–Инсон яралибдики, оламни англашга, ҳаёт қонуниятларини чукурроқ ўрганишга интилиб яшайди, - дейди Раҳимжон Умиров. - Онг ва тафаккур ҳам уни барча муаммолар ва зиддиятлардан сақловчи тенгсиз мўъжизадир. Ҳаёт ривожланиб боргани сайин инсонлар дунёқарашида, тафаккурида ўзига хос из қолдиради. Буни ҳар биримиз англаб етмоғимиз даркор.

Унинг бу фикрлари кишини мушоҳадага чорлайди. Дарҳақиқат, оламнинг, ҳаётнинг моҳиятини англаб етганимиз сайин биз мукамаллаша борамиз. Мураккаб ташқи оламда ўз йўлимиз, мақсад ва вазифаларимизни белгилаб оламиз.

Ҳа, Раҳимжон ака ўз фалсафасига содиқ тарзда ҳаётда йўлини топиб олган. Ўз олдига қўйган мақсадлари томон дадил бораётир.

Унинг раҳбарлигидаги “Акмал” хусусий фирмаси бундан роппа-роса ўн йил бурун ташкил этилган эди. Мазкур хусусий фирма халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшиш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш, хорижий фирма ва компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш сингари йўналишлар бўйича фаолият олиб бораётир.

Фирма цехларида асосан озиқ-овқат ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда айни пайтда икки юздан ортиқ киши меҳнат қилади.

Ўтган йиллар мобайнида фирма жамоаси босқичма-босқич қаддини тиклаб борди. Айни пайтда фирма таркибида суткасига 60 тонна маҳсулот чиқарадиган ёғ заводи, бир кечакундузда 45 тонна ун чиқарадиган завод, омухта ем тайёрлаш цехи ишлаб турибди. Шунингдек, фирма қошида таъмирлаш-қурилиш бўлими, таэквандо ва футбол клублари, спорт базаси ва хайрия жамғармаси ва бошқа бўлинмалар мавжуд.

Раҳимжон Умиров 1999 йилда “Ташаббус” республика кўрик-танловида ғолиб чиқиб, Юртбошимизнинг махсус совғаси “Нексия” автомашинаси билан мукофотланган эди. Бу воқеа тадбиркор ва унинг меҳнат жамоасига янгича куч-ғайрат ато этди.

–2000 йилда инқирозга учраб, ўз фаолиятини тўхтатган Алимкентдаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини сотиб олдик, - дейди Раҳимжон Умиров. – Бу ерда қишлоқ хўжалиги техникаларини созлаш мажмуаси ташкил этилди.

Шундан кейин фирманинг ишлаб чиқариш ва даромад кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб борди. 2002 йил баҳоридан туман ҳудудидаги ташландиқ, қаровсиз ерлар чиқиндилардан тозаланиб, фирма раҳбарияти ташаббуси билан бу ерларда боғдорчилик ишлари ҳам йўлга қўйилди. 3000 туп терак, 800 дан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, қолган майдонларда фирма ходимларининг дастурхонини тўкин қилиш мақсадида полиз ва сабзавот экинлари етиштирила бошлади.

–Айни пайтда теракларимиз бўй тортиб, мевали дарахтлар ҳосилга кирган, - дейди Раҳимжон ака.

2002 йил “Акмал” хусусий фирмаси учун қурилиш ва бунёдкорлик йили бўлди, десак хато бўлмас. Айнан шу йили завод атрофини қуршаган деворлар қайта таъмирланди. Икки қаватли “Мини маркет” биноси қуриб битказилди. Фирма ташаббуси билан туман марказида болажонлар учун спорт-соғломлаштириш мажмуи ва истироҳат боғи ишга туширилди.

2003 йилда суткасига 20 минг дона нон ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Айни пайтда хориждан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган мазкур цех маҳаллий аҳолининг нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилиб келаётир.

Куч-ғайрат, ташаббускорлик ва изланувчанлик Раҳимжон Умировнинг вужудига қон билан кирган. Ўтган йили у фермерликда ҳам ўз омадини синаб кўрмоқчи бўлди.

Тугатилаётган ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича ўтказилган тендерда иштирок этиб, ғолиб чиқди. Натижада “Азизбек-Умир” фермер хўжалиги вужудга келди. Ҳозирги пайтда хўжаликнинг 190 гектарга яқин ери бор.

Ўтган хўжалик йилида давлатга 60 тонна ғалла, 431 тонна пахта, 1,5 тонна пилла топшириб, бу борадаги шартома мажбуриятларини ошиғи билан бажарди. Ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин – серёғ кунгабоқар етиштириш йўлга қўйилган.

Фермер хўжалигида бу йилги кўрсаткич аввалгисидан ҳам юқори бўлиши кутиляпти. Мазкур хўжаликда меҳнат қилаётган 90 кишининг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўтган йили фирма фаолиятида яна бир янгилик жорий этилди. “Ўзбек-Лизинг-интернэшнл” компаниясининг кредити асосида Туркиянинг “Gencdegirman” фирмасининг замонавий ва унумли тегирмони келтириб ўрнатилди. Ҳозирда бу тегирмон ёрдамида бир кунда 40-43 тонна ун тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиляпти. Шундан 50 фоиздан кўпроғини олий навли ун ташкил қилади. Тегирмон ёнида 6 минг тонна дон сақлаш сиғимига эга бўлган омборхона ҳам қуриб битказилди.

Номидан камтарона кўринган “Акмал” хусусий фирмасида амалга оширилаётган салмоқли ишларнинг саноғига етиш мушкул. Фирманинг ҳар бир тармоғи хусусида яна қанчадан-қанча қоғоз қоралаш мумкин.

Ўз-ўзидан савол туғилади: фирма жамоаси эришаётган бундай юқори кўрсаткичлар, ютуқларнинг асосий сири нимада?

Жавоб оддий: ҳалоллиқда, меҳнатда, изланувчанликда. Бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан бунёдга келмайди. Барча воқеликлар сабаблар асосида вужудга келади.

Ҳаракатда – баракат, деган нақл бор. Лекин меҳр-оқибат, олижаноблик, саховатпешалик ҳам барака келтириши бор гап.

“Акмал” хусусий фирмаси амалга ошираётган савобли, эзгу ишларнинг ҳад-ҳисоби йўқ. Фақат фирма раҳбари бу хусусда батафсил гапириб беришни истамади.

–Эзгулик, мурувват ўзгаларга кўз-кўзлаш учун қилинмайди, - дейди тадбиркор самимият билан. - Ўнг қўлинг қилган ишни чап қўлинг сезмасин, деган нақл бежиз айтилмаган. Келинг, шу ҳақда суҳбатлашмай қўя қоламиз.

Начора! Ҳар қалай Раҳимжон аканинг бу камтарлиги арзимаган ишини миннат қилиб оламга жар соладиган кимсалар учун ибрат бўла олади.

Яна Раҳимжон аканинг фалсафасига қайтамиз: “Англамоқ – олтин калитдир”.

Ҳа, фақат ана шу олтин калит ёрдамида ҳар қандай мушкулотни ечиш, ёпиқ эшикларни очиш мумкин бўлади.

Д.МАТКАРИМОВА







"Жиззахпластмасса": САМАРА САЛМОҚЛИ

"Ўзкимёсаноат" давлат акционерлик концернига қарашли "Жиззахпластмасса" очиқ акционерлик жамияти нафақат вилоятда, балки республикамиз кимё саноатида ҳам ўз мавқеига, обрў-эътиборига эга корхоналардан саналади. Айни пайтда бу ерда 600 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

Эҳтиёжга яраша



–Истиқлол йилларида "Жиззахпластмасса" очиқ акционерлик жамияти юртимиз халқ хўжалиги учун зарур буюмларни ишлаб чиқаришда янги-янги лойиҳаларни амалда жорий этмоқда, - дейди ОАЖ раиси ўринбосари Валерий Рашидов. – Барчага равшанки, қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш ва ундан мўл ҳосил олиш ҳукуматимизнинг эътиборида турган асосий тармоқ ҳисобланади. Шу туфайли корхона 2004 йилда деҳқонларимизга 3244 тонна полиэтилен плёнкаларини етказиб берди.

–Бундан ташқари жамиятимизда буюртма бўйича иссиқхоналарга махсус қопламалар учун 904 тоннадан зиёд плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда, - дея суҳбатга қўшилди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Наталья Геннадьевна Квак. – Яна ҳар хил ўлчамдаги 309,4 тонна пластмасса қувурлар, уй-рўзғор буюмлари, 202,9 тонна елим идишлар, сув солинадиган 60 литрлик елим идиш, 5-10 литрлик елим бачоклар, 152,3 тоннадан ошиқроқ маҳсулотлар истеъмол-



чиларга етказилган. Жорий йилнинг беш ойида корхона меҳнаткашлари, қишлоқ хўжалиги экинлари, асосан пахта учун 2798 тонна, халқ хўжалиги учун 766 тонна турли плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот 3564 тоннани ташкил этди. Уй-рўзғор учун ишлатиладиган елим буюмлар 89,8 тонна, сув солинадиган елим идишлар 64,9 тоннадан ортиқроқни ташкил этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги сеялкалари учун тукопровод ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган.

Ҳаммаси хом ашёга боғлиқ

Корхона тайёр маҳсулотлар учун хом ашёни "Шўртанггаз" кимё мажмуидан олади. Бир йилга ўртача 662,5 тонна, ўртача 50582 минг сўмлик хом ашё олинади. Супер концентрат хом ашёси эса Россия Федерациясидан харид қилинмоқда.

– Концентратдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ранг бериш ишларида фойдаланилади, - дейди таъминот бўлими бошлиғи Татьяна Шитц. – Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, албатта. Бу корхонада ҳам ечимини кутаётган муаммолар анчагина. Очиғи, ҳаммаси маблағга бориб тақалади. Маҳсулот харид қилган баъзи ташкилот ва корхоналар қарзларини вақтида



қайтаришмайди. Натижада хом ашё харид қилишда жиддий муаммолар юзага келади.

Ишлаб чиқариш цехларида қудратли машиналарнинг гувиллаган овози қулоқни қоматга келтиради. 1-цехда плёнка ишлаб чиқарилмоқда. Корхона Хитой технологияси асосида жиҳозланган, яъни бу ерда SJ-6528 BL 1600 маркали плёнка ишлаб чиқаришга мослашган ускуналар ўрнатилган.

– Бу цехда уй-рўзғор буюмларини қолипловчи ва қуювчи Мономат-165-330-80 маркали машиналаримиз ишлаб турибди, - дейди цех технологи Люция Васбетдинова.

1-цех бригада бошлиғи Зоир Усмонов, чилангар Братислав Пак, электр устаси Ғулом Тошматов, ишчи Искандар Назаров каби ишлаб чиқариш илғорлари корхонанинг фахри, ифтихори ҳисобланади.

Сифатга эътибор

"Шўртанггаз" кимё мажмуаси ишга тушгач, дастлабки хом ашё "Жиззахпластмасса" ОАЖда синовдан ўтказилди. Қувонарлиси, синов муваффақиятли якунланди ва хом ашё ишлаб чиқаришга кенг қўламда жорий этилди.

Яқинда "Ўзкимёсаноат" давлат акционерлик компаниясига қарашли турдош корхоналарнинг Зоминда ўтган анжуманида ҳам маҳсулот сифатига алоҳида диққат-



эътибор қаратилди.

Қўшимча даромад

"Жиззахпластмасса" ОАЖнинг маркетинг зали, ушбу ишлаб чиқариш масканининг кўзгуси саналади. Турли ранг ва турли шаклдаги халқ хўжалиги ва уй-рўзғор буюмлари дид билан териб қўйилган. Маҳсулот номи, ўлчами ёки сиғими қоғоз-ёрлиқларда акс этган.

–Бу залда 200 хилдан ортиқ маҳсулот намуналари жамланган, - дейди маркетинг бўлими мутахассиси Владимир Рапонов.

Кўргазмалар залида чинни буюмлар борлиги бизни ажаблантирди. Билсак бир вақтлар корхонада чинни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган экан. Хом ашё танқислиги ва баъзи бир муаммолар сабабли ишлар тўхтаб қолган. Ахир хал-



қимизнинг чиройли ва бежирим чойнак-пиёлаларга, турли-туман чинни буюмларга эҳтиёжи катта-ку?! Қолаверса бу корхонанинг ҳамёнига ҳам фойда бўларди. Ишчи ўринлари кўпаяди. Юқоридаги муаммони ҳал этишни, албатта ижобий томонлама юқори мутасаддилар ва корхона маъмурияти бир ўйлаб кўрса фойдадан холи бўлмас.

Савоб ишни ҳар кимдан қилиши керак

Корхона аҳли яқинда Жиззах шаҳридаги 29-сонли меҳрибонлик уйига 160 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

– "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури ижросини бажариш мақсадида Жиззах шаҳар жангчи-фахрийлар бўлимига беш юз минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. "Соғлом авлод" жамғармаси вилоят бўлимига, шаҳар-



даги "Кимёгар", "Сўлоқли" маҳаллаларида истиқомат қилувчи ногиронларга, кам таъминланган оилаларга уч юз минг сўмдан ортиқ моддий ва маънавий ёрдам берилди, - дейди корхонанинг маънавият бўлими бошлиғи Исмадиёр Кўкиев.

"Жиззахпластмасса" ОАЖнинг аҳил жамоаси ҳам бугун ана шу муқаддас байрамни кўтаринки рухда кутиб оляпти. Фурсатдан фойдаланиб фидойи меҳнаткашларни ушбу айём билан чин юракдан табриклаб, ишингиз ҳамиша бароридан келсин, деймиз.

Норқул МАМИРОВ

НОВЫЕ дома стили ДЛЯ людей жизни XXI ВЕКА

ООО "QURILISH INDUSTRIYA HAJMLI UY JOY"

Адрес: 700059. г.Ташкент, ул.Навои, 16а

Тел/факс 144-86-48

339-36-36

E-Mail-www uyjoy@mail.ru

Общие площади квартир 358,4 м² – 662,92м².

(Квартиры-одно и двухуровневые с мансардами)

14

Азиз юртдошлар!

"Қурилиш индустрия ҳажмли уй-жой" масъулияти чекланган жамияти Сизларни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами билан муборакбод этади. Сизларга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-тотувлик тилайди.

Ялтироқ сариқ

Сирдарё вилоятида Боёвут туманининг ҳам ўзига хос салоҳияти бор. 14 қишлоқ, юз мингдан ортиқ аҳолиси бўлган туманнинг ташкил топганига бу йил 50 йил тўлади. Аҳдига қатъий, меҳнаткаш, деҳқончиликда ном чиқарган боёвутликлар бу йил далаларда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Дастлаб бу ерга канал қуриш мақсадида тоғли ҳудудлардан кўчиб келган аҳоли бу жойларни ўзларига макон қилиб обод қилишган, боғу роғлар барпо этишган. Бугунги авлод туманнинг тамал тошини қўйиб ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён этган Турсунбой Латипов, Райимберди Жумаев, Ғойибназар Бердиназаров, Тошпўлат Мирзақобилов, Абдулло Қурбонов, Музаффар Сафаров, Абдулҳақ Абдушохидов, Раҳмон Сувонқуловни ҳурмат билан ёдга олишади, ҳозирда қарилик гаштини сураётган Эркабой Исломовни, Иван Петрович Евстроковни ардоқлашади

Ҳозирги пайтда ўзининг бой тажрибасини ёшларга ўргатаётган Усмон Эшонхонов, Тоир Маъмуров, Сайдулла Абдуқодиров, Раҳмат Ҳотамов, Ҳалим Эшназаров, Аҳмад Кенжаев, боёвутликлар фахри ҳисобланишади.

Боёвут пахтачилик, хўжалик юритиш соҳасида раҳбар кадрлар етиштириб берадиган масканга айланди. Бу ерда орттирилган тажриба, иш услуби, интизом ҳар бир кадрни чиниқтирарди. Бугунги кунда туманнинг қайси бир хўжалигига борманг ажойиб, ташаббускор, меҳнаткаш, ғайрат-шижоатли раҳбарлар, фермерлар, деҳқонлар билан учрашасиз.

Тумандаги "Эшмамат ота" фермер хўжалиги раҳбари Раҳмонқул Гулмуродов, "Эсонбек авлодлари" фермер хўжалиги раҳбари Абдусалом Умаров, "Аҳмадий" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Кенжаев, "Новқа" фермер хўжалиги раҳбари Сафар Маъмуров, 1-Боёвут ширкат хўжалиги раҳбари Ғофуржон Алиев ана шундай ташаббускор, эл-юрт ичида ўзининг меҳнатсеварлиги билан обрў эътибор топаётган инсонлардан саналади.

Рағбат бахш этган қанот

Боёвут тумани машина трактор паркига кўп йилларда бери Ортиқбой Пирматов раҳбарлик қилиб келаяпти.

–Механизаторларимиз, комбайнчиларимиз техниканг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар деган нақлнинг мағзини чақиб олишган, - дейди Ортиқбой Пирматов. –Шу боис техникани авайлаб ардоқлаб ишлатамиз, таъмирлаймиз. Мисол учун ўтган ғалла ўрим мавсумида 16 "Кейс" комбайнимиз билан 9100 гектар ғалла майдонини ўриб, 36 минг тонна ғалла янчиб бердик. Фермерларга эса 383 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Бундан ташқари ихтиёримизда 16 та Магниум тракторлари мавжуд. Ғалладан бўшаган майдонларни 5 августгача ҳайдаб бердик. Бу 140 миллион сўмлик иш бажардик деганидир. Биласизми, яхши ишлаган ишчи бизда эътибордан четда қолмайди. Шу боис мавсумда ана шундай комбайнчиларга 45 тонна буғдой мукофот тариқасида тарқатилди. Буям рағбатлантиришнинг бир кўринишида. мана шундай иштиёқ ва кўтаринки кайфият туфайли ўримни 23 иш кунида тугатдик.

Айни кунларда 24 та "Кейс" русумли пахта териш машинаси пахта териш мавсумига тахт қилиб қўйилган. Машина трактор парки механизаторлари 7,5 минг тонна пахта териб беришга аҳд қилишган.



"Мен фермерман..."

–Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги 476-сонли қарорига асосан ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги қароридан келиб чиққан ҳолда туманимизда ўчта ширкат хўжалигининг экин майдонлари фермер хўжаликларига тендер танлов асосида бўлиб берилди,– дейди туман ҳокими Абдураззоқ Абдуназаров. –Айтиш мумкинки, фермер хўжаликлари ерга эгалик қилганларидан кейин ерга муносабат тубдан ўзгарди, буни 2003 йил билан 2004 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳам фарқ қиласа бўлади.

Ваҳоланки, 2003 йилда туманимизда 29826 тонна пахта ҳосили етиштиришганди. Ҳосилдорлик бор йўғи 18,9 центнерни ташкил этди. Оқибатда йил якуни бўйича туман 163746 минг сўм зарар билан чиқди. Аммо ер фермер хўжаликларига бўлиб берилгач 2004 йилда 34177 тонна пахта ҳосили етиштирилди, ҳосилдорлик 20,2 центнердан ҳосил олиб, 49633 тонна буғдой етиштирдилар. Ҳар гектар ерга 225800 харажат қилинган бўлса, даромад эса 135700 минг сўмни ташкил этди. Демак, кўриниб турибдики ер эгасига берилди. Иш юришди, буғдой хирмонлари бўй кўрсатди, ютуққа эришилди. Бу йил туманимизда 17707 гектар ерга пахта экиб, 43230 тонна маҳсулот етиштириш режалаштирилган. Туманимиз механизаторлари ўз олдига қўйган режани ҳозирги кунда 102 фоизни бажаришни мўлжаллашмоқда. Насиб этса ҳосилдорлик 24,6 тонна ташкил этади. – Тумандаги ижтимоий муаммоларни ечиш учун аввало туман иқтисодини кўтариш керак. Бунинг учун аввало пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш лозим бўлади дея гапида давом этади. Абдураззоқ Абдуназаров –Ер эгалик бўлди. Одамлар мулкдор бўлишди. Пахтага, ғаллага муносабат ўзгарди. Ҳар бир фермер ўзи учун жон куйдиради харакат қилади. Биз эса ташкилий томонидан ёрдам беришимиз лозим. Ҳукумат ёнилғи, минерал ўғитлар, техникадан катта ёрдам бераяпти.

Банк деҳқон мададкори

–"Пахта Банк"нинг Боёвут бўлимидан 9 миллион сўм кредит олиб ТТЗ-80 трактори сотиб олдик – дейди "Жўрамурод ота" фермер хўжалиги раҳбари З.Хўжамуродов.-Илгари техникамиз йўқ эди. Даламга ишлов беришда қийналардим. Энди ўзимни техникам бор. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериб гектаридан 28 центнердан ҳосил олишни чамалаб турибмиз. Худо хоҳласа, олган имтиёзли кредитимизни икки йилда ёпамиз.

–Шунингдек, "Магеллан" фермер хўжалигига ҳам "Алтай" трактори сотиб олиш учун 26,1 миллион кредит бердик дейди банк бошқарувчиси ўринбосари Шерзод Эралиев –АТ "Пахта Банк"нинг Боёвут бўлими ҳозирги кунда 419 мижозга хизмат кўрсатаётир. Уларнинг 139 нафари фермер хўжалиги, 11 ширкат хўжалиги ва уюшмалардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 607-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида банк бўлими қошида битта мини-банк ҳисоб-китоб қилинганда бу борада ҳам 829532 минг сўм фойда кўрилгани маълум бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилдаги 607-сонли қарорига асосан туманимизда 7 та ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилди. Шу фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган тармоқлар очилди. Бу йил туманимиз меҳнаткашлари ғалла етиштириш режасини 101,0 фоизга бажардилар, гектаридан 43,9 центнердан ҳосил олиб, 49633 тонна буғдой етиштирдилар. Ҳар гектар ерга 225800 харажат қилинган бўлса, даромад эса 135700 минг сўмни ташкил этди. Демак, кўриниб турибдики ер эгасига берилди. Иш юришди, буғдой хирмонлари бўй кўрсатди, ютуққа эришилди. Бу йил туманимизда 17707 гектар ерга пахта экиб, 43230 тонна маҳсулот етиштириш режалаштирилган. Туманимиз механизаторлари ўз олдига қўйган режани ҳозирги кунда 102 фоизни бажаришни мўлжаллашмоқда. Насиб этса ҳосилдорлик 24,6 тонна ташкил этади. – Тумандаги ижтимоий муаммоларни ечиш учун аввало туман иқтисодини кўтариш керак. Бунинг учун аввало пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш лозим бўлади дея гапида давом этади. Абдураззоқ Абдуназаров –Ер эгалик бўлди. Одамлар мулкдор бўлишди. Пахтага, ғаллага муносабат ўзгарди. Ҳар бир фермер ўзи учун жон куйдиради харакат қилади. Биз эса ташкилий томонидан ёрдам беришимиз лозим. Ҳукумат ёнилғи, минерал ўғитлар, техникадан катта ёрдам бераяпти.

Банк деҳқон мададкори

–"Пахта Банк"нинг Боёвут бўлимидан 9 миллион сўм кредит олиб ТТЗ-80 трактори сотиб олдик – дейди "Жўрамурод ота" фермер хўжалиги раҳбари З.Хўжамуродов.-Илгари техникамиз йўқ эди. Даламга ишлов беришда қийналардим. Энди ўзимни техникам бор. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериб гектаридан 28 центнердан ҳосил олишни чамалаб турибмиз. Худо хоҳласа, олган имтиёзли кредитимизни икки йилда ёпамиз.

–Шунингдек, "Магеллан" фермер хўжалигига ҳам "Алтай" трактори сотиб олиш учун 26,1 миллион кредит бердик дейди банк бошқарувчиси ўринбосари Шерзод Эралиев –АТ "Пахта Банк"нинг Боёвут бўлими ҳозирги кунда 419 мижозга хизмат кўрсатаётир. Уларнинг 139 нафари фермер хўжалиги, 11 ширкат хўжалиги ва уюшмалардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 607-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида банк бўлими қошида битта мини-банк ва битта коммунал тўловларни қабул қилиш учун махсус касса фаолият кўрсатмоқда. Филиал қошидаги "Деҳқонобод" мини-банки томонидан 14 мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Банк томонидан занжирли трактор сотиб олиш учун имтиёзли кредит берилган. Бу албатта, фермерларни оёққа туриб олишида катта ёрдам беради.

Банк бўлимида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини талабига биноан кредит маблағлари ажратилмоқда. 2005 йил пахта ҳосили етиштириш учун 44713,0 минг кредит маблағлари пахтакорларга берилди.

Имконият

Изланганга имконият етарли

"Аҳмадий" фермер хўжалиги соҳиби Баҳодир Кенжаев 1992 йилда 5 гектар ер олиб, деҳқончилик қилган эди. Бугун эса ихтиёрида 32 гектар ер майдони бор. Миллионлар билан гаплашадиган миллионер-фермер. Ҳар йили 4-5 миллион сўм соф фойда олади. Фермер хўжалигининг ҳисобида "МТЗ-80" трактори, "Нива" комбайни бор.

– Яқинда қарз ҳисобига "Магниум" тракторини олдик. Ўзимизнинг ерни ҳайдаб бўлгач, бошқаларга ҳам хизмат кўрсатамиз, – дейди Баҳодир Кенжаев. – Бу йил ғалладан 45 центнердан дон олдик. Пахтадан эса 36 центнердан ҳосил олишни чамалаб турибмиз. Бу ишларда Тўлқин Тойлоқов, Сафар Бекназаров каби сувчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Қарамоғимизда яна 20 бош қорамолимиз бор. Бу ҳам иқтисодни кўтаришнинг бир йўли.

Истиқлол йилларида туманда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Фақатгина кейинги беш йил ичида бу ерда тўртта касб-ҳунар коллежлари қад кўтарди.

Айрим мактаблар қайта таъмирланиб, ишга тушаяпти. Спорт иншоотлари ишга тушди.

Эл соғлиғи - юрт бойлиги

Кейинги йилларда туманда шифохоналарни таъмирлашга, уларни замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлашга ҳам катта эътибор берилаяпти.



–Аввалги йили тез тиббий ёрдам бўлими 90 миллион сўмлик маблағ эвазига таъмирланган бўлса, бу йил туғруқхона капитал қайта таъмирдан чиқарилди, - дейди тез тиббий ёрдам бўлими мудири, олий тоифали жарроҳ Ўрозали Норбўтаев.– Унга 24 миллион сўмлик жиҳозлари олинди. Тумандаги 27 та қишлоқ врачлик пункти замонавий кўриниш ва жиҳозларга эга. Бу эса юртимизда аҳоли саломатлигига жиддий эътибор берилаётганлигидан уларга малакали хизмат кўрсатиш юқори даражада ташкил этилаётганлигидан далолат. Буни шошилинч тез тиббиёт ёрдам бўлинмасида ишлаётган 5 нафар врач, 18 нафар ҳамшира ҳам тўғри англаб етган. Натижада бўлинма фидойилари Тўхли Эшназаров, Шахринисо Каттабекова, Нодира Аҳадова, Нарзикул Худойназаров, Бахтиёр Маматқуловлар меҳнатидан барча беморлар хурсанд.

–Барча туғруқ ёшдаги аёлларни кўрикдан ўтказганмиз, - дейди бўлим мудираси, биринчи тоифали акушер-гинеколог Г.Шодиева. – Таъкидлаш керак, профилактик тадбирларни вақтида ўтказиш ўз самарасини берди. Чунки кейинги йилларда Оналар ва болалар ўлими кескин камайди.

Хуллас, айни пайтда туманнинг қайси соҳасига мурожаат қилманг, катта ўзгаришлар, иқтисодий юксалишлар олиб борилаётганлигига гувоҳ бўласиз. Бу истиқлол имкониятлари ва имтиёзларининг бисёрлигидан дарак беради. Туман аҳлининг бугунги аҳди, ғайрати, жўшқинлиги эса юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида қилаётган ҳаракатлардир. Биз уларни энг азиз байрамимиз – Мустақилликнинг 14 йиллиги билан қутлаб, меҳнатларига барака, эзгу ишларида ҳеч қачон чарчамасликларини тилаб қоламиз.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Сиз бунга нима дейсиз?

Кўникишми ёхуд?..

Автобусда бир аёл ҳамроҳига: "Кеча ўғлим бозордан пачкали сариёғ олиб келувди. Еб кўрсак, мазаси ғалати... Билсак, муддати ўтган, эскириб қолган экан", дея куюниб ёзғирар эди.

Шунда ўзим яқинда дуч келганим – шунга ўхшаш ҳолат ёдимга тушди. Дўкондан шампун олувдим. Нархи анчайин қиммат ва телеэкранларда сифати кафолатланган ҳақида бонг уриладиган ушбу соч ювиш воситасини ишлатиб бўлмади. Ҳайрон бўлдим. Сўнг амал қилиш муддатига қарасам, яроқлилик муддати қарийб ярим йил олдин тугаган экан.

Бугун дўкон-у бозор расталарида ранг-баранг истеъмол маҳсулотларини кўриб, кўзингиз қувнайди. Уларнинг сифати, табиийлиги ва хилма-хиллигидан мамнун бўласиз. Қизиғи, айни пайтда истеъмолга яроқсиз маҳсулотлардан хафсаласи пир бўлаётганлар ҳам орамизда кўп. Кимдир эскириб қолган печеньени, кимдир таъми нохуш ичимликларни, яна кимдир эса қадоқланган сосискаларни мисол келтиради. Ҳатто соч бўёғидан фойдаланадиган айрим қизларнинг яроқсиз соч бўёқ туфайли аллергик тошмалар-у соч тўкилишлардан халос бўлолмаётганини учратишимиз мумкин.

Хўш, бу каби ҳолатларда кўпроқ ким айбдор? Харидорми ё сотувчими?

Аксариятимиз айбни сотувчига юклаймиз. Сотаётган молини, муддати ўтганини билса ҳам, харидорни огоҳлантирмай пуллаши, азбаройи камомадга йўл қўймаслик илинжида пештахтадаги маҳсулотни йиллар давомида сақлашини қоралаймиз. Лекин қарични кенгроқ олсак, танганинг иккинчи томонида ўзимизни кўрамиз. Сифатсиз маҳсулотга чув тушиб қолишда ўзимиз айбдор эканлигимизни ҳис қиламиз.

Очиғи, маҳсулотнинг истеъмол муддати, таркиби ҳақидаги маълумотлар билан танишишга ҳаракат қилмаймиз. Ҳатто уйга келиб, харидимизнинг яроқсизлигини билгач ҳам, чекини олиб, сотувчига рўбарў бўлишга ийманамиз. "Уч-тўрт сўм пул деб ўраманми?" деймиз. Оқибатда эса пешона тери билан топилган ўша уч-тўрт сўм ҳавога совурилади. Шу тарзда ножоизликка кўникиб, қўл силтарканмиз, истеъмолчи сифатида ҳуқуқларимиз поймол бўлаётганига ўзгаларни сабабчи кўрсатамиз. Ваҳоланки, ҳақ-ҳуқуқни аввало ўзимиз ҳимоя қилишимиз керак. Шундаймасми?

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Ўрмончилик

Яшилликдан яшнар олам

Ўрмон бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш инсоннинг табиат олдидаги масъул бурчидир. Бу ишларни бевосита амалга оширувчи ташкилот худудлардаги ўрмон хўжалиги бошқармалари бўлиб, улар хизмат фаолияти кўпгина ишларни амалга оширишни ўзида мужассамлаштирган.

Жумладан, ўрмон хўжалигини ривожлантириш, тармоқда фан ва техника тараққиётидан унумли фойдаланиш, ўрмон маҳсулотларини кўпайтириш, муҳофаза ва ҳимоя қилиш, ўрмон фонди худудида миллий паркларнинг ишини юритиш, ўрмонларнинг экологик функцияларини кучайтиришдир.

Жиззах вилояти худудининг бир қанча қисми тоғ ва тоғ олди ерларидан иборат. Бу эса ўз-ўзидан ўрмонлар мавжудлигидан дарак беради. Ҳақиқатдан ҳам Нурота ва Зомин тоғлари бағридаги ям-яшил арчазорлардан иборат ўрмонлар нафақат кишининг баҳри дилини очади, табиатнинг кўркига кўрк қўшади. Бу ўрмонлар юртимиз бойлиги, экологиянинг софлиги, табиатнинг табиийлиги учун хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда Жиззах вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси тасарруфида 275800 гектар ер майдони мавжуд. Бошқарма хизматчилари аввалambor ушбу худудда ўрмонларни янада кўпайтириш, янги ўрмонзорларни барпо қилиш учун ёнғоқ мевали ва бошқа тез ўсувчи дарахт навларидан иборат бўлган ўрмонлар яратиш, эрозияга қарши дарахтзорлар барпо қилиш ишларини олиб борадилар.

Шунингдек, ўрмонларни ёнғиндан, турли зараркунанда ва касалликлардан асраш, қоидабузарлардан ўрмонни қўриқлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ишларига масъулдирлар.

Бешта ўрмон хўжалиги, Зомин ва Нурота қўриқхонаси, Зомин халқ боғи ҳамда балиқчиликка ихтисослаштирилган махсус хўжалик ўрмон хўжалиги бошқармасига қарашлидир.

Бошқарма кейинги йилларда кўпроқ яшил майдонларни кўпайтириш учун, ўрмонзорларни кенгайтиришга алоҳида эътибор бе-



раётир. Ўтган йили 300 гектарга экилган кўчатлар бугун гуркираб ўсмоқда. Жорий йилда эса ўрмончилар 570 гектар майдонга турли дарахт уруғлари ва кўчатларини экиб, уларни парвариш қилмоқдалар. Яқин йилларда ушбу ниҳоллар бўй чўзиб, тақир ерлар яшиллик билан қопланиши шубҳасиз.

Асосан тоғолди худудларида тоғ иқлимига, тупроқ шароитига мос тоғ арчаси, тоғ олчаси, қайрағоч ва бошқа мевали дарахтлар экилмоқда.

Маълумки, фақат кўчатни ерга қадаш билан ўрмон пайдо қилиб бўлмайди. Ниҳоллар ҳам ёш боладек гап. Уларга ҳам парвариш, эътибор зарур, чорва молларининг пайҳон қилиб кетишидан қўриқлаш керак. Яшил ўрмонлар яратиш иштиёқи билан яшаётган жиззахлик ўрмончилар эса бу ишларнинг ҳаммасини уддабуронлик билан адо этишаётир.

Шунинг учун бугунги кунда вилоятда 104845 гектар майдон ўрмон билан қопланган.

Ўрмонларнинг кўплиги ва қалинлиги ерларни тупроқ эрозиясидан асрайди, турли кўчкиларнинг олдини олади, наботот ва ҳайвонот дунёсини бойитади, булоқларнинг сершув бўлишини таъминлайди.

Вилоят ўрмончилари нафақат тоғ ва чўл худудларини яшартириш, яшиллаштириш билан шуғулланишади. Улар шаҳарларнинг ҳам экологиясини мусаффо қилувчи, кишиларнинг баҳри дилини очувчи боғ-роғлар яратиш билан ҳам шуғулланишади.

Жиззах шаҳрида улар яратган боғлар бугунги кунга келиб шаҳарликларнинг дам оладиган энг гўзал масканларидан бирига айланган. Жиззах шаҳрида яратилган Истиқлол, Нуронийлар, Соғлом авлод боғи деб аталувчи катта-кичик боғлар уларнинг меҳнатининг самарасидир.

Вилоят ўрмончилари ҳар йили ўз кўчатзорларида бир ярим миллиондан ортиқ турли кўчатлар етиштирадилар. Ўзларининг эҳтиёжидан ортган кўчатлар бошқа хўжалик ва ташкилотларга буюртма асосида етказиб берилади.

Вилоят аҳолисининг ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжини қондириш учун ўтган йиллар давомида 560 гектар майдонга терак ва ёғочбоп дарахтлар экилди. Бу йил ҳам ушбу иш давом эттирилиб 40 гектар ерга қурилишбоп терак ниҳоллари қадалди.

Аввал экилган тераклар бугунги кунда етилиб, қурилиш корхоналари ва аҳолига сотилмоқда. Ўтган йили 424 куб метр, жорий йилда 380 куб метр ёғоч тайёрланиб харидорларга етказиб берилди.

Вилоят ўрмон хўжаликларида турли-туман сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган ойларида 150 тонна ғалла, 110 тонна сабзавот, 50 тонна полиз, бир тонна асал, 324 тонна ҳўл мевалар тайёрланди.

Жиззах ўрмонлари турли шифобахш гиёҳларга бой. Аҳолининг саломатлигини тиклаш йўлида шу гиёҳлардан фойдаланишни ҳам ўрмон хўжалиги ходимлари яхши йўлга қўйганлар. Ушбу ўрмонлардаги мавжуд ги-



ёҳлардан 2,8 тонна дала чой ўти, 1,5 тонна тоғ райҳони, 500 килограмм кийик ўти йиғиштирилиб, соғлиқни сақлаш муассасаларига юборилди.

Албатта қилинган меҳнатлар бесамар кетмади. Етиштирган маҳсулотлари эвазига бошқарма жорий йилнинг ярим йилида 38238 минг сўм даромад қилди. Топилган даромад ишловчиларнинг ижтимоий муҳофазасини яхшилашга сарфланиш билан бирга, ўрмон хўжалиги бошқармасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Олам гўзаллиги бу табиат билан боғлиқ. Табиатнинг чиройи ўрмонларда мужассам. Шу гўзалликни яратувчи ўрмончилар меҳнатига доимо тасаннолар бўлсин.

Ў. ЖЎРАЕВА



Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

Андижонда юз берган нохуш воқеалар муносабати билан "Мингтепа" қишлоғида "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" мавзуида ўтказилган кечада пискентлик кекса тадбиркор Содиқжон ота Исаматов маҳалладошларига қуйидаги ибратли ҳикояни сўзлаб берган эди: "Қадимда кўпни кўрган, ҳаёт тажрибаси қилни қирқ ёрадиган бир пиру нуроний ўтган экан. Кунлардан бир кун унинг ўғли падари бузруквори ҳузурига кириб изтироб билан арз қилибди.

- Қиблагоҳим, ишимиз чатоқ, уйимиздан бахт кетаман деяпти.

Ногаҳоний бу гапдан ота қилт этмабди. Аксинча тўла хотиржамлик билан пинагини ҳам бузмай шундай жавоб қайтарибди:

- Бахт кетса кетаверсин, аҳиллик кетмасин, болам.

Сал фурсат ўтмай ўғил яна отаси қошига келибди.

- Бузруквор, айтишга ҳам тилим бормаяпти. Омад ҳам нечундир хонадонимизни тарк этмоққа шайланаётир. Энди аҳволимиз нима кечади?




тўла намоён этди. Халқимиз ўша таҳликали дақиқаларда ҳам парокандаликни асло хаёлига келтирмади. Балки алоҳида яқдиллик, ҳамжиҳатлик билан ўз Президенти ва ҳукумати теварагига янада маҳкамроқ жипслашиб, бу билан ғаламис кимсаларга ўз нафрат ва эътирозларини тўла ифодаладилар. Бирдамлик ғанимларни доғда қолдирди.

Андижон воқеаларига мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби Пискет туманида ҳам кучли муносабат билдирилди. Маҳаллаларда, қишлоқларда, меҳнат корхоналари ва мактабларда бўлиб ўтган турли йиғин ҳамда кечалар айнан шу масала муҳокамасига бағишланди. Одамлар кайфиятида, нуткида туғилиб ўсган юртга, она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, нопок кимсаларнинг кечириб бўлмас қилмишларига эса кучли нафрат баралла сезилиб турди. Бир сўз билан айтганда, яқдиллик чиройли кўринишларда ўз ифодасини топди. Дарвоқе, ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқазиб эзгу мақсадлар сари интилаверишда ҳикмат кўп. Бу борада одамлар бошини қовуштириб,

Эътироф

уларни эзгу ишларга тўғри йўналтира олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Туманда мана иккинчи йилдирки худди шу масалада етар-



лича саъй-ҳаракатлар кўрсатилиб, турли жабҳаларда муваффақият қозонилмоқда. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида, қишлоқ хўжалигида, саноат, қурилиш ва ободончилик соҳаларида бугун алоҳида эътироф этишга арзигулик ишлар амалга оширмоқда. Таъкидлаш жоизки, пискентликлар йил бошидаёқ энг азиз, энг улуғ байрамимиз ҳисобланган истиқлолнинг шонли 14 йиллик байрамини барча соҳаларда ўта кўтаринкилик ва меҳнат ютуқлари билан қарши олишни ўз олдиларига қатъий мақсад қилиб қўйган эдилар. Шу ниятда муҳим тадбирлар белгиланганди. Не бахтки, мустақиллик шодиёналари кенг тантана қилинаётган шу кунларда қалблар сурурга тўлган, юзлар ёруғ. Сабаби - тўйга аталган тўёналар тахт. Узоқни кўзлаб, халқни ўйлаб тузилган барча режалар тўлиқ амалга ошди. Аввало деҳқончиликнинг би-



ринчи ҳосили бўлган - пилла ва ғалладан сўнгги йилларда илк маротаба энг юқори ҳосил кўтарилди. Омборлар донга тўлиб-тошди. Биргина ғаллачиликнинг ўзидан олинган даромад туман бўйича 3058,9 миллион сўмни ташкил этди. Ўтган йили бу соҳадан кўрилган соф фойда 121 миллион сўм бўлган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда қарийб икки баравардан зиёд - 297 миллион сўмдан ошиб кетди. Даромадга қараб буромад де-



26 сонли мактаблар капитал таъмирдан чиқарилди. 9 ва 10 сонли мактабларни жорий реконстукция қилиш тўлиқ ниҳоясига етди. Бу мактаблар қурилишига жами 320 миллион сўм маблағлар сарфланди. Умуман олганда ўтган ярим йил ичида 1864,6 миллион сўм капитал маблағлар ўзлаштирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, қарийб қайта қурилган бу илм масканларида болалар спортини ривожлантириш алоҳида назарда тутилган. Ҳар бир таъмирдан чиқазилган мактаблардаги спорт заллари бугунги кун талабларига тўла жавоб беради. Қурилиш ишлари бошқа жабҳаларда ҳам тезкор давом этмоқда. "Пискент" ширкат хўжалиги ҳудудида яна янги қўшимча қишлоқ врачлик пункти қад ростлаяпти. Энг қувончли хушхабар эса мустақиллик шарофати билан, қолаверса туман хокимининг астойдил асъй-ҳаракати туфайли Пискентга ҳам темир йўлнинг келаётганлигидир. Тадбиркорлик ҳаракатларини астойдил қўллаб-қувватлаш улар ҳуқуқини ҳар томонлама ҳимоя қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бундай эътибордан руҳланаётган ишбилармонлардан биргина мақоламиз бошида тилга олганимиз – Содиқжон ота Исаматов ҳақида гапирадиган бўлсак тадбиркор ўтган йиллари ўз жамғармаси ҳисобидан қишлоқдаги мактабни қайта қуриб берганди, маҳалласига сув чиқазиб, кўчаларга асфалт ётқизган эди. Бугун эса "Минг тепа" қишлоғи ёшларига спорт зали қуриб беришга киришган. Чорвачилик мажмуига асос солишни ҳам режалаштирмоқда. Бундай ҳайрли ишлар кўлами туман миқёсида тобора кенгайиб бораяпти. Қабристонларни обод қилиш, азиз қадамжоларни янада севимли зиёратгоҳга айлантириш ва имон-эътиқод борасида ҳам одамлар кайфиятини кўтарувчи ишлар қилинмоқда. Шу кунларда эса туманда асосий соҳада етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш мақсадида яқинлашиб келаётган пахта мавсумига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

– Мамлакатимизда ҳурматли Президентимиз раҳбарликларида ўта мустаҳкам сақланаётган барқарорлик ҳамма муваффақиятларимизнинг асосий омили бўлмоқда, - дейди туман ҳокими Убайдулла Абдуллаев.

Мевали дарахтга тош отадилар, юксалаётган, ўз йўлини ўзи белгилаб ёруғ келажак сари дадил қадам ташлаб, қудрати юксалиб бораётган давлатнинг ғанимлари, ютуқларини кўролмайдиган душманлари ҳам кўп бўлади. Ғаразлар қанчалик, урчимасин, ётлар ивоси кўпаймасин – барибир ўзаро ҳамжиҳатлиги ҳамиша барқарор бўлган, аҳиллиқда тенгсиз ҳисобланган бу халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



асло унамади. Аҳилликка тобе эканлигимиз боис биз ҳам бу ерда абадул абад қолишга мажбурмиз".

Ушбу ибратли ҳикоя ўша куни кеча иштирокчиларини ўйлантириб қўйди. Мушоҳадага ундади. Ривоятнинг мазмун ва моҳиятини, унинг замиридаги қимматли маънони англаган маҳалладошлари Содиқжон отанинг мулоҳазаларига таҳсинлар айтишди. Бугун ҳаммаси кундай равшан: Андижон воқеаларини ташкил этган ёт ғаламислар, аслида бизнинг мустақиллик аталмиш улуғ бахтдан, истиқлолдай буюк омаддан мосуво этиб, Оллоҳ назар қилган юртимиздаги файз-барокатдан ҳам маҳрум қилишни ғараз кўнгилларига туккан эдилар. Не бахтки, манфур мақсадлари саробга айланди. Чунки улар ўзига бек бўлган халқимизнинг асрлар оша қон-қонига сингиб, шимилиб кетган, томирларида чуқур илдиз отган ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик фазилатларини ҳисобга олмай бу қабиҳ ишга қўл урган эдилар. Аҳиллик эса қандай қудратга эга эканлигини амлда бутун дунё ҳамжамияти олдида



Самарқанд ғаллакорлари Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллик юбилейини муносиб нишонламоқдалар. Механизация дала ишларига юксак унум бағишлаб, ерларни экишга тайёрлаш, уруғ сепиш ғалланы қисқа муддатларда ўриб-янчиб олишда ҳал қилувчи омил бўлиб қолди.

- Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалик машиналари парки энг янги, серунум, замонавий ҳайдов тракторлари, комбайнлар билан тўлди, - дейди Самарқанд вилояти машина-трактор парклари бирлашмаси бошқарувининг раиси О.Аҳадов. - Ҳозир бирлашмамиз бўлинмалари тасарруфида 173 дона "Кейс" ғалла ўриш комбайнлари, 170 дона "Магнум" ҳайдов тракторлари ва бошқа турдаги кўплаб техника воситалари мавжуд. Туманлардаги 22 машина-трактор парклари - "МТП" акциядорлик жамиятлари, 2 та таъминот базаси, "Кейс-А" ва "Кейс-Б" техник хизмат кўрсатиш марказларида шу йилнинг етти ойи мобайнида ширкат ва фермер хўжаликларига 5 миллиард 385 миллион сўмлик механизация хизмати кўрсатилди. Умуман, бирлашмамиз жамоалари бу йил турли мулкчилик шаклларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарига 9 миллиард 500 миллион сўмлик механизация хизмат кўрсатишни режалаштирганмиз.



Ҳар даврнинг ўз хусусияти бўлади. Мустақиллик йиллари деҳқонлар ерни узоқ муддатли тасарруфга олиб, ҳар йили мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг янги-янги имкониятларини ишга солиш учун интилмоқдалар. Кейинги йилларда, хусусан, ғаллачиликда қишлоқ хўжалик машиналари имкониятидан фойдаланиш борасида ҳам бой тажриба орттирилди. Ғаллани экишнинг янги усули ўзига хос, содда ва қулай. Лекин самараси катта. Аввало ер майдонларини экишга тайёрлашнинг янгича усули қанчалик афзал эканлигини тажриба кўрсатди.

Хўш, гап нимада? Бу қандай усул?

- Мўл ҳосил етиштириш учун, биринчидан, ер экишга яхшилаб тайёрланиши керак, - ҳикоя қилади О.Ахадов. - Ғалла экишнинг янги усули деганимизда, далани суғориш, чуқур қилиб сифатли ҳайдашни, шудгорни узун базали текислагичлар билан текислашни, кейин жўяк олиб, яна сув қуйиб, барча бегона ўтлар ундирилиши, кўкариб чиқишини, шу орада чизел ёрдамида ўтларни қуритиб, далани тозалаб олишни ва ғаллани махсус мосламалар ёрдамида экишни тушунамиз. Бу йилги ҳосил учун ўтган куз ғаллани асосан шу усул билан экдик.



Янги мосламанинг афзал жиҳатлари кўп. Ғаллани экиш чоғида жўяк олиниб, мосламалар тупроқ юзасини текислаб ўтади. Бу жараёнда уруғ тўлиқ кўмилиб, махсус механизм пушта усти ва жўякнинг ён бағирларини зичлаб кетади. Демак, уруғ тўла кўмилиб, униб чиқиш фоизи ортади. Экин туплари тўп-тўп бўлиб ўсади. Қолаверса, пушта усти текисланиши комбайнлар ўрим палласи юқори унум билан ишлайди.

Янги тажрибанинг самараси ғаллакорларни қувонтирди: уруғ шу усулда сепилган очиқ майдонларда ҳосил бошқа ерлардагидан 10-15 центнер юқори бўлди.

Бу йилги ўрим мавсумида бундай ғаллазорларда бир комбайннинг кунлик иш унуми 25-30 гектарга етиб 190 тоннагача донни янчиб, машиналарга юклаб берди.

Машина-трактор парклари механизаторлари мавсумда 93 минг 991 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб беришди. Бу йилоят жами ғаллазорларининг 91,3 фоизини ташкил этиши инобатга олинса, МТПлар ҳисобидаги "Кейс" комбайнлари ялпи иш ҳажмининг салмоғи ойдинлашади.

Шу кунларда 2006 йил ҳосили учун ғалла экишга тайёргарлик бормоқда. Вилоят ҳокимлигининг фармойишига мувофиқ барча майдонларга уруғни янги усулда сепишга ҳозирлик кўрилаётир. Самарқанд туманида ўтказилган кўргазмали ўқув семинарида ҳўжалик раҳбарлари, мутахассислар, механизатор ва кўпчилик ғаллакорлар бу тажрибанинг афзалликлари билан таништирилди.

Вилоят бирлашмаси ўз таркибига 22 та туман МТПларини жамлаган. Уларда 14 та махсус таъмирлаш ва 17 та умумий таъмирлаш устахоналари ташкил этилган. Бу устахоналарнинг йиллик қуввати 1 миллиард 700 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажаришга етади.

- Шу йилнинг ўзида бирлашмамиз ремонт устахоналари ширкат ва фермер хўжаликларининг 1700 та трактори, 600 дона турли тирқама ускуналари, 700 дона плуг, 500 дона чизел, 1000 дона экиш агрегатларини таъмирлаб берди, - дейди бирлашма бошқарувининг раиси. – Агар бунга 552 тонна турли двигателлар таъмирланиб, 188 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ясаб ёки қайта тиклаб берилгани қўшилса, созловчиларимизнинг иш кўлами қанчалик катта эканлигини илғаб олиш қийин бўлмайди.

Самарқанд вилояти далаларида бугун иш қизғин. Жамики саъй-ҳаракатлар экин майдонларини сифатли тайёрлаш, кузги ғалланы қисқа муддатларда экиб, ўндириб олиб, келгуси йил ҳосилигина пухта асосли замин яратишга қаратиляпти. Ғаллакорлар миллий байрам - Мустақиллик кунини муносиб нишонламоқдалар.

Х.РАСУЛОВА

Ерни даволаётган баҳодирлар

Бу йил сирдарёлик фермерлар ўзгача ғайрат шижоат, кўтаринкилик билан меҳнат қилаётирлар. Жумладан, жорий йилда ғалла, пилла сотиш режаси ортиғи билан бажарилди. Айни дамларда эса пахтадан юқори ҳосил яратиш учун ҳаракат қилинмоқда.



Бу муваффақиятларнинг боиси нимада, деган савол туғилади. Биринчидан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар давом эттирилиб, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари тугатилиб, ўрнига минглаб фермер хўжаликлари ташкил этилиб, ер ҳақиқий эгасини топгани бўлса, иккинчидан, ҳукумат томонидан мелиорация ва ирригация ишларига катта эътибор бериб ариқ зовурларни реконструкция қилиш, дренаж тармоқларини ювиб тозалаш, ерни даволаш, яъни қуриш-ювиш ишларига катта маблағ ажратилаяпти.

Сирдарёда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, хўжаликларга етарли миқдорда сув етказиб бериш, билан Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари сув ҳавзаси бошқармасининг бўлимлари, корхоналари, ташкилотлари шуғулланадилар. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини таҳлил қилиш, тавсиялар ишлаб чиқиш, мелиоратив тадбирларни ўтказиш, сув билан таъминлаш, зовурларни тозалаш билан боғлиқ ишлар ўз самарасини бераяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 320-сонли қарорига асосан фаолият кўрсатаётган ушбу бошқармага 1270 километр магистрал ва хўжаликлараро каналлар, улардаги сув тақсимоти иншоотлари, минглаб сув ўлчаш иншоотлари, 13517 км хўжаликлар ҳисобидаги каналлардан барча турдаги сув истеъмолчиларига чекланган лимитдаги сувни холисона тарқатиб, одиллик билан хизмат қилиб, далага етказиб бериш юклатилган. Хўжаликлараро ва магистрал зовурларнинг сувини вилоятлар чегарасидан олиб чиқилишини таъминлаш, хўжаликлар ҳисобидаги ички зовурлар тармоқларини узлуксиз назорат остига олиб, ишчи ҳолатига келтириш, мавжуд ёпиқ-ётиқ дренажларни ишга яроқли ҳолатда ушлаш, йирик насос станцияси ва уларнинг агрегатларини белгиланган режимда ишлатишни, тик қудуқларнинг соз ҳолатда ишлашини таъминлаш белгиланган. Шунингдек Зомин, Хўжамушкент ва Сармич сув омборларини белгиланган режимда сув билан таъминлаб Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг 511,8 минг гектар экин майдонларига сув етказиб бериш вазифа юкланган.

Сирдарё вилояти экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига ҳукуматимиз томонидан 1,33 миллиард сўм ажратилиб, амалда 839,6 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди, - дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Аваз Мустанов. –Магистрал ва хўжаликлараро каналларни тозалаш ва таъмирлаш 225 км белгиланиб, амалда 269 километр тозаланди. 329 та гидротехник сув тақсимоти иншоотлари таъмирланди. Вилоятда бирламчи сувдан фойдаланувчилар 116 та бўлиб, улар билан тўлиқ шартномалар тузилди. Иккиламчи сув истеъмолчилари 6854 та бўлиб, амалда 6748 таси билан шартномалар тузилди. Ёзги суғориш мавсуми бошлангунча барча туман ва хўжаликлар ҳудудида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш нормаларини, муддатларини аниқлаш, суғориш технологияларини жорий этиш, сувдан фойдаланишда "Тежамкорлик" воситалари билан истеъмолчилар таништирилиб, ҳар бир сувдан фойдаланувчига қўлланмалар тарқатилди.



Бугунги кунда вилоятда ҳар бир 5 гектар майдонига 1 сувчи, 150 гектар пахта майдонига эса сув хўжалиги ходимларидан битта масъул раҳбар бириктирилган. Бир гектар ерни суғориш учун сувчига 25 минг сўмдан пул узлуксиз бериб борилди, хўжалик бўйича бириктирилган ҳудудий ходимга 50 минг сўм рағбатлантириш маблағи берилди. Пировард натижада сув таъминотида деярли узилиш бўлмади.

Вилоятда ер майдонларининг таркибини гидрогеология мелиоратив экспедицияси назорат қилиб боради. Тупроқ таркибини таҳлил қилади,тавсиялар ишлаб чиқади, амалиётда мелиорация ишларини бажаради.

Мелиорация

Экспедиция томонидан 290,7 минг гектар суғориладиган майдон назоратга олинган. Экспедиция зиммасига 1962,7 км магистрал ва хўжаликлараро зовурларнинг эксплуатацияси, 7104 очиқ хўжалик ҳисобидаги зовурлар ва 9403 километр ёпиқ зовурлари назоратини олиб бориш билан бирга уларни тозалаш мониторингини юритиш ҳам юкланган. Магистрал ва хўжаликлараро зовурларни тозалаш йиллик режаси 508 км бўлиб амалда 400 км тозаланиб 2000 минг куб тупроқ ишлари бажарилиб тассаруфларидаги барча зовурлар ишчи ҳолатига келтирилиб, мелиоратив ҳолати яхшиланади.

"Сардоба" равон оқади

–Трестимиз экскаваторчилари энг йирик объектлардан бири Сардоба коллекторини реконструкция қилиш, Марказий Мирзачўл зовурни тозалаш ишлари билан шуғулланаяпти, - дейди трест бошқарувчиси ўринбосари Исмат Муҳаммадиев. –Жамоамиз бош пудратчи сифатида қурилаётган корхоналар дирекцияси ва вилоят гидромелиоратив экспедицияси буюртмаси асосида ишлайди. Қурилиш, тозалаш, таъмирлаш ишларига трест орқали 30 дан ортиқ субпудратчи ташкилотлар жалб этилган.

Тажрибали мутахассислар, Юрий Шиляев, Хайрулла Хидиров, Абдумажид Жумаев, Зоир Суронов, Николай Евсев каби механизатор экскаваторчилар меҳнатидан ҳамма мамнун. Зовурлар ёнидаги вагонларда ётиб чўлнинг иссиғу совуғига чидаб меҳнат қилаётган азаматлар меҳнатлари мақтовга лойиқдир. Очиғини айтиш керак, чўлнинг жизиллатадиган пашшасига ҳам, иссиғига ҳам, этни жунжитадиган совуғига ҳам ҳамма чидай вермайди. Мардлар ишлайди бу ерда.

Экскаваторчилар

Оқ олтингами, Мирзаобод ёки вилоятнинг қайси туманига борманг, катта зовурлар ёнида ишлаётган экскаваторларга кўзингиз тушади. Бугунги кунда Сирдарёда юздан ошиқ экскаватор мунтазам равишда ишлаяпти. Йиллар давомида кўзи бекилиб қолган зовурлар йўли очилиб тозаланиб бораяпти.

Бундан ташқари Хитой Халқ Республикасидан 42 дона экскаваторлар грант асосида келтирилган бўлса, яна 10 дона бульдозер Сирдарё ва Жиззах вилоятига бепул совға қилди. Вилоятда 2004 йили ёпиқ-ётиқ дренажларни таъмирлаш учун 7 та ПДТ русумли ювиш агрегатлари ажратилиб, 21 тага етказилди.

Шунингдек, Сирдарё вилоятидаги суғориладиган майдонларнинг ахволи инобатга олиниб, бошқа вилоятлардан 20 та экскаваторлар ёрдамга олиб келинди. Канал ва зовурларни тозалашда Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаваторчиси Борис Унгашев, С.Омонқулов, Абдусалом Ортуқов, вилоят гидромелиорация экспедициясидан Фахриддин Шарипов, Қурбон Розиқов, Ботир Ҳасанов, Абдуқаюм Шарипов, "Акмал" кичик корхонасидан Виктор Соитов, Хоразм вилоятидан Улуғбек Қурбонов, Виктор Котков, "Қувват" кичик корхонасидан Балқибой Анорбоев, 62-МККнинг одимловчи экскаватори машинисти Александр Шпилёвлар меҳнатлари мақтовга лойиқдир.

Ҳосилдорлик ошаяпти

Зовурларни тозалашдан, дренажли тармоқларини таъмирлашдан мақсад экин майдонларининг ҳолатини яхшилаб, ҳосилдорликни оширишдир. Хўш, зовурлари тозаланиб, дренажлари ювилган майдонларнинг аҳволи қандай, натижа қандай бўлди?

Гулистон тумани Улуғбек хўжалигининг "Истиқлол", "Сулаймон ота", "Яҳё ота", "Усмон Носир" хўжалигида, "Садоқат", "Даврон", "Ёрбек", "Бойтўра", "А.Носиров" хўжалигида, "Киши Чорбоқ" фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнерга ошиши кузатилди.



Мирзаобод туманидаги "Оқ олтин" хўжалигида, "Шуҳрат", "Давлат", "Бешариқ шаббадаси", "Гулистон" хўжалигида, "Учтом", "Саидикромхон" фермер хўжаликларида эса пахта ҳосилдорлиги 4-5 центнерга кўтарилди.

Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ана шу ишларнинг бажарилиши туфайли ҳосилдорлик 4-5 центнерга ошаяпти. Фермерларнинг оғзи қулоғида, чунки бу ишларнинг барчаси ҳукумат маблағлари эвазига бажарилаяпти.

Мисол учун, "Андижон" фермерлар уюшмаси ҳудудида бўлиб дренаж тармоқлари таъмирлаш участкасида қилинаётган ишлар билан танишдик.


–Олтита бригада ташкил қилганмиз, - дейди дренаж тозаловчи участка бошлиғи Ҳолиқ Қодиров. –30 киши ишлаяпти. Ихтёримизда экскаватор, трактор ва ювадиган агрегат бор. Нурмат Беркинов, Бобур Жалилов, Пирназар Абдураимов каби ишчиларимиздан ҳамма мамнун. Шу ерда биз "Акром" фермер хўжалиги раҳбари Комил Саидазимов билан суҳбатлашдик.

–Дренажларимизни тозалаб, таъмирлаб бераётганликлари учун таъмирловчиларга раҳмат, - дейди фермер Комил ака. –22 гектар ерим бор. 14 гектарида пахта, 8 гектарида ғалла етиштирдим. 48 центнердан дон олдим. 2004 йилда 21 центнердан пахта олган бўлсам, бу йил 30 центнерни чамалаб туриб ман. Дренажлар таъмирланиб, ернинг ранги ўзгарди, қуввати ошди, сал эътибор берсанг, тўлиб тошади.

Маблағ етарли бўлса...

15-сонли дирекциянинг 2005 йил "Манзилий Дастури" бўйича 2,0 миллиард сўм ажратилиб, бу маблағлар ички зовурларни сестемали реконструкциялашга, Сардоба зовурини реконструкция қилишга, Жанубий Мирзачўл каналидан сув олиш учун 7 та гидротехник иншооти қуришга, дизел насос станцияларини электрлаштириш объектларига ажратилди. Ярим йиллик режа тўлиқ бажарилди. Дирекция ходимлари мунтазам равишда қурилаётган объектларга чиқиб, ишларнинг боришини назорат қилиб турадилар.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Касби йўлларида гуллар поёндоз

Касби туманига кириб борар экансиз, икки томонлама йўлнинг ўртасидаги, йўл четларидаги ранг-баранг гулзорларни кўриб, кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди. Бир қарашда, водийни эслатадиган бу манзараларга беэътибор қараб бўлмайди. Сувини лотоклардан олиб келинадиган, саҳрога ўхшаган бу чўлларда нафақат анвойи гуллар, балки гиёҳлар ўстиришнинг ўзи бўлмаса керак. Шуларга қарамай, Касби пахтачиликда Қашқадарё вилоятининг энг кўп пахтасини берадиган туманлардан биридир.



Янги ўқув йилига шай

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида таълим-тарбия ишлари олиб бораётган Касби тумани халқ таълимида ҳам бугун янги ўқув йилига тайёргарлик авжида.

Туманда 54 та мактаб бўлиб, уларда 36700 нафар ўқувчиларга 2270 дан зиёд ўқитувчи-устозлар таълим бериб келмоқдалар. 28 та мактаб замонавий биноларга жойлашган.

Бу йил 44-мактабда 315 ўринли янги мактаб биносини қуриб ишга тушурилиши айниқса ўқувчилар учун катта совға бўлди. Янги мактаблар қуриш ва жорий таъмирлаш ишлари учун 1 миллиард 326,500 минг сўм маблағ ажратилган. Бу маблағни 324 миллион маҳаллий бюджет ва ҳомийлар томонидан берилган.

6, 42, 43, 33-сонли мактаблар бугун тўла капитал таъмирдан чиқарилиб янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди.

Мактабларда жами 214 дона компьютер техникалари мавжуд. Саидо Насофий, Шароф Рашидов, Алишер Навоий, «Қашқадарё» ширкат хўжаликлари томонидан 17 та компьютер мактаб



ўқувчиларига олиб берилган.

Мактаблар бюджетидан ташқари топилган 17 миллион 240 минг сўм жорий таъмирлаш ишларига сарфланди. Фақат мактаблар таъмирланибгина қолмай, синф хоналари, лабораториялар, эски парталар ҳам имкон даражасида созланиб янги жиҳозлар олинди.

Ўқувчиларни кенг ва озода, ўқув қуроллари билан жиҳозланган янги техника асбоб-ускуналари билан таъмирланган хоналарда дарс ўтишларига нима етсин.

2004-2009 йилларига мўлжалланган давлат умуммиллий дастури бўйича иш олиб бораётган туман халқ таълими ишчи-ходимлари келгусида мактабларни тўлиқ компьютер ва ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши учун ҳозирдан керакли чоратадбирлар кўриб бормоқдалар.



Иннат полвон

Касбиликлар Иннатулла Эрдоновни ана шундай ном билан аташади. Бир пайтлар кураги ерга тегмаган, Касби фахри бўлган Иннат полвон бугунги кунда "Олмосбек" фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаганига уч йилдан ошдики, у ҳамиша ғолибликни қўлдан бермай меҳнат қилаётир.

Ўтган йили у пахтадан 42 центнер ҳосил олиб, 185 тонна пахта ҳосилини давлатга топширган бўлса, бу йилги режалари ундан-да улуғ. Бу йилги режаси 200 тонна бўлса, 300 тоннага етказаман, деб "полвон" қаттиқ "кураш" олиб бормоқда. Бу йил 30 гектар ердан 56 центнердан ғалла ҳосили олди.

– Жами 136 гектар ерда меҳнат қилаётган 14 нафар ишловчининг манфаатдорлиги юқори бўлгани учун ҳам уларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари ўзгача, – дейди биз билан суҳбатда Иннатулла Эрдонов. – Ишлаган одам деҳқончиликда ҳеч қачон доғда қолмайди.

Ҳа, ишига яраша тушуми, дейди халқимиз. Жамоанинг 2004 йилда умумий даромади 47 миллион сўмдан ошди. Шундан соф фойда 30 миллион сўмни ташкил қилди. Иш кўзини билган хўжалик раҳбари шу соф фойда ҳисобидан 2 та "ТТЗ-80-11" русумли универсал тракторни лизинг асосида олди.

Ҳозирги кунда хўжаликда 7 та техника ишлаб турибди. Ишларни режали ташкиллаштиришда, ҳосил самарадорлигини оширишда бошга мўлжалланган бу баҳайбат молхонада шунча ҳайвонни кўпайтириб боқишнинг ўзи бўлмаслигини ҳис қилди. Ишни тавакkалдан бошлади.

"Абдураҳим Қаҳҳоров" фермер хўжалигида бугунги кунга келиб 200 та сигир, 70 та қорамол, 100 та қўй-эчки, 150 та курка боқишмоқда. Бу хўжаликнинг 20 гектар пахта майдони, 37 гектар беда, 4 гектар боғи бор.

Излаган имкон топар дейдилар. Абдураҳмон аканинг тиришқоқлиги, ишбилармонлиги боис Германиянинг ўт ўрадиган комбайни, 3 та МТЗ-80 тракторлари сотиб олинди. Сигирлардан ҳозиргина соғиб олинган сутлар шу ернинг ўзида Туркия технологияси асосида қайта ишланиб, ундан пишлоқ, сариёғ, қаймоқлар ажратиб олинади. Тумандаги касалхона, болалар боғчаларига бу хўжаликдан гўшт, сут, сарёғ, қатиқ сингари маҳсулотлар мунтазам етказиб берилади.

2003 йилдан буён фермер хўжалигини юритаётган Абдураҳмон акани чорва молларига бўлган қизиқиши бежиз эмас. Чунки у шу туманда узоқ йиллар йилга қадар чорва соҳасида фаолият кўрсатгани бугунги ишида ҳам жуда қўл келди. 20 нафар ишловчилар билан фаолият кўрсатаётган бу хўжалик келгусида фермани кенгайтириш, уни тўла қувват билан ишлатиш, олинган маҳсулотларни шу ернинг ўзида қайта ишловчи технологиялар сотиб олишни мақсад қилиб қўйишган.

Унга айниқса, иш бошқаришда катта ўғли Ўткир, турмуш ўртоғи Хайриниса опалар яқиндан ёрдам бермоқдалар.



Сут-қатиқ мўл бўлади

"Кимошди савдосида Абдураҳим ака 35 миллион сўмга молхона сотиб олибди", деган хабар бутун қишлоққа ёйилди. Абдураҳим ака бу бинони амаллаб сотишга сотиб олдию, бироқ 600 айниқса, Курбон Қўзиев, Акрам Ҳайдаров, Жаббор Эргашев, Гулнора Боймуродова каби оловқалб инсонлар меҳнати бекиёс.

Хўжалик ҳудудидаги қурилган каттагина молхонани ҳам фермер ким ошди савдосида 17 миллион сўмга сотиб олди. Ҳозир бу ерда 50 бошдан зиёд соғин сигир бор. Келгусида сутни қайта ишлайдиган мини цехлар сотиб олишмоқчи.

Ёш фермер

Туманда ёш кадрлар тайёрлаш, уларга иш



ўринлари яратиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бошқа соҳалар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида иш-лаётганларнинг кўпчилиги ёшлар экани кишини қувонтиради.

Умар Жўраев ҳам ёш, ғайратли фермерлардан биридир. У 2003 йилдан "Усмон Жўраев" номли фермер хўжалиги раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

23 гектар ернинг 10 гектари ғалла, 10 гектари пахта, 3 гектари боғдан иборат. Бу йил ғалладан 50 центнердан ҳосил олди. Пахтачиликда эса гектаридан 40 центнернинг ҳосилини кўзлаб меҳнат қилмоқда.

Ўтган йили 20 миллион сўмлик умумий даромад олди. Бу йил ҳам далаларда ҳосил чўғи яхши. Саноқли кунлардан сўнг ҳосилни йиғиб теришга тушадилар. Т-28 чопиқ трактори бор. Умар бу йил лизингга МТЗ-80-11 русумли трактор сотиб олиш тараддудида.

Сув танқислигини енгиб

Бу йил ғалладан 60 центнердан ҳосил олган "Нодир Собиров" фермер хўжалиги буғдойнинг 36 тоннасини давлатга топширган бўлса, қолганини ишчиларга бўлиб берди. Анвар Ҳақберидиев бошчилик қилаётган бу хўжаликда ишлар режа асосида ташкил этилганлиги боис август ойидаёқ далаларда пахталар чаман бўлиб очилиб ётганини гувоҳи бўлдик. 35 гектар ернинг 22 гектарига "Бухоро-6" навини экkан пахтакорлар пахта ҳосилдорлигини ошириш учун ғўзаларга вақтида ишлов бериш, маҳаллий ўғитлар солиш, вақтида сув бериш ишларини ҳадисини олганлар.

–Сувга анча қийналдик, - дейди биз билан суҳбатда хўжалик раҳбари, шу боис 3-4 хўжалик бир бўлиб лотокда сув олиб келсак бирмунча арзонга тушар экан. Шу ишни ортидан чопиб юрибман.

Хўжаликда Қўчқор Мирзаев, Ўктам Аллаев, Абдулла Мирзаев каби фидоий меҳнаткашларни ўрни катта.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА, суратлар муаллифи Собир НАРЗИЕВ.



Тўёнамизни қабул эт, Ватан!

Ҳар бир мамлакатнинг барқарор равнақини қишлоқ хўжалигининг аҳволи, қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда бозор эркинлиги тамойилларининг устуворлиги, экин майдонларидан самарали фойдаланишида агросаноат мажмуининг ўзаро уйғунлиги – маҳсулотни қайта ишлаш, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатининг янги технологиялар асосидаги тараққиёти даражаси белгилайди. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши ишлаб чиқариш муносабатларида бозор тамойиллари устуворлигини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони қишлоқда янги ташкилий тузилмалар барпо этилишини тезлаштириб, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлигини ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Жорий йилда 121 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари дон ва пилла сотиш бўйича шартномавий мажбуриятларни бажарди,- дейди Республика фермерлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Т.Бозоров.



Энг улуғ, энг азиз байрамимизни нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган паллада биз мамлакатимизнинг таниқли фермерлари далаларида бўлиб, уларнинг ўз хўжалигини ривожлантириш борасидаги режалари ҳақида суҳбатлашдик.

"Бахтим борки, ер эгасиман!"

Жиззах туманидаги "Саҳоб" фермер хўжалигининг раҳбари Камол Ўрозбоев мақсадимизни эшитгач, унинг асад қуёши тоблаган юзида бир илиқлик пайдо бўлди.



– Бахтим бор эканки, авжи меҳнат қиладиган даврим ана шундай дориломон фаровон даврга тўғри келди. Истиқлол менга ўзлигимизни таниш, эмин-эркин намоён этиш имконини берди. Мен ҳам кўп қатори ер олиб, фермер хўжалигимни ташкил этдим. Ўз турмушимни, оилам ҳаётини ўз меҳнатим, ақл-заковатим билан барпо этаяпман.

Албатта, бунинг ўзи бўлмайди. Меҳнат машаққатсиз кечмайди. Энг диликда ўз қишлоғидагина эмас, балки туман ҳатто вилоятда исми тилларга тушган, иши доврўқли фермер Камол Ўрозбоев қанчадан-қанча иккиланишлар, уйқусиз тунлар орқали бу кунларга етиб келди.

– Фермер бўлиш шунчаки катта майдонни эгаллаб ўз қобиғига ўралганича иш юритиш дегани эмас, – Камол Ўрозбоев оҳиста сўзлайди, бир фикрни айтишдан аввал уни бутун қалби билан ҳис қилаётганини сезамиз. – Фермер бутун юрт юмуши, эл ташвишига тушуниб, катта масъулиятни зиммасига олса ва унга муносиб бўла олсагина, орзуларига эришади. Ер олсаю, элдан ажралиб, ўзини ўз чекида ҳокими мутлоқ дея ҳис қила бошласа, бу унинг ҳам маънавий, ҳам моддий-молиявий инқирози...

Фермер Камол Ўрозбоев билан узоқ суҳбатлашдик, унинг 25 гектар пахтазорини айланар эканмиз, лўппи чаноқлардаги оппоқ пахталар салмоғидан баҳри-дилимиз очилди.

– 18 гектар ғалламизни барвақт ўриб-янчиб олдик, – дейди ҳайрлашиш чоғида Камол Ўрозбоев. – Ҳосилдорлик 75 центнерга етди. Қўлимиз пул кўрди, омборимиз донга тўлди.

Ғалладан бўшаган майдонларнинг бир қисмига иккинчи ҳосил учун турли экинлар экилган. Пахта терими бошланиши арафасида деҳқонлар бу экинларини обдон парваришлашмоқда. Картошка, маккажўхори, сабзи ва бошқа экинларнинг ҳозирги ҳолати ҳосил мўл бўлишидан нишона.

Салмоқли одимлар

– Фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдаги энг муҳим вазифа фермерларнинг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлашдан иборат, – дейди Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Сабоҳат Раҳимова. – Бу узоқ муддатга ижарага берилган ер майдонларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни кафолатлайди.

Фермер опа билан суҳбатлашганиз, Юртбошимизнинг тадбиркорлик фаолияти устидан назорат-



– Биз ерларимизнинг тупроқ-сув шароитини ҳисобга олмасак, асло кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз, – дейди суҳбатдошимиз.

Шарофат

ни чеклаш, тадбиркорлар қонунлар доирасида эмин-эркин ҳаракат қилишларини кафолатлашга қаратилган Фармон ва қарорларининг қанчалик ҳаққоний эканини англайсиз. Агар яқин-яқингача фермер ёки тадбиркорларнинг аксарият вақти турли назорат идораларининг ўринли-ўринсиз текширувлари, улар келтириб чиқарадиган оворагарчиликлар билан ўтса, эндиликда бундай ҳолатлар барҳам топди.

– Энди тонгни ишонч билан қаршилаб, асосий вақтимизни далада, иш бошида ўтказаяпмиз, – дейди Сабоҳат Раҳимова. – Натижа кутилганидан ҳам аъло бўлаяпти. Мана, ғўзаларимизга бир қаранг: ҳар тупи ҳосилдор, дастлабки кўсаклар ёппасига очиляпти. Эрта-индин терими бошлашга ҳамма нарсани тахт.

"Истиқлол"нинг 50 гектар экин майдони бор. Фермер унинг ҳар қаричини "китобдек ўқийди", десак лоф бўлмайди. Бу ерларнинг иқлими тупроқ шароити ўзига хос. Сув ҳам тақчилроқ. Шу сабаб экин навларини танлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

– Пахта навини танлашда ҳам шу шароитлар билан ҳисоблашилади, албатта. Биз асосан "Бухоро-6" нав чигитини экамиз. Бу нав бизнинг шароитимизга ниҳоятда мос, асосийси, сувсизликка чидамли. Ўтган йили шу навли чигитдан экиб, гектаридан 37 центнердан ҳосил етиштирдик. Пахтачиликдан 5 миллион сўмдан зиёдроқ фойда кўрдик.

"Истиқлол"нинг бу йилги одимлари ҳам дадил. Ғалла қисқа муддатда ўриб олиниб, ер кетма-кет шудгорланди. Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг мурожаатномасидан руҳланган пахтакорлар август ойининг ҳар лаҳзасидан фойдаланиб, кеча-кундуз тер тўкиб меҳнат қилишди. Натижада 25 гектар пахта майдонида кўзланган маррани қоплайдиган ҳосил етиштирилди. Ҳисоб-китоблар ҳосилдорлик 40 центнердан ортишини кўрсатмоқда. Айни кунларда кузги буғдой сепиладиган майдонлар ҳам тайёрлаб қўйилди.

"Ҳаётимни далага бағишладим"

дейди Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалигининг раҳбари Маҳбуба Отабоева.

Кейин бироз тин олиб, аллақандай ички бир қониқиш билан қўшиб қўяди:

– Кейинги 13-14 йил ичида, мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги ўзгаришлар деҳқон қаддини тиклаб олишига хизмат қилаётир.

– Аёл киши учун фермер хўжалигини бошқариш оғир эмасми? – сўраймиз таниқли пахтакордан.

– Албатта, оғир, – бироз ўйланиб жавоб беради Маҳбуба опа. – Лекин айтинг-чи, қайси иш енгил ўзи?

Ҳалол меҳнати билан обрў топган, эл-юртда танилган Маҳбуба Отабоева 22 йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилди. Ўша йилларни эсласа, опанинг юраги бир ҳапқириб тушади. Негаки, бригадирликнинг оғир-енгилини, ташвишларини шу вазифада бўлган кишигина билади. Бу йилларни опа "тоғ келса – кемириб, сув келса - симириб" ўтказди. Лекин ҳеч қачон умридан зорланмади, меҳнатидан оғринмади. Муҳими, одамларни та-



ниди, уларни қовуштириш, каттакатта вазифаларни бажаришга руҳлантира олиш маҳоратини эгаллади. Ана шу лаёқат ва тажриба унчалик оддий бўлмаган шароитларда фермер хўжалигини муваффақиятли бошқаришида қўл келмоқда.

Улар Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллигини пахта далаларида мўл ҳосил тўплаб, шартнома мажбуриятидагидан анча кўп – 50 центнердан пахта хом ашёси топширишга катта ишонч билан кутиб олмоқдалар.

* * *

Ҳа, Ўзбекистон фермерлари Мустақиллик байрамига ёруғ юз билан пешвоз чиқдилар. Далаларда тўпланган мўл пахта ҳосили уларнинг миллатимизнинг энг қутлуғ байрамига тўёнасидир.

С.ЖЎРАЕВ

Қарийб юзта мактабда 55 мингдан зиёд ёш авлодга таълим-тарбия бераётган 4600 нафардан ортиқ Пайариқ туман халқ таълими бўлими жамоаси "Таълим тўғрисида"ги қонунни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи вазифаларини рўёбга чиқаришда астойдил меҳнат қилаяпти.

Фурсатдан фойдаланиб, бу жамоа юртимиздаги устоз мураббийларни, келажагимиз эгалари бўлган ўқувчи ёшларни, хуллас, барча-барчани мустақиллик байрамининг 14 йиллиги билан чин дилдан қутлайди. Хонадонингиздан қут-барака, кулгу-табассум аримасин!

Пайариқ туман халқ таълими бўлими

Шу эл, шу юрт равнақи, дастурхонимиз тўкин-сочинлиги-ю, хирмонларимиз баракаси йўлида астойдил меҳнат қилаётган азиз бободеҳқонлар, шижоатли тадбиркорлар! Сизларни ва барча юртдошларимизни энг қутлуғ, энг муборак, энг-кўнгилчан кун Мустақиллик, озодлик, ҳурлик байрами билан муборакбод этамиз!

Обод юртнинг озод фарзандлари! Турмушингиз янада фаровонлашиб, бахтингиз баркамол бўлсин!

"Ғалла банк"нинг Самарқанд минтақавий филиали

Ўзимизнинг ускуналар хорижникидан қолишмайди

Ҳадемай, далаларда пахта йиғим-терим бошланади. Етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишда "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмаларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга молик. Ҳозирги кунда улар мавсумга пахта тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган.

Айни кунларда Миришкор тумани Жейнов пахта тозалаш корхонасида ҳам барча мавжуд воситалар пахта ҳосилини қабул қилишга ҳозирлаб қўйилган. Шу кунларда юз мингдан зиёд фартук, ўн мингдан зиёд шолча (пахтани қабул қилиш масканларида ишлатиш учун ва автоуловларнинг устини ёпиш учун) тахт қилиб қўйилди. Бундан ташқари, бу ҳудуд чўл зонаси бўлгани учун ҳар йили пахта йиғим-теримига кўплаб ҳашарчилар ёрдамга келишади. Уларни жойлаштириш учун шийпонларда ҳам шарт-шароитлар яратилиб, жойлар тайёрланган.



Бу йил туманда 25600 гектар ерга "Бухоро-6" навли пахта экилди. Чигит ерга экилиб, то пахта йиғиб олингунга қадар деҳқонлар билан бир қаторда корхона хизматчилари ҳам иш олиб борадилар. Корхонада 14 та агроном бўлиб, улар ўзларига бириктирилган ҳудудларга бориб далалардаги ғўзаларни доимий мониторингдан ўтказиб турадилар. Яъни, ғўзаларга ишлов, ўз вақтида сув, шарбат, минерал ўғитлар берилишини, кўсак қурти босадими-йўқми, барча ишлар улар томонидан назорат остига олинган.

Ўтган йили 57 минг тонна пахта қабул қилиниб, шундан 33 минг тоннаси шу корхонада қайта ишланди. Қолган 24 минг тоннаси бошқа пахта тозалаш корхоналарига юборилди. Бошқа заводларга маҳсулотнинг юборишнинг харажати ҳам ўзига яраша бўлади. Шу боис корхона бу йил туманда етиштирилиши режалаштирилган 60 минг тонналик пахтасини ўзида қайта ишлаш учун, янги линиялар очиш устида иш олиб бормоқда. Бу – қанча-қанча янги иш ўринлари очилади дегани, ҳозирда ишлаб турган 650 нафар ишчи-ходимлар ойлик иш ҳақи шу янги линия очилиш ҳисобига кўпаяди, дегани. Шуниси қувонарлики, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ишлари корхона кучи билан амалга оширилмоқда.

– Америка, Малайзиядаги пахта тозалаш заводларини бориб кўрдим, – дейди биз билан суҳбатда корхона раҳбари. – Ўзимизнинг ускуналар сифати, самарадорлиги билан улардан устун бўлса борки, кам эмас экан.

Корхонада тўртта ишлаб чиқариш бригадаси мавжуд бўлиб, улар уч сменада ишлашади. Туманда 10 та пахта қабул қилиш масканлари ташкил этилган. Бундан мақсад деҳқон-фермер хўжаликларини пахтани узоқ масофаларга ташиб, сарсон қилмаслик ва йўл харажатларини тежаб қолишдир.

Жараён

Ўтган йили корхонада 18950 тонна сифатли тола ишлаб чиқилиб, шундан чиққан 28570 тонна чигит Қарши ва Косон ёғ-мой заводларига юборилди. 2004 йилда умумий даромад 157 миллион сўм бўлган бўлса, шундан соф фойда 67 миллионни ташкил этди.

Корхона маъмурияти ёшларни ишга олиш, уларга иш ўргатиш борасида талай ишларни амалга оширмоқдалар. Корхона ёнгинасида Жейнов саноат коллежи бор. Шу йили коллежни битирган 65 нафар йигит-қизлар корхонага ишга таклиф этилди.

Ўтган йили туман деҳқонлари режага нисбтан 107 фоизга пахта етиштириш йиллик режасини уддалаган бўлса, бу йил бу кўрсаткични 120 фоизга ошириш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Албатта, бу ишларда пахта тозалаш корхонасининг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор.

С. НАРЗИЕВ
олган суратлар.





Кўчалар, ойдин кўчалар...

Бунёдкорлик, яратувчанлик инсоннинг турмуш тарзини безайдиган, унга ғурур-ифтихор бағишлайдиган фазилат. Шунинг учун ҳам ота-боболар бино қурган, иншоот тиклаган қурувчи-усталарни, йўл қурган йўлсозларни ҳамиша ардоқлаб келганлар.



Айниқса, мустақиллик йилларига келиб йўлсозу уйсоз усталарнинг, қуриш-тиклаш ишлари билан шуғулланаётган моҳир қўлли азаматларнинг қадри янада ортди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларида савлат тўкиб, турган биноларни кўрганда ёки ойнадай текис, равон йўлларда юрганда, "балли, отангга раҳмат!" деб олқиш ёғдирмайдиган киши топилмаса керак. Ҳа, Ўзбекистон қурувчилари, йўлсозларининг ишини эндиликда жаҳон андозалари билан қиёслаб-ўлчашга ҳам ўрганиб қолдик. Аслида-ку... йўлнинг аҳамияти нималигини ҳар бир инсон ёшлигидан билади. Бугина эмас, "йўл" тушунчаси халқимизнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шууримизда муқаддаслик касб этган. Эрталабдан қўл олишиб кўришган кишилар бир-бирларига "йўл бўлсин!" деб яхшилик, хайрли ниятлар тилаб муомала бошлайдилар. Бир-бирининг арзиҳолини тинглаб, аҳволларидан воқиф бўлгач, яна "йўлингиз бўлсин", "ниятларингиз амалга ошсин!" деган эзгу тилаклар тилиб хайрлашадилар. Йўл билан боғлиқ бўлган ёки йўл устида, йўл бошида, йўл якунланиб, дийдорлашув лаҳзаларида айтиладиган тилак-ниятлар, шеърқўшикларнинг-ку санаб-саноғига етиш мушкул.

Эндиликда мамлакатимизнинг қайси бир бурчагига қадам ранжида қилманг, замонавий технологиялар асосида йўл қуришни ўзлаштириб олган йўлсозларга дуч келасиз. Бундай олиҳиммат қурувчилар Қашқадарё вилоятида ҳам оз эмас. Йўлсозлар айниқса кейинги ўн-ўн уч йил ичида, мустақил давронимиз шарофати ила қурилаётган йўл қурилишларида яхши тажриба орттирдилар. Яна, бунинг устига, халқимиз изҳор қилаётган яхши тилак, хайрли ниятлар сабаб йўлсозлар ишлари янада олға силжиб, кўзлаган режаларга муддатида эришиш учун меҳнат қилмоқдалар

–Мамлакатимиз йўлсозлари, шу жумладан, Қашқадарё йўл қурилиш ишчи-ходимлари ҳам ҳозирги пайтга келиб жўшқин фаолият билан машғул, - дейди йўл қурилиш бошқармаси начальниги Зуҳриддин Муҳиддинов.

–2005 йил инвестиция дастурига киритилган А-380 "Нукус – Бухоро-Қарши-Ғузор" автомобиль йўлининг 711-714 километрларини, Қарши шаҳар ҳудудидан ўтувчи 3 километрлик қисмини реконструкция қилиш, қайта таъмирлаш ишлари бизнинг жамоамизга топширилган.

Интилиш

–Ушбу объект жорий йилнинг апрель ойида тендер асосида 950 миллион сўмга баҳоланди, "Муборак ИХТПТФК" ташкилоти бош пудратчи сифатида иш бошлаган эди. Узавтойўл ДАК Автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва қуриш бирлашган дирекцияси бу ишда асосий буюртмачи бўлди. Ҳозирча йўлнинг шу қисмида бажарилиши лозим бўлган барча хизмат турларини режа асосида бажариб келиняпти. Август ойи бошларида 693,463 минг сўмлик ишлар бажариб қўйилди. Ишларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишида ёрдам бераётган пудратчи ташкилотлар, жумладан, "Қарши автомобиль йўлларини 711-714 километрларини, Қарши шаҳар ҳудудидан ўтувчи 3 километрлик қисмини реконструкция қилиш, қайта таъмирлаш ишлари бизнинг жамоамизга топширилган.

Тоғлар бағридаги маскан

Бўстонлиқ мамлакатимизнинг энг гўзал, табиати бетакрор, ҳавоси мусаффо ва юксак тоғлар салтанатидаги жаннатмонанд масканларидан биридир.

Бутун Тошкент пойтахт вилоятини таъминловчи обиҳаёт манбаларининг ҳам зомини шу туман ҳудудидаги қорли тоғлардан бошланади.



Туманда 15 ширкат ва 346 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатишади. Тоғ ёнбағри ва адирларда деҳқончилик қилиш осон эмас. Аммо бўстонлиқликларда ажойиб фазилатлар мужассам меҳнаткаш, танти, содда лекин бир сўзлик. Уларни ҳеч иккиланмасдан тош устида ҳам ниҳол етиштира оладиган деҳқонлар десак, янглишмаган бўламиз.

Тумандаги экин экиладиган ерлар 9200 гектар бўлиб, шундан 3500 гектарини лалми ер майдонлари ташкил этади.

Ризқи насибамиз бўлган нон манбаи дон етиштиришда ҳам туман деҳқонлари йилдан-йилга яхши кўрсаткичларга эришиб боришаётир. Бу йил улар 13942 тонна дон етиштирдилар. Давлатга ғалла сотиш шартномавий режалари ортиғи билан адо этилди. Ҳосилдорлик гектарига туман бўйича ўртача 40,2 центнерга етказилди.

Мустақилликка эришганимиздан ва унинг шарофатидан ўргилай дейди, "Хўжакент" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдумалик ака Ҳайитов. Аввалларимиз шу ерлардан олинадиган ғалла ҳосили жуда борса гектарига 25 центнерга етарди. Қишлоқ хўжалигида мулк шакли ўзгариб, деҳқон мустақил бўлди, ер ўз эгасини топди. Меҳнатга яраша манфаатдорлик юзага келди. Яъни ишласанг ишингга яраша иньом оладиган давр келди. Масалан, хўжалигимиздаги ижарачилар Меҳри Каримова, Зокир Жўраев ва бошқалар гектарига 55-60 центнердан дон хирмонини кўтаришди. Буни тоғ иқлими шароитида жуда катта ютуқ деса бўлади.

Тумандаги "Сойлиқ" ширкат хўжалиги деҳқонлари эришган ютуқлар ҳам анча салмоқли. Ушбу хўжаликда ширкат аъзолари шартномадан ортиқ етиштирилган ғалла юз фоиз ўзларига беришган. Бу йил ижарачиларга 60 тонна дон тарқатилибди. Ўтган йили хўжалик 85 миллион сўм соф даромад олган экан. Шундан 20 миллион сўми ширкат аъзоларига дивиденд сифатида тарқатилган.

Экспорт ортмоқда

Бўстонликда ҳам йил сайин аҳоли сони ортиб бораётир. Уларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини кўтариш кўп жиҳатдан туманда саноатни ривожлантириш билан боғлиқ.

Туманда 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида саноат корхоналари томонидан 8057,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига қараганда 137,7 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръати эса ўтган йилига нисбатан 145,0 фоизга ошиб, 4653,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бўстонликда саноатнинг ривожланишида қўшма корхоналарнинг улуши катта бўлаётр. Ҳозирги кунда туманда олтита йирик қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Ушбу қўшма корхоналар мева-сабзавот консервалари, қандолат, сут маҳсулотлари, ароқ, товуқ гўшти ва дераза ойналари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

Жумладан, "Конмит", "Конвин", "Бўстонлиқ сут", "Голден винг" ва "Газалкент ойнаси" қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳар томонлама жаҳон андозалари талабларига жавоб беради. Бунинг исботи, жорий йилнинг ярим йилида 388,5 мини АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Туманда янги саноат корхоналарининг ишга туширилиши қўшимча иш ўринларининг вужудга келишига омил бўлаётир. Кўплаб ёшлар ушбу корхоналарда ўз меҳнат фаолиятларини бошлаб юбордилар. Масалан, биргина "Конмит" қўшма корхонасида бугунги кунда 300 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Туман меҳнат бўлимига мурожаат қилган 671 нафар фуқаро айнан шундай корхоналар борлиги туфайли иш ўрнига эга бўлдилар.

Шифобахш булоқ

Ўзбекистон Швейцарияси номини олган бу туман минг дардга шифо берувчи булоқ сувлари, тоза ҳавоси, гўзал манзараси билан доимо одамларни ўзига чорлаб келган.

Туман ҳудудидаги Чотқол, Хумсон, Оқтош, Товоқсой каби сиҳатгоҳлар, Чорвоқ, Белдирсой каби оромгоҳлар, ўнлаб дам олиш масканлари доимо одамлар билан гавжум бўлади.

Биргина Чорвоқ оромгоҳи 2005 йилнинг ярим йилида дам олувчиларга 332997 минг сўмлик хизмат кўрсатибди.

Аҳолининг сиҳат-саломатлиги йўлида 150 нафар шифокор, 1095 нафар ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишмоқда.

Туман шифохоналарида даволанаётган ва имтиёзга эга бўлган фуқароларни бепул пархез таомлар билан таъминланиши учун бир беморга бир кунда ўртача ҳисобда 520 сўмни , доридармон учун сарфланган маблағ 240 сўмни ташкил этмоқда.

Тумандаги 14 та қишлоқ врачлик пунктларидан бештаси янги қурилган ва 9 таси тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди. Улар етарли даражада тиббий жиҳозлар ва малакали тиббий ходимлар билан таъминланган.

Эътибор

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Бўстонлиқ тумани халқ таълими бўлими ва унинг тасарруфидаги таълим муассасалари томонидан "Таълим тўғрисида"ги Қонунни ҳаётга татбиқ этишнинг иккинчи босқичида белгиланган вазифаларни амалга оширилди.

Туманда 51 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, жами ўқувчилар 28881 нафарни ташкил этади.



Жорий йилда мактабларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун 3137,6 минг сўмлик жиҳозлар олинди. Иккита мактабда компьютер синфлари ташкил этилди. Биринчи синф ўқувчилари учун 12 хилдаги 18,8 миллион сўмлик ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 41,5 миллион сўмлик кийимкечак тарқатилди.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг қобилятини, имкониятларини, ўзига хос хислатларини ўрганиш, йўналтириш ва ривожлантириш мақсадида халқ таълими бўлими қошидаги Ташхис Маркази томонидан мактабларда психологик хизмат ташкил этилди. Ташхис марказининг тавсияси билан 535 нафар олти ёшли болалар биринчи синфга ўқишга тавсия этилди.

Таълим муассасаларида ўқувчилар саводхонлигини ошириш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида мунтазам равишда турли мавзуларда кўрик танловлар ўтказиб келинмоқда.

Тумандаги мактаб ва интернатларда 30 та замонавий спорт зали, 17 та футбол майдончалари ва 145 та волейбол, баскетбол ва қўл тўпи майдончалари мавжуд.

Туманда жами 233 та спорт тўгараклари ташкил этилган бўлиб, уларда 3221 нафардан ортиқ ўқувчи доимий равишда қатнашиб келишади.

Мустақиллик Бўстонлиқ халқи учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берди. Туманда халқ хўжалигининг барча соҳаларида иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганини кузатиш мумкин. Албатта қилинаётган бу ишлар яқин келажакда ўзининг янада ижобий самарасини кўрсатиши шубҳасиз.

Абдураззоқ КАРИМОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Суратлар муаллифи Гамиль ХАНОВ

Бир келиб-кетинг қишлоғимизга!

Таълим

Менинг илм олишдан будир муродим...

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 июндаги қарори асосида Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университетининг аграр факультети негизида Тошкент давлат Аграр университети Нукус филиали ташкил топган эди.

ТошДАУ Нукус филиалининг илмий педагогик салоҳияти, моддий-техник базасини замонавий технологиялар билан таъминлаш ва уларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қилинди, профессор-ўқитувчилар жамоаси кенгайтирилди.

–Филиалимиз бой моддий-техник асосга эга, -дейди биз билан суҳбатда филиал директори, техника фанлари доктори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдулла Ражабов. –Иккита ўқув биноси, 160 ўринли иккита талабалар уйи, 350 ўринга мўлжалланган маданият саройи, спорт саройи талаба ёшлар хизматида футбол, волейбол, баскетбол майдончалари мавжуд. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича талабаларнинг чуқур билим олишига имкон яратадиган ўқув тажриба хўжалиги фаолият кўрсатмоқда, 2004 йилда 50 гектар ғўза майдонидан 104 тоннадан зиёд пахта, 19 гектар ғалла еридан 36,8 тонна буғдой ҳосили етиштириб, юртимизнинг улкан хирмонига ўз ҳиссамизни қўшдик.

Талабаларнинг яшаш шароити ҳам яхшиланиб, ётоқхоналарда барча зарур қулайликлар яратилган телевизор, музлатгич каби жиҳозлар билан ҳам таъминланяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг "Республика қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги учун юқори малакали мутахассис кадрлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига кўра филиалнинг ташкилий тузилмасига ўзгартишлар киритилиб, "Агрономия" ва "Агроинженерия" факултетлари бириктирилиб, янги "Агрономия ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш", "Зоотехния" факултетлари ҳамда "Кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш" маркази ташкил этади.

Ўқув масканимизда компьютер ва информацион технология инфратузилмасини яратиш, уни таълим жараёнига киритиш ҳамда бошқаришни компьютерлаштириш, профессор-ўқитувчилар, талабалар учун интернет ва миллий илмий ўқув тармоғидан фойдаланишни кенг жорий этиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари автоматлаштирилган кутубхона тизимини ташкил қилиш ва унда 500 дан ортиқ маъруза матнлари электрон версияларини, электрон каталоглар тизими яратиш режалаштирилмоқда. Филиал компьютер парки замонавий компьютер техникалари билан тўлдириб борилаяпти. Интернет хизматидан фойдаланиш ва масофадан ўқитишни йўлга қўйиш мақсадида провайдер компаниялари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Филиал провайдер интернет тармоғига Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Тошкент педиатрия институти Нукус филиали ҳамда Нукус шаҳрида жойлашган бир қатор коллеж ва лицейларни улаш режалаштирилмоқда. Мутахассислик бўйича 25 мингдан ортиқрок адабиётлар ва университет профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган маъруза матнлари мавжуд. Профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган, "Билим" нашриётида чоп этилган 200 дона, ТошДАУ нашриётида чоп этилган 1042 дона ўқув қўлланмалари "Ресурс маркази (кутубхона)"га тақдим этилди. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар кутубхонада 20 дан зиёд ойнома ва рўзномалар билан танишиш имконига эга.

Ўқув лабораториялари ва кабинетлари талабаларга замонавий техник ускуналар ёрдамида амалий машғулотлар ўтказишда хизмат қилмоқда.

Филиалимизда ҳозирги вақтда 11 нафар фан доктори ва 12 нафар профессор, 45 фан номзоди ва 21 доцент талабаларга таълим беради, улар Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими билан биргаликда илмий ишлар ҳам олиб бориб, билим ва тажрибаларини оширишмоқда.

Айни пайтда ВИЗР (Санкт-Петербург), Малайзия МАРА университети, WINROOK int. Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш институти (АҚШ), Жанубий Корея Кумо миллий технология институти, Джон-Джеванс мактаби (АҚШ, Калифорния, Велица), CAFE-Нукус "Марказий Осиёга бағишланган ёрдам"нодавлат ташкилоти, Ўзбекистон-Олмония техник маркази мутахассислари ва олимлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, бундай имкониятлардан бахраманд бўлаётган ёшлар, менинг илм олишдан муродим шуки, камолотга эришиб юртимга ҳалол хизмат қиламан дейиши бу эзгу ниятга сидқидилдан интилиш шубҳасиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Davlat investitsiya firmasi

DAVINKOM

State investment firm

Давлат активларини (хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат акция пакетлари, улушлари, объектлар) биржа савдоларида сотиш бўйича Давлат мулки қўмитасининг ишончли вакили – «Давинком» Давлат инвестиция фирмаси

Мамлакатимиз халқини, жумладан, барча тадбиркорлар ва ишбилармонларни миллий байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги билан самимий қутлайди! Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилайди. Ҳаётингиз қувончларга тўлсин, озод Ватанимизнинг буюк келажаги ва халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!

Хозирги кунда «Давинком» ДИФ томонидан 2005 йил 16 август ҳолатига 110 та акциядорлик жамиятларининг – 60,55 млрд. сўм миқдоридаги давлатга тегишли акция пакетлари «Тошкент» Республика Фонд биржаси ҳамда 12,8 млрд.сўмга тенг миқдорида 430 дан ортиқ давлат объектлари ва маъсулияти чекланган жамиятларнинг давлатга тегишли улушлари Республика кўчмас мулк биржаси савдоларига чиқарилган.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

«Давинком» ДИФ Сизларни давлат активларини сотиб олишга чорлайди!

Бизнинг манзилгох:
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри,
Бухоро кўчаси 10, 700047 тел: 1333869, 1320732
web-site: http://www.davincom.uz
e-mail: davincom@davincom.uz

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки Сирдарё бўлими пахта ва ғалла ҳосили йиғимида фермерларга ўз вақтида имтиёзли кредитларни етказиб бераяпти. 561 та фермерга 1986590,0 минг сўм миқдорида кредит ажратилган.

Фермерга ҳамнафас

Мижоз манфаати, талаби ҳамиша инобатга олинади бу ерда. Шу боис йилдан-йилга мижозлар сони кўпайиб бораяпти. 2005 йил биринчи ярим йиллик якунига кўра, Миллий банкда мижозлар сони 14148 нафарга етди. Бу ўтган олти ой давомида 1364 тага ошганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда банк томонидан давлат ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги, қўшма ҳамда хусусий корхоналарга ва шу билан биргаликда вилоят ҳудудида ташкил топган якка тартибдаги мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда банк Янгиер шаҳрида жойлашган филиалга ва 5 та мини-банкига эга. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан Оқолтин туманида "Укубоев" мини-банки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли қарорига асосан Боёвут тумани Тараққиёт ширкат хўжалигида "Тараққиёт" мини-банки ташкил этилди. Ҳозирги кунда мини-банклар томонидан 616 та мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Булардан 476 та қишлоқ хўжалиги корхоналари ва 140 таси бошқа фаолият турлари билан шуғулланадиган юридик шахслардир.

Банк томонидан мижозларга хизмат кўрсатишнинг сифати йилдан-йилга ортиб бораётир. Мижозлар базасини кенгайтириш доирасида уларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида банк томонидан уларга "Банк-мижоз" тизимини кириТилиши асосий ўринни эгаллайди. "Ўздунробита" қўшма корхонаси, "Доридармон" АЖ, "Сирдарё таъминотсавдо" АЖ, "Гулистон савдо" МЧЖ, "Сирдарё телеком" АЖ, "Гулистон Экстрактёғ" АЖ, "Соғломлаштириш маркази" каби мижозлар халқаро стандартларга жавоб берадиган бу тизимдан тўлақонли фойдаланмоқдалар.

Хизмат

Банк томонидан аҳоли бўш пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш мақсадида талаб қилиб олингунча муддатли ва сўм пластик карточкалари жорий этилган. Шу жумладан, Республика Миллий банки томонидан баҳор айёми Наврўз байрамига бағишлаб йиллик 28,8 фоизли, муддати олти ой бўлган "Омонлик" муддатли жамғармаси жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг 2005 йил 27 июн 56В-сонли қарорига асосан "Жадал" йиллик 35 фоизли 2005 йилнинг 28 июндан 1 сентябргача 2005 йилгача қабул қилинадиган муддатли омонат жорий этилди. 2005 йилнинг 1 январ ҳолатига банк бўлими ва унинг филиалларида аҳоли омонатлари қолдиғи 9138 та жамғарма ҳисоб рақами бўйича 473627,9 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилнинг 1 июл ҳолатига эса аҳоли омонатлари қолдиғи 10195 та жамғарма ҳисоб рақами бўйича 614728,7



минг сўмни ташкил этди. Натижада 2005 йилнинг 6 ойи давомида аҳоли омонатларининг ҳисоб рақами 1057 тага ҳамда аҳоли омонатлари қолдиғи 141100,8 минг сўмга ошишига эришилди.

2005 йил ярим йиллик якунлари бўйича 7282 та пластик карточка эмиссия қилинди. Ҳозирги кунда 36 та корхоналар: МЧЖ Файз инвест ко ЛТД, Ўздунробита, Сардобгек М хусусий корхонаси, Мўминов Аскар хусусий корхонаси, "Глобус" хусусий корхонаси ўз иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олишмоқда. 30 та савдо нуқталарига терминаллар ўрнатилган бўлиб, уларнинг товар айланмаси 169 миллион сўмни ташкил этади.

Жами кредит портфелли ҳажми 2005 йил 1 январга нисбатан 1806,1 миллион сўмга ошиб, ярим йиллик якунига кўра 3838,7 миллион сўмни ташкил этди.

Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки Сирдарё бўлими томонидан валютани тартибга солиш, ўзаро қарздорликни камайтириш, контрактларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш, ташқи дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобини юритиш, хориждан келаётган ва кетаётган пул ўтказмаларини назоратга олиш, валюта айирбошлаш шохобчалари тўлақонли ишини ташкил этиш борасидаги ишлар янада кучайтирилмоқда.

Банк бўлимида 2005 йилнинг 1 август ҳолатига экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ва ҳисобдан чиқаришда жами 306520,75 минг сўмлик банк даромади олинди.

Ҳозирги кунда банк бўлимида рўйхатда турган жами 19 та импорт шартномаси мавжуд бўлиб, шартномалар суммаси 7819,9 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Экспорт шартномалари жами 5 тани ташкил этиб, суммаси 512,5 минг АҚШ доллари миқдорида Гулистон ёғ-экстракт хиссадорлик жамияти йил давомида 184,8 минг АҚШ доллари миқдорида ўсимлик ёғи экспортини амалга оширди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ

Излаган имкон топар

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида Қашқадарёда ижтимоий долзарб муаммолар: ишсизлик, кам даромадлилик, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Муаммоларни ҳал қилишда кам таъминланган аҳолининг барқарор даромад манбаларини шакллантириш Концепцияси асосида ёндашилди.

561 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича дастурлар ишлаб чиқилган, маҳалла ва қишлоқларда иш ўринлари ташкил этилган. Шу тариқа, аҳолини иш ўринлари ва меҳнат даромади билан таъминлаш мақсадида 42,3 мингта (шу жумладан, хотин-қизлар учун 16,4 мингта) янги иш ўринлари барпо этилиб, бу дастур режасига кўра 170,6 фоизни ташкил қилади. Иш ўринлари ташкил этиш учун молиялаш манбалари ҳисобидан 24,9 миллиард сўм маблағ сарфланди.



Юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжаликлари сони 24,6 мингга етди. Деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун 3,4 минг гектар ер майдони ажратилиб, 11,7 минг фуқаро иш билан таъминланди. Бундан ташқари 1022 та оилавий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган, бу соҳаларда ҳам 2,1 минг фуқаро иш ўринлари ва даромад манбаларига эга бўлади. Бандлик жамғармаси ҳисобидан 603,6 миллион сўм кредит ресурси ажратилиши эвазига 2305 нафар фуқарога иш ўринлари яратилди.

Шулар баробарида, кам таъминланган оилаларни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилиб, улардан 1100 оилага 438,6 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредит ресурси ажратилиши эвазига 2200 нафар фуқаро доимий иш ўринлари ва даромад манбаига эга бўлдилар. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йилдаги шу даврга нисбатан 183 фоизни ташкил этади. Имтиёзли микрокредит маблағларининг асосий қисми ишсизлик даражаси юқори бўлган Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаши туманларига йўналтирилган.




Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида 37 ўринда меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, бу тадбирлар туфайли 2,1 минг киши иш билан таъминланган. Ўтган йиллар мобайнида вилоятда 12425 нафар фуқаро маҳаллий иш ўринларига жойлаштирилди, 1390 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 100 нафари касбга ўқитилди, 1551 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланган. Бу борадаги дастурда белгиланган режа ижроси тўла бажарилди.

Республикамизда жорий йилни "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларни ҳомийлар маблағи эвазига моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш дастурига асосан 5252 оила 2309 та ҳомий ташкилотлар; корхона, муассаса ва хусусий тадбиркорларга бириктирилган. 13,5 минг кишига жами 462,7 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамлари уюштирилиб, бу кўрсаткич "Сиҳат-саломатлик йили" дастурига нисбатан 3 баробар ошириб бажарилган.

Вилоят ногиронлар жамияти, бадиий академия филиали, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ногирон болалар ўртасида "Мафтункор бўёқлар олами" мавзуида танлов ўтказилишига бош қўшиб, улар ичида иқтидорлиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ишларига ҳисса қўшилмоқда.

Бу хил хайрия йўналишидаги қўллаб-қувватлаш ва соғломлаштириш ишлари режага мувофиқ давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида 1302 нафар киши сиҳатгоҳларга йўлланма олган бўлса, кўзи ожиз ногиронлардан 44 нафарига сунъий кўз гавҳари қўйилди, 82 нафар ногирон протез-ортопедия маҳсулотлари билан, 65 нафар ногирон аравача билан, 51 нафари эшитиш мосламаси билан, 70 нафари таянч ҳаракат воситаси билан таъминланди. Маҳаллий ҳокимлар қарорига асосан 741 нафар парваришга муҳтож нафақадорлар ўзларига белгиланган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар, уларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари (жами 28,4 миллион сўмлик) бепул етказиб берилди. Ёлғиз яшовчи ва боқувчисини йўқотган оилалардан 124 тасига уй-жойларини таъмирлаш ишларида ёрдам бериб, бунинг учун 6 миллион сўм маблағ сарф қилинган. Ногирон болалар ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида Қарши болалар "Мурувват уйи"да II Параолимпия спорт ўйинларининг 1-босқичи ўтказилиб, ғолиблар аниқланди ва улар эндиликда республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. "Мурувват-саховат" уйларига ўтган даврда жиҳоз ва техникалар сотиб олиш учун 63 миллион сўм, таъмирлаш ишлари учун 34,5 миллион сўм маблағ ажратилиб, мазкур маблағларга зарур бўлган жиҳозлар ва автотранспорт воситалари сотиб олинди. Натижада қария ва ногиронларга кўрсатилаётган ижтимоий хизмат янада яхшиланмоқда.

(Ўз мухбиримиз)







Электроника дунёсига марҳамат!

"Мирсазава" хусусий корхонаси юртдошларимизни,
барча тадбиркорларни истиқлол байрами билан муборакбод этади.
Корхона товуш кучайтиргичлар, рангли мусиқа жамланмалари,
60 турдан ортиқ электроника
маҳсулотларини таклиф этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани
1-Абдулла Қаҳҳор тор кўчаси, 28-уй.
Тел.: 54-33-79, 54-12-19, 159-10-48

Янги ҳосилга мунтазир

Жиззах "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси пахтакору деҳқонларнинг ишига камарбаста бўлаётир. Унинг тасарруфида 7 та пахта тозалаш корхонаси 18 та пахта қабул қилиш масканлари мавжуд.

Ўтган йил ҳосилидан 231,2 минг тонна пахта хом ашёси қайта ишланди. Маҳсулотнинг асосий қисми, яъни 80 миллиард сўмлик тола экспортга чиқарилди, қолгани республикамиздаги ички истеъмолчиларга етказиб берилди.

Корхоналарда жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун цехлар қайта реконструкция қилинмоқда, янги серунум дастгоҳлар ўрнатилмоқда.

Бирлашма ўтган йилни 158 млн. сўм соф фойда билан якунлади. Топилган даромаднинг 95 миллион сўми девидент сифатида ишловчиларга тарқатилди. Бирлашма тизимида фаолият кўрсатаётган ишчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида сиҳатгоҳ ва санаторияларга бепул йўлланмалар берилади. Ҳатто ишловчиларнинг фарзандлари ҳам бирлашма маъмурияти эътиборидан четда қолган эмас. Бирлашмага қарашли оромгоҳлар ҳар йили ёз мавсумида 200 дан ортиқ болалар дам олиб келадилар.

Шунингдек бирлашма корхоналарида меҳнат қилиб, нафақага чиқиб кетган собиқ ишчиларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳам моддий ёрдам бериб борилади.



Бозор иқтисодиёти даврида иш тадбиркорлик билан, фан ва техника ютуқларига таяниб олиб борилмас экан, ҳар қандай корхона ҳам танназулга юз тутиши табиий. Шунинг учун Жиззах "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмасида барча ишлар пухта олиб борилишига ҳаракат қилинади.

Маълумки, Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалигида мулк шакли ўзгариб, аввалги ширкат хўжаликлари ўрнида асосан фермер хўжаликлари фаолият кўрсатишади. Бу албатта пахта саноати корхоналарининг ўз ишини қайта кўришини тақозо этади.

Чунки аввалги битта ширкат хўжалиги ўрнида 50-60 та фермер хўжалиги ўзи етиштирган ҳосилни корхонага топширади. Пахта тозалаш корхоналари, пахта қабул қилиш масканлари ҳар бир фермер билан алоҳида ҳисоб-китоб олиб борадилар.

Ҳудудий бирлашма бу йилги пахта ҳосили учун 5575 та фермер хўжалиги билан пахта етиштириб бериш бўйича шартнома тузган. Йил давомида фермерларга бўлажак пахта ҳосили учун бўнак пуллари бериб борилди. Пахта экилган далалар бирлашма томонидан мунтазам мониторингдан ўтказилиб, бу йилги ҳосилнинг чўғи башорат қилинмоқда. Фермерлар ҳам доимий равишда кўпгина масалаларда қайта ишлаш корхоналари билан ҳамжиҳатликда иш тутадилар. Ёрдамга зарурият туғилганда бирлашма томонидан фермерларга ҳар томонлама кўмак берилади. Яна саноқли кунлардан сўнг республикамиз далаларида пахталар очилиб, терим мавсумига киришилади. Миллий бойлигимиз бўлган пахтани ўз вақтида йиғиштириб олишда пахта саноати корхоналари жамоаларининг ҳам амалга ошириши лозим бўлган салмоқли вазифалар бор.



Ҳозирлик

Аввалambор, мавсумга пахта тозалаш корхоналари ва қабул қилиш масканларини, техника воситаларини тайёрлаш, дастгоҳларни соз ҳолатга келтириш, фермерларга фартуклар етказиб бериш лозим бўлади.

Бирлашмада 2005 йил ҳосилини қабул қилиб олиш учун барча ишлар ўз вақтида пишиқ-пухта қилиб бажарилди, мавжуд механизмлар капитал таъмирдан чиқарилиб шай ҳолатга келтирилди. Акмал Икромов номли пахта тозалаш корхонасига қарашли "Амир Темур" ва "Самарқанд" пахта қабул қилиш масканлари батамом янгидан таъмирдан чиқарилди. Бу ерда пахта топширувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Корхона ва масканлардаги мавжуд 32 та тарози, давлат текширувидан ўтказилиб тегишли лицензиялар олинди. Мавсумга 234 минг дона фартук, 10 мингта шолча ва бошқа зарур воситалар тахт қилиб қўйилди. Пахта нобудгарчилигига, ёнғин чиқишига йўл қўймаслик учун чора тадбирлар кўрилди.

Бироз фурсатдан кейин бирлашмага қарашли корхоналарига янги ҳосил юкланган техникалар карвони кириб келади. Бунда бирлашма корхоналари ва пахтакор деҳқонларнинг йил давомида қилган ҳамкорликдаги меҳнатларининг самараси яна бир карра намоён бўлади.

Китоб автойўлларидан фойдаланиш бошқармаси жамоаси апрел ойида бўлиб ўтган тендерда қатнашиб, ғолиб чиқишди. Натижада нақ 3 миллиард 300 минг сўмлик йўл қурилишидаги ишни бажариш уларнинг зиммасига юклатилди. Энди 220 кишилик бу жамоа қўлни-қўлга бериб йўл қурилиши ишларини тез ва сифатли жаҳон андозаларига мослаб қуриб битказишса бўлгани.



Бошқарма ишчи-хизматчилари ҳозиргача 1414 миллион сўмлик иш бажардилар. Булар асосан тупроқ ишлари, шағал ётқизиш, асфальт ётқизиш, йўл четига тўсиқлар биз билан суҳбатда бошқарма бошлиғи Камол Маҳкамов. – Деҳқоноободнинг пастбаланд, ўнқир-чўнқир йўлларини бир хил текисликка келтириш учун анча-мунча тер тўкишга тўғри келади.

Ёруғ манзилларга элтади

Йўлсозлар Германиядан келтирилган техникалар ёрдамида 4-категориядаги бу йўлни 2-категорияга кирувчи йўллар қаторига келтириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шубҳасизки, шунда ҳайдовчилар учун ноқулайликлар анча камаяди.

Имкон

Бу ҳудуд тоғли жой бўлгани сабабли сел сувларини оқизувчи сув йўллари ҳам янгиланиб, қувурлар ўрнатилмоқда.

Ишчи-хизматчилар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда фаолият олиб боришмоқда. Булар асфальт ётқизиш, тупроқ ишлари, шағал ётқизиш ва йўлнинг асосини яхши ҳолатга келтирадиганлардир. Бу ишларда, айниқса механизаторлардан: эксковаторчи Акмал Аралов, бульдозерчи Анвар Рўзиев, ишчилар Тоштемир Жабборов, Ориф Эрназаровлар ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Эртани бугундан ўйлаш керак. Бу ақидага амал қилган бошқарма раҳбарияти ёш кадрларни шу йўл соҳаси бўйича ишга чақириб, уларга иқтидорли ишчиларни бириктириб, иш ўргатмоқдалар.

Биз эса янги йўл очиш, янги йўл қуришдек савобли ва масъулиятли ишларни бажараётган йўлсозларимизга куч-қувват, тани-сиҳатлик тилаб қоламиз.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА



Республика акциядорлик тижорат банки "Ғаллабанк"

Барча ватандошларимизни, акциядорлар ва мижозларимизни мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами билан қизғин табриклайди.

Шу билан бирга сизга аҳолининг истеъмол талабларини қондиришга ёрдам берувчи "Ғаллабанк" истеъмол кредитларини таклиф қиламиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар ҳар бир кишини бефарқ қолдирмаса керак, албатта. Бу иқтисодий юксалишларни Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар натижаси деб ўйлаймиз.

Иқтисодиётда эришилаётган юксалишларда Республика банк тизимининг ўрни беқиёсдир, тижорат банклари аҳолига турли хил банк хизматларини таклиф этиб келмоқдалар, шундай банк хизмат турларидан бири бу истеъмол кредитларидир.

Истеъмол кредитлари бир томондан аҳолининг моддий неъматларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун восита бўлиб хизмат қилса иккинчи томондан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи маҳаллий тадбиркорлар маҳсулотлари сотилишини жадаллаштиради.

Жорий йилдан бошлаб Республика Акциядорлик Тижорат "Ғаллабанк"и ҳам аҳолининг халқ истеъмоли молларига бўлган талабини қондириш мақсадида истеъмол кредитлари ажратишни бошлади.

"Ғаллабанк" истеъмол кредитлари аҳолининг истеъмол талабларини қондиришга ёрдам берувчи кредит бўлиб, Ўзбекистон фуқароларига, 3 ойдан – 3 йилгача бўлган муддатга 500 минимал иш ҳақидан ошмаган миқдорда миллий валютада ажратилади.

Истеъмол кредити олиш учун буюртмачи ҳарид қилинаётган мулкнинг камида 20 фоизини накд пулда топшириши ёки "Ғаллабанк"даги омонат дафтарчаси ва пластик карточкасидаги маблағларини кучайтириш орқали ўтказади.

Истеъмол кредити қуйидаги таъминот турларининг бири ёки бир нечтаси асосида берилиши мумкин: мижозга тегишли бўлган кўчар ва кўчмас мулк, шу жумладан, қимматбаҳо буюмларни ёки қимматли қоғозлар (тижорат банклари акцияларидан ташқари) гарови: қарз олувчининг депозитлари ва қимматли қоғозлари жойлашган бошқа банк кафолати: қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этилган суғурта компаниясининг кредит олувчига келгусида тўланадиган суғурта суммалари ҳисобига кафолати: қарздор томонидан кредитни қайтарилмаслик хатарини суғурталанганлиги тўғрисидаги суғурта компаниясининг суғурта полиси: молиявий барқарор юридик шахслар кафиллиги: нотариал гувоҳлантирилган икки ва ундан ортиқ жисмоний шахснинг кафиллиги.

Бунда истеъмол кредити ажратилиши учун ёши 45 дан ошмаган Ўзбекистон Республикасида муқим яшайдиган ва барқарор даромадга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахслар кафил бўлиши мумкин.

Мазкур кредитлар бўйича фоиз ставкалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида белгиланади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, агар буюртмачи томонидан ҳарид қилинаётган мулк Республикамизда ишлаб чиқарилган бўлса, у ҳолда кредит учун фоиз ставкалари қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизи миқдоригача пасайтирилиши ёки бугунги кунда йиллик 12 фоизгача белгиланиши мумкин.

"Ғаллабанк" истеъмол кредитлари қуйидаги мақсадлар учун ажратилиши мумкин:

-аудиотехника, видеотехника, компьютер ва бошқа раидо-электрон жиҳозлар;

-маиший техникалар (музлатгич, совутгич, кир ювиш машинаси, чанг ютгич ва бошқа шундай техникалар);

-мебеллар, интерьер буюмлари, сантехника, уй-жойни таъмирлаш;

-тўлов-контракт асосидаги таълим муассасаларида ўқиш учун;

-даволаниш учун жумладан, дам олиш уйлари ва санаторияларга йўлланма сотиб олиш учун:

Биз сизнинг хизматингиздамиз, "Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

Тел: 136-15-01, 133-42-95, 136-05-99

Амударёлик каратэчилар довруғи

Спорт

Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қилолмайди". Бу ҳаққоний таърифни Амударё тумани спортчилари амалда исботлаяптилар.



Анча олдинлари мазкур туман полвонлари ҳар хил катта-ю кичик мусобақаларда энг яхши натижаларга эришиб, нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга эди. XXI асрнинг бошларида эса улар сафига каратэчилар қўшилиб, Амударё шуҳратини бошқа хорижий ўлкаларга ҳам ёймоқда. Ўтган тўрт йил ичида улар мамлакат ва халқаро мусобақаларда фаол қатнашиб, юздан ортиқ медаллар соҳиби бўлишди. Биргина 2004 йил амударёликлар Манғит шаҳрига 55 та медални олиб келди.



Масалан, Манғит шаҳридан Дониёрбек Кенжаев Ўзбекистон терма жамоаси сафида Болгариянинг Хосково шаҳрида бўлиб ўтган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда II ўринни эгаллади. Илдар Эриметов Марказий Осиё Чемпионатида иккинчи, Алфия Эриметова, Маъруфжон Усмонов, Алишер Комметовлар Қорақалпоғистон биринчилигида биринчи, Вячеслав Ли, Воҳиджон Жумамуродов, Раҳматжон Қодиров иккинчи, Ғуломжон Отажонов учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Манғитлик каратэчиларнинг Самарқандда ўтказилган "Қорбобо – 2004" мусобақаларида эришган ютуқлари ҳам чакки бўлмади. Улар шаҳардаги "Олимпия заҳиралари" мажмуида бўлиб ўтган қизғин спорт баҳсларида бешта медал соҳиби бўлишди.

Хуллас, амударёлик каратэчиларнинг йил сайин эришган муваффақиятлари салмоғи ошмоқда. Яқинда туманда бўлганимизда эришилаётган ютуқларни мураббий Илҳом Эриметов номи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тилга бот-бот олиниши бу инсон билан танишиш истагини туғдирди. У киши билан собиқ маиший комбинат мослаштирилган залида учрашдик. Бу ерда 30 нафарга яқин болалар ва ўсмирлар, турли ёшдаги спортсеварлар машқ олиб боришаётган экан.

Тўладан келган, исмтараси иссиқ, 40 ёшлардаги бу йигит билан суҳбатимиз дарҳол қовуша қолди.

Манғит шаҳрида Каратэ До федерацияси ташкил топди, , – дея гурунгни бошлади ҳамсуҳбатимиз. –Елиб-югуриб бўлса ҳам шу катта зални жиҳозлаб олдик. Ҳар куни мунтазам машғулотлар ўтказамиз. Бу халқаро мусобақаларда ҳам фаол қатнашиб, Амударё туманини шуҳратига шуҳрат қўшиш имконини берди. Масалан, 2002 йили 19 та, 2003 йил 25 та медал олган бўлсак, ўтган йили уларнинг сони 55 тага етди. "Сиҳат-саломатлик йили"нинг ўтган даврида шогирдларимдан 26 нафари ҳар хил мусобақаларда совриндор бўлди. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги шарафига ўтказиладиган беллашувларда ҳам каратэчиларимизнинг катта гуруҳи ўзларининг ранг-баранг чиқишлари билан байрам иштирокчиларини мамнун қилишади.



– Илҳом, маълумки, ҳар қандай ишнинг муваффақияти етарли шарт-шароитлар яратилишига айниқса, сизнинг соҳангизда. Негаки, мусобақаларда қатнашиш, спорт анжомлари... дегандек. Бу муаммолар қандай ҳал қилинаяпти?

– Тўғри, кўп нарсани, албатта маблағ ҳал этади. Бу масалани ечишда, биринчи галда туман ҳокимлигининг ёрдами ва ғамхўрлиги катта. Бошқа ҳомийлар ҳам кўмагини аямаяпти. Шундай бўлса-да, қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин бундан руҳимизни туширмай машғулотларни изчил давом эттирмоқдамиз. Чунки амударёлик каратэчилар жаҳон аренасида муваффақиятларга эришаётган экан, мухлисларимизнинг биздан умидлари бундан кейин янада катта бўлади. Бундай ишончни оқлашга бутун куч-қувватимизни сарфлайверамиз.

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин ҚАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ , Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25,
Котибият - 133-95-17,
Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04,
Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17;
Андижон – 8-374-22-234-08;
Бухоро – 8-365-22-644-61;
Жиззах – 8-372-22-648-72;
Навоий – 8-436-22-60-525;
Наманган - 8 – 369-43-311-81;
Фарғона – 8-373-61-221-97;
Самарқанд – 8-366-33-70-57;
Сурхондарё – 8-376-46-526-61;
Сирдарё – 8-367-37-23-813;
Тошкент – 8-371-136-56-21;
Хоразм – 8-362-22-623-50;
Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади
E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

"KOLOR PAK" МЧЖ корхонасида босилди. Манзил:Тошкент шаҳри, МУРОДОВА 1-А

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 -рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Реклама ва эълонлар учун буюртмачи жавобгар

Навбатчилар:
А.КАРИМОВ, Д.МАТКАРИМОВА, Ф.МАҲКАМОВА, Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Мусаҳҳиҳлар:
М.БЕКИЕВ, Б.ҚОДИРОВ.

Буюртма:1363

Дизайн устаси:
А.ИСМОИЛОВ, Р.ЁДГОРОВ, А.САФОНОВ

"O'zagrosug'urta" —
davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi,
унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги дирекциялари жамоалари мамлакатимиз халқини энг улуғ, энг азиз байрам, мустақилликнинг 14 йиллиги билан чин дилдан табриклайдилар.



Барчамизнинг хонадонимизни осойишталик, дастурхонимизни қут-барака, қалбларимизни қувонч тарк этмасин.
Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!
"O'zagrosug'urta" kompaniyasi сизнинг доимий ишончли ҳамкорингиз бўлиб, суғурта бозорида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ўз хизматларини кўрсатади.





Мурожаат учун телефонлар: 133-31-89, 133-32-85.

Суғурта хизматлари лицензияланган